

Эркин Усмонов

АЖАЛ ХИЁБОНИ

*(Саргузашт-детектив
қиссалар ва ҳикоялар)*



“ШАРҚ” НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2008

Олдиндан айтиб қўяй, саргузашт детектив ёзувчилигига даъвоим йўқ. Аммо, Эдгар По, Артур Конан-Дойл, Агата Кристи, Жорж Сименон ва ака-ука Вагнерларнинг асарларига бўлган болаликдаги ҳавас ҳали-ҳамон мени тарк этмай келади. Қолаверса, кутилмаган ҳодисалар, мураккаб тақдирлар, чигал муаммолару хаёлга ҳам келмайдиган ечимлар ва бу жанрнинг ўзига хос шиддати ҳар қандай кишини ўзига мафтун этиб қўяди.


Шу маънода, мен ҳам ана шу жанрда ўзимни бир синаб кўргим келди. Ўқидим, қизиқдим, ўргандим, изландим ва охир-оқибат қатор машқларим "Қонун ҳимоясида" журнали, "Хуқуқ", "Суҳбатдош", "Адолат кўзгуси" сингари газеталар саҳифаларида чоп этилди. Энг муҳими, мен шу аснода ҳуқуқ органлари ходимларининг меҳнати қанчалар оғир ва мураккаб, айтиш чоғда халқ манфаати ва юрт фаровонлиги йўлидаги фаолияти қанчалар масъулиятли эканлигига яна бир бор амин бўлдим.

Барча воқеа-ҳодисаларни бир ерда хизмат қиладиган ҳуқуқ идоралари ва ички ишлар ходимларининг машаққатли иш фаолияти асосига қуришга ҳаракат қилдим.

Бунга қанчалар эриша олдим, энди бу ёғи сизнинг ҳукмингизга ҳавола, азиз китобхон!

Муаллиф

НД 34655
392



Усмонов, Эркин

Ажал хиёбони: Саргузашт детектив қиссалар ва хикоялар. — Т. "Шарк", 2008 — 384 б.

ББК. 84 (5Ў)6

ISBN 978-9943-00-230-2



ҚИССАЛАР

АЖАЛ ХИЁБОНИ

*...У (Аллоҳ) ўлимни ва ҳаётни
сизлардан ким яхши амаллар
қилишини синаш учун яратди.*

Куръони каримнинг
«Мулк» сурасидан

Тезкор жинойт-кидирув гуруҳининг терговчиси, катта лейтенант Азаматовнинг боши қотиб қолди.

У ўзига топширилган янги «жиноий иш» билан яна, ким билсин, нечанчи марта танишиб чиқаркан, бу сафар ҳам, худди боши берк кўчага кириб қолгандек ҳис қилди ўзини.

Қўлидаги ҳужжатлардан маълум бўлишича, ўзига қарашли ҳудудга жойлашган, кейинги пайтда қаровсиз қолган хиёбондан бир ҳафта ичида кетма-кет учта одамнинг ўлиги топилган. Бири — таниқли киноактёр. Иккинчиси — бозор директори. Учинчиси — вақтинча ҳеч қаерда ишламаётган, собиқ ўқитувчи. Ҳаммаси уй-жойли, бола-чакали, қап-катта одамлар...

Жинойт-кидирув гуруҳини ажаблантирган нарса шуки, бу ходисаларнинг ҳеч бирида жинойт изи кўринмасди, тўғрироғи, бу ерда на қасддан одам ўлдириш, на босқинчилик белгилари кўринар, изқуварлар тили билан айтганда, «кон хиди» йўқ эди.

«Хўш, унда ўша фуқаролар қай тарзда ўлдирилган?» деган савол туғилиши мумкин. Азаматовни ўйлантириб қўйган муаммо ҳам шунда эди. Пичок урилмаган, заҳарланмаган, отиб ташланмаган, бўйнига аркон ташлаб бўғилмаган. Ажабланарлиси шундаки, марҳумларнинг танасида ҳам биронта тирналган ё кесилган ери кўзга ташланмас эди.

Азаматов бир хафта бурун суд-тиббиёт эксперти билан «ўликхона»га борганида ҳам бундан хайрон колган, ҳамрохи марҳумларнинг вафоти хақидаги хужжат ва маълумотлар билан таништириб, уларнинг ҳеч бири бирон жиддий хасталик билан оғри-маганини айтганида баттар таажжубланган эди.

Мана энди, хужжатларни кавлаштирганча, сигарет тутунига кўмилиб ўтираркан, нимадир ёдига тушди шекилли, беихтиёр телефон гўшагини қўлига олди ва ракамларни терди.

— Ассалому алайкум, Бурхон ака, хорманг, чар-чамаяпсизми? — деди сигарет қолдиғини кулдонга эзиб ўчиаркан. — Мени олдимга бирров кириб кетолмайсизми? Ҳа, маслаҳатли бир иш чикиб қолди.

Азаматов гўшакни жойига қўйиб, асабий ҳаракатлар билан хонада у ёқдан бу ёқка юрди-да, дераза ёнида тўхтади.

Ташқарида, ёзги сукунат чекиниб, кузнинг или-милиқ кунлари бошланганига карамай, ҳамон дарахтлар япрокларини тўкмаган, бандини тарк этиб ерга ўзини ташлаган битта-яримта шошқалоқ, заъфарон баргларни айтмаса, кузга ҳам ўхшамасди.

Эшик охишта чертилди ва аста очилиб, ичкарига сийраклашган сочлари оппоқ оқарган, тарашадек озгин киши кириб келди.

— Кечирасиз, Бурхон ака, ишдан қўймадимми? — деди Азаматов узрхоҳлик билан.

Эксперт «ҳечкиси йўқ» дегандек бепарво қўл силкиб қўйди ва девор тагидаги оромкурсига ўтирди.

— Ўзим бир чикиб, шахмат суришиб келсамми, деб ўтиргандим. Хўш, нима гаплар Рустам Турсунович, янгиликлар борми?

— Йўқ, Бурхон ака, ҳеч гап йўқ, — чукур тин олди Азаматов, — биласизми, мен сизни безовта қилганим, бир нарса сўрамокчи эдим?

— Марҳамат, қулоғим сизда, — деди эксперт тилла гардишли кўзойнагининг ойнасини «кух-кух»лаб рўмолчаси билан артаркан.

— Шу ... қайси куни «морг»га борганимизда, сиз сездингизми-йўқми, ўликларнинг юз-кўзларида оғриқми, азоб белгилари қотиб қолгандек туюлди менга...

Эксперт Умаров ялт этиб суҳбатдошига қаради:

— Тўғри пайқабсиз. Ўша куни бу ҳақда сизга айтгандим, негадир унчалик эътибор бермагандингиз. Мурдалардаги ўша ҳолатни мен ҳам сезгандим. Лекин, улар билан ҳеч нима содир бўлмаган-ку? Қандайдир, ғайритабиий, сирли равишда жон беришгандек...

— Агар ихтисосингиздан келиб чиқадиган бўлсачи? — унинг сўзини бўлди Азаматов.

— Тиббиёт нуқтаи назаридан айтадиган бўлсак, учовиям патологик ўлимга дучор бўлган. Буни экспертиза ҳам тасдиқлади. Масалан, ҳалиги артист бор-ку, Шариповмиди?

— Ҳа, — деди Азаматов гап давомини кутиб.

— Ўшани жуда азобда жон бергани кўриниб турибди. Қон-асаб томирлари бўртиб чиқиб қотиб қолган, тўқималари жуда тез бузилган, очиқ қолган кўзларида ҳам оғриқ, ҳам азоб аломатлари бор. Бунга, унинг қони таркибида аниқланган наркотик модда сабаб дейиш мумкин. Лекин бу ҳам камлик қилади. Чунки, у гиёҳвандлардан ҳам баттар аҳволда жон берган... Анави, ўқитувчига келсак, қўлоёқлари бутунлай акашак бўлиб қолган. Шимолий муз океанида яхлаб қолган одам ҳам бундай ҳолатга тушиши қийин. Буни устига ҳали кунлар иссиқ. Ҳалиги, учинчиси ким эди? Тижоратчими?

— Ҳа, бозор директори, — деди Азаматов яна беихтиёр сигарет қутисига қўл чўзиб.

— Уям анча қийналган. Текширув хулосаларига кўра, унинг ўлигини хиёбондан чиқаверишдаги ариқ ичидан топишган. Гўё уни кимдир таъқиб этгану, у қочишга урингандек... Бўлмасаку, шундок шаҳар маркази. Ўша ариқ билан катта кўча орасидаги ма-софа бор-йўғи йигирма-ўттиз метр, холос...

— Ўша кунни у хиёбон якинида ким биландир учрашиши керак бўлган, — унинг сўзини бўлди Азаматов. — Хабарингиз бор, машинасидан тушиб шу хиёбон тарафга юрган. Кимнидир кутган. Учрашганми-йўқми, номаълум.

— Хўп, ана, ким биландир учрашган, ё биров уни қувиб келган бўлса ҳам кимдир кўриши, бозор директорининг ёрдам сўраб бақириб-чақирганини битта-яримта эшитиши керак эди-ку? — кизишди Умаров. — Лекин, бундай бўлмаган. Энг кизиги, сўнгги дақиқаларда унинг юраги ёрилиб ўлган! Ё нимадандир каттик қўриб кетган, ё чўчиган!

— Шундай бўлиши мумкин, — суҳбатдошига синчковлик билан тикилди Азаматов. — Тергов натижаларига кўра, у ўша кунни стресс ҳолатида бўлган. Кейинги пайтларда унинг ишда қолиши ё қолмаслиги масаласи кўриляётган экан. Балки, чўкаётган одам хасга ёпишгани каби, у ҳам ўша нотаниш одам билан учрашувдан нажот кутгандир?

— Бунисини худо билади, — елка қисиб қўйди Умаров. — Лекин, барибир юрак ёрилиб ўлиши учун жиддий сабаб бўлиши керак. Ишдан бўшаётганлар сон мингта, аммо ҳаммаси ҳам бунақа ахволга тушавермайди. Ўша бозор директорини ўзингиз кўрдингизку, девдек бақувват, тоғни урса талкон қиладиган, соғлом йигит бўлган. Мен атрофлича танишиб чиқдим. Умида бир мартагина касалхонага иши тушган, холос. Уям бўлса, болаликда кўричаги операция қилинган экан. Бошқа дарди бўлмаган. Боз устига, ичмаган-чекмаган. Юраги у ёқда турсин, «касаллик тарихида», ҳатто шамоллагани ҳақида икки оғиз гап ҳам йўқ.

— Ҳамма гап шунда-да, Бурхон ака, — деди Азаматов ва ўйчан тарзда қўшиб қўйди. — Бошим қотиброк қолди. Агар биронтасининг юраги ё жигари оғир касал эди, десак, бошқа гап эди. Агар бу уюштирилган жиноят десак, бунга ҳам ўхшамайди.

— Гувохлар бор эди-ку? — сўради Умаров, — улар нима дейишяпти?

— Тайинли гап йўк, — деди Азаматов мужмал килиб. — Қайси кун и ўқитувчи Ғанихўжаевнинг уйига бордим. Жуда бечорахол одам экан. Кекса ота-онаси, хотини, бешта боласи бор экан. Эрдан кайтган синглиси ҳам иккита боласи билан уларникида яшаркан. Маҳалла-кўйдан ҳам суриштирдик. «Жуда яхши йигит эди. Фақат кейинги пайтларда ичкиликка берилиброк кетганди. Кўп гапирдик, тан-бех бердик, панд-насихат қилдик, кор қилмади», дейишди. Кейин, мактабдан, ишдан бўшатишибди...

— Мактабга ҳам ароқ ичиб бораверган бўлса керак-да? — лўкма ташлади Умаров.

— Ҳа, шунга ўхшаш бир гап, — давом этди Азаматов. — Кейин Эски шаҳарда мардикорчилик килиб юрибди. Қўлида тузук-қурук касби-ҳунари бўлмаган одам нимаям қила оларди. Чорсу бозорида арава судраб, юк таширкан. Топганини ичаркан. Охир-окибат уйига ҳам келмайдиган бўлиб қолибди. Охирги марта уни катта қизи вокзалда бошпанасиз дайдилар орасида кўрган экан. Йиғлабди-сикгабди, ялинибди-ёлворибди, «уйга юринг» дебди. Ҳарҳолда, нима қилсаям ота-да! Ғанихўжаев бўлса сўкиб, хайдаб юборибди. Ўшандан кейин икки кун ўтгач, хиёбондан ўлиги топилди. Бу ёғини биласиз...

— Қолганлари-чи? — қизиксинди Умаров.

— Улар ҳақида ҳам бир нима дейиш қийин, — деди Азаматов ва бир нарсани эслагандек кўшиб кўйди, — кеча актёрнинг уйига боргандим...

— Хўш, хўш? — ажабланганини яширмади Умаров.

— Ҳа, шунчаки ўзим, ўша тарафга йўлим тушиб қолганди, — давом этди Азаматов. — Актёрнинг жасадини аллақачон туғилган қишлоғига, Бекободга олиб кетишганидан хабарим бор эди. Шунга қармай, негадир унинг уйига бир мўралаб ўтгим кел-

ди. Хуллас, эшик қўнғирогини босдим. Хеч ким очмади. Энди оркага қайтмоқчи эдим, шу пайт ичкаридан шип-шип кадам товушлари эшитилгандек бўлди-ю, ўша захоти тинди. Хайрон бўлдим. Назаримда, ичкарида кимдир борга ўхшади. Яна эшикни такиллашиб кўрдим. Очилмади. Ташқарига чиқдим. Актёр яшаган учинчи қават деразасини санаб, тахминан топдим... Ва шу пайт кутилмаганда, ўша хона деразасининг тавақалари аста-секин очилаётганини кўрдим, қандайдир одамнинг шарпаси ҳам кўзга ташлангандек бўлди... Югуриб оркамга қайтдим, яна эшик қўнғирогини босдим. Нихоят, эшик кулфи шиқирлаб аста очилди...

Катта лейтенант Азаматов ўз соҳасида суяги қотган, тажрибали эксперт-криминалистнинг шу топда камоли хайрат ичра ўзига тикилиб ўтирганини кўриб, негадир кулгиси кистади, лекин буни сездирмасликка ҳаракат қилди ва беихтиёр ўзи ҳам, ўша кунги манзарани кўз олдига келтиришга уринди...

... Шундай қилиб, сиртига қизғиш чарм қопланган темир эшик аста-секин очилди ва остонада эгнига парча гулли хаворанг халат кийиб олган, тўлқин-тўлқин сочлари нозик елкалари узра паришон ёйилган, шахло кўзларида алланечук кўрқув ва хавотир аломатлари муҳрланиб қолган хушкомат аёл пайдо бўлди.

Катта лейтенант Азаматов уни таниди. «Морг»га боришганда кўрганди. Ўшанда қоп-қора рўмолу кўйлақда бўлгани учунми, унчалик эътибор бермаган экан. Дарров таниди. Қаршисида турган бу дўндиккина жувон, шоирлар «малаксийрат» деб таърифлайдиган, ўзининг хусни латофати билан ўз вақтида кўпларни қуйдирган, аммо кейинги пайтларда кўринмай қолган машҳур раққоса эди. Аёл эса гўё рўпарасида турган одами кўрмаётгандек, гўё

бўшлиққа тикилиб қолгандек туюлди Азаматовга. Йўқ, раққоса тезгина ўзини қўлга олволди.

— Ў, ў, сизмидингиз, лейтенант? — деди у товушининг титраб кетганини, ўзининг нимадандир безовта эканлигини яширишга уриниб. — Келинг!

— Кечирасиз, бемавруд келиб қолдим, шекилли-а? — деди Азаматов хиёл ўнғайсизланиб.

— Йўқ, нега? — ширин жилмайди аёл. — Сиз мени кечиринг, ухлаб қолибман. Қўнғироқ товушини эшитмабман.

Ичкарига, дид билан безатилган, аммо кўпдан бери қаровсиз қолганлиги шундоққина кўриниб турган мўъжазгина хонага киришди. Гулқоғоз елимланган деворларига ранг-баранг фотосуратлар, афишалар ёпиштириб ташланган. Қандайдир ҳайкалчалар биллур идишларга тўла бурчакдаги баҳайбат жавону пианино, «Филлипс» телевизор-ю видеомагнитофон устини ҳам чанг, ис босиб ётарди. Шоҳи дастурхон ёзилган стол устидаги нозиккина гулдонга солинган чиннигуллар эса, буларнинг акси ўларок худди ҳозир узиб олингандек яшнаб турарди. Азаматов аввалига бунга хайрон бўлди, яқинроқ бориб қарагандан кейингина пластмассадан ишланган сунъий гуллар эканлигини кўрди.

— Кофеми, чойми? — деди аёл ясама жилмайиб.

— Йўқ, раҳмат, ҳеч нимага овора бўлманг, — деди Азаматов. — Ҳозир кетаман. Шў ердан ўтиб қолгандим, бир хабар олиб ўтай деб...

— «Мени ҳам йўқлагудек бир замон яхши», — дея сунъий хитоб қилди аёл ва кафтларини жуфтлаб хиндча таъзим қилди, — ташаккур, лейтенант! Мен ҳозир...

Ва зум ўтмай ичини чирк босган стаканда канд ва бир паррак лимон солинган чой қуйиб келиб сохта тавозе билан унга узатди. Азаматов ноилож олди-ю, стол четига қўйди, лекин ичгиси келмади. Стакан-

нинг доғ-дуғлиги ёқмади. Шу топда унинг дикқати-ни бутунлай бошқа нарса, хонага ўрнашиб қолган қандайдир қўланса, ачимсиқ, айнаи чоғда бошни айлантиргувчи бир хид ўзига тортган эди...

— Биласизми, у ниманинг хиди эди, Бурхон ака? — сирли кулимсираб қўйди Азаматов.

— Қўкнорими? — ўсмоқчилаб сўради эксперт Умаров.

— Йўқ. Наша хиди эди. Жудаям бошқачаси... Мен буни дарров пайкамаганимга аввалига хайрон ҳам бўлдим. Кейин раққоса ҳам эшикни дарров очмагани ва мен кетгач, дархол дераза тавақаларини очиб ташлагани, артистлик қилиб мени чалғитишга уринаётганининг боисини тушуниб етдим. «Хонима хоним» мен келган пайтда наша чекиб кайф қилиб ётган экан.

— Э, кайфини бузиб қўйибсиз-да? — илжайди Умаров.

— Ҳа, шунақа деса ҳам бўлади, — уни маъқуллади Азаматов.

— Э, тавба! Хотининиям худо уриб қўйган экан-да?! — хитоб қилди Умаров надомат билан, — Хўш. Хўш, кейин-чи? Кейин нима бўлди?..

... Катта лейтенант Азаматов шундан кейин раққоса хоним яқингинада чеккан наша унга энди таъсир кўрсата бошлаганини сезди-ю, индамай ўтираверди. Уй бекаси анчайин устомон аёл экан. Аммо у ҳар қанча «артистлик» қилмасин, ранг-кути ўчиб, гезариб, қуруқшаб бораётган лаблари унинг аҳволи рухиясини ошкор қилиб турарди.

У аввалига «бошим оғриброк турибди, ахамият берманг» деб кўрди. Сал ўтмай «кўнглим айнияти» деб ташқарига чиқиб келди, «ўзимни ёмон хис

қиялпман» деб оромкурсига чўкди, чиройли, текис оёқларини чалиштирган кўйи, кафтини пешонасига босиб бир оз паришон қиёфада ўтирди, кейин кутилмаганда кўзларини йириб очганча Азаматовга қараб турди-да, бирдан елкалари силкиниб йиғлаб юборди...

Айни чоғда унинг ҳолати яна ўзгарди. Тирсакларини тиззаларига тираганча, кафтлари билан бошини чангаллаган кўйи тебраниб, «Мендан мени сўрама» дея таниш бир ашулани ҳиргойи қила бошлади...

Катта лейтенант Азаматов унга бепарво қараб қўйди-ю, кейин ошхонадан муздек сув олиб чикиб ичирди. Раккоса эса худди эси оғиб қолгандек яна бир неча сония тебраниб ўтирди-да, кейин яна ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Анчадан берими? — деди Азаматов гўё «ҳаммасидан хабарим бор» дегандек хотиржам оҳангда.

Аёл эса бу гапни кутмаган экан шекилли, бирдан тиз чўкиб унинг қўлларига ёпишиб олди.

— Йўқ, бу мен эмас, лейтенант! Ўша... ўша сволоч мени шу нарсага ўргатиб кетди, — деди қалтираб. — Мен чекмасдим. У чекарди, томиридан ҳам оларди. Шериклариям шунақа одамлар эди. Улар ифлос, бузуқ одамлар эди, лейтенант! Ҳаммаси, ҳаммаси!

Катта лейтенант Азаматов ўзининг терговчилик фаолиятида бунақа зору тазарруларни кўп кўргани, кўп эшитгани ёхуд ўзи табиатан анча лоқайд одам бўлгани учунми, аёлнинг дийдиёларига ортиқча эътибор бермади, индамай ўтираверди.

— У эса, — майин патгилам устида этаклари таранг сонларигача очилиб қолганига ҳам парво қилмай тиз чўкиб ўтирган аёл худди ўз-ўзи билан гаплашаётгандек давом этди, — у ўлиб қутилди. Мен-чи? Мени азобда қолдириб кетдику, аблах! Ух, қани энди, қўлимдан келса-ю, гўридан чиқариб олиб, бурда-бурда қилиб ташласам!

— Ўлганлар хакида бундай дейиш яхши эмас, — бош чайкади Азаматов.

— Ўлган?! — аёлнинг чехраси бирдан ўзгарди-ю, кейин пиқирлаб кулиб юборди. — Вой, манави гапни қаранглар! Ўлган эмиш! У аллақачон ўлиб бўлган эди-ку? Беш йилдан бери наркоман эди. Роллариниям ичиб, чекиб ўйнарди. Газета-журналларда эса уни «мард, довюрак актёр, ҳар қанақа трюкларни, машинадан сакраб тушиб қолиши, юриб бораётган поездга осилиши, хаммасини дублёрсиз ўзи бажаради» деб ёзишарди. Билишмасдики, у бу трюкларни «допинг» билангина бажарарди. Кайфда шер бўлиб кетарди-да! Уни ҳеч ким бу йўлдан қайтаролмасди. Бунни режиссёр, оператор оғайнилари билишарди-ю, сир сақлашарди. Факат кўғирчоқ қилиб ўйнатишарди, холос. У улар учун пул, шон-шухрат манбаи бўлиб қолганди...

Катта лейтенант Азаматовни ўрнидан турганини кўрган аёл яна унинг оёқларига ёпишди.

— Илтимос, бирон нима десангизчи, лейтенант? — ёлворди у. — Мен нима қилай? Агар ёрдам бермасангиз, ўзимни деразадан ташлайман, ё мана шу ҳаром уйга ўт қўйиб юбораман. Тупураман хаммасига! Менга унвону нишонлар ҳам керакмас, лейтенант! Айтинг, менга соғлиғимни, ёшлигимни қайтариб беришсин? Бу худо қарғаган уй. Бу — уй фоҳишахона. Бу ерда наркомания ҳукмрон эди!..

Ана шу ерга келганда Азаматов бирдан хушёр тортди ва қизиксиниб аёлга каради. Аёл буни сезди шекилли, унинг кўзларига сархуш назар ташлади ва аламли жилмайди.

— Ха, буни ҳамма биларди, — деди секин, — биларди-ю, миқ этмасди. Ким билсин, балки машхур киноактёр билан кетворган раққосани авайлашгандир-а, лейтенант? Гапирсангизчи! Мана, мен сизга хаммасини айтдим. Сиз нима дейсиз ё бошингизни қотириб ўтирмай шартта турмага тикиб қўя қола-сизми?

Боядан бери тилига тушов тушгандек гаранг турган Азаматов ялт этиб аёлга қаради:

— Нега энди, албатта қамалишим керак, деб ўйлайсиз?

Аёл позик елкаларини учириб қўйди:

— Ким билади, милицияда мендақаларни камашади-ку?

— Хаммани эмас, — деди Азаматов унга синовчан тикилиб, — агар мен сизга ёрдам берсам-чи?

— Ёрдам? — чиройли кўзларини пирпиратди аёл ва бирдан хонада унинг яна телбаворий кулгиси янгради. — Менга қанақа ёрдам беришингиз мумкин, лейтенант? Энди менга фақат гурков ёрдам бериши мумкин, холос. Тушунаяпсизми, гурков!

— Жуда унчаликмас, — кескин бош чайкади Азаматов, — хали яхписиз!

— А, а, тушунарли! — чалак чалиб юборди аёл. — Демак, сизгаям ёқаман. Эркаклар мени фақат тўшакда олиб ётиш учун яралган, деб ўйлашларини билардим...

— Жиннилик килманг! Отланинг, кетамиз! — деди Азаматов босик оҳангда ва унга қўл чўзди.

— Менга яқинлашманг! — кўзларида совук бир ўт ялтираб кетди аёлни. — Яқинлаша кўрманг! Худди бутун «дом»ни бошга кўтараман. Додлайман! Терговчи офицер мени зўрламокчи бўлди, дейман!

— Бунга ҳеч ким ишонмайди, — совуккина қилиб деди Азаматов ва қўшиб қўйди, — наркоман хотишнинг гапларига ҳеч ким ишонмайди!

— Унда ўзимни ўлдираман! — шивирлади аёл.

— Ўлдиролмайсиз! — деди Азаматов ва йўлакка чикиладиган эпик ёнига бориб тўхтади. — Мен мана шу ерда тураман. Кўрқманг, яқинлашмайман. Бир жойга борамиз. Отланақолинг, вақтим йўқ!

Аёл эса бир лахза хайронлик билан унга тикилиб қолди. Шу топда унинг нигоҳида хайроналик билан бирга алланечук алам ва андух, ҳасрат ва оғриқ, хазин ва ғамбода бир паришонлик бор эди...

— Хўш, кейин нима бўлди? — сўради эксперт Умаров ҳамон катта лейтенантнинг ҳикоясини камоли диққат билан эшитиб ўтираркан.

— Нима бўларди? — оғир сўлиш олди Азаматов. — Раққоса хонимни «Наркология маркази»га топширдим. Кейин прокуратурага хабар қилдим. Йигитлар уйни муҳрлаб келишди. Ўша атрофга кузатувчилар тайинладим. Агар актёрнинг хотини айтган гаплар рост бўлса, ўша «нашахона»га сотувчи, чопарлар ё мижозлар албатта келиши керак.

— Буни тўғри қилибсиз, — уни маъқуллади Умаров, — хўш, анави бозор директори хақида нима гаплар бор? Кўмишибдими?

— Ха, ўтган куни чиқаришган, — лоқайдгина жавоб берди Азаматов. — Тўпланган ҳужжатлар ёстикдек бўлиб қолди-ю, ичида тайинли гап йўқ. Бир ёқда прокурор Алиев ҳадеб «нима қиялпсизлар?» деганидеган. Тиббий экспертиза хулосаларини олиб кириб бердим, яна унча-мунча маълумотлар йиғилган. Лекин, минг қилгандаям ёзувлару рақамлар «соқов»да! Гапирмайди.

— Йўқ, гапирди. Рустам, гапирди, — кизишди Умаров, — мана кўрасиз, кўнглим сезиб турибди. Учала ўлим ҳам бир ерда содир бўлган. Учови ҳам қарийб бир хил, сирли равишда ҳаётдан кўз юмган. Назаримда учовини боғлаб турган иш ҳам битта бўлиши керак!

— Қанақа иш? — тушунмади Азаматов.

— Биласизми, Рустам Турсунович, «бир нуктада кесишадиган чизиқлар» деган тушунча бор. Чизиқлар аниқ. Булар — жабрланган марҳумлар. Уларнинг кесишиш нуктаси ҳам аниқ. Бу — хиёбон. Фақат, ана шу чизиқларнинг бошланиши, шу нуктага бошлаб келган йўлни аниқлаш лозим.

— Ана холос! — илжайди Азаматов. — Хамирдан қил суғургандек ҳал қилиб қўя қолдингизку, Бурхон ака!

— Ха-да, — деди ишонч билан эксперт, — сизга қандай туюляпти билмадим, лекин мени назаримда ана шу учала жабрланувчини битта нарса боғлаб турганга ўхшайди.

Азаматов кифтини учирди.

— Боя сиз ўзингиз айтдингиз. Мархумларнинг юз-кўзларида азоб, оғриқ аломатлари котиб қолган, дедингиз. Уларнинг сўнгги ҳолати бир-бирига жуда ўхшаш, дедингиз. Мен айтаётган «чизик»лар айнан ана шу ҳолатга келиб тақалиши керак. Буни қўнглим сезиб турибди.

— Шерлок Холмс бўлиб кетинг-е! — кулиб юборди Азаматов.

— Йўқ, мен «доктор Ватсон»ман, Рустамжон, — жиддий киёфада деди Умаров ва у ҳам ўзини тутолмай қолди.

Кулишишди.

— Гапларингиз қизик, доктор Ватсон. Ха, ха, ҳамма нарса бўлиши мумкин, — деди Азаматов хонада у ёқдан-бу ёққа юраркан. — Уч-тўрт кундан кейин бозор директорининг уйига ўтиб келмоқчиман, ҳозир борсам бўлмас.

— Ие, нега? — ҳайрон бўлди Умаров. — Айнан ҳозир боришингиз керак. Қўнгил сўраганнинг айби йўқ. Гуруҳингиз билан дуои-фотиҳага боргандек ўтиб келаверинглар, келган-кетганларни кузатиш имконияти туғилади. Ёмон бўлмайди!

— Зўрсиз, зўрсиз, Бурҳон ака, — кулимсиради Азаматов. — Буям яхши гап. Дарвоқе, сизда ўша кунни хиёбонда олинган суратлар бор-а?

— Бор.

— Прокурор бир кўрсам девди.

— Парпиевми?

— Ха, жуда миждов одам, — бурнини жийирди Азаматов, — бир ҳафта чўнтагига солиб юрди. Энди яна кўргиси келиб қолганмиш...

— Яхши, ҳозир кизлардан чиқариб юбораман. — ўрнидан кўзгалди Умаров, — Унда менга рухсат!

У эшик томонга юраркан, елкаси оша қараб кўз кисиб қўйди:

— Лекин барибир тайёргарлик кўриб юраверинг! Шахмат тахтасида бир эзишим бор!

— Шунча эзилиб юрганим етмагандай-а? — жилмайди Азаматов.

— Буниси ҳали холва, шахмат тахтасидаги бошқача бўлади, — деди Умаров кўрсаткич бармоғи билан шифтга никтаб.

— Майли, нимаям деймиз, мен тайёр, — деди Азаматов қўлларини ёйиб, — енгилсангиз, ўзингиздан кўрасиз!

— Келишдик!

Эксперт чикиб кетди. Эшик ярим очик қолди...


Катта лейтенант Азаматов унга тикилганча ўтираркан, беихтиёр ўйга толди: «Худди манави лаънати «жиноий иш»ни эслатади. Ярим очик. Ярим... қизик, худди биров кириб келадигандек!...»

Шу топда, Азаматовнинг назарида ҳақиқатан ҳам кимдир кириб келадигандек эди. Бир зум эшикка, йўлакдан эшитилаётган кадам товушларига қараганча, қулоқ тутиб ўтирди. Лекин эшикдан ҳеч ким кириб келмади. Ярим очиклигича қолаверди...

Катта лейтенант Азаматов тушдан кейин ўзининг жиноят-қидирув гуруҳидан яна икки кишини олиб марҳум бозор директори Хўжаевнинг уйига кетди. «Гулзор» деган маҳалланинг этагида қад кўтарган янги иморатлар қаторида экан.

Хайдовчи узокдан эгнига тўн кийиб, бел боғлаб ўтирган ўн-ўн беш чоғли одамларни, йўл чеккаси енгил машиналарга тўлиб кетганини кўрди ва Азаматовнинг ишораси билан машинани секинлатиб, йўл чеккасига олди.

Яхшиям форма кийишмаган экан. Уларни ҳам таъзия билдириб келиб-кетиб турган одамларнинг



бири сифатида қарши олишди. Факат Хўжаевнинг укаси, қошлари мўйловдек ўсик, чорпахилдан келган қоп-қора йигитгина Азаматовни таниб қолди-ю истикболига ошиқди. Катта лейтенант уни уч-тўрт кун бурун ички ишлар бўлими бошлиғи хонасида кўрган, икки оғиз гаплашган ҳам эди.

Азаматовни бу уйга биринчи келиши эди. Шунинг учун ҳам Хўжаевнинг данғиллама иморатини, бу ердаги асъасаса-ю дабдабани кўриб, ханг-манг бўлиб қолди. Йўк, бу уй эмас, нақ қаср эди.

Ранго-ранг гулларга кўмилган хайхотдек ховли гир айлана икки-уч каватли иморатлар билан ўралган. Юқори қаватларга чикиладиган нақшинкор айланма зиналардан ташқари, эскалатор ҳам ўрнатилган эди. Уни гириллаб ишлаганидагина пайқашди. Ховли ўртасида эса катта мармар ховуз, нилуфар гули шаклидаги фаввора тизиллаб сув пуркаб турибди. Дарахт шоҳларидаги катта-кичик қафасларда канарейка-ю тўтиқушлар чуғурлашади. Битта поезд вағони сиғадиган узун йўлак ўртасига улкан стол ясатиб қўйилган бўлиб, унинг атрофидаги бамбукдан тўкилган оромқурсиларда эса беш-ўн чоғли киши жимгина суҳбатлашиб ўтиришарди. Дастурхондаги ноз-неъматларга-ку, таъриф йўк. Парракланган бозорнинг олд казилари-ю, pista бодомлардан тортиб, косадек-косадек олма-анорларгача нафис, қимматбаҳо биллур идишларга ўйиб ташланган эди.

«Худди тўйнинг ўзи, — кўнглидан ўтказди Азаматов ёйғиниб, — фақат битта ашулачи етишмайди, холос».

Шериклари — лейтенант Собитов билан сержант Қорабоевлар ҳам анграя-анграя ичкарига ўтишди. Дастурхон ёнига ўтиришди. Жиккаккинадан келган, эчки соқолли чол қалтираган товушда тиловат килди. Фотиҳа ўкилгандан кейин туришмоқчи эди, қўйишмади. Чой қуйиб узатишди. «Овқат тайёр эди», деб ярим коса-ярим коса сергўшт шўрва олиб келишди. Ноилож ўтириб қолишди. Бир-бирларига ҳижолато-

муз қараб кўйишди-ю, нимаям кила олишарди, таом келтирилгач, ташлаб чикиб кетиб бўлмайди, расми шунака!

Улардан олдинроқ келиб даврада ўтирганлар бу йил кузнинг кечикаётгани, ҳавонинг исиб кетгани, лекин бу пахтага яхши эканлиги ҳақидаги суҳбатларини давом эттиришди. Азаматов ва унинг шериклари бу гапларга араланишмади. Азаматовку, далани телевизорда кўриб, ўзи шаҳарда дополик қиладиган кишиларни ёқтирмасди. Энсаси қотиб ўтираверди. Овқатдан кейин энди ўрниларидан туришаётган ҳам эдики, олдига катта дарпарда тутилган ҳашаматли айвон тарафдан кимларнингдир гўнғир-гўнғир товушлари, эркак кишининг сўкингани, оркасидан «Кетаман дедимми, кетаман» деб бакиргани эшитилди. Кейин парданинг бир чети очилиб, бошига қора дуррача танғиб олган ёшгина жувоннинг оқ-сарикдан келган юзи кўринди. У кимнидир имлаб чақирди, нимадир деб қулоғига шивирлади ва зум ўтмай эшик олдида бел боғлаб ўтирган йигитлардан икkitаси югуриб, айвондан сочлари тўзғиб, кўйлаги ёкавайрон бўлиб кетган, хушбичим мўйловли, чиройлиқкина йигитни қўлтиклаб, худди омов судрагандек кўчага олиб чикиб кета бошлашди. Йигитча эса кайф аралаш инграр, «Шунака бўлишини билардим. Тоғам одам эмас, аждаҳо эди, ямламасдан ютарди» деб гўлдирагани-гўлдираган эди.

Катта лейтенант Азаматовнинг ёнида ўтирган Хўжаевнинг укаси унга ўнғайсизланиб қараб, ясама табассум қилиб кўйди. Азаматов қўлларини фотиҳага ёзиб, туришга рухсат сўради. Фотиҳа ўқилди. Ташкарига чиқишди.

Эшик олдида қўл қовуштириб турган хассакашлар уларнинг чикиб келаётганларини кўриб, «Уят! Ўзининг тоғасиниям шунака дейдими одам?», «Аздор ҳовлига ичиб келадими?» деб тўнғиллаб туришар, бояги ширакайф йигитча эса йиғидан қизарган юзини алам билан тимдалаганча ҳамон гувранарди:

— Мен айтгандим... Хаддингиздан ошманг тоға, дегандим. Харом юкмайди, дердим. Йў-ўк, бу акам кучайиб кетдилар, хар гапни бирида «ғинг деганни пулни почкаси билан уриб белини синдираман» дердилар. Мана энди ўзлари синиб ётибдилар...

Катта лейтенант Азаматов, унинг шериклари ва мархум бозор директори Хўжаевнинг укаси нокулай вазиятда остонада тўхтаб қолишди... Йигитлардан иккитаси бояги йигитчани судраб йўл чеккасидаги «Тойота» тарафга етаклаб кетишди.

— Маъзур тутасизлар, — Азаматовга юзланди корамтир кўзойнак тақиб олган зиёлинамо одам ва хижолатомуз кулимсиради. — Қаюм рахматлининг жияни. Алаmidан озгина ичиб олибди. Жигар-да! Куяди!..

Катта лейтенант Азаматов ва унинг шериклари маст йигитча тарафга қараганча туришаркан, Хўжаевнинг укаси уларга яқинлашди. Азаматов унинг нимадир демоқчи эканлигини сезди-ю индамади. Улар машинага ўтиришгандагина Хўжаевнинг укаси унга энгашди:

— Бирон янгилик йўкми, командир?

Азаматов «йўк» дегандек бош чайқади.

— Майли, майли, — деди Хўжаевнинг укаси зўрма-зўраки илжайиб. — Энди бир секретний гап... — у овозини пасайтириб тез-тез шивирлади, — эшитишимча, ўша куни Қаюм акамни кимдир қўнғирок қилиб чақиртириб, каттагина пул сўраган экан...

— Ким? — хайрон бўлди Азаматов.

— Билмасам? — елка қисди Хўжаевнинг укаси мўлтираб. — Бу ёғи энди сизларга боғлиқ. Агар бирон харажати чиқадиган бўлса, мархамат! Мен... биз Қаюм акам учун туриб берамиз! Гап бўлиши мумкин эмас!

Азаматов ижирғаниб юзини ўгирди-да, «яхши» дегандек бош ирғаб хайдовчига имо қилди. У машинани ўт олдирди. Катта йўлга чиқиб, шаҳар маркази

томонга боришаркан ҳамки, улар жимгина ўтиришар, гўё ҳаммаларининг хаёлидан ҳозиргина кўрганлари — Хўжаевнинг данғиллама уй-жойи-ю, ичиб олган жиянининг айтганлари кулоклари тагида жаранглаб турарди.

«Хаддингиздан ошманг, тоға», дегандим. «Харом юкмайди», дердим. Йў-ўк, бу акам кучайиб кетдилар. Пул билан белини уриб синдираман» дердилар. Мана энди, ўзлари синиб ётибдилар!..»

«Демак, ўртага пора аралашган кўринади, — ўйлаб қолди Азаматов йўлга тикилганча бораркан, — лекин ким билан учрашиши керак бўлган? Ўша, кўнғирок қилиб катта пул сўраган қорчалон ким бўлдийкин?

Шундай дейилса, ўша куни Хўжаевнинг ёнидан унақа катта пул чиқмаган эди-ку?.. Қизик, тўхта-чи! Чек қогози бўлиши мумкин-ку, ахир? Эҳ, қаллава-рам, нега шу нарса олдинроқ хаёлимга келмабди? Хар нима бўлгандаям, Хўжаевнинг ўлими бежиз эмас кўринади?..»

У шундай хаёллар билан сигарет тутатди-да, хайдовчига қаради:

— Идорага хайда! Маслахатли иш чикиб қолди!..

... Пайшанба куни эрталабдан бутун гуруҳни прокуратура маҳкамасига чақиртиришди.

Катта лейтенант Азаматов қилинаётган ишлар ҳақида қисқача ҳисобот берди. Лекин бу гаплар на бош терговчини, на бўлинма бошлиғининг муовини, капитан Саидовни қониктирмади.

— Бунақада масалани жиддий кўриб чиқишимизга тўғри келади, Рустам Турсунович, — деди полковник Алиев асабийлашиб. — Шаҳар ичидаги кичкинагина бир хиёбондан кетма-кет учта одамнинг жасади топилса? Бунақаси бўлмаган! Агар эпллмаётган бўл-

сангизлар, гуруҳни четлатиб, бу ишни бошкаларга топширишимга тўғри келади!

Азаматов норози киёфада бошини эгди.

— Нима кияпсизлар, ўзи? — аччиқланди полковник Алиев. — Бу ишни ўша хиёбон сизга қарашли худудда жойлашгани учун, сиз ўша ерларга масъул бўлганингиз учун топширгандик...

— Шу ҳафта ичида ҳаммасини тугатамиз, — деди Азаматов лабларини қимтиб.

— Кўйсангизчи, лейтенант, — қовоғини уйиб қўл силтади полковник, — бир ҳафта ўн кундан берисига тайинли бир натижа чиқарилмаган иш бир ҳафтада битармиди?

Ҳеч ким индамади. Гуруҳ аъзолари бир-бирларига маъноли қараб қўйишди.

— Сизда айтадиган бошқа гаплар йўқми, капитан? — ёнида ўтирган Саидовга қаради полковник Алиев.

Капитан Саидов «йўқ» дегандек бош чайқаб қўйди-да, секин қўшиб қўйди:

— Ҳар қандай жароҳат вақтида олди олинмаса, кейин газак олиб кетади, — деди у вазминлик билан. — Бу жиноий ишга жиддийроқ қараш керак. Акс ҳолда одамлар орасида шов-шув янаям кўпайиб кетади. Шундок ҳам ҳаммаёқда дув-дув гап!

Катта лейтенант Азаматов унга қараб ижирғаниб қўйди, лекин индамади.

— Тўғри, ортикча миш-мишларга йўл қўймаслигимиз керак. — деди полковник Алиев ўрнидан туриб, — Бўлмаса, гап бундай. Ҳозирча, лейтенант, сизни огоҳлантириш билан чекланаман. Лекин янаги ҳафта яна кўришамиз. Колганини ўшанда гаплашамиз. Ҳаммангларга рухсат!

Гуруҳ аъзолари бўшашиб қўчага чиқишди. Катта лейтенант Азаматовнинг кайфияти жуда ёмон эди. Шерикларига «Юринглар, энди «огоҳлантириш»ни ювамиз, деганди, улар унашмади. «Зарур ишлар бор эди» деб тарқалиб кетишди. Азаматов ноилож

тушликни ёлғиз ўзи «Нептун» ресторанида килишига тўғри келди. Бўкиб ичди ва алламаҳалда аранг уйига етиб келди. Шу ётганча икки кун ишга бормади.

Унга алам қиларди. Ишларининг юришмаётгани, оиласидаги нотинчликлар, яна ҳам алам қиладиган ери бош терговчининг азалий душмани капитан Саидовнинг олдида уни изза қилганига сира чидаёлмасди.

«Хали кўрамиз, — дерди у ичида ёниб. — Сенлар хали Азаматовнинг совунига кир ювмабсанлар! Хали мен сизларга кўрсатиб қўяман!..»

Бир-бирини қувлаб кунлар ўтди. Жиноий-қидирув ишларида эса хар бир дакика ҳисоб-китобли, яъни хар бир лаҳзада қандайдир ўзгариш бўлиши мумкин. Катта лейтенант Азаматов шундан кўп сиқиларди. Назарида, ҳаммага етиб ортаётган 24 соат унга етмаётгандек туюларди. Ана шу диккинафас, асабий кунларнинг бирида у ишхонага келди. Қабулхонада сержант Қорабоев уни кутиб ўтирган экан. Ўзи айтмоқчи, «интересний» фактлар топиб келганмиш. Хонага киришди.

Маълум бўлишича, киноактёр Шарипов, собик ўқитувчи ҳамда бозор директори Хўжаевларнинг ўлиги топилган хиёбоннинг ўрнида беш-ўн йил муқаддам кўхна кабристоннинг бир бўлаги сақланиб қолган экан. Бир томони жарлик, бир томони аллақачонлар бузиб ташлашга мўлжалланган баландпаст, қинғир-кийшик уйлару жинкўчалардан иборат қадимги маҳаллада Окмомо деган бир фолбин кампир яшаган экан. Асли кимлиги номаълум, икки кўзи ожиз бўлиб қолган, ёшини яшаб, ошини ошаган бу букри кампирнинг қутичадек ховлиси хамиша келди-кетдига тўла бўларкан. Бефарзанд жувонлару, ўғил-қизи ё эри бедарак кетганлар, ишда омади юришмаган қорчалонлару оғир дардга йўлиққан бе-

морларгача ана шу ховлида навбат кўтиб, турнактор бўлиб ўтиришаркан.

Энг қизиғи шундаки, ўша фолбин кампир хузурига келган одамнинг кафтини кўлига олиб сийпалаб кўргач, ё «сиз чикиб кетинг, сизга даво йўк» деркан, ё «сиз ичкарига кириб туринг» деб хонага таклиф киларкан. Айтишларича, дунёдан ёлғиз яшаб ўтган бу кампир харом-харишга ўрганган кишиларни, бузук ва фахш кимсаларни кафтини сийпалаб туриб айтиб бера олар ва бунақа одамларга «энди қайтиб келмай кўяқолинг, бу тупрок харомни кўтармайди» деб жавобини бериб юборавераркан. Шунинг учун бўлса керак, уни ошкора ёктирмаган одамлар оркаваротдан у ҳақда «жодугар», «ялмоғиз кампир», «ўзича Ванга» деб гапириб юришаркан...

— Нега бу чўпчакларни менга айтиб ўтирибсан? — сержантнинг гапини бўлди Азаматов. Унинг бунақа гапларга на вақти, на тоби-токати бор эди.

— Йўк, сиз шошманг-да, Рустам ака, бу ёғини эшитинг! — деди сержант шошилиб. — Ҳамма гап шундаки, одамлар ўлган хиёбон ўша кампирнинг уйи атрофида барпо килинган экан.

— Бўлиши мумкин, — бепарво кўл силкиди Азаматов ва асабий равишда сигарет тутатди, — буни ҳеч ажабланадиган ери йўк. Шаҳар ҳозир ўзгариб кетди. Эски шаҳар ҳам анчадан бери ободонлаштириляпти.

— Лекин, ўша кампирда бирон гап бормикан, деб ўйлаб қолдим-да, — кўзларини пирпиратди сержант.

— Қани ўша кампир? Бор эканми? Мабодо, тутиб олиб келмадингми? — кинояли илжайди Азаматов.

— Йўк. Кексаларнинг айтишларича, у қабристон бузилаётган пайтда...

— Қабристон эмас! Эски қабристоннинг ташландик бир бўлаги! — унинг сўзини тўғрилаган бўлди Азаматов.

— Ҳа энди, бутунми, бир бўлакми, қабристон-да,

ака, — деди сержант оғриниб. — Ишкилиб, ўша ер бузилаётганда кампир тупрок уюми устига чикиб олиб, ерни муштлаб тоза қарғаган экан. Кейин бир кечада ғойиб бўлиб қолибди. Кабристоннинг четини текислаб йўл ўтказган бир ишчининг оғзи қийшайиб, бульдозерчининг қўл-оёғи ишламай қолган дейишадди.

— Бе, бўлмаган гап! — кулиб юборди Азаматов.

— Йўқ, рост, хаммасини суриштирдим-билдим.

— Қўйсангчи, — бош чайқади Азаматов ҳамон ўзини кулгидан тиёлмай, — хаммаси йўқ гап! Чуш! Мистика!

— Ана шунақасиз-да, Рустам ака, — деди сержант ва кизишиб давом этди, — балки, ўша кампирни ҳовлисидаги булоқ яқин-яқингача сизиб ётганини хам мистика дерсиз?

— Ҳа, битта-яримта водопровод қувури тешилган бўлса, окиб ётса ётгандир! — деди Азаматов «қўйсангчи» деган оҳангда.

— Кечирасизу, ўрток катта лейтенант, ана ўша булоқ хам бир кечада қуриб қолибди. Бунни кўрган-билганлар аниқ айтишди. Кечкурун жилдираб турганди, эрталаб карасак йўқ, қуриб қолибди, дейишди.

— Сабаб? — деди Азаматов совуққина қилиб.

— Ким билади дейсиз? Кейинги пайтларда ўша хиёбон теварак-атрофдаги кўп каватли уйлардан келадиган одамлар, ёш-яланглар билан гавжум бўлиб қолган экан. Биров итини етаклаб юраркан, биров ҳалиги... ёзиларкан, бошқа биров юрадиган қизини олиб кириб ялашиб ўтираркан, яна бошқаси битта-яримта суюкоёк аёлни олиб келиб...

— Қўйсангчи, бунақа сафсаталарни, Тоживой, — ўрнидан туриб кетди Азаматов асабийлашиб. — Хиёбон бўлгандан кейин одамлар дам олади-да! Тонг-отар гитара чалиб ўтирадим, биров яхши кўрган

кизини қучоқлаб ўтирадимиз, биров овчаркасини айлантирадимиз, бу ҳар кимнинг шахсий иши. Буларни бизнинг ишимизга алоқаси йўқ!

— Майли, ўзингиз боринг-кўринг, — деди сержант Қорабоев бўшашиб, — хайрон коласиз.

— Нимасига хайрон қоламан? — чехрасида таажжуб ифодаси қалқиди Азаматовнинг.

— Ҳозир ўша хиёбонга ит ҳам кадам босмас экан. Ташландиқ чангалзорга ўхшаб ётибди, — деди сержант.

— Албатта! Кетма-кет учта одамнинг ўлиги топилгандан кейин кимнинг оёғи тортади?

— Йўқ, улар топилмасдан олдин ҳам ҳеч ким у ерга кирмайдиган, ўша ердан ўтмайдиган бўлиб қолган экан, — чуқур тин олди сержант. — Энди бўлса, одамлар худо қарғаган ўша ерни «Ажал хиёбони» деб атайдиган бўлишибди, — деди сержант «ана шунақа» деган оҳангда.

— «Ажал хиёбони?» — бу сафар ажабланганини яширолмади Азаматов.

— Ҳа, — бош ирғади сержант.

— Ҳа, қурмағурларей, — жилмайди Азаматов, — хўп номларни топишади-да! Нак, Конан-Дойлни ё Чейзнинг асарларида эслатади. «Ажал хиёбони». Жуда чиройли! Бўпти, сен ана шу айтиб берган чўпчакларингга ҳаммасини қоғозга тушир, ҳужжатларга тиркаб қўямиз. Балки, керак бўлиб қолар?

— Бошқа топшириқлар йўқми, Рустам ака? — ўрнидан қўзғалди сержант Қорабоев.

— Бор. Кейин, манави фотосуратларни прокуратурага, Паршиевга олиб бориб берасан! Жуда кулоқмиямни еб юборди!..

Эрталабдан ҳавонинг авзойи бузилди. Чанг-тўзон кўтарилиб, шамол эсди. Йўлаклар, кўчалар баргу ҳазонларга тўлди. Терилмай дарахт тепасида қолиб кетган олча қоқилари худди ипи узилган тасбех до-

налари янглиғ ер билан битта бўлиб сочилди. Куз келгани яккол сезилди-қолди.

Аввалига шитир-шитир қилиб ёға бошлаган ёмғир зум ўтмай ростмана жалага айланди. Ариқлар тўлиб, кўча юзида лойка кўлмакчалар пайдо бўлди. Устига-устак электр чирок ўчиб қолди. Катта лейтенант Азаматов пайпасланиб қоронғида гаражга кирди. Аксига олиб машинасини ўт олдириш кийин бўлди. Айнан шу бугун хаста хотинини кўлтиқлаб поликлиникага олиб бориши ўзига малол келди. Айтмаса ҳам, елиб-югуриб онасига ёрдамлашаётган, укасини кийинтираётган кизига «Тезроқ кимиранлар!» деб ўдағайлади. Устма-уст сигарет тутатди.

Катта лейтенант Азаматов кейинги пайтларда уйга келса ҳам, чиқса ҳам юраги сиқиладиган бўлиб қолганди. Бунинг сабаби, касалманд хотинининг ўзигина эмасди, албатта.

Азаматов яқин ўн йилдан бери туғилган кишлоғига бормас, ёлғиз кекса отасигина хуржунининг кўзини ёнғоқ-майизга тўлдириб келиб тургувчи эди. Унинг ўлиmidан кейин кишлоқдан буткул узилиб қолди. Опаси билан укасини эса анчадан буён кўрмайди. На улар келади, на Рустамнинг ўзи боради. Опаси бир-икки келганида «Сенда меҳр-окибат йўқ, дийданг каттик» деб кўзёши қилиб кетганига ҳам анча бўлди. Хеч ким ўзидан ортмайди. Бу ҳам етмагандек, уч-тўрт ойдан бери хотинининг оёқларида қандайдир шипи пайдо бўлган, кўрсатмаган докторлари, олиб бормаган касалхонаси қолмаган, пировардида, эндигина ўттизга кирган хотини кўлтиқтаёқда судралиб юрадиган бўлиб қолган эди.

Бу кеча ҳам тонг оқаргунга қадар, уйда тинчлик бўлмади. Оғрик зўрайиб кетди. Азаматов телефонда чақиртирган «тез ёрдам» эса келмади.

Мана энди бўлса, кечаси уйқусизликдан кўзлари киртайган, чекаверганидан оғзи тахир бўлиб, қуруқшаб кетган катта лейтенант ингичка лабларини маҳ-

кам кимтиган кўйи машина рулини асабий равишда чертиб ўтирарди.

Азаматов кўлтиктаёкка суянганча оёқларини аранг босиб келаётган хотинини кўрдию, унинг оғриқдан буришган озгин юзини кўриб, худди жиркангандек юзини тескари бурди.

— Имилламай чиқа колинглар, вақтим зиқ, — деди тўнғиллаб ва норози оҳангда кўшиб кўйди, — поликлиникада қолдириб ўтиб кетаман. Мажлис бор. Ўзинглар таксида қайтарсизлар.

Хотини индамади. Факат эри тарафга ғамгин нигоҳ ташлаб кўйди-да, синиқ товушда деди:

— Қизингиз билан қийналиб қолмасмикинмиз, дадаси?

— Хеч нима қилмайди, — ковоғини уйди Азаматов. — Агар мажлисдан эртароқ чиқсам, ўзим олиб кетарман.

Азаматов шундай деди-ю, олд ойна тепасидаги кафтдеккина кўзгудан ўзига тикилиб турган бир жуфт ғамбода кўзларга кўзи тушиб, елкаси оша каради. Орқа ўриндиқда қисилиб-қимтиниб ўтирган хотинининг рангсиз юзида алланечук безовталиқ ва ўтинч аломатлари зоҳир бўлган, қизчаси билан ўғилчаси ҳам бир онасига, бир отасига караганча мўлтираб ўтиришарди.

— Ха, нима бўлди яна? — ўқрайди Азаматов хотинига.

— Хеч нима, — кўзларини олиб қочди хотини, — докторга ўзингиз ҳам бирга кирсангиз тузук бўлармиди?

— Иложим йўқ, дедимку, Саодат, — овозини баландлатди Азаматов, — иложим йўқ! Бўпти, эшикни ёпинглар!

Шундан кейин, бора-боргунча хеч ким оғиз очмади...

Катта лейтенант Азаматов йўл-йўлакай ўғилчасини мактабда қолдирди. Хотини билан қизчасини

эса поликлиника ёнига олиб бориб қўйди. Таксига деб пул берганди, хотини «ўзимда бор» деб олмади. Она-бола етаклашганча эшик тарафга кетишди. Азаматов уларнинг орқасидан қараб тураркан, бир кўнгли хотинининг зинадан кўтарилишига ёрдамлашгиси келдию, шу заҳоти айниди. «Баттар бўл-а, ўлакса!» дея тишларини ғижирлатганича машинасини ўрнидан жилдирди.

Ҳақиқатан ҳам, бугун унинг кўнгли безовта эди. Ҳақиқатан ҳам бугун эрталаб идорада мажлис чақирилган, унда ўзининг ва гуруҳининг шаънига кўп аччиқ-тирсик гаплар бўлишини Азаматов ички бир туйғу билан хис қилиб турарди.

«Ўлганнинг устига тепган» деганларидек, мажлисга кеч қолди. Эшикни очиб кирмокчи эди, минбарда гапираётган бош терговчининг «Хамманинг хаёлини бўлиб кирмай қўя қолинг, Азаматов» деганини эшитиб, худди устидан бир челақ сув қуйиб юборилгандек, ғалати бўлиб кетди. Худди қулоғига ишонмаган одамдай ўнғайсиз бир ахволда қотиб қолди. Бошлиқнинг «илтимос, эшикни орқасидан ёпиб қўйинг» деганидан кейингина, ўзига келди, ранги гезариб эшикни ёпди. Титраётган бармоқларига сигарет олиб чекди ва оёқларини оғир судраб хонасига қайтди. Сигаретни бир-бирига улаб узоқ чекиб ўтирди. Анчагача асабий ҳаракатлар билан хонада у ёқдан-бу ёққа юрди. Оромкурсига чўкканча бошини суянчикка ташлаб, кўзларини юмди...

Орадан қанча вақт ўтди, билмайди, телефоннинг жиринглашидан кўзини очди. Истар-истамас гўшакни қулоғига тутди-ю, ғалати бўлиб кетди.

— Мен, мен эшитяпман, — деди босиқлик билан ва шу заҳоти кўнглидан кечди: «Қаёқдан пайдо бўлиб қолди, ялмоғиз?»

— Э, ўзларими, комиссар Жу? — гўшакдан Азаматов учун таниш ва кадрдон бўлиб қолган овоз эшитилди. — Қаёқда юрибсиз ўзи, яхши йигит?

— Юрибман, Барно, — деди Азаматов куруқкина килиб, — уйлар тинчми, ўзингиз қалайсиз?

— Хайрият, хали тилингиз бор эканку, Рустам ака, — деди аёл ва эркаланиб ўпкаланди. — Яхши кўрган эркак ҳам шунақа бевафо бўладими? Ишдан қачон бўпайсиз?

— Жуда бемавруд бўляпти-да, хоним, — деди Азаматов тили зўрға айланиб. — Йиғилишимиз бор эди...

— Мендан ҳам муҳимроқми, ўша йиғилишингиз? — деди аёл аразлаб.

— Майли кўрамиз, ҳаракат киламан, — деди Азаматов нима дейишини билмай.

— Кўраманмас, бораман, денг?

— Хўп, бораман! — деди Азаматов ноилож.

— Мана бу бошқа гап, йигит! — аёлнинг нозли кулгиси эшитилди гўшакдан. — Агар бўшман демасангиз ҳам, гўшт килиб ташлардим-да! — у шундай дея, паст товушда сирли килиб қўшиб қўйди. — Демак, келишдик-а?

— Уйингизга ўтиб бораверайми? — сўради Азаматов товушини пасайтириб.

— Ха, намунча кўркиб кетдингиз? — кулди аёл. — Кўркманг, эримни оғзига пайпоқ тикиб сандиққа қамаб қўйдим.

— Йўк, сиз мени тушунмадингиз, Барнохон, — чайналди Азаматов тутилиб. — Агар кўчага чиксангиз... бирон жойда марожний-парожний олиб, бирпас ўтирармидик, демоқчийдим?

— Э, ўлинг, — нозланди аёл, — иссиқкина кучоқ турганда, муздек марожнийга бало борми?

— Ҳозир, ҳозир, йўк, хали кечга якин ўтиб бораман, — мулзам бўлиб қолди Азаматов.

— Кутаман-а? — деди аёл ва гўшакдан «чўлп» этган ўпич товуши эшитилди.

«Мочағар!» — кўнглидан ўтказди Азаматов гўшакни жойига қўяркан, — кап-катта хотин, уялмай-диям! Бинойидек эри, болалари бўла туриб...»

У ўз-ўзига шундай деди-ю, дарров фикридан кайтди. «Йўк, унияи тушунини керак. Олмадек карсиллаб турган нарсa, ўзидан йигирма ёш катта, шилвираб қолган чолни бошига урадимиз? Қизик, шу пайтгача қаерга гумдон бўлиб кетдидикан?!...»

Катта лейтенант Азаматов икки-уч йилдан бери ана шу Барно исми офатижон жувон билан пинхона дон олишиб юришини ҳеч ким билмас, у хотинидан кутган ҳусну назокатни, ишва-ю муҳаббатни гўё ана шу қачонлардир ярим кечада йўлда учратиб қолган ва ўйигача олиб бориб қўйган, шўҳ ва шаддод аёлдан топгандек эди.

Азаматов шу топда Барнонинг ҳумор кўзларини, келишган қадди-қоматини, таранг сийналарини кўз олдига келтирди-ю, беихтиёр юраги хапқириб кетди, мустар кўнгилнинг бир чеккасида йилт этган чўғ пайдо бўлгандек туюлди ўзига. Барнонинг тароватли чехрасини, ўзига чорловчи ўтли нигоҳини кўз олдига келтирди-ю, бир юрагининг чигилини ёзгиси, ҳамма ташвишлари муаммоларни, ҳамма-ҳаммасини бирон соатга бўлса-да, орқага ташлагиси, оламни унутгиси, ўзи ҳам бу оламдан унут бўлгиси келди.

Қабулхонага кириб, қотиба қизга «Агар сўрашса, иш юзасидан кетяпман» деб кўчага чиқди. Машинасига ўтирди. Бир ҳаёли чиндан ҳам, аввал «иш юзасидан», ўша хиёбонга кириб ўтсаммикан», деди-ю, айниди ва йўлни марказга, тез-тез бориб, хордик чиқариб турадиган «сауна» тарафга бурди...

... Барно билан бу сафарги учрашуви Азаматов учун унчалик кўнгилли бўлмади. Остона ҳатлаб кирмасиданок, аёл тўнини тесқари кийиб олди. Ғунча лабларини ёш кизалоклардек чўчқайтириб аразлади. Кўзёши тўкди. «Сиздан бўлган хомилани олдирай» деб туғруқхонага бир ойдан бери ўғринча қатнай-вериb энка-тинкам чиқиб кетди, сиз эса ўликмисан-

тирикмисан, деб бир марта кизикмадингиз хам», деб гинахонлик қилди.

Азаматов уни ўпди, кучоклади. Оёқлари тагига ўзини ташлади. «Сендан бошқасини десам, тил тортмай ўлай» деб қасам ичди. Ана шундан кейингина таъна-ю надоматлар мастона шивир-шивирларга, нозу истиғноларга, қайноқ бўсаларга алмашинди.

Яғир, увада булутлар орасидан мўралаб турган ой хам, гўё бу икки гуноҳкор банданинг килмишларидан уялиб кетгандек, ранги бўзариб, булутлар пардасини бошига тортди...

Азаматов Барнонинг уйидан чикканида тун чўка бошлаган, этни жунжиктирувчи муздек шамол эсиб турарди.

Машинасини юргизгунча қора терга ботиб кетди. У катта шаҳарнинг катта кўчалари бўйлаб бораркан, олдинда йўлчирокнинг сарик шуъласи кўзга ташланиб турган чорраҳадан чапга бурилса, ўша сирли хиёбон яқинидан чиқиши мумкинлигини эслади ва беихтиёр рулни ўша томонга бурди...

Хиёбон жимжит эди. Гўё дов-дарахтларнинг шохлари-ю, япроқларини юлиб-юлқиб шўхлик қилиб юрган шамол хам, бу худо қарғаган жойни четлаб ўтаётгандек туюларди кишига.

Катта лейтенант Азаматов машинасини йўл чеккасида қолдириб, ўзи неон чироклари нуридан дарахтларнинг ола-чалпак кўланкалари титраган кўйи узала тушиб ётган йўлка тарафга юрди.

Теварак-атроф алланечук совук ва сирли бир сукутга чўмган эди.

Фақат кўча томондагина йўловчи машиналарнинг узук-юлуқ шовкини қулокка чалиниб қолар, бир чақиримча наридаги кўпқаватли уйларнинг чирокла-

ри эса кўкдаги яккам-дуккам юлдузлар янглиғ ожизгина милтираб турарди.

Азаматов ғайриихтиёрий равишда янаям ичкари-рокка юрди, йўлка ўртасида тўхтаб, теварак-атрофга кулок солди, бошини кўтариб юқорига каради, лекин дарахтларнинг бир-бирига чирмашиб кетган, чигал шохлари орасидан осмон кўринмасди. Одатда бунака хилват ва қоронғи дарахтзорларга кушлар тўплангувчи ва тунагувчи эди. Лекин бу ерда кушларнинг чуғури тугул, тик этган товуш ҳам эшитилмасди.

Худди ана шу манзаралар Азаматовга унча хуш ёкмади. «Ҳақиқатан ҳам бефайз жой бўлиб қолибди», — кўнглидан кечди уни ва шу пайт бирдан оёқлари ўзига бўйсунмай бораётганини сизди. Сизди-ю яшин ургандай турган ерида қотиб қолди, туклари тикка бўлиб, юраги кўксидан отилиб чиққудек гурсиллаб ура бошлади...

Назарида, оёқлари остидаги тупроқ аста-секин чўкаётгандек, гўё аллақандай кўринмас қўллар унинг оёқларидан пастга тортаётганга ўхшарди. Жон-хोलатда катта кўча тарафга юрмокчи эди, бўлмади. Ваҳима-ю аросат ичида бир лаҳза гангиб-каловланиб қолди ва шу топда мутлақо ғайритабиий бир ҳолат содир бўлди.

Азаматов нафаси бўғзига тикилиб, ҳаво етишмаётганини, юраги худди капалак янглиғ сассиз-садосиз учиб, ўзидан, вужудидан узоқлашиб бораётганини ички бир туйғу билан хис қилди-ю, кўксини нижимлади ва «Йўк! Йў-ўк!» дея қичкириб юборди. Аммо унинг бу ваҳшиёна хайкириғини ўзидан бопқа ҳеч ким эшитмади.

... Шапалоқдаккина, кип-қизил капалак эса, ҳув олисда, худди бандидан узилган қонталаш япроқ янглиғ пирпираб учиб бормокда эди...

Азаматов йўлка четидаги қуриб-қовжираган дарахтнинг қийшиқ шохини чангаллаб олди ва шу захоти ҳаёлига келган фикрдан сесканиб кетди. Да-

рахтнинг ана шу, совук ва ингичка шохи ўзи ҳеч қачон кўрмаган фолбин Оймомо кампирнинг қоксуяк кўлларини эслатгандек бўлди унга. Ва ... башараси хунук бир тарзда қийшайиб, тили оғзига сигмай бўғила бошлади, кўзлари даҳшатли олайиб, худди чопиб ташлангандек ўша дарахт тагига гурсиллаб йиқилди...

...Катта лейтенант Азаматовнинг шамдек қотиб қолган жонсиз танасини навбатчи-милиционерлар тонг қоронғисида топиб келишди.

...Эртасига эрталаб эса, шаҳарда «Ажал хиёбони»дан бир мелиса йигитнинг ҳам ўлиги топилибди» деган хабар тарқалди.

Бу ваҳимали гапга одатдагидек биров эътибор берди, биров йўқ. Катта шаҳар ўзининг катта-ю кичик, битмас-туганмас ташвишлари билан овора, агар икки оғиз сўз билан айтадиган бўлсак, ҳаёт ўз маромида давом этмоқда эди...

Қизиғи шундаки, бу дунёга хирс кўйиб, у дунёни унутган бозор директори, гиёҳвандлик-манманлик йўлига кириб, ўз-ўзини хароб қилган киноактёр, ҳаётда ўз ўрнини тополмаган, тақдир синовлари олдида ожиз ва ношуд кимсага айланиб қолган ўқитувчи, ниҳоят фахш ботқоғига ботиб, оиласи, фарзандлари олдида ўз бурчини унутган катта лейтенант Азаматовлар ўлимини боғлаб турган, кўзга кўринмас бир ип, у ҳам бўлса, қачонлардир қабристоннинг бир бўлағи бўлган хиёбон харом-харишни кўтара олмаганига негадир ҳеч қим етарли эътибор бермади.

Капитан Самандар Саидов эса кунлардан бир кун ўйнаб юриб, ўша қўрқинчли хиёбонга кириб қолган ва омон-эсон қайтиб чиққан жажжигина қизалок ҳақида эшитди-ю бир лаҳза шулар ҳақида ўйлаб қолди.

Ўшанда, у орадан кўп ўтмай, шартли равишда «АЖАЛ ХИЁБОНИ» деб номланган бу жиноий иш ўзига топширилишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Аммо у ҳали ишга киришмасдан туриб, бошқа бир кутилмаган оғир жиноят содир бўлди-ю бу иш вақтинча тўхтатилди.

Бу ёғи энди, бошқа хикоя...

«БРАССИКА» ОПЕРАЦИЯСИНИНГ СИРИ

Эгнига кора чарм куртка, бошига кора шляпа кийиб олган, чорпахилдан келган, ўрта ёшлардаги киши йўл ёкасида таксидан тушди-да, иккита карам солинган тўрхалтаси ва дипломат сумкасини кўтариб, кўчанинг у бетига ўтди. «Таксофон» деб ёзиб қўйилган будка ёнига келиб, юкларини ерга қўйди. Уша ердаги пастаккина курсида газета ўқиб ўтирган ўрис кампирдан жетон олиб телефон ракамларини терди, гўшакни қулоғига тутди.

— Ассалому алайкум, — деди хиркирок товушда, — бу Бердиевнинг уйларими?.. Э, ўзингизмисиз, Мавлонбек? Танимабман. Умрингиз узок бўларкан. Мен Қобил акангизман. Субхонов!.. Ха, hozirгина самолётдан тушдим, сизга қўнғирок қиялман. Яхши... Айтворинг, эсда қолмабди. Склероз-да, склероз! — шундай дея симнинг у тарафидаги одамнинг сўзларини такрорлай бошлади: — «Байналмилал» кўчаси, 17 уй, 36 квартира... Яхши, hozir етиб бораман!..»

У гўшакни жойига илиб яна юкларини кўтарди-да, кўча юзига чиқиб ўткинчи машиналарга қўл кўтара бошлади. Хали биронтаси тўхтамай туриб, ёнига милиционер формасидаги йигит яқинлашиб келиб, чест берди ва «Бир дақиқага четрокка ўтайлик!», деди.

Ўзини боя телефонда Субхонов деб танитган нота-ниш йўловчи хайрон бўлиб милиционерга эргашди.

— Нима гап, тинчликми, сержант? — деди йўл-йўлакай ранжиганнамо охангда. — Мен шошаётувдим!

— Хозир кетасиз, — деди милиционер ва тўхташ-гач сўради, — хужжатларингизни бир кўриб қўйсак бўладими?

— Мархамат, — деди йўловчи паспортини чиқариб.

Милиционер йигит унинг паспортини эринмай кўраркан, ер остидан унга караб қўйди:

— Субхонов, Кобилжон... Шундайми?

Йўловчи «ха» дегандек бош ирғади.

— Воҳаданмисиз?

— Ха, хозиргина самолётдан тушдим. Фермерлик хўжалигида ишлайман, уйланганман, бола-чакаларим бор, — деди нотаниш йўловчи асабийлашиб. — Бошқа саволлар йўкми?

Милиционер йигит унга киноямуз бир нигоҳ ташлади-ю, «шошманг» дея, ўзи нарироқда тўхтаб турган машинага яқинлашди, олд эшик деразасига энгашиб нималардир деди.

— Бўлимга олиб бораверинг, — деган товуш эшитилди ичкаридан. — Ўша ерда гаплашамиз!..

Машина ўрнидан жилди. Юз-кўзларида алланечук таажжуб ва хавотир аломатлари зоҳир бўлган нотаниш йўловчи ва милиционер кейинги машинага ўтиришди...

Бердиевнинг фиғони фалакка чиққан, хонада худди қафасдаги шер янглиғ у ёқдан — бу ёққа юрар, шу топда биринчи учраган одамни ражиб ташлашга тайёрдек эди.

— Вой, аблах-ей! — дерди у муштларини кишиб. — Гўё ҳеч нима бўлмагандек, «хозиргина самолётдан тушдим» эмиш! Хойнахой, бу ерда унга милён-милён пулни тахт қилиб туришибдию, у олиб кетиш учун қоп ҳам кўтариб келгандир? Йўк, сенлар хали Бердиевнинг совунига кир юлмаган кўринасанлар? Хали шундай додингни берайки, қочгани жой тополмай коласанлар! Патларингни битталаб юлмасам, отимни бошқа қўяман!..

Бердиев хуноб бўлганича бор эди. У воҳадан ортиб жўнатилган сабзавот маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва бозорларга тарқатиш учун озмун-

ча тайёргарлик кўрмаганди. Бозорда жой хозирла, юкларни тушир, хайдовчиларни рози қил, у ёқда бозор раҳбарлари-ю, милиция, санэпидстанция-ю тарозибонлардан тортиб паттачиларгача муомала қилишга тўғри келади.

Бердиев кийинчиликлардан чўчийдиган одам эмас эди. Унинг соч-соқоли шу соҳада оқарганди. Шаҳар бозорларига маҳсулотлар осмондан тушиб келмайди. Расталарга файз бағишлаб, пештахталарни гуллатиб турадиган анвойи мевалару сабзавотлар, дастурхонларга кўрк берадиган баргаклару майизлар, бодому писталар, у ёғи Африкаю Яқин Шарқ мамлакатларидан келтириладиган цитрус мева-чевалар, ана шунақа, Бердиев сингари ишнинг кўзини биладиган, тадбиркор кишиларнинг саъй-ҳаракатлари сабаб пайдо бўлади.

«Олма пиш, оғзимга туш» деган билан иш битмайди. Бунинг учун фахм-фаросат, кунт-зехн, сабр-чидам ва «дипломатик» қобилият керак. Бозорда худди мозордагидек, шоху гадо баробар. У ёқда тириклару ўликлар, бу ёқда харидорлару сотувчилар аро қандайдир кўзга кўринмас ўзаро муносабат бор. Бозорда пул худо, пул пайғамбар, пул авлиё! Бу ерда ҳамма нарса пулга чакилади. Сотган ҳам, олган ҳам пул дардида яшайди. Пул эса бурнига кўзойнак қўндириб олиб газета ўқийдиган зиёлиларни эмас, ишбилармон ва ақлли, эпчил ва абжир одамларни яхши кўради.

Бердиев девор бўлса ҳам кўчани кўрадиганлардан бўлиб кетган. Хар йили у ёғи Сурхондарё-ю Қашқадарё, бу ёғи Фарғона-ю Бухоро, Хоразм тарафларни бир-икки айланиб келади. Экин-тикинлар, кутилаётган ҳосил, нархунаво, қўйингчи, об-ҳаво билан ҳам қизикади, ўрганади, ўзи айтмоқчи, «разведка» қилиб кайтади.

Қарабсизки, бозорда бирдан пиёзнинг чўғи камроқ. Вилоятларда ҳам ҳосилнинг мазаси бўлмаган. Ҳамма хайрон. Худди ана шу пайтда Бердиев «лаб-

бай» дея майдонга чикиб келади. «Хўш, қайси бозорга неча тонна пиёз керак?..» Бу ёғи кетди-и!..

Чунки, у пиёзнинг фалон ойнинг ўрталарида такчил бўлиб қолишини ярим йил муқаддам билар ва бунинг тадоригини кўриб қўйган бўлади.

Бир неча йил бурун россиялик тадбиркорлар билан танишиб қолди. Уларни карам кизиктираётган экан. Карамни эккан-ўстирганлар у ёқда қолиб, Бердиев ва унинг одамлари улокни олиб кетишди. Бердиев бир неча вилоятдаги энг сара карамларни улгуржи сотиб олиб, у ёғи Москвадан тортиб, Сибиргача етказиб турадиган бўлди.

Худо «ол қулим» деб юборса ҳеч гап эмас экан. Шундан кейин Бердиевнинг ишлари аввалгисидан ўн чандон гуллаб кетди. Хашаматли, ўн икки хонали, уч қаватли иморат қурдирди. Уч-тўртта енгил машина олди. Кетма-кет кизларини узатди, ўғлини уйлантирди. Шаҳарнинг манаман, деб қариллаб юрадиган қорчалонлари ҳам унга бошқачароқ қарайдиган бўлиб қолдилар.

Мана энди битта касофатнинг касрига унинг ана шунақа гуриллаб турган ишларига кўз тегаман деб турибди.

Бердиев россиялик тижоратчи-тадбиркорлар билан ўтган йили кузда «свежий» карам етказиб бериш бўйича битим тузган, ҳатто бунинг учун отнинг қалласидек бўнак ҳам олган эди.

Вилоятдан ортиб келинадиган беш тонна карам ажратилиб, асосий қисми келишилган шаҳарларга етказилиб, қолган-қутганлари ўзимизнинг бозорларда қолдирилиши керак эди.

Шу кунни уч ой кутди. «Товар»нинг етиб келиши бўлса, атайин қилгандай ўн кунга чўзилди. Буниси энди вақтдан ютқазиш деган гап. Қолаверса, бу фаслда қарсиллаб турган, кўм-кўк карамлар қайда дейсиз? Эзилиб, ёрилганларининг ўзиёқ килоси фалон сўм. Пишиқчиликка бўлса ҳали анча бор. Бу карамлар Бердиевнинг буюртмасига кўра, атайлаб

махсус иссиқхонали фермер хўжалигида, плёнкалар тагида етиштирилади. Карам бизнеси шу пайтгача жуда текис давом этиб келаётган эди, бу сафар нимадир бўлди-ю, кўз тегди...

Бердиев «уф» тортиб, билагидаги катта, тилла соатиға қараб қошлари чимирилди.

— Мана, ахвол-тирикчилик, — деди тишларини гижирлатиб, — фермер хўжалиги бошлиғининг «кетаяпман» деб қўнғироқ қилганиға ҳам ярим соатдан ошди. Бу ёқда ишни қойиллатиб қўйган бўлса ҳам майли эди. Ким билади, қаёқларда ивирсиб юрибди, галварс?!..

Бердиев асабий ҳаракатлар билан дераза ёниға келди ва ташқарига тикилганча туриб қолди...

Субхоновни туман ички ишлар бўлимида формасиз, қорамтир ойнакли кўзойнак тақиб олган йигит қарши олди.

— Бу қанақаси? — деди Субхонов у билан кўришаркан, «қўрқоқ олдин мушт кўтаради» қабилда зарда билан. — Йўлда келаётган одамни тўхтатиб, милиция идорасига олиб келиш қаёқдан чиқди?

— Ўзингизни босинг, акахон, ўтиринг, — деди формасиз йигит хушмуомалалик билан. — Бу ерда бир англашилмовчилик бўлиши ҳам мумкин. Агар шундай бўлиб чикса, олдиндан узр сўраймиз. Ўзлари ким бўладилар?

— Мени фамилиям Субхонов Қобилжон, — деди Субхонов норози оҳангда. — Фермер хўжалигининг раҳбариман. Шаҳарға сабзавот олиб келганмиз. Шу масала юзасидан тез-тез келиб-кешиб туришимға тўғри келади. Мана ҳужжатларим.

Формасиз йигит ўзини «лейтенант Собитов» деб таништирди-да, ҳужжатларни олиб танишиб чиқаркан, кўзойнаги тепасидан суҳбатдошиға қаради:

— Нима олиб келдингиз? Сабзими?

— Ҳа, сабзи. Карам ҳам бор, — тўнғиллади Субхонов.

Лейтенант Собитов Субхоновнинг оёғи тагидаги тўрхалтага кўз ташлади-ю, лабига табассум югурди:

— Қанча олиб келдинглар?.. Икки донами?

— Ҳа, йўқ. Беш тонна, — деди Субхонов қовоғини солиб. — Буни... бир танишимга олволгандим. «Борщ»ни яхши кўради.

Лейтенант Собитов карамларга қараганча танглайини тақиллатиб қўйди:

— Зўр-ку! Эрта баҳорда бунақа карам етиштиришни ўзи бўлмаса керак?

— Ҳа, энди, ўзига яраша машаққатлари бор, — деди Субхонов энсаси қотиб. — Теплицада, плёнка тагида ўстирилади.

— Биттасини бизга сотиб қўя қолмайсизми? — аралашди боя Субхоновни йўлда тўхтатиб олиб келган сержант лейтенантга маъноли қараб.

— Э, йўқ, бировга совға қилиб олиб келинаётган нарсаси, — бош чайкади лейтенант Собитов, — уят бўлади.

— Йўқ, нега, олаверинглар, — деди Субхонов бепарво оҳангда. — Икковиям сизларга. Пули керакмас, «свой агарот!»

— Раҳмат, ака, раҳмат! — деди сержант тўрхалтани оларқан. — Савобга қолдингиз. Бугун навбатчи йигитларимиз бир карам шўрва ичиб, сизни дуо қиладиган бўлишди...

Сержант тўрхалтани кўтариб чиқиб кетди. Субхонов унинг орқасидан хўмрайганча қараб қолди-ю, кейин лейтенант Собитовга ўгирилиб ранжиганнамо оҳангда деди:

— Мен бир нарсани тушунмадим, ука? Мени нега бу ерга бошлаб келдинглар?

— Шунчаки текширув, — деди лейтенант жилмайиб.

— Шунчаки текширув бўлса, ўша ернинг ўзида

текшириб қўйиб юборсанглар бўларди-ку? — ажабланди Субхонов.

— Гап бундай, Қобил ака, — деди лейтенант Собитов сирли килиб, — кўпдан бери бир одам кидирилаётган эди... Йигитлар сизни ўшанга ўхшатишибди, шекилли...

— Ким экан? — ғалати қараб қўйди Субхонов.

— Бунисини айтолмайман, — деди лейтенант лабига сигарет қистириб, — ҳозирча сир. Ҳарҳолда яхши одам эмас. Учига чиққан товламачи дейишади. Ҳозир кидирувда...

Худди ана шу пайтда сержант Қорабоев олиб кирган қарамлар қўшни хоналарнинг бирида милиционер йигитлар томонидан пичоқ билан тилкалаб-бўлаклаб ташланаётган эди. Сержант стол устида уюлиб кетган қарам бўлаклари-ю баргларига қараганча тураркан, ёшгина милиционер йигитчага қаради:

— Буларни йиғиштириб, гузардаги ошхонага олиб чикиб беринглар. Увол бўлмасин...

Шундан кейин у яна лейтенант Собитов билан Субхонов ўтирган хонага кирди ва лейтенантга қўзи тушиши билан ниманидир имо қилди, Собитов эса буни сўзсиз тушунди, шекилли, ўрнидан турди.

— Сизни обора қилганимиз учун узр. Қобил ака, — деди жилмайиб, — хафа бўлмайсиз. Хизматчилик!

— Тушунаман, — минғиллаб қўйди Субхонов ҳам ўрнидан қўзғалиб.

— Қайтага, баҳонада танишиб олдик, — деди лейтенант ва қўлини чўзди. — Хайр, дарвоқе, қарерга бормоқчи эдингиз? Йигитлар олиб бориб қўя қолишсин. Машина бор.

— Йўқ, раҳмат, — деди Субхонов шошилиб.

— Қарам учун жамоамиз номидан ташаккур, — кулди сержант Қорабоев.

— Ош бўлсин! — деди Субхонов эшикдан чиқиб бораркан.

Лейтенант Собитов сержантга «бу кишини кузатиб кўйинг» деди-да, ўзи уларнинг оркасидан қаранча қолди...

Хайдовчи йигитлар хурсанд эдилар.

Кувонишмасин ҳамми? Беш тонна сабзавотни қор босган довону, қўрқинчли даралардан, тоғ-тошлардан омон-эсон олиб келиб эгасига бус-бутун топширишни ўзи бўлмайди. Мана энди, хизмат ҳақларини олиб прицепли юк машинасида оркага қайтишаяпти.

Шомурод «бир-икки кун шаҳар айланиб, дам олмайсизми?» дегандек гап қилганди, Дурбекка ёкмади. Сабаб, у уйга шошилаётганди. Сабаб, унинг хотини оғироёк, шу кунларда биринчи фарзандларига кўзи ёриши керак эди. Шунинг учун бесабр-безовта, ўзи бу ёқда бўлса ҳам, ҳаёли у ёқда эди.

Шомурод ҳам унинг аҳволи-руҳиятини сезди шекилли, ортиқча тикилинч қилиб ўтирмади. Майдачуйда харид қилиб, яна кабинага ўтиришди-ю, хайё-хуйт деб йўлга отланишди.

Дурбек бу йўллардан неча маротаба ўтганининг сон-сановига етолмайди. Илгари шаҳарлараро автобус ҳайдарди. Кейин таксига ўтди. Бир йил муқаддам Субхонов деган фермер хўжалиги раҳбари билан танишиб қолди-ю, у ваъда қилган мўмайгина маош учун унинг хўжалигига юк машинаси ҳайдовчиси бўлиб ишга ўтди. Ёмонмас. Ойда бир, баъзан икки марта келиб кетади. Гоҳ картошка-пиёз, гоҳ лавлаги, шолғом, кўпроқ қарам ташийти.

Субхонов деганлари ишнинг кўзини биладиган одам. Кам гапиради. Кам кўринади. Лекин кўп пул тўлайди. Шунинг учун бўлса керак, ундан ҳамма рози эди.

Бир неча марта у киши билан ҳам келиб кетишди.

Жуда кўли очик, мард одам эди. Пулнинг бетига карамайди. Бирга тушлик қилишди. Тўкиб ташлади. Катта «супер-маркет»га олиб кирди. «Келинимиз»га деб кимматбаҳо совға-саломлар олиб берди. Хар ким хам бунақа қилавермайди.

Бу сафар прицепли машинага юкларни орттириб, Дурбекни йўлга кузатдию, сизлар олиб бориб ташлаб, кайтаверинглар, мен самолётда етиб бораман... деб канақадир юмушлар билан ўралашиб қолиб кетди.

Умуман олганда, бу сафарги рейс хам ёмон ўтмади. Дурбек «бир ўзим зерикиб юраманми» деб ёнига шериги — Шомурод деган йигитни олволганди. Яхши қилган экан. Кела-келгунча зерикишмади. Шомурод кўнгли очик, самимий, қувноқ йигит. Латифа деганларику, ичидан кайнаб чикади. Дурбек унинг олди-қочди, ичакузди хангомаларини эшитиб кулавериб, чақаклари оғриб кетади. Мана ҳозир хам, қаёқдаги маза-бемаза саволларни бериб боряпти.

— Хўш, деганда, мулла Дурбек бойвачча, — дейди у айёрона қараб, — эр-хотин нима кутаяпсизлар? Қизми-ўғилми?

— Мен «ўғил» дейман, келинингиз «қиз» дейди, — жилмаяди Дурбек. — Худонинг бергани-да!

— Тушунарли, — дейди Шомурод билафонлик қилиб, — унақада бир йўла, бир ўғил, бир қизчалик бўларкансизлар.

— Қўйсангиз-чи, — дейди Дурбек оғайнисининг гапидан ичида суюнса хам.

— Кўнглим сезиб турибди, ошна, — кулади Шомурод, — мени айтди дерсиз, шунақа бўлади.

— Насиб, — дейди Дурбек чуқур энтикиб.

— Келаётганимизда айтгандим, ишонмадингиз, — давом этади Шомурод йўлдан кўз узмай бораркан. — Шахарга кираверишда мелисалар тўхтатади, дедим. Тўхтатди. Тўғрими?

— Тўғри, — бош ирғади Дурбек.

— Машинани, юкларни текширишади, дедим.

Текширишди. Иннайкейин, нима дедим? — кўзларини кувлик билан қисади Шомурод.

— Нима дедингиз? — хайрон бўлди Дурбек тезликни ўзгартираркан, рулни буриб.

— Мана шунақасиз-да, — дейди Шомурод, — у кулофингиздан кириб, бу кулофингиздан чикиб кетади. Мен сизга нима дедим? Йўлда тўхтатган мелисаларга ирим сифатида бир челак сабзими, уч-тўртта карамми берилади, дедим. «Э, қўйинг, улар шунга зорми?» дедингиз, — мамнун илжайди Шомурод, — ана айтганим бўлди, бўлди. Ярим қоп сабзи билан, учта карам қолдирдикми, қолдирдик. Бўлди-да!

— Шундоқ каллангиз билан нега машина хайдаб юрибсиз, хайронман? — кулиб юборди Дурбек. — Эсиз, шундай ақл, шундай истеъдод!

— Парво қилманг, — деди Шомурод қўл силтаб, — яқинда Субхоновнинг муовини нафақага кетаркан. Ўрнига мен ўтсам керак.

— Қанақасига? — хайрон бўлди Дурбек, — нима қиласиз у ерда?

— Нима қилардим? Шунақа қилиб фол очиб ўтираман, — деди Шомурод сохта жиддийлик билан.

— Қачон божхона ходимлари келади, шаҳар бозорида уларни қимлар, нималар қутяпти, ҳаммасини Субхонов акамизга айтиб бериб ўтираман.

— Айтганингиз чикмаса-чи?

— Мен унга аниқ айтмайман-да, — деди Шомурод, — Божхонадан шунақа буйруқ бўлиши мумкин, дейман. Тўғри чиқади.

— «Ёмғир ёғса ёғар, ёғмаса ёғмас» дегандай экан-да? — кулади Дурбек.

— Албатта, — дейди Шомурод хушчақчақ оҳангда, — ўша гапниям менга ўхшаган битта доно ўйлаб топган-да! Биласизми, нега шунақа деган?

— Нега? — шеригига қараб қўйди Дурбек.

— Сабаб, агар у ёғади деса-ю, ёғмай қолса шўри-

га шўрва тўкиларди-да! Во, масала қаерда! — дейди Шомурод такабурлик билан.

Машина кабинаси уларнинг кулгуларига тўлади...

Лейтенант Собитовнинг боши қотиб қолди.

«Қизик бўлди-ку? — ўйларди у хаёлига чўмганча ўтираркан, — сержант Қорабоев билан аслида бошқа масалада, Қорақалпоғистондан конференцияга келган ҳамкасбларини кузатгани аэропортга чиқишганди. Ана ўша ерда иттифоко тўрхалтада қарам кўтариб келаётган қора курткали, қора шляпали одамга кўзи тушган сержант ёнидаги милиционер йигитчага имо қилди.

— Уни қаранг, худди шаҳарда қарам йўқдек, эринмасдан самолётда кўтариб келишини-чи?

Тўрхалта кўтарган одам майдонни кесиб ўтиб кетди. Лейтенант Собитов унга, шерикларининг гап-сўзларига унча эътибор бермади.

— Ҳарҳолда бекорга кўтариб келган эмас, — деди сержант Қорабоев худди ўз-ўзига гапиргандек. — «Бир балоси бўлмаса, шудгорда куйрук на килур?» дейдилар.

— Бу билан нима демокчисан? — тушунмади лейтенант ва хаёлининг бир чеккасидан қайси қуни бошқармада эшитганлари лип этиб ўтди-ю, «наҳотки?» деб юборишига сал қолди. Сергакланди.

— Бир қизиқчиликка текшириб кўрмаймизми? — илжайди сержант Қорабоев унинг ҳолатини сезиб тургандек.

— Қанақа бўларкин? Ноқулай эмасми? — сўради милиционер йигитча.

— Бу ёғини менга қўйиб беринглар, — деди сержант кўзларини айёрона қисиб.

Улар ташқарига юришди. Бу пайтда бояги йўловчи таксига ўтираётган экан. Улар ҳам шошиб ўз машиналарига ўтиришди ва изма-из йўлга чиқишди.

Харқалай, нокулай бўлмаса-да, сал кулгилироқ бўлди. Кап-катта изкуварлару милиция ходимлари йўлда жимгина бораётган бир одамни тўхтатиб, унинг тўрхалтасидаги нарсадан шубхаланиб бўлимга олиб келиб текшириб ўтиришди... Тўғри, шунақа қоида бор. Аслида, буни айби йўқ-ку-я, лекин...

Телефон жиринглади. Боядан бери индамай нималардир ёзиб-чизиб ўтирган, ковоғи солиқ старшина эринибгина «Милиция участкаси эшитади» дея гўшакни олди-да, «ха, шу ерда» деб уни лейтенант Собитовга узатди.

Собитов хайрон бўлиб гўшакни олди, кулоғига тутди ва дик этиб ўрнидан турди: — Хўп бўлади, ўртоқ капитан! Яхши, — деди шошилиб ва хонадагиларга каради:

— Қорабоев! Сен йигитларни олиб шу ердан чиқиб кетган бояги фермерни ушла! Сиз, старшина, туман ички ишлар бошкармасига кўнғироқ қилинг!

— Тинчликми? — хайрон бўлди старшина.

— Капитан Саидов кўнғироқ килди, — деди лейтенант плашини кияркан, — тинчлик бўлганда, бизни кидириб топишмасди...

Сержант Қорабоев ёнига иккита милиционер йигитларни олиб чиқиб кетди-ю, кўп ўтмай шалвираб қайтиб келди.

Субхонов ерга кирганми, осмонга учганми аллақачон кўздан ғойиб бўлган эди...

— Мен сизни тушунмаяпман, Мавлон Бердиевич? — деди Субхонов мезбоннинг авзойидан чўчиб.

— Мен ўзбек тилида тушунтираяпман, шекилли? — деди Бердиев унга ўқрайиб. — Ё она тилингизиям тушунмайдиган галча бўлиб қолганмисиз?

— Биринчидан, менга бунақа муомала қилишга ҳаққингиз йўқ, — деди Субхонов ковок-тумшуғи олиб. — Мен сизга қарам эмасман. Иккинчидан, сиз-

дан беш-ўн ёш каттаман. Ёшимни хурмати бўлиши керак. Учинчидан. Эшикдан кириб келмасимдан, ҳа йўк, бе йўк, бақириб кетдингиз?

— Тўртинчидан, — деди кинояли оҳангда Бердиев, — сиз ана шу ҳамкорлигимиз эвазига жарақ-жарақ пул олиб турибсиз. Бир иш қилгандан кейин қойиллатиб охирига етказиш керак!

— Тўғри бир ҳафта кечикдик, — гуноҳкорона товушда деди Субхонов, — ёмғир ҳалал берди. Бунака пайтда биласиз, плёнкаларни очиб бўлмасди.

— Буниси сизнинг ишингиз! — овозини баландлатди Бердиев. — Менга деса тош ёрмайдими? Сизнинг вазифангиз келишилган махсулотларни ўз вақтида етказиб бериш, қолгани мени ишим.

— Олиб келиб берди-ку? — елкасини қисиб қўйди Субхонов. — Бир тонна сабзи, пиёз, шолғом... Икки тонна карам... Сиз бўлса, ҳадеб «нима иш қилиб қўйдингиз?» деб ўдағайлаб ётибсиз!

— Эътиборингиз учун, ўша икки тонна карамларингизни ичида учтаси етишмаяпти, — заҳарханда қилди Бердиев. — Ё бунисидан хабарингиз йўқми?

Субхоновнинг ранги бўзариб кетди.

— Қаёкка кетади? — деди кўзларини пирпиратиб.

— Бил-ма-дим? — деди Бердиев қўлларини ёзиб, — буни сиздан сўраш керак?

— Бунака бўлиши мумкин эмас, — бош чайқади Субхонов. — Ё, сиз мени калака қиляпсиз, ё қандайдир англашилмовчилик...

— Келинг, гапни чувалаштирмайлик, ака, — деди Бердиев асабийлашиб, — биз учун махсус карамлар неча бош эди?

— Эллик дона, — деди Субхонов лаблари зўрға кимирлаб. — Узилаётганда ҳам, машинага ортилаётганда ҳам ўзим тепасида туриб, битта-битта санаб жойлаштирилган...

— Қирк еттита чикди, — деди Бердиев совуққина қилиб.

— Бўлиши мумкин эмас, — кичкириб юбораёзди Субхонов.

— Бўлибди-ку? — аччик жилмайди Бердиев. — Нега мумкин эмас экан? Ана марҳамат, ертўлага тушинг! Йигитлар шу ерда. Битталаб ҳаммаси кесиб чиқилди. Қирк еттитаси бутун, қолгани чиқинди.

— Мени ноқулай аҳволга солиб қўйяпсиз, — ўйиб оладиган оҳангда деди Субхонов тер босган пешонасини кафти билан артиб.

— Йўқ, сиз мени ноқулай аҳволга солиб қўяяпсиз! — ўйиб оладиган оҳангда деди Бердиев. — Сизку, махсулотларни бир бало қилиб, олиб келиб ташладингиз. Мен-чи? Мен энди уларни келишилган объектларга, самолётдами, поезддами, балодами-баттардами эгаларига етказишим, қолган-қутганларни бозорларга чиқаришим керак. Буни тушунасизми, ўзи?

— Тушунаман, — деди Субхонов бўшашиб.

— Ҳеч балони тушунмайсиз, — қўл силтади Бердиев. — Миждозлар билан ўртамизда битим тузилганидан хабарингиз бор. Агар, билиб қўйинг, шу қилинганга сабаб битим бузилса... Ана шу хом қаллангиз билан жавоб берасиз!

— Мени қўрқитманг! — титраб кетди Субхонов.

— Қўрқитмаяпман, огоҳлантириб қўяпман ҳолос, — деди Бердиев. — Ҳайдовчи йигитларингиз қани? Балки ўшалар ўмаришгандир?

— Улар қайтиб кетишган, — деди Субхонов, — улар ишончли йигитлар...

— «Ишонган тоғда қийик ётмайди», акахон, — деди Бердиев. — Шубҳам ўшалар-да. Юқларни олиб келган ўша йигитларни топиб келинг!

— Қанақасига? — ажабланди Субхонов.

— Билмадим? — хўмрайди Бердиев. — Орқасидан борасизми, чакиртирасизми, бу сизнинг ишингиз. Лекин менга ўша уч дона қарамни аниқлаб берасиз!

— Ёнимда орқикча пулим йўқ, — деди Субхонов

йўғон лабларини қимтиб ва қўшиб қўйди, — ҳисоб-китобимиз нима бўлади?

— Ўша карамлар аниқланмагунча, бир тийин ҳам ололмайсиз, — кўзлари совуқ ялтираб кетди Бердиевнинг. — Ҳозир ўзингиз «уч кило»ни эплаёлмаяпсиз, яна пул дейсиз?

— Тагимда машинам ҳам йўқ, — хафсаласизлик билан деди Субхонов.

— Майли, машина биздан, — деди Бердиев, — айтаман. Ҳайдовчи олиб чиқади, ёнингизга яна битта йигит ҳам қўшиб бераман.

Субхонов «хўп» дея ўрнидан туриб, оёқларини судраганча эшик тарафга юраркан, орқасидан Бердиевнинг дағдағаси эшитилди:

— Ернинг тагида бўлса ҳам топиб келасиз! Қолган гапларни кейин гаплашамиз!

Эшик ёпилди...

Субхоновнинг режалари аслида бошқача эди.

Юкларни машинага ортиб юборгач, ўзи хотиржам самолётга чикди. Тошкентга қўнгунча маза қилиб мизғиб келди. Келишув бўйича, Бердиевга қўнғирок қилиши, унинг янги уйида учрашиши, маҳсулотни ва уни етказиб берилгани хакини олиб қайтиши керак эди. Милиционерлар ишнинг белига тепишди. Таксидан нега ўша ерда тушди ўзи? Кўзи «таксофон» деган ёзувга тушгани учундир-да! Аэропортнинг ўзидаёқ телефон килса бўларди-ку?..

Субхонов эса бу ёғини бошқача режалаштирган-ди. Бердиев билан ҳисоб-китоб қилиб, пулларни олволгач, икки-уч кун шаҳарда қолмокчи, хилватгина «Космос» меҳмонхонасига бориб, ўзининг «пинхоний номери»га тушмокчи, шу ерда, фойедаги атторлик дўкончасида ишлайдиган Зумрадхон деган дўндик жувон билан бир дам олиб кетиш ниятида эди, ҳаммаси чиппакка чикди.

Бу лаънати карамлар қаёқда қолган бўлиши мумкин? Ахир ҳаммасини битта-битталаб текшириб жойлаштирганди, бошқаларига аралашиб кетмасин, деб сувқоғоз билан ўртасидан ажратиб қўйганди-ку?!

Субҳонов кўндан бери бунақа ноқулай аҳволга тушмаганди. Ҳамиша ишлари беш, қойилмақом эди.

Қайси бир йили Зоминда, санаторийда дам олиб ётган кезлари Бердиев билан танишиб қолди.

Қўлини узатса ойга етадиган, бу учар ва ишбилармон йигитга ҳаваси келди. Гўё бутун санаторий ёлғиз ана шу бойвачча йигитга хизмат қилаётгандек туюлди унга. Худо ҳусндан ҳам, гавдадан ҳам қисмаган, муштлири гурзидек-гурзидек келадиган, оғзи тўла тилла тишли бу азамат йигитга яқинлашишга ҳаракат қилди. Зиёфатлар уюштирди, овга, меҳмондорчиликларга олиб борди.

Мавлонбек Бердиев жуда камгап йигит эди. Бошқалар хахолаб кулганда мийиғида кулимсираб қўяр, одамлар гапиравериш оғзи кўпириб кетганда, бирикки оғиз луқма ташласа ташлар, бўлмаса жим ўтираверарди.

Субҳоновга унинг ана шу оғир-вазминлиги, жиддийлиги ёқди ва «бу йигитда гап кўп кўринади» деб қўйди ичида.

Адашмаган экан. Кўп ўтмай бу нарса ўзини кўрсатди.

Бир куни Бердиевни кўргани бир неча йигитлар келишди. Ҳаммаси тижоратчи, тадбиркорлар экан. Улардан бири аллақайси юртда карам ўстирилиши ва уларнинг ичига елим халтачаларда наркотик моддалар жойланиб, тегишли ҳудудларга тарқатилиши ва бунинг орқасидан миллион-миллион доллар фойда кўриши ҳақида гапириб қолди.

Субҳонов буни эшитиб донг қотди қўйди. Ўйлади-ю, сира ақли етмади. Сўрашга ноқулай. Лекин барибир шу фикр унга тинчлик бермай қўйди, қандай бўлмасин тагига етишга уринди.

Бир куни бассейнда Бердиев икковлари чўмилиб, «Бавария» пивосидан ичиб, офтобда тобланиб ётишганида киши билмас шундан гап очди.

— Карамнинг ичига қанақа қилиб наша жойлашаркан, ақлим бовар қилмаяпти? — дегандек гап қилди.

Бердиев унга жавобан индамади-ю бир оздан кейин қискагина қилиб, «қалови топилса, қор ҳам ёнади» деб қўйди.

... Ва ўша куни кечкурун Субхонов ўзининг боғидаги узумлардан махсус тайёрлатган мусалласни ичиб, овқатланиб ўтиришаркан, кутилмаганда Бердиевни ўзи оғиз очиб қолди...

Маълум бўлишича, махсус ажратилган майдонга февралнинг бошларида қарам уруғи экилиб, иссиқхоналарда ё плёнка остида ўстирилар, ўзаги кўриниб гулпоя чиқара бошлаган пайтда, уларнинг ўртасига эллик-юз грамм кўкнори шираси ё наша муми солинган елим халтачалар жойлаштирилиб қўйилар ва икки ойга етар-етмас қарамлар ўзини ўнглаб, пўстлоқлари ўралиб, етилиб, «дорилар» унинг барглари орасига яшириниб қоларкан. У ёғи эса кетди! Ана сизга «нарқобизнес!»

Субхонов буни эшитиб, эси оғиб қолаёзди.

— Ахир мени фермер хўжалигимда ҳам қарам ўстириладику, нега шу нарса ҳаёлимга келмади? — деб юборибди кутилмаганда.

— Ҳаёлингизга келмагани маъқул, — қулимсиради Бердиев, — бу жуда қалтис ўйин...

Шу билан суҳбат тугади. Бошқа мавзуга ўтишди. Аммо барибир Субхонов шу кеча ухлаёлмади. Эртасига яна шу ҳақда оғиз очди.

Бердиев эса дангалини айтиб қоя қолди.

— Майли, ана, қарамингиз бор, — деди секин, — лекин уларга жойланадиган «дорилар»ни қаёқдан оласиз?

— Бор, — деди Субхонов қизишиб, — тоғда

ишончли одамлар бор... Нашами, кўкнорими, етказиб беришади.

— Мени бўлса, бошқа юртлардаги бозорлар билан ҳам алоқам бор, — деди Бердиев ўйланиб. — Ўйлашиб кўрайлик, балки уриниб кўрармиз... Лекин, исини чиқарманг. Яна фермер хўжалигингиз етим бўлиб колмасин!

Кулишишди. Келишишди. Ўша йили куздан иш бошлаб юборишди. Кўкламга чикиб, биринчи «хосил» тажриба учун Россия тарафларга жўнатилди. Натижа кутилгандан яхши бўлди.

Субхоновнинг Жинтепа адирларининг ортидаги кишлоқ этагида хуфёна кўкнори, наша ўстирилишидан озми-кўпми хабари бор эди. Ўшалар билан пинхона учрашди. Улар афюн экиладиган кўкнори кўсакчасини тилиб, ичидан окиб чиққан сутсимон шира котгач, махсус пичоқча билан қириб олиб, кейин кичкина сувқоғоз халтачаларга жойлаб берадиган бўлишди. Уни бизда корадори, Европада «опиум» дейишаркан. Субхонов бунисини кейин билиб олди. Кейин яширинча экиладиган жойларни ҳам аниқлади. Уларнинг чангидан пластилинга ўхшаган мумсақич қилишни йўлга қўйди. Уни гиёхванд-бангилар «экстра» дейишар, у жуда «тозаси» бўлиб, харидоргир «товар» ҳисобланаркан. Ана шуларнинг ҳаммаси пакетчаларда ўсаётган карам ўзакларига жойланиб манзилларга жўнатиладиган бўлди. Шундан кейин ўртада шартнома тузилди: «Намуна» хусусий фермер хўжалиги раҳбари Кобил Субхонов билан бозорлар бошқармаси назоратчиси, хусусий тадбиркор Мавлонбек Бердиев ўртасида. Сабзавотлар етиштириш, етказиб бериш, қисқаси, аҳоли эҳтиёжини қондириш мақсадида...

Шу-шу Субхоновнинг ишлари юришиб кетди. Данғиллама уй курди. Кўша-кўша машиналар олди. Кетма-кет тўйлар килди. Икки ўғлини уйлаб, қизини чиқарди. Яна иккитаси бор. Хўжалигини, экин май-

донини яна кенгайтирди. Плёнка тагида эртапишар карам етиштиришни авж олдирди. Апрель-май ойларида бу махсулот камчил, талаб эса катта бўлгани сабабли, бозори чаккон эди.

Икковлон шуни ҳисобга олиб, ҳам бозорни, ҳам бошка «савдо»ни ривожлантириб юборишди. Субҳоновнинг эса бир оёғи шаҳарда, бир оёғи қишлоқда бўлиб қолди. Бир кўнгли шаҳардан ҳам бир-икки хонали квартира олиб қўймоқчи бўлди-ю, шошилмади. Зеро, унинг кўнадиган жойи, кутиб оладиган мезбонлари йўқ эмасди. Уларнинг бири Зумрад эди.

Бу қўл-оёқлари келишган, шахло кўзлари ёниб турадиган, дўмбоққина жувон билан шаҳарга қатнаб юрган кунларининг бирида танишиб қолди.

Ўшанда, шаҳарда қандайдир фестивалми, нима бало муносабати билан хорижий меҳмонлар келган, меҳмонхоналар тирбанд, «отел»ларнинг ойнаванд эшикларига «бўш жой йўқ» деган эълонлар осиб қўйилганди.

Кўк юзида чакмоқ чакиб, момакалдирок гумбурлаб, шаррос ёмғир қуйиб турган окшом эди.

Субҳоновнинг йўлдан хориб-чарчаб, сувга тушган мушукдек келгани ҳам бир бўлди-ю, меҳмонхона маъмурларининг «бўш хона йўқ» деб юзига эшик ёпганлари ҳам бир бўлди. Бўшашганча, фойедаги чарм креслога ўтириб қолди. Соч-соқоли ўсган, кир-чир, боз устига чарчаган, корни оч эди. Кўзи илиниб қолибди. Бир маҳал кимдир елкасига туртгандай бўлди-ю, аранг кўзларини очиб караса, ой деса ойдек, кун деса кундек, гўзал бир аёл тепасида жилмайиб турибди. Субҳонов аввалига қаерда, нима қилиб ўтирганини ҳам туйқус идрок этолмади. «Нима гап?» дегандек минғиллаб қўйди.

— Туринг, почча, — деди аёл чиройли жилмайиб, — икки соатдан бери ухлайсиз-а? Калла пишдимми?

— Ҳа, энди, ит ётиш, мирза туриш-да, — деди Субҳонов норози оҳангда. — Меҳмондўст халқимиз-

нинг ахволи бу! Шундок меҳмонхонада битта каталак топилмаса-я?

— Уйингизга бора қолмайсизми? Янгам кутиб қолгандирлар? — деди аёл кулиб.

— Уйимиз бу ердан кўринмайди, — деди Субхонов ҳам ўлганининг кунидан илжайиб. — Янгангиз билан хайрлашиб келганман. Командировка билан юрибман. Бир кечага жой топилмаяпти, ҳаво яхши бўлганда, кўчадаям ётаверардим...

— Агар жуда зарур бўлса, тўғрилаймиз, — деди аёл сирли қилиб, — факат ҳақи икки барабар бўлади-да!

Субхоновга жон кирди.

— Ўн баравар пулини тўлайман, — деди ҳовлиқиб. — Бир савобли иш килинг, синглим...

Аёл секин «орқамдан юринг» деди-да, лифт томонга бошлади. Навбатчи эшик оғасига нимадир деб Субхоновни еттинчи каватга олиб чиқди. Ўўлак адоғидаги бир хонани очтириб жойлаштирди.

— Сиз, ювиниб, кийиниб туринг, мен бирон егулик қараб кўраман, яна очингиздан ўлиб-пўлиб қолманг, — дея ҳазиллашиб чиқиб кетди.

Субхонов шоша-пиша ваннага кирди, соқолини олди, ювиниб-таранди. Кейин қаравот устига сумкасини ағдариб ҳужжатлари, пулларини ёйиб тартибга солаётгани, кутилмаганда аёл қўлида патнисча, устида минерал сув, парракланган қолбаса, нон кўтариб кириб келиб қолди. Субхонов шошиб қолганидан қаравот устини ёпишга улгуролмади. Аёл ўрин устида ёйилиб ётган даста-даста пулларни кўриб қошларини кериб кўйди.

— Зўрсиз-ку? — деди қўлидаги нарсаларни столча устига қўяркан. — Мабодо, банк-манкни тунамадингизми?

— Йўқ, бу сафар қассани ўмардим, — қулди Субхонов.

Улар шу тахлит танишишди. Аёлнинг исми Зум-

рад, ўзи фойедаги атторлик дўкончасида ишлар, бунга қўшимча ҳафтада бир-икки маротаба шу каватда навбатчилик ҳам қилиб тураркан. Эри, иккита боласи бор экан. Баъзан, ана шунака тикилинч пайтларда одамларнинг хожатини чиқариб, жой топиб бериб, беш-ўн сўм ишлаб ҳам тураркан.

У шу ҳақда гапирганди, Субхонов кулди. «Тирикчиликнинг айби йўқ», деди. Сумкасидан бир шиша коньяк билан уч-тўртта олма-анор олиб столга қўйди. Ўтиришди. Ичди. Сухбатлашишди.

Зумрад хонадан чиқиб кетаётганида, «хафа бўлмайсиз, Қобил ака, телевизор қуриб кетгур куйиб қолган, чидайсиз. Зерикиб қолмасиз?» деди, кейин «ё, бир ўзингиз ётишдан қўрқасизми?» деб ҳазиллашди.

Субхонов ҳам бўш келмади.

— Агар сиз шу ерда, тепамда бўлсангиз, «Фаргона тонг отгунча» ухламай ўтириб чиқардим, — деди ҳушонам килиб.

— Афсуски, бунинг иложи йўқ, — деди аёл лабларини тишлаб ва шўхчан оҳангда «хайрли тун» деб чиқиб кетди.

Субхонов бўлса, бунинг аламига босиб-босиб яна коньяк ичди. Кейин ухлаб қолибди.

... Алламаҳалда эшик секин, худди тимдалагандек тақиллади. Уйқусираб бориб очди. Қараса, бояги аёл — Зумрад. «Тезроқ эшикни ёпа қолинг!» дедида, лип этиб ичкарига кирди.

«Ҳаво совиб кетди. Аксига олиб, хоналар қуриб кетгур ҳам яхши иситилмайди. Музлаб кетди, — деб қаравотга ётиб, одеялга ўралиб олди. Субхонов донг қотганча қолди. Бир оздан сўнг Зумрад ўрнидан туриб ўтирди. Коньяк ичди, олма газак қилди, сигарет чекди. Кейин тап тортмасдан «Шунака ўтираверамизми? Ё, қаравотда бирга ётишдан қўрқаяпсизми?» деб ишва қилди, уни кутиб турмай, худди эрининг олдида ечинаётгандай, кийимларини

ечиб ташлади. Субхонов каршисида турган, бу бадани мармардек таранг, сарвкомат малакни кўриб, тушими-ўнгими — фарқлаёлмай қолди.

— Бўла қолинг, чироқни ўчиринг, — шипшиди Зумрад ўринга кираркан.

Чироқ ўчди. Субхонов ҳам «кўрмаганнинг кўргани курсин» деганларидек, чала-чулпа ечиниб ўзини унинг қўйнига отди. Шу кеча улар анчагача ухлашмади...

Субхонов алламаҳалда уйғонди. Караса, кун ёришиб, Зумрад аллақачон чиқиб кетиб бўлган экан. Ховлиқиб каравот тагига яширган сумкасини олди, кавлаштириб пулларини қаради, йўк, хаммаси жой-жойида экан...

Шу куни Субхонов Зумрадга анча-мунча пул тутказиб, ҳисоб-китоб қилди. Бунақа хотамтой мижозни учратмаган аёл ханг-манг бўлиб қолди.

Ўша-ўша Субхонов шаҳарга келди, ана шу, «Космос» меҳмонхонасига қўнадиган, тунларини шу ерда, Зумрад исмли ўйноқи паривашнинг иссиқ кучоғида ўтказадиган бўлди.

Лекин бугун, буниям худо кўп кўрди. Зумрадхоннинг висолига етишиш ҳам насиб қилмади. Йўлга чиқишга мажбур бўлди...

Капитан Саидов лейтенант Собитовнинг гапларини эшитиб ранжиди.

— Нега ўша захоти кўнғирок қилмадингиз? — деди жаҳл билан столга уриб.

— Туш кўриб ўтирибманми, Самандар ака? — деди Собитов хижолатомуз, — хаёлимгаям келгани йўк...

— Хаёлни сал йиғиштириб олиш керак, лейтенант, — деди Саидов норози киёфада, — жиноят-кидирув гурухининг аъзоси, тажрибали офицер қўлига тушган ўлжани чикариб ўтирса... Аклга сигмайдиган иш!..

Лейтенант Собитов индамади.

— Хозирок тезкор гурух билан отланинг, — деди капитан Саидов унга қарамай, — шаҳарга сабзавот ортилган машинада наркотик моддалар олиб кирилган... Бошқа ёқларга жўнатилмасдан қўлга киритилиши керак!

— Ростдан ҳам наркотика ўша қарамларнинг ичига жойланган эканми? — сўради ҳамон ханг-манг бўлиб ўтирган сержант Қорабоев.

— Ҳа, наркобизнеснинг шунақа, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган усуллари-ю, хийлалари бор, — деди эксперт Умаров, — қарам энди барг ёзиб ўралаётганда ичига жойлаб қўйилади. Қарабсизки, икки-уч манзилда «посилкалар» тайёр бўлиб турибди-да!

— Вой, энангди! — деб юборди сержант, — аэропортда бекорга кўнглим сезмаган экан-да-а!

— Сизлар тўғри қилгансизлар, — деди капитан Саидов мураса оҳангида — лекин бир оғиз бизга кўнғироқ қилиб қўйишларинг керак эди. Ўзбошимчалikka йўл қўйгансизлар. Лейтенантни бундан хабари бўлиши керак эди!

— Милиция пунктида қарамларни кесиб кўрдик, — деди лейтенант Собитов, — лекин ҳеч нарса чиқмади.

— Бу конспирация! — кулди эксперт Умаров, — Бу сизу бизни чалғитиш учун қилинган бўлиши мумкин.

— Хулласи қалом, — деди капитан Саидов жиддий тусда, — шаҳарга кираверишдаги божхона яқинида навбатчи милиционер йигитлар ҳазил-хузул билан ўша машинадан уч-тўртта қарам олиб қолишган. Тушликда овқат қиламиз, дейишганми?.. Кесишса, ичидан наркотика солинган целлофан халтачалар чиққан.

— Нахотки, ўша хайдовчилар ҳам бундан беҳабар бўлишган бўлса? — таажжубини яшира олмади Қорабоев.

— Буниси бошқа масала, Тоживой, — бош чайкади Саидов.

— Демак, вақтни ўтказмай изига тушиш керак, — аралашди дераза ёнида турган Жанна Микеладзе.

— Сен Жанна, — деди капитан Саидов, — лейтенант Собитов гуруҳи билан кетасан. Сержант Қорабоев...

— Эшитаман? — ўрнидан турди сержант.

— Сен милиция ва божхонадагилар билан боғланиб, ҳар чорак соатда биз билан боғланиб турасан. Орқантлардан биз ҳам йўлга чиқамиз! Ҳаммангларга рухсат!

Ҳамма ўрнидан қўзғалди ва бирин-кетин хонадан чиқа бошладилар.

Хонада капитан Саидов билан эксперт Умаров қолишди.

— Табриклайман, Шерлок Холмс! — деди Умаров жилмайиб.

— Нима билан? — тушунмади капитан.

— Янги ташвиш муборак бўлсин!

— Куллуқ! — қўл силтади Саидов, — бунақа бепарво, лоқайд одамлар билан қанақа қилиб ишлаб бўлади, хайронман?

— Сиқилманг, ҳаммаси энди бошланди, — деди Умаров жиддий оҳангда, — жуда устаси фаранг жиноятчиларга рўпара келганга ўхшаймиз. Бир тарафда йўл, бир тарафда бозорлар, бир тарафда нотаниш йўловчи, бир тарафда воҳа, экин майдонлари, бир тарафда наркотик моддалар етказиб берадиган курьерлар... Нақ, Лотин Америкаси сериалининг ўзи! Брассика!

— Нима, — хайрон бўлди капитан Саидов.

— Брассика! Лотин тилида «карам» шундай деб аталади, — кулимсиради Умаров, — бу операцияни «Брассика операцияси» деб атасак ҳам бўлади. Яъни «Карам операцияси!»

Капитан Саидов экспертга таажжуб билан қараб қолдию, кейин «э» дея қўл силтади.

— Ғалати одамсиз, Бурҳон ака, — деди бош чайкаб, — ким нима ғамда-ю, сиз канақадир «брас-сика» хақида гапирасиз?

— Нима бўпти? — елка кисиб қўйди Умаров, — бу операциянинг номи холос. Унутманг, азизим! Бола туғилганда ҳам биринчи бўлиб унга исм қўйилади. «Брассика» ёки «Брассико!», Браво! Брависсимо!

Капитан Саидов рўпарасидаги сийраклашган сочлари пахтадек оппок, хўппа семиз, бу гўдактабиат одамга караб туриб беихтиёр кулиб юборди...

Дурбекнинг назарида вақт жуда имиллаб ўтаётгандек, йўл борган сари чўзилиб кетаётгандек туюлар, бунга сари безовталанар, сиқиларди.

Шомуроднинг эса сира чакаги тинмайди. Нак, радиоприёмникнинг ўзи! Истаган мавзуда гапириб бораверади. Радиодан фарқи шуки, уни «шиқ» этиб ўчириб қўйиб бўлмайди.

Шерали Жўраевни қайси тўйда нечта ашула айтгани борми, Юлдуз Усмонованинг янги «имиджи»ми-ей, Миржалол Қосимов охирги ўйинда нега иштирок этмаганими-ей, ўзининг бузоғи қўшнисиникига кириб сигирни эмиб қўйгани борми, гапираверади.

Дурбек кулмаса, «майли, Шомурод хафа бўлма!» деб ўзи кулиб қўя қолади.

Шу тахлит, улар шаҳар чегарасига етиб келишди. Бетон тўсиклар билан ўралган ДАН пунктининг олди машиналарга тўлиб-тошиб кетганини кўриб, Дурбекнинг капалаги учиб кетди.

— Эх-хе, бу ерда тонготар қолиб кетмасак гўрғайди, — деб юборди.

Йўқ, йўл ҳаракати бир тезлашиб, бир секинлашиб машиналар ҳаракатга тушди. Улар хали шлагбаумга етмасданок елкасига автомат осган сержант машинани четрокка олишни буюриб, ҳужжатларни сўради.

Дурбек ноилож машинасини бурди. Тушишди. Негадир ҳамма ДАН ходимлари ўзларига ва уларнинг машинасига бошқачарок қараётганларини сезиб, Дурбек хайрон бўлди.

Уларни йўл четидаги хонага бошлашди. Қаердан келишган, нима олиб келишган, қаерга топширишган, қачон, қаерда, ким билан учрашишган... қисқаси, саволларни тахлаб ташлашди, хатто бу ерда Шомуроднинг махмадонагарчилиги ҳам иш бермай қўйди.

Шундан кейин, гап-сўзи ўзидан қўпол майор қаергадир қўнғирок қилиб, нималарнидир гаплашдида, уларга юзланди, «у ёқдан рухсат бўлгунча шу ерда кутиб туришни» тайинлади.

Дурбек билан Шомурод бир-бирларига анграйганича ўша хонада қолишди. Дурбек бўлса, ўша майордан рухсат олиб уйига қўнғирок қилишга уннай кетди...

Майор «хотинингиз сизсиз ҳам туғаверади» деганди, Шомурод Африкани аллақаерида эр-хотин туғруқхонага бирга бориши, хотинининг кўзи ёриётганида эри ҳам бақириб-чақириб туриши ҳақидаги хангомаларни айтиб, ҳаммани кулдириб ўтирди...

У ёқда Субхоновнинг ҳам кайфияти чаток эди. Уч дона карамнинг қаёққа қойиб бўлганини сира тушуниб етолмас, айти чоғда Бердиевнинг қазабига учрашдан ва бундан милиция хабардор бўлиб қолишдан хавотирда, Бердиевнинг ёнидаги йигитлар билан ўзи сабзавот ортиб жўнатган юк машинасининг ортидан кувиб кетмоқда эди.

У шаҳарга омон-эсон келиб олгани, хатто ичига ҳеч вако жойланмаган иккита карамни милиционерларга бериб уларни чув туширганидан хурсанд, бу вақтнинг ўзида Бердиевнинг қўпол муомаласи-ю ичига «дори» жойланиб ўстирилган карамларнинг

учтаси йўқолиб қолганидан жони ҳалак, машина ойнасида бўйинини чўзиб олдинга қараганча кетиб борарди.

Нихоят, шаҳар чегарасига яқинлашгач, йўл четига олиб қўйилган прицеппи таниш юк машинасини кўрди-ю, қўнгли жойига тушди. Машинани йўл четида тизилишиб турган бошқа машиналар ортида тўхтади. Субҳонов «мен ҳозир келаман» дея ўзи ДАН пункти тарафга қараб кетди.

Биринчи учраган милиционердан юк машинасининг ҳайдовчисини сўраб, ДАНнинг кичкинагина ёштин биносига ўтди. Эшикни очиб ичкарига қаради-ю, телефон гўшагини кулоғига тутганча турган Дурбекни кўриб сергакланди, секин ичкарига кирди.

Хонада пастаккина стол ёнида нимадир ёзиб-чизиб ўтирган офицер ва дераза ёнида турган Шомурод қизиқсиниб унга қарашди.

— Ҳа-а? Тинчликми? — деди Субҳонов Шомуродга хўмрайиб.

— Қўлга тушдик! — деди Шомурод илжайиб.

Субҳоновнинг юраги шиф этиб кетди.

— Б... бу нима деганинг? — деди ранги ўчиб, — бу ерда нима қилиб ўтирибсизлар?

Майор бош кўтариб унга қаради:

— Кечирасиз, ўзлари?..

— Ўзлари бизни хўжайин бўладилар, — Субҳоновнинг ўрнига жавоб берди Шомурод.

— Фамилам Субҳонов. Фермер хўжалигининг раҳбариман, — деди Субҳонов офицер билан кўришиб, — тинчликми ўзи?

— Тинчлик, тинчлик, — деди майор унга бошдан оёқ кўз югуртиб. — Ҳозир жавоб бериб юборамиз. Одатдаги текширув... Канақадир юк машинасида қанақадир нарса олиб ўтилган...

— Нимаикан? — ўзини сезмаганга олди Субҳонов.

— Ана шунинг нималигини билмай ўтирибмиз-да, — жилмайди Шомурод.

— Сендан кўраётганим йўк, — еб қўйгудек ўқрайди Субхонов. — Сен ўзинг нега ншда бўлмай, бу ёқда ўлганнинг кетидан шахид бўлиб юрибсан?

— Машинам ремонтда, — деди Шомурод совуккина қилиб, — эхтиёт қисмлар йўк. Билдиргим сизни котибангизда ётибди. Шунинг учун...

— Нима, шунинг учун? — овозини баландлатди Субхонов.

— Дурбекка хамрох бўлиб, бир «катайса» қилиб келай, деб келгандим, — деди Шомурод унга синовчан тикилиб.

— Қишлоққа кайтгин, сенга «катайса»ни ўша ёқда кўрсатаман, — пўписа қилди Субхонов, — ким нима дардда-ю, сенлар бу ёқда...

— Хозир махсус гуруҳ етиб келади, шуни кутаяпмиз, — унинг сўзини бўлди майор, — кейин кетаверасизлар.

Субхонов буни эшитиб пол билан шифт оралиғида муаллақ осилиб қолгандай бўлди. Бу орада Дурбек уф тортиб гўшакни жойига қўйиб, Субхонов билан кўришди.

— Нима гап? — деди Субхонов унга қараб.

— Уйга қўнғирок килаётгандим. Тушиб бўлмапти, — деди Дурбек.

— Мен сендан бу ерда нима гап деб сўраяпман? — асабийлашди Субхонов.

— Билмадим, — елка қисди Дурбек, — ҳамма юк машиналарни тўхтатиб текширишяпти.

— Командир, — деди Субхонов майорга қараб, — мен булар билан икки оғиз гаплашиб олай, шошиб турибман.

— Гаплашаверинг! — хайрон бўлди майор.

— Ташқарида гаплашиб олсак девдим...

— Хўжайин билан қўл остидагилар диалоги! — илжайди Шомурод.

— Бемалол, — деди майор бош ирғаб.

Учови ташқарига чиқишди.

Осмоннинг кунботар қисми тандирнинг оғзидек кип-кизариб турган палла эди. Хаво дим. Қилт этган шабада йўк. Кўча юзидаги катта-кичик машиналар ҳам сийраклашиб қолган, шлагбаум ёнида уч-тўртта ДАН назоратчилари-ю беш-олтита юк машиналари ва Субхонов келган, йўлнинг нариги бетида турган «Нексия»ни айтмаса, бу атрофда бошқа транспорт ҳам, одамлар ҳам кўринмасди.

Субхонов иккала йигитни панарокка, нарироқдаги баргларини чанг босган ўрик дарахти тагига бошлади. Шомурод сигарет узатди, Дурбек билан чекишди.

— Нималарни сўрашди? — деди Субхонов безовталигини яширишга уриниб.

— Қаердан келаяпсизлар? Қаякка кетаяпсизлар? деганга ўхшаш савол-жавоблар, — деди Дурбек.

— Нима дединглар? — деди Субхонов у ёк-бу ёкка аланглаб.

— Нима дердик? — деди Шомурод. — Шунақа, сабзавот олиб келгандик, ташлаб кетяпмиз, дедик.

— Кейин-чи?

— Кейин, мана сиз билан гаплашиб турибмиз, — кулди Шомурод хўжайинининг ранги ўчган товоқдек башарасига караб.

— Сен майнавозчилик килма, бола! — ўдағайлади Субхонов. — Улар нега сенларни ушлаб ўтиришибди?

— Ташқарида турсак ҳам бўларди, — деди Дурбек, — мен телефон қиламан, деб хонага киргандим. Нимагайди?

— Мен иссиқдан қочиб киргандим, — қўшилди Шомурод.

— Хужжатларинг ўзингдами?

— Йўк, текширгани олишди. Ҳали беришмади, — деди Дурбек.

— Қўлига беш-ўн сўм қистириб чикиб кета қолмадингларми?

— Хозир Субхонов акамиз келиб ўзалари тўлайдилар, деб ўтиргандик, — яна тегишди Шомурод.

— Сен бола, нарирокка ўт! — бакирди Субхонов, — Нега масхарабозлик қилаверасан? Ундан кўра айтинглар, йўлда кимга карам сотдинглар?

Дурбек билан Шомурод тезгина бир-бирларига караб олишди.

— Ҳеч кимга, — деди Дурбек ажабланиб.

— Унда нега уч донаси кам чиқибди?

— Ия, санаб солинганмиди?

— Ҳа...

— Э, бўлди, — кулиб юборди Шомурод, — йўлда келаётганимизда ГАИчилар тўхтатиб уч-тўрттасини олиб қолишганди. Эсингга тушдими, Дурбек?

Субхоновнинг устидан қайноқ сув қуйиб юборилгандек сесканиб тушди. Ранги қув ўчиб, дўрдок лаблари титради. Бир Дурбекка, бир Шомуродга анграйиб каради ва қандайдир ғалати товушда деди:

— Агар карам-парамдан овиз очишса... ҳеч нарсадан хабаримиз йўк, деб тураверинглар...

— Қайси карам? — сўради Шомурод. — Ўзингизни иссиқхонангизда етиштирилганми?

Субхонов Шомуродга караб тишлариниғижирлатди:

— Катта холамникида етиштирилгани, — деди башараси хунук тус олиб. — Сенга нима алоқаси бор?

— Хали сўраб-суриштириб қолишса, айтиш керак-да, — деди Шомурод ўзини ёлғондан гўлликка солиб. — Ишқилиб захарланмаганмиди?

— Сен бола! Мен билан кўп ўйнашма! — деди Субхонов илондек вишиллаб.

— Билиб қўйган яхши-да, — деди Дурбек оғайнисини қувватлаб.

— Дурбекни билмадим-ку, лекин мени икки марта тепишса, қўрққанимдан айтвораман, — кўзларини қувлик билан қисди Шомурод.

— Нимани айтасан? Нимани? — деди Субхонов муштларини тугиб.

— Нега бўйнингизни чўзаверасиз? — деди Шомуроднинг кулча юзи кип-кизариб. — Нега ўзингизнинг ахлатингизни тозалаб юрмайсиз? Камалсангиз, ўзингиз кетаверинг, бизниям судраманг!

— Нималар деб валдираяпти, бу бола? — деди Субхонов шак-шак калтираб.

Дурбек уларни тинчлантирмоқчи бўлганди, Шомурод уни четга сурди.

— Менга қаранг, Кобилхон ака, — деди ўзини босишга уришиб, — бунақа дўк-пўписангизни бошқа жойда қиласиз, хўпми? «Бошингга килич келса ҳам ростини айт» деб қўйибдилар!

— Нимани айтишим керак? — кўзларини олайтирди Субхонов, — Гапир!

— Шунақа, шунақа, яширинча ишлар киламан, дейиш керак, — деди Шомурод.

— Қанақа яширинча иш? — унга яқинлашди Субхонов, — нималар деяпсан ўзи, ит?

— Эҳтиёт бўлинг, тишлаб оламан! — деди Шомурод бўғилиб. — Лекин айтиб қўяй, мен кўрқадиган ёшдан ўтиб кетганман. Тоғда кўкнори ўстирадиган, наша тайёрлайдиганлар билан алоқангиз борлигини билмайди, деб ўйлайсизми? Қанақа қилиб бизнес қилаётганингизни биламиз. Факат олтита боласи бор, деб хозирча ҳеч ким индамай юрибди...

— Ўчир овозингни! — деди Субхонов ва кутилмаганда Шомуроднинг ёкасига ёпишди.

Дурбек уларни ажратишга улгуролмади. Шомурод бир мушт билан Субхоновни ерга йиқитди, қўлларини қайирди. Субхонов унинг қўлидан чиқишга уришиб типирчилади.

— Қўйсангларчи, уят бўлади, — деди Дурбек уларни ажратишга ҳаракат қилиб.

— Ифлос! Чўчка! — деди Шомурод Субхоновни қўйвориб ўрнидан тураркан қўлларини кокиб, — қўлни ҳаром қилишга ҳам ярамайсан!

— Мен сен билан отделна гаплашаман, яланг-

оёқ, — хириллади алам билан Субҳонов кийимларини коқаркан, хали туғилганингта пушаймон бўласан!

— Бунисини кўрамиз! — деди Шомурод ундан жиркангандек тескари қараб ва Дурбекка деди. — Юр, кетдик, Дурбек!

Иккала оғайни хали уч-тўрт кадам ҳам юришма-гандиямки, Субҳоновнинг кўлида нимадир ярқ этиб кетгандек бўлди-ю, Шомуродга ташланди. Дурбек нима гаплигини англаёлмай қолди. Шомурод «ух» деганча бикинини чангаллаганча орқага тисарилди. Дурбек унинг бармоқлари орасидан қон тиркираб чиқаётганини кўриб кўркиб кетди. Субҳонов эса нима қилаётганини ўзи ҳам билмай, кўлидаги тугмачали пичокни чангаллаганча яна Шомуродга отилди, дуч келган ерига яна пичоқ урди, кейин жаҳл устида нима қилиб қўйганини сезиб, пичокни улоктириб ўзи катта кўча тарафга югурди.

Шомурод Дурбекни кучоқлаганча секин «ая» деди-ю, йикилди.

— Ҳозир оғайни, ҳозир, — деди Дурбек нима қилишини билмай ва уни ерга ётқизиб жон-ҳолатда бақирди. — Ҳой, ким бор? Ёрдам беринг-ла-ар!

Постда турган милиционерлар тараддудланиб қолишди. Икки-учтаси шу тарафга югурди. Ичкаридан бояги майор ҳовлиқиб чиқди-ю, ерда қонга беланиб ётган Шомуродни кўриб ханг-манг бўлиб қолди. Бирдан чоп-чоп бошланди.

Бу пайтда Субҳонов йўлга чиқиб олган, ўзини кутаётган машина томонга югуриб борарди. Унинг авзойини ва орқасидан қувиб келаётган милиционерларни кўрган ҳайдовчи ялт этиб шеригига қаради ва машина шитоб билан ўрнидан кўзғалди.

— Тўх-та, ифло-ос! — бўкириб юборди Субҳонов. — Тўхта, деяпман!

Машина анча нарига бориб, йўл четида тўхтади. Худди эси оғиб қолгандек у ёқ-бу ёққа аланглаб, қўлларини силкиб бораётган Субҳонов аранг унга

етиб олиб машина ичига ўзини урди. «Нексия» яна йўлга чиқди.

ДАН постидагилар ҳам шошиб қолишди. Дурбек бўлса, йўл четидаги машинасига чиқиб моторни ўт олдирди-ю, хайдаб кетди. Ҳамма орқасидан хай-хайлаганча қолди.

Дурбек тезликни оширганча, кўп ўтмай «Нексия»га етиб олди. Орқада сирена товушлари эшитилиб, ДАН машинасининг қораси кўринди. Дурбек жон-ҳолатда яна газни босди. Кўп ўтмай Бўзсув кўлприги ёнида «Нексия»га яқинлашди ва унинг устига ўзининг бахайбат машинаси билан динозавр мисоли бостириб бораркан, орқа ойнадан кўзлари ваҳимали олайган Субхоновнинг кўзларини кўрди ва «Онагни!...» дея хайқирганча рулни буриб юборди. Юк машинаси «Нексия»ни орқа тарафдан уриб, суриб кўприкдан жарга итариб юборди. Машинанинг гумбурлаб йиқилгани эшитилди. Ҳаммаёқни бакир-чакир, машиналарнинг сигнал товушлари тутиб кетди.

Машрикда эса уфқни қонга белаб офтоб ботиб бормокда эди...

— Ана шундок қилиб, «Брассика» операцияси ҳам поёнига етди, — деди эксперт Умаров қўлларини орқага қилганча хонада у ёқдан-бу ёққа юраркан.

— Йўре, энди бошланди шекилли? — деди капитан Саидов унга қараб.

— Кимлар учундир бошланди, кимлар учундир тугади, — деди Умаров кўрсаткич бармоғини тепага ниқтаб, — шундай қилиб, гиёҳванд моддалар тайёрлаб бизнес қиладиган гуруҳ аниқланди. Қўл-оёғи синган «наркобарон» Субхонов қўлга олинди.

— Уларнинг хомийси ва раҳнамоси Бердиевни чегарадан чиқиб қочиш кетгани-чи? — деди капитан Саидов.

— Ана шуниси чаток бўлди, ҳолос, — афсусланди Умаров. — Ҳечқиси йўқ. Бузоқнинг югургани сомон-

хонагача! Лекин ўйлайманки, лейтенант Собитов билан Микеладзе уни тутиб келишади. Менга энг алам қилаётгани ҳайдовчи йигитлардан бирини бекордан-бекорга ўлиб кетгани бўлди. Гулдек йигит экан...

— Иккинчисининг хотини туғибди, — қўшиб қўйди сержант Қорабоев. — Дурбекнинг ўзини хали бундан хабари йўқ...

— Умри билан берган бўлсин, — деди эксперт Умаров. — Хали хабар ҳам топади, боради ҳам, кўради ҳам, — у шундай деб семиз корнини силаб қўйди. — Мени бўлса, шу пайтда корним очиб қолди.

— Тушлик ҳам яқинлашиб қолди, — деди капитан Саидов девордаги соатга қараб. — Қаёққа борамиз?

— Ўзимизни ошхонада «Брассика» шўрваси бормикан? — деди Умаров шерикларига қараб.

— Ни-ма? — тушунмади сержант Қорабоев кўзларини пирпиратиб.

— «Брассика» дейман! — деди Умаров кўзларини қувлик билан қисиб.

— Тўғриси айтиб қўя қолмайсизми, Бурхон ака? — жилмайди капитан Саидов.

— Йўқ! — бош чайқади Умаров. — Мен сизларга «Брассика» таклиф қиламан! Ичи тўла виж-виж витамин!

— Нима балолар деяпсиз, тушунмадим? — елкасини учириб қўйди сержант Қорабоев.

— Нимасини тушунмайсиз, сержант? — жилмайди Умаров. — «Брассика!» Брассимо! Браво! Брависсимо! Ошхонага борайлик, ўша ерда тушунтириб қўяман!

— Кетдик, тезроқ қайтишимиз керак, — деди капитан Саидов. — Иш кўп.

— Кетдик, азизим, кетдик! — деди Умаров эшик тарафга юраркан.

Бошқалар ҳам унга эргашишди. Эшик очилди, ёпилди. Уларнинг қадам товушлари узун йўлак бўйлаб анчагача эшитилиб турди...

ТЎХТАБ ҚОЛГАН СОАТ

Ниҳоят, кутилган маълумот келди. Аммо, унинг маъно ва мазмуни мутлақо кутилмаган бўлиб чиқди.

Лейтенант Собитов гуруҳи аниқлаган маълумотларга кўра, жиноят қидирув бўлими томонидан қидирилаётган соатсоз уста Натан Юсуповнинг жасади Алвасти кўприк яқинидан топилган.

Аниқланишича, фукаро Н.Юсупов беш кун аввал бедарак йўқолган бўлиб, тиббий экспертиза хулосасига кўра, унинг бош суяги ва танасининг кўкрак қисмида оғир жароҳат излари бор. Илк тахминга кўра, у аввал ўлдирилиб, кейин жарга ташланган...»

Вақт алламаҳал бўлиб қолганига карамай, жиноят-қидирув бўлими ходимларининг қарийб ҳаммаси хонада эдилар. Ҳамма жим, гўё бу кутилмаган маълумот уларга зарб бўлиб урилгану, улар худди «нокдаун» ҳолатига тушган боксчи мисоли алланечук гаранг аҳволда ўтирардилар.

— Бу ёғи қизиқ бўлди-ку? — креслони ғирчиллатиб ўрнидан турди эксперт Умаров кафтларини бири-бирига ишқаб.

— Ҳеч кутилмаган ходиса, — уни маъқуллади сержант Қорабоев.

— Йўқ, кутилмаган деб бўлмайди, — бош чайқади капитан Саидов. — Нимадир бўлиши кутилаётганди. Аммо, бу даражада эмас, албатта... Фукаро Очиловнинг уйига ўғри тушгани, профессор Исабоевнинг бесаранжомлиги бежиз эмас кўринади... Менимча Умаровнинг тахминлари тўғри чикипти. Соатсоз уста ё изни йўқотиш учун, ё атайин ўлдирилган, ё унинг ўзи ана шу жиноятга билиб-билмай аралашиб қолган...

— Иш энди бошланди, капитан, — деди Умаров. — Олдиндан фол очиб ўтирмайлик. Тахминлар кўп. Аммо биз учун ҳар қандай тахмин ҳақиқатга асос-

ланган, ишончли бўлиши керак. Мен ... агар рухсат берсангиз, ҳозир гуруҳга икки кунлик танаффус эълон қилишни таклиф этмоқчи эдим. Дастлабки, таассуротлару, тафсилотлар бир оз тинсин... Кейин бафуржа ўтириб маслаҳатлашамиз!

— Бунақа пайтларда ҳар бир дақиқа ғанимат дегувчи эдингиз-ку? — экспертга синовчан нигоҳ ташлади капитан Саидов.

— Ҳозир ҳам шу фикрдаман, — деди Умаров мийиғида кулимсираб — Майли, бошқалар ишларини бемалол давом эттираверишлари мумкин. Аммо мен ижозатингиз билан сал нафасимни ростлаб олишим керакка ўхшаяпти. Акс ҳолда асосий масала уёқда қолиб, бу ёқда ҳаммаси аралаш-қуралаш бўлиб кетиши мумкин.

— Асосий масала деганда нимани назарда тутаяпсиз, Бурҳон Умарович? — сўради капитан Саидов — Агар сир бўлмаса?..

Умаров унга жавобан елка қисиб, кулимсираб қўйди.

Ҳамма унга қараб турарди...

Ёш тадқиқотчи Наримон Очилов юртига қайтишига икки кун қолгандагина Мустафо афандини топишга муваффақ бўлди.

У баланд бўйли, озғин, суяклари бузук, кўнғир мўйловли мўйсафид экан. У Очиловнинг келишидан хабардор, илмий-амалий конференция бир неча кун давом этишини билар, аммо бу анжуманнинг куни, соати ўшанда ноаниқрок бўлгани учун, кўзи ёриган кизини муборакбод этгани ва неварасини кўриб келгани Калифорнияга кетган экан. Қайта-қайта узр сўради. Наримонни уйига таклиф қилди. Аммо энди ўзининг вақти зик, ҳар бир соати, ҳар бир дақиқаси ўлчоғлиқ бўлгани учун ён босишга мажбур бўлди.

Улар тушлик пайти денгиз соҳилидаги «Сув па-

риси» ресторанида учрашишга келишиб, хозирча хайрлашдилар.

Ҳақиқатан ҳам, Наримоннинг ишлари жуда кўп эди. Очиғини айтганда, бир ҳафта давомида у Туркияни бундок кўргандек ҳам бўлмади. Борган кунидан бери университетдан, мажлисбозликдан, кутубхона-ю, қўлёзма фондларидан чиқмади. Конференцияда тайинли бир иш амалга оширилмади-ю, аммо ўзи устози профессор Исабоев тайинлаган қўлёзмаларни топди, кўчирмалар қилди, нусхалар олди. Яна айрим ўзининг тадқиқотлари учун кизиқарли маълумотларга дуч келди ва бунинг учун мутахассисларга мурожаат қилишига тўғри келди.

Ҳақат қайси куни Тошкентга қўнғирок қилаётганидагина сафари давомида доим ёнида юрган Нозли хоним уни доктор Мустафо афанди билан учрашмай кетса, каттиқ ранжишини айтиб огоҳлантирди.

Маълум бўлишича, профессор Исабоев ўтган йили кузда ва шу йил баҳорда бу ерда хизмат сафарида бўлган. Мустафо афанди билан ҳамкорликда анча ишлар қилган ва бирмунча кадрдонлашиб қолишган экан. Аввалига бир ойга борган профессорнинг аввали сафардан тез қайтгани ҳақида битта-яримта узункулок гап-сўзларни эшитгандек бўлганди-ю, бунга ортиқча эътибор бермаганди.

Қолаверса, унинг ўз устозига ҳурмати жуда баланд, боз устига, шахсан Исабоевнинг ўзи унга албатта Мустафо афанди билан учрашишни каттиқ тайинлаган эди.

Аммо Наримонни хайратга солган нарса шу бўлдики, профессорнинг бу туркиялик «кадрони» уларнинг этнография соҳасидан мутлақо йирок, тижорат билан шуғулланадиган корчалон бўлиб чиқди.

Наримонни айниқса, ана шу нарса хайрон қолдирди. Бирок бу ҳақда бировдан сўрашга, бировга оғиз очишга ботинолмади...

Илмий-текшириш институтининг тадқиқотчи ходими Наримон Очиловнинг хонадонига ўғри тушганлиги хақидаги хабар ички ишлар бўлимида ҳам, жиноят-қидирув гуруҳида ҳам ҳеч кимни ажаблантирмади. Улар учун бу табиий бир ҳодиса эди гўё.

— Чет элга бориб келган одамларнинг уйига ўғри тушиши одатий ҳол, — деди лейтенант Собитов хотиржам оҳангда.

— Аммо, Очиловнинг уйига бир эмас, икки марта ўғриликка тушишган, — аниқлик киритди эксперт Умаров.

— Нима бўпти? — елка учирди лейтенант. — Қўлга илинадиган, чет элда ишланган биронта ялтир-юлтир матохми, валютами олмоқчи бўлишган-да!

— Қизиғи шундаки, ўша сиз айтган ялтир-юлтир матохлару, валюталар ҳам жойида турибди, — деди яна Умаров маъноли кулимсираб. — Сезишимча, улар Очиловнинг уйидан бошқа нарса қидиришган кўринади.

— Нима бўлиши мумкин? — деди капитан Саидов олдидаги қоғозлардан кўз узиб. — Наркотик эмасдир ҳарҳолда?

— Бе-е, уйига бордик, — ҳафсаласизлик билан қўл силтади старшина Бобоев. — Ер китоб, осмон китоб! Бошқа ҳеч вақоси йўқ. У чанг босган китобларни ким ҳам ўғирларди.

— Лекин, эсингларда бўлса, Очиловнинг уйидаги ҳамма ғаладонлару қутичалар титиб ташланган эди, — уни тўғрилади Умаров.

— Демак, кўринадики, ўғриларга ялтир-юлтир матохлар ҳам, чет эл валютаси ҳам керак бўлмаган. На видео-аудио аппаратуралар, телевизору гиламлар уларни умуман қизиқтирмаган, — деди капитан Саидов ўтирганларга синовчан кўз югуртириб. — Модомики, ўғриларни ғаладонлару, қутичалар қизиқтирган экан, демак уларга кичкинароқ нарса керак бўлган...

— Кичкинарок? — хайрон бўлиб каради лейтенант Собитов.

— Ҳа, ҳа, айнан кичкина, — кулимсиради Умаров. — Ўша ғаладонлару қутичаларга сиғадиган кичкинагина нарса... ҳамма гап шунда!..

Мустафо афанди айтилган пайтда етиб келди.

Кечаси ёмғир шивалаб ўтгани учунми, ҳаво анча салқин, денгиз соҳилида этни жунжиктирувчи муздек шабада эсиб турарди.

Чексиз-чегарасиз денгиз ваҳимали чайқалар, ўр-кач-ўр-кач тўлқинлар тепасида оқ чорлоқлар бири олиб, бири қўйиб кийкиришар, олис-олисларда худди сувга қўнган оппоқ капалаклар янглиғ иккита елканли қайиқ сузиб юрарди.

Наримон билан Мустафо афанди тақасимон шаклда қурилган, усти очик рестораннынг иккинчи қаватига чиқиб, бурчакдаги пастаккина столча ёнига ўтиришди. Тушлик пайти яқинлашиб қолган бўлса ҳам, ҳўрандалар сийрак, борлари ҳам ҳавонинг авзойидан чўчиб биринчи қаватда эдилар.

Наримон дунёнинг турли бурчакларидан ташриф буюрган, у турфа хонимлару жаноблар томонга қараб қўйди-ю беихтиёр қайси бир шоирнинг таниш бир сатрини эслади: «Сокин суҳбатларга фарқ меҳмонхоналар...»

Ҳақиқатан ҳам, ресторан шу тобда алланечук сукутга чўмганга, одамлар ҳам жимгина суҳбатлашиб ўтирганга ўхшарди.

Наримон эртанги эрталабки рейсда учиб кетишини айтганда, Мустафо афанди яна тилла узук яраклаган қўлини қўксига қўйиб, узрхоҳлик қилди. Вақтида учрашолмай қолгани, уни рисоладагидек кутиб ололмагани учун яна кечирим сўради.

Малларанг сочлари оппоқ елкалари узра ёйилган, дўндиккина официант жувон Мустафо афандининг

имо-ишораси билан аввал туркча дамланган хушбўй қахва олиб келди, кейин столча устини бошқа ноз-неъматлар билан безади. Меҳмон билан мезбон анчагача гаплашиб ўтиришди. Мустафо афанди ўзбекчани бир оз талаффуз билан бўлса-да, бинойидек биларкан. Кейин, суҳбат давомида унинг ота-боболари асли Сайрам томондан бўлиб, замона зайли билан бир пайтлар шу тарафларга келиб қолганлари аён бўлди.

Мустафо афанди ўзи илм-фанга ташна, хайрихоҳ одам бўлса-да, вақтида бирон соҳани мукаммал эгаллай олмабди. Тирикчилик тошдан қаттиқ бўлган замонлар экан. Ноиложликдан ўзини бизнесга урибди. Тижорат йўлида кўп азият чекибди. Бир неча йил Германияда, ўзи айтмоқчи Олмонияда, Кёлен деган шаҳарда сарсон-саргардон юрибди, латта-путта ва чарм маҳсулотлари савдоси билан шуғулланибди, у ёғи Бирлашган Амирликдан Шанхайгача қатнабди. Америкалик тижоратчилар билан алоқа ўрнатибди. Нью-Йоркда шарқ таомлари ресторани ташкил этишда қатнашибди. Наримон суҳбатдошининг Одессада, Самарқандда ҳам хусусий тижорат дўконлари борлигини эшитиб, хайрон қолди.

— Насиб қилса, келгуси сафар азиз меҳмонимиз бўласиз, афандим, — деди у овзини тўлдириб. — Бу сафар андак узрли бўлди. Боз устига, тақсирим андак шошилиброк турибдилар...

Шу тахлит улар анчагача суҳбатлашиб ўтиришди. Суҳбат давомида Мустафо афанди сумкасидан иккита катта, калин альбом-китоб олиб бирини Наримонга совға қилди, иккинчисини биродари профессор Исабоевга топширишни сўради.

Наримон бу китобларни кўриб, қувониб кетди. У Деҳлида инглиз тилида босилган, Бобурийлар сулоласига бағишланган ноёб ва нодир китоб эди.

Шундан кейин, Мустафо афанди янаги ҳафта профессор Исабоевнинг таваллуд куни эканлигини айтганида, Наримон шоён хайрон қолди, у профес-

сорга бир тилла соат совға қилиб бериб юбормокчи эканлигини эшитганида эса, бу иккала мўйсафиднинг ўзи ўйлаганидан кўра, анчайин якин эканликларига ишонч хосил қилди. Шу совғани берди. У 24 та рақами кечаси ёниб турадиган, ҳар бир соат инглиз тилида эълон қилиниб туриладиган қўл соати бўлиб, орқа тарафга «Жаноб Исабоевга илтифот ила» деган сўзлар ўйиб ёздирилган эди.

Наримон соатни олиб, у ёқ-бу ёғини айлантириб кўраркан, Мустафо афанди «Сизга ҳам бирини олиб берайми?» деб қулди.

— Йўқ, қуллук, — деди Наримон қўлини кўксига қўйиб. — Мен соат такишни ёктирмайман. Унга қарасам, юрагим сиқилади, умр ўтаётгани шундоқ кўриниб туради. Буниси етмагандай, бу соатингиз бошга ургандай ҳар соатда «Ҳей, инсон, кўзингни оч!» дегандай чулдираб тураркан...

Кулишишди.

— Албатта, профессорга топшириб қўяман, — деди Наримон ва соатнинг тилла занжирини чап билагига така бошлади. — Ҳозир бундоқ қилиб занжирбанд қилиб қўямиз, устознинг ўзи Тошкентда ечиб оладилар.

— Узр, жанобларини ҳам хизматга қўйдик, — деди Мустафо афанди хижолатли қулимсираб.

Шу куни икковлари анча гурунглашишди, денгиз бўйида сайр қилишди. Шундоқкина денгиз бўйидаги «Чодир» деган ғалати қахвахонада ўтириб, бир қадахдан виски ичишди, сайёр хофизлару раққосаларнинг концертини томоша қилишди.

Вакт алламаҳал бўлганида Мустафо афанди такси ёллаб уни меҳмонхонагача кузатиб қўйди...

Уста Натан бир вақтлар шаҳарда донг таратган қўлигул соатсозлардан бири эди.

У пайтларда ҳаёт бошқача, устанинг ошиғи олчи

турган, егани олдида, емагани кетида, кариллаб юрарди.

Кейин... Замонлар ўзгарди. Кўп миллатдошлари хорижга бош олиб кетдилар. Ким Америкага, ким Исроилга, ким Канадага...

Уста Натан эса қолди. Унинг хотини ҳам, бундан йигирма йилча муқаддам аварияда ҳалок бўлган иккита пахлавондек ўғли ҳам шу ерда дафн этилган, ўзининг оёқларида боди бор, узокка боролмас, ёлғиз, эркатой кизи эса австралиялик канакадир бойваччага хотинми, ўйнашми бўлиб эргашиб, бедарак кетганига ҳам кўп йиллар бўлганди. Бу ерда ўзию, ёлғиз укаси Анваргина қолишди, холос...

Теварагидагилар Уста Натанни ҳам кетишга ундадилар, аммо у қўнмади. Бир кам 70 га борганда қаёққа кетади? Бунинг учун орттириб қўйган маблағи ҳам йўқ, соғлиғи ҳам бир аҳволда. Қўча-қўйда хор-зор бўлиб ўлиб кетиш учун хижрат қиладими? Йўқ, яхшиси шу ерда ўла қолсин. Ўша пайтлардаёқ хотини ва иккала ўғлининг ёнидан, қабристондан ер сотиб олиб қўйган, вақти-соати келиб, ҳаётдан қўз юмадиган бўлса, икки қулочча келадиган «бошпанаси» бор. Ҳозир эса, бу сўнгги сафаригача вақт бор. Хали қўзлари ўткир, қўллари бақувват, соатсозлик ҳунари билан бир амаллаб кун кечирса бўлади. Жуда зерикиб, сиқилиб кетса, Эски шаҳарда яшайдиган ота бир, она бошқа укаси Анварникига боради. У ҳам етмишни қоралаб қолди-ю, лекин хали анча бақувват. Дов-дастгоҳини йиғиштириб ташлагану, уйида иш қилади.

Заргарлик ёмон ҳунар эмас. Озми-кўпми, буюртмалар тушиб туради. Аслидаку, Анвар бунга унчалик муҳтож ҳам эмас. Данғиллама уй-жойи, чет эл русумли машинаси бор. У ҳам аллақачон ҳаммасини сотиб, қўч-қўронини қўтариб, Европами Америкага бош олиб кетса бўларди, айрим нарсалар тўсқинлик қилди. Биринчиси, бир вақтлар тилла олди-соттисига

аралашиб бир неча йил қамалиб чиққани бўлса, иккинчиси иккита ўғли билан келишолмай қолди.

Падар лаънатиларнинг бири ўзича файласуф. Университетда дарс беради. Доцент. Чўнтакда хемири йўғу, димоғ-фироғи осмонда. Нима дермиш? «Шу юртда туғилиб, ўсдим, ўқидим, ишладим, оила қурдим, дўст орттирдим. Хеч қаёққа кетмайман» дермиш! Вой, олифталигингдан ўргилдим сени! Юрт эмиш! Қаерда яхши яшасанг, ўша юрт бўлаверадида, калласи йўқ!..

Бу доно жияни отасига аччиқ қилиб, бир неча йил бурун икки хонали «дом» олиб кўчиб чиқиб кетган...

Бу ёқда бўлса, хайҳотдек ҳовли хувиллаб ётибди. Анвар буни у дунёга оркалаб кетармиди? Бола деган жонивор тушунмаса қийин экан-да!..

Анвар иккинчи ўғли — Сулаймондан ҳам ёлчи-мади. Уч марта уйланиб, учови билан ҳам ажрашди. Катта бир автоколоннада катта механик бўлиб ишларди. Хадеб ичиб бораверганидан кейин, ҳамма билан жиккамушт уришаверганидан кейин ишхонасидан бўшатиб юборишди. Ўшандан бери бўқиб ичади. Униям бир хонали уйи бор. Боши оғиб отасининг олдига ҳам келиб-кешиб туради. Битта-яримтанинг машинасини тузатиб бериб пул топади, ҳар қалай, ишининг ҳам, ётиб-туришининг ҳам тайини йўқ.

Анварнинг ёлғиз қизигина оқибатли чиққан. Тиш дўхтири. Хусусий клиника очган. Эри бекитиқча тилла тиш ҳам ясайди. Шу кизу куёвигина, бир-иккита невараларигина Анвардан хабар олиб туришади...

Анвар ҳам раҳматли оталарига тортган. Ўлгудек қайсар, инжик. Шу сабаб бу уйни, бу қимматбаҳо машинасини ноқобил фарзандларига қолдириб кетгиси келмайди.

«Нима, улар менга бир пиёла чой дамлаб беришибдимики, мана деб мол-мулкимни тутқазарканман? ... Бошим ёстиққа текканда ҳолинг нима, деб сўрашибдими, мана деб машинамнинг қалитини берсам?

Шимилдирикни ҳам ололмайдилар мендан! Биламан, бу нокас ўғиллар менинг ўлишимни кутиб юришибди. Мен эса хали-вери индамай ўлиб кетаверадиган ахмоқлардан эмасман. Керак бўлса, бутун мол-дунёمنى бир кечада сотаману, кетаман-вораман!» дейди баъзан ака-ука суҳбатлашиб қолган пайтларида.

Анварнинг ана шунақа — «кетвориши» қийин бўл-япти. Бир неча йилдан бери ё уй-жойига муносиб ҳақ тўлайдиган харидор учрамаяпти, ё бегона одамларга ташлаб кетишга қўзи қиймаяпти. Болаларнинг аҳволи эса бу!

Уста Наганда эса бунақа муаммолар йўқ, фақат шу, соғлиғи озми-кўпми қийнаб туради. Қанд касалига йўлиққанига анча бўлган. Кўп даволанади, нафи тегмайди. «Чет элга борсангиз, зўр дўхтирлар бор. Қўрмагандек бўлиб кетасиз» дейишади. Натан эса боролмади. Биринчидан, аввалги куч-қуввати йўқ, иккинчидан чет элга чиқишга ва муолажаларга тўлашга пулнинг ўзи йўқ. Ўлганнинг устидан тепгандек, икки йил бурун бод касалини орттириб олган. Совуқ тушди, юриши қийинлашади.

Шунинг учун у бориға шукур қилиб яшайди. Бошқа иложи ҳам йўқ. Иложи бўлганидаку, ўзи биларди-я! Афсуски, осмон йирок, ер каттик, деганларидек, ўз ёнига ўзи ковурилиб юраверади...

Наримон ҳақиқатан ҳам соат такишни ёктирмасди. Бу нарса унга марҳум отасидан қолган меросдек туюларди унга.

Отаси раҳматлини негадир деворга осиладиган таквимлару соатларини кўрарга қўзи йўқ эди. Бошқа бировларникига борганда ҳам шунақа нарсаларга тескари қарашга ҳаракат қиларди.

Айниқса, XX аср тугаб, XXI аср кириб келаётган кезлари жуда безовталаниб қолди. Негадир юраги така-пука бўлиб, ўзини қўярга жой тополмай юрди.

У умуман ракамларни ёқтирмасди, кунлар, ойлар, йиллар ва вақт ҳисобини эшитишни ҳам истамасди, аср деган гапнику, тасаввурига ҳам сиёдира олмасди. Ажабланарли ери шундаки, у янги аср кириб келганидан кейин уч кун ўтгач, юрак хуружидан вафот этди...

Наримон эса ана шунақа тақвимсиз ва соатсиз мухитда улғайди.

Кейин-кейин, иш, хизмат юзасидан тақвимсиз бирон нима қила олишига кўзи етмай қолди. Аммо барибир ўрганган кўнгил, ўртанса қўймас деганларидек, соат тақишга кўника олмади.

Мана ҳозир ҳам билагидаги соатнинг тилла занжири унга кишандек туюлади-ю, шарт ечиб костюмининг чўнтагига солди. Соат ҳам худди шуни кутиб тургандек инглиз тилида «Соат 23 дан 15 дақиқа ўтди» дея гапириб қўйди.

Наримон шу кеча анчагача уйқуси келмади. Қорозлари, хужжатларини, чемодани, буюмларини тартибга солди. Кейин тунчирокни ёкиб қўйиб, боя Мустафо афанди совға қилган китобни варақлаб ухлаб қолибди...

Наримон ҳашаматли аэропорт йўлагидан эскалаторда ўтиб, текширув жойига келиб тўхтади. Қолган юкларини багажга топширган, қўлида дипломат сумкаси бор эди, холос.

Уни тикка қўйилган тақага ўхшаш аппарат орасига таклиф қилишди. Ўтди. Нимадир жаранг-журунг килди. Назоратчи аёл кулиб, турк тилида «Чўнтагингиздаги темир буюмларни олиб қўйинг» деди. Наримон костюми чўнтагидаги тороғу калитлари, зажигалкасини олиб стол устига қўйди. Яна ўтди. Тўсик кўнғироғи яна жиринглаб кетди. Наримон хайрон бўлиб назоратчи аёлга қаради. Полиция формасидаги барзанги Наримонга яқинлашиб, бошдан-оёқ шубҳаланиб қаради-да, қўлидаги учиди ёниб-ўчиб турадиган

чирокчаси бор калтаги билан Наримоннинг қўлидаги соатга имо қилиб илжайди. Наримон «Э, дарвоке» дея, соатни ҳам ечди. Шундан кейингина тўсик жим бўлди. Сумкасини эса «рентген»га ўхшаган аппаратда текшириб ўтказишди.

Наримон шу билан самолёт турган майдон томонга йиғилаётган бошқа йўловчилар томонга йўналди.

Кун тиккага келган. Аэропортнинг чексиз-чегарасиз майдони узра иссиқ ховур саробдек жимирлар, сонсиз-саноксиз кумушранг самолётлар олисдан худди шиша синиклари янглиғ яраклаб, кўзни қамаштириб турарди...

Бир неча кундан бери профессор Исабоевнинг тинчи бузилиб қолди.

Хорижда сафарда бўлганида орттирган таниши Мустафо афанди билан ҳамкасб шогирди Наримон Очилов оғримаган бошини оғритиб қўйишди.

Маълум бўлишича, Мустафо Наримон орқали унга туғилган куни билан табриклаб битта қўл соати совға қилиб бериб юборган. Наримон тушмагур эса, олиб келган, кейин ременини еча туриб қўлидан тушиб кетган ва соат ишламай қолган. Исабоевни олдида хижолат бўлганми, хайтовур тўхтаб қолган соатни соатсоз устага топширган... Аммо орадан икки-уч кун ўтар-ўтмас, соатсоз устанинг ўлиги жардан топилган ва ўша соат йўқолган...

Хўп, шунақа бўлса, бўлгандир! Лекин, профессор Исабоев нима қилиши керак? Нега уни безовта қиладилар? Ундан нима исташади? Ахир ўзига аталган тилла соатни қўлида ушлаш тугул, узоқроқдан ҳам кўрмаган бўлса! Ўша соатсоз устани танимаса, Наримон ҳам чет элдан қайтган куни бу ҳақда тайинли бир гал айтмаган бўлса, қанақадир бегона бир кимсанинг жардан топилган ўлигига унинг нима алоқаси бор?..

Профессор Исабоев шу хил хаёллар гирдобиди бир неча кун гангираб юрди-юрди-да, кейин Наримонни чакиртирди. Кўрдик, унинг ахvoli ҳам ўзиникидан баттар бўлса борки, мактагулик эмас. Бечора довдираб-совдираб колибди. Нима бўлган, нима қўйганини аранг тушунтирди.

— Мен... Туркияда Мустафо афанди билан учрашдим... Қайтаётганимда сизга бериб қўйинг деб бир тилла соат берди, — деди у хижолатдан қизариб, — ўзим хаётда соат таккан одам эмасман. Қизикмаганман ҳам... Шунинг учун бўлса керак, Тошкентга қайтиб, уйга келиб, соатнинг занжирини ечаётгандим, қўлимдан тушиб кетди. Лекин, юрмай, тўхтаб колди... Шунга хижолат бўлиб...

— Хижолатга бало борми? Олиб келавермайсизми? — деди Исабоев ўзини аранг босиб.

— Энди, нокулай-да, Баходир Исабоевич, хархолда бировнинг омонати, — деди Наримон бурнининг учигача терлаб, — Бузиб қўйганим чаток бўлди... Шунинг учун устага бергандим... Бунака бўлишини ким ўйлабди, дейсиз? — гунохкорона бош эгди Наримон, — Жуда бошим котиб колди... Ўша... сизга бериб юборилган соат устахонадан ҳам чиқмаганмиш...

— Хамма айб ўзингизда! — ўрнидан туриб кетди профессор Исабоев ранги оқариб, — Нега дарров милицияга югурасиз? Нега менга индамасдан ўзингизча иш қиласиз?

— Мен бунга атайин қилганим йўқ, ахир, Баходир Исабоевич, — деди Наримон эзилиб, — Сизга айтмовдим... Мениям уйимга ўғрилиққа тушишга уринишибди...

— Ким тушади? Нимага? — кўзларини ола-була қилди профессор.

— Билмадим? — елка қисди Наримон, — Афтидан, ниманидир кидиришган кўринади... Мен ҳам, келин-ингиз ҳам ишда... Болалар ўқишда бўлишган... Кечки пайт келсак, шу ахвол... Хаммаёк остин-устун...

— Ҳеч нима ўғирлашмаганми? — сўради профессор хайрати ошиб.

— Йўқ, — деди бош чайқаб Наримон, — Қизиги ҳам шунда. Ҳеч нарсаса тегишмаган... Ўғирлайман деса ... компьютер, видео ... ул-бул нарсалар, юз долларча пул ҳам бор эди. Шундоқ, тортмада ётибди... Тегишмаган...

— Қизик! — деди профессор Исабоев ингичка лабларини қимтиб, — Тушунмадим? Нималар бўляпти ўзи, хайронман?

— Энди нима қиламиз, домла? — деди Наримон бўшашиб.

— Ўл киласиз, дард киласиз! — жеркиб ташлади профессор бўғилиб, — Қандай килиб бўлмасин, ўша соат топилиши керак! Қаердан билмадим? Ернинг остиданми, осмонданми, буниси сизни ишингиз!

Наримон аранг ўрнидан туриб, оёқларини судраганча эшик тарафга юрди. Профессор Исабоев эсаннинг оркасидан хўмрайганча қолди...

Рутубатли кеча эди...

Кўк юзини яғир увода мисол қорамтир булутлар босган, изғирин баргу хазонларни чирпирак килиб учириб юрар, осмонда ҳам юлдуз кўринмас, оймома ҳам бундан хижолат чеккан каби бўзариб, юзига булут пардасини ёпган кўйи паришон киефада турганга ўхшарди.

Худди ана шу совук кечанинг рутубатини, хунуклиги ва ваҳимасини янада чуқурлаштирмоқчидек те-варак-атрофга алланечук асабий, таранг бир сукунат чўккан, бу жимликни фақат қуюқ дарахтзор этагида тўхтаб турган «Вольво» ичидан эшитилаётган узук-юлук ғўнғир-ғўнғир товушларигина бузиб тургандек туюларди кишига.

Машинада икки кишининг қораси кўринади. Баланд бўйли, спортча шапка кийиб олган йигит хай-

довчи бўлса керак, ичкаридаги гапларга алоқаси йўқ-дек, чеккарокда қўлларини чарм курткасининг чўнтакларига сукканча жимгина айланиб юарди.

Олд ўриндикда ўтирганча, чап қўлини суянчикқа ташлаб, елкаси оша нималарнидир бўғилиб гапираётган қора чарм плашли, қора чарм шляпали басавлат йигит афтидан каттик хаяжонда, ё кучли хавотирда эди шекилли, асабий ҳаракатлар билан қўлларини гоҳ ёйиб, гоҳ силкиб-силкиб қўярди.

Учинчи одам эса тилла гардишли кўзойнаги ҳар бир ҳаракатида ялтираб кетаётган, сочлари оппок кишининг афти кўринмас, факат баъзан суҳбатдошига қараб бош кўтарган ё шубҳаланиб теварак-атрофга кўз ташлаб қўйган пайтларидагина унинг суяклари туртиб чиққан озғин ёноқлари ва бир-бирига туташиб кетган оппок қошлари кўзга ташланиб қоларди.

— Мен ёш бола эмасман, — дерди чарм шляпали йигит бўғиқ товушда. — Менга лўттибозлик қилманг. Ўша келишилган нарсани аслида қўқламда олиб келиб беришингиз керак эди, тўғрими?

Тилла кўзойнакли одам индамай бош ирғади.

— Биз сизни ўқимишли, зиёли одам сифатида хорижга юборгандик. Бу одамдан ҳеч ким шубҳаланмайди, бемалол бориб, топширилган вазифани бажариб келади, деб ишонгандик... Сиз эса, бунинг ўрнига суюкоёқ фоҳишаларни топиб олиб, маишатдан бўшамагансиз. — деди шляпали йигит, — Ана шундан кейин қўлга тушиб шармандаларча қайтиб келгансиз. Шунақами?

— Ҳа энди... Бир бўлиб қолган-да... — минғирлади тилла кўзойнакли одам норози оҳангда. — Бир нарсага ёпишиб олсангизлар сира қўймас экансизларда!

— Ана шу бир марта қилган аҳмоқлигингиз ўзингизниям, бизниям бир неча миллион доллардан маҳрум қилганини биласизми ўзи? — деди жаҳл билан шляпали йигит ва қўшиб қўйди. — Хўш, бу

сафар нима каромат кўрсатдингиз? Атайин, илмий конференцияга юборганингиз, арзанда шогирдингиз нимани койиллатиб келди?

— У борди... Олиб келди ... Лекин... — чайналди тилла кўзойнакли одам.

— Э, кўйинге! Ўзингиз ҳам, шогирдингиз ҳам бир гўрсизлар! — кўл силтади шляпали йигит. — Таппи таппидан узок тушмас экан-да!

Тилла кўзойнакли одам бошини кўтарди.

— Мени ҳақорат қилишга ҳақкингиз йўқ, — деди оғриниб. — Ҳарҳолда сиздан беш-ўн ёш каттаман...

— Бу ерда ёшни аҳамияти йўқ, акахон, — деди шляпали йигит. — Хамма гап бошда. Елкангиздаги манави ковок калла ишламаса, нима қилай? «Шеф»нинг олдида, шерикларимизнинг олдида нима деб жавоб берамиз энди? Мен сизга ишониб хато қилган эканман!

— Балки... изи чиқиб, топилиб колар, — деди кўзойнакли одам товуши пасайиб.

— Қачон? — овозини баландлатди шляпали йигит. — Туянинг думи ерга теккандами?..

Кўзойнакли одам индамай бошини эгди.

— Бу ўйиндан осонгина чиқиб кетаман, деб хомтама бўлманг! — деди шляпали йигит сирли қилиб.

— Мени кўрқитманг! — деди тилла кўзойнакли одам.

— Кўрқитмайман. Гапнинг ўғил боласини айтиб қўя қоламан, — овозини пасайтирди шляпали йигит, — Сиз... нимагаки эришган бўлсангиз, биз орқали эришингиз. Фан докторлиги-ю, профессорлигингиз ҳам... Унвон-пунвон, мукофотларингиз ҳам...

— Мен... — кўзойнакли одам нимадир дейишга чоғлангани, суҳбатдоши бўлди:

— Сиз, менга қаранг! — деди у таҳдидли товушда. — Сиз бир вақтлар Италияга, Ҳиндистонга юборган пайтимизда амалга оширган бунака операцияларингизни, олиб келган контрабандаларингизни бизга

пеш килаверманг! У сувлар окиб кетиб бўлган. Сиз, шаҳар марказидаги беш хонали квартирангизни, хашаматли дачангизни, биттамас, учта енгил машиналарингизни ҳам институтдан оладиган ойлигимга сотиб олганман, деб ўйларсиз-а? Буларни пулга чаксангиз, биласизми қанча бўлади?

— Мен нима қилишим керак? — деди тилла кўзойнакли одам дами ичига тушиб.

— Сиз шалтоғингизни тозалашингиз керак? — давом этди шляпали йигит. — Ўша шўлтиллаган шогирдингизни уйини ҳам «обиск» қилиб чиқдик. Йўк. Соат унинг уйидан чиқмади...

— Устага олиб бориб берган дедим-ку! — деди кўзойнакли одам.

— Хўп, унда устани ким ўлдирди? Бизни қўлимизга тегиши керак бўлган, ичига йигирма тўртта ёқут, зумрад, олмослар жойланган соат қани? Қаерга йўқолди у? Ким олди уни? Билмайсиз!

— Мен... — яна минғирлади кўзойнакли одам товуши титраб.

— Сиз ўша шогирдингиз билан қаерга борасиз, нима қиласиз, нима қўясиз, билмайман... Менга сизни огоҳлантириб қўйиш топширилган. Ўша соатни топасиз. Бу мени эмас, «шеф»нинг буйруғи. У эртага кечгача қўлимизда бўлиши керак. У ёқда харидорлар кутиб қолишади...

— Хақини тўласак бўлмайдими? — деди секин тилла кўзойнакли одам.

Чарм шляпали ўзини тутолмай кулиб юборди.

— Хо, бойвачча бўлиб колдингизми, дейман? — деди оғзини тўлдириб. — Нима деб алжираяпсиз ўзи? Ўйлаб гапираяпсизми? Ўша соатга ўрнатилган ҳар битта бриллиантни қанча туришини биласизми? Авлод-аждодларингизни мол-мулкини баҳолаганда ҳам унинг ҳақини тўлаёлмайсиз, профессор. Ҳақиқатан ҳам, ўкигану, укимаган чаламулла экансиз, акахон.

Майли, мен айтдим-қўйдим... Аммо, яна қайтараман. Бу қарзни тўлаш сизга жуда қимматга тушиши мумкин.

Йигит шундай деб лабига сигарет кистирди, за-жигалкасини ёқди. Пов этиб ёниб-ўчган шуълада йигитнинг чимирилган қошлари, қазабга тўлган совук кўзлари ярқ этиб кўзга ташланди. Шундан кейин у орқасига қарамасдан паст товушда деди ва бу суҳбатга нукта қўйгандек бўлди:

— Агар бу ишни охирига етказмасангиз... бу операция барбод бўлса, ҳаётингизга ҳеч қим қафолат бера олмайди. Шуни эсингизда бўлсин!..

Тилла кўзойнакли одам чуқур хўрсиниб ўзини суянчиққа ташлади ва букчайганча ўриндик бурчагига тикилиб олди.

Қора чарм шляпали йигит эса ҳайдовчини чақирғач, қўл телефонини чиқариб, қанақадир рақамларни тез-тез тера бошлади...

Капитан Саидов гуруҳ аъзоларини узок ушлаб ўтирмади, қилинажак ишлар ҳақида қисқача ахборот берди, тегишли топшириқларни таништирдию, ҳаммага рухсат бериб юборди.

— Бошқа янгиликлар бўлмаса, унда бизгаям рухсат, — деди креслода ўтирган эксперт Умаров қўлларини тиззаларига тираганча ўрнидан тураркан.

— Ахволни кўриб турибсиз, Бурҳон Умарович, — деди капитан Саидов. — Соатсоз ўлдирилган. Уйига ўғри тушган олим йигит негандир ўзини овсарликка соляпти. Мўлжалга қайси йўлдан боришни ҳам билмай қоларкансан киши...

— Бутун иш шубҳа-ю тахминларга қўмилиб қолгандан кейин, аниқ далил-исбот бўлмагандан кейин шунақа бўлади-да, — деди Умаров ўйчан товушда. — Қимни, нимани қидираётганларингизни ўзингиз билмайсизлар!

— Жуда унчаликмас, Бурхон Умарович, — жилмайди капитан Саидов. — Жиноятчиларни-да, албатта!

— Бу умумий гап, Самандар, — деди Умаров чуқур тин олиб. — Мен бошқача йўл тутган бўлардим.

— Қанақа? — қизиксинди капитан.

— Бу ишни амалга оширганларни эмас, шундан манфаатдор кишиларни изига тушган бўлардим, — деди Умаров.

— Назаримда, биз ҳам шу йўлдан боряпмиз, — кифт учириб қўйди капитан.

— Назарингизда, амалда эмас, — давом этди Умаров. — Мени назаримда эса, кит у ёқда қолиб, майда-чуйда балиқчаларни овлаш ҳаракатида юрганга ўхшаймиз...

— Нахотки, сиз ҳаммаси ўша йўқолган соатга боғлиқ деб ўйлаяпсиз?

— Йўқ, бу арконнинг бир учи холос, — деди Умаров ва вазминлик билан давом этди, — Бу мени шахсий фикрим. Боя гапларингизни эшитиб ўтириб, ўттиз йилча муқаддам эшитганим бир воқеани эсладим. Бу Италияда бўлганди шекилли?

— Италияда? — хайрон бўлди капитан Саидов.

— Ҳа. Ўша ерда полиция бир қўл соатини излаган... Тилладан ясалган соат. Аммо гап унинг тиллалигида эмас, ичида бўлган. Яъни, соатнинг ҳар бир рақамига йигирма тўртта бриллиант кадалган бўлган. Циферблатлари зумраддан ясалган ноёб соат...

— Сиз... айтмоқчисизки? — ҳайратини яширолмади капитан.

— Йўқ, мен ҳали ҳеч нарса деганим йўқ, — бош чайқади Умаров. — Айнан ўша соат бўлиши мумкин демоқчи ҳам эмасман. Қолаверса, бунақа соатлар дунёда битта эмас. Иннайкейин, унинг мархум соат-созни қўлига тушиб қолиши ҳам бежиз эмас. Ўша уста тошларнинг қийматини яхши билган...

— Ва шунинг учун ўлдирилган, — унинг сўзини яқунлади капитан Саидов.

— Йўк, олдиндан бир нарса дейиш қийин, — деди Умаров босик оҳангда. — Дарвоқе, профессор Исабоев нега бу масалага аралашиб юрибди? У ҳақда нималар биласиз?

— У-ми? — кулимсиради капитан Саидов. — У ўша... уйига ўғри тушган олим йигит, Наримон Очиловнинг ҳамкасби, устози. Манбашунос олим. Бир неча марта хорижда бўлган. Италияда, Хиндистонда, Амирликларда... Ёмон одам эмас. Китобдан бошқа нарсани билмайди. Бир бечораваш интеллигент!

— Ўша бечораваш интеллигентнинг данғиллама уй-жойлари, тагида чет эл русумли машиналари борлигини унутманг! — синчковлик билан капитанга қаради Умаров ва қўшиб қўйди — Кейин у сиз айтганчалик фаришта эмас. Чет элда қилган ахлоқсизлиги учун меҳмонхонадан қувиб чиқарилган...

— Ҳа, — уни тасдиқлади капитан Саидов. — Лекин, Очиловни чакиртирганимизда бирга келганда кўрдим. Унақа одамга ўхшамайди. Қўйдек ювош, беозор одам кўринди...

— Қўй пўстагини ёпиниб олган бўри бўлиб чиксачи? — кулимсиради Умаров. — Унда нима дейсиз? Менимча, ана шу «профессор» бошқа «илм»ларни ҳам сув қилиб ичиб юборганга ўхшайди. Кўзимга шубҳали одам бўлиб кўринди.

Капитан Саидов нимадир демоқчи эди, Умаров қўлини кўтариб уни тўхтатди:

— Йўк, шошманг! Хулоса чиқаришга шошилмайлик. Лекин, бир нарса ўйлантириброк қўйди. Хўш, уйига ўғри тушган Очилов у ёқда қолиб, профессор Исабоев нега бунчалик қийналиб юрибди?

— Очилов унга олиб келган соатни тузаттириш учун соатсозга берган, соатсоз эса...

— Соатсоз эса ўлдирилган, бу ёғи тушунарли, — деди Умаров. — Соат эса йўк. У қанақа соат эди?

Балки, мен юқорида эслатганим, Италияда изланган ракамлари ўрнига бриллиант қадалган соатнинг узокрок «қариндоши»дир?.. Ўша ўлдирилган уста билан Очилов ўртасида қанақа алоқа бўлиши мумкин? Буни профессорга нима дахли бор? Атайлаб ўғриликка тушган одамлар нега ҳеч нима олмай чиқиб кетишган? Профессор нега бунча бесар-безовта? Бу ерда гап фақат битта соат билангина боғлиқ эмасга ўхшайди, ҳа, ҳа, менимча шундай!..

Эксперт капитанга, капитан унга тикилганча сўзсиз туриб қолдилар...

Наримоннинг боши қотиб қолди.

Кечаси на уйқусида, кундузи на ўнгида ҳаловат бор. Турса ҳам, юрса ҳам, ўтирса ҳам тинчи йўқ, кўнгли безовта. Мудом, хорижга сафарга боргани учун ўзини-ўзи сўқади.

«Хўп, илмий конференцияга боришгаку, бордим, — дерди у ичида жиғибийрони чиқиб. — Қанақадир чет эллик қорчалон билан учрашиш, ундан қимгадир бериб қўйиш учун соат олиш шартмиди? Энди бу ёғи нима бўлади? Профессор Исабоевга қанақа қилиб тўлайди уни? Бунинг устига тўхтаб қолган соатини тузатиш учун олиб қолган устанинг ўлими-чи? Нима қилиш мумкин?.. Ўлганнинг устига тепгандек, профессорнинг илон пўст ташлайдиган гапларичи?!»

Наримон айниқса шунисига чидаёлмасди.

«Мен сизни нега конференцияга юбортирдим?» — дейди.

«Ахир мен у ерга ўйнагани ё сизга аталган тилла соатни олиб келгани бормадим» деёлмайманку, ахир?..

Ўша лаънати соатнинг орқасидан бунақа даҳмазалар чиқиши кимнинг хаёлига келибди? Мана энди ўзи пиширган ошни айланиб ҳам, ўргилиб ҳам ўзи ичади!..

Наримон шу кеча ухлаёлмади. У ёкка ағдариледи, уф тортади, бу ёкка ағдариледи, уф тортади. Ахийри бўлмади, стол устини тимирскилаб сигарет олди-да, балкон тарафга юрди.

Осмон кора чодир тутилгандек зим-зиё. Йилт этган юлдуз кўринмасди.

Наримон яқин-йироқдаги кўп каватли биноларнинг битта-яримта деразаларидаги сарғиш чирокларнинг совук ялтирашига тикилганча сигарет тутатиб тураркан, негадир шу топда атрофни сонсиз-саноксиз бўрилар қуршаб олгану, очопат кўзларини хунук йилтиратиб ўзига қараб тургандек туюлди ва беихтиёр сесканиб кетди...

Кейинги воқеаларга ўтишдан аввал, бир оз чекинишга, андак орқага қайтишга тўғри келади.

Аллақайси илмий-текшириш институтида ишлайдиган Наримон Очиллов деган йигит уста соатсоз Натанни суриштириб борган кунларнинг бири эди. Ўша кунни у устага тўхтаб қолган тилла соатни қолдириб кетди.

«Иложи бўлса, бугун-эрта тезроқ тузатиб берсангиз, ҳақини тўлайман» деди...

Уста Натан шу кунгидек ишга киришди. Кўзига қистириладиган ойнагини тақиб соатни қўлига олди. Айлантириб кўрди. Ниҳоятда чиройли безатилган, ош қошиқдек келадиган эркаклар қўл соати экан. Ҳаммаёғи тоза тилладан, корпуси ҳам, занжири ҳам. Орқа қопқоғини очиб, ичига қаради. Ҳаммаси жойида эди. Ҳайрон бўлди. Кейин олд ойнасини секин чиқариб олаётганди, ниманидир тик этиб стол устига тушганини сезди ва думалаб гиламга тушган мошдеккина ялтироқ нарсани қисқич билан қўлига олди. Олди-ю, нима бўлганини тушунди. Демак, қайси бир рақам ўрнига ўрнатилган бу шишача кўчиб кетиб, соат циферблатига теккан ва оқибатда соат тўхтаб қолган.

Уста Натан кўчиб тушган ялтироқ донани қискичда оларкан, уни чирок нурида ялтирашига кўзи тушиб, хаёлига келган фикрдан ўзи ҳам кўркиб кетди.

«Нахотки, бу оддий ялтироқ тош ё рангли шиша доначаси эмас? — ўйлади у ва туйқус шошиб қолди, — Йўк, бўлиши мумкин эмас!..»

У ўрнидан сапчиб турди. Кейин соатнинг 24 та рақамлари ўрнига қадаб чиқилган, кўзни олгудек товланиб турган ялтироқ тош доналарига қаради ва беихтиёр озғин ёноқлари пир-пир учиб, тишсиз озғи очилиб, кўз корачиклари кенгайиб кетди.

«Йўк, ўзингни бос, Натан, — деди у ўзини бо-сишга уриниб, — Сен буларни нималигини қаёқдан била қолдинг? Наридан борса, бир соатсозсан-да!.. Вой-бў, бу циферблатларнинг ёнишини-чи? Нимадан ясалганидан? Лаълми, ёқутми, зумрадми бу?.. Ана холос! Йўк, буни Анварга кўрсатиш керак. У ҳар қандай ялтироқ тошни кўлига олмаёқ айтиб беради. Қиммати? Нархи? Оғирлиги? Ранги? Ҳаммасини билади?..

Уста Натан соатдан яна иккита ялтироқ доначани кўчириб олди-да, эҳтиёткорлик билан гугурт кути-часига жойлаб чўнтагига солди, кийинди ва эшикни қулфлаб шипиллаганча йўлга чиқди.

Сулаймон аранг бошини кўтарди-ю, у ёк-бу ёққа аланглаб, қаерда ётганини англаёлмади, яна бошини кўрпачага қўйди.

Унинг боши лўкиллаб оғир, кўнгли айнир, кўз олдида еру осмон чирпирак бўлиб айланаётгандек туюларди унга. У ичи қизиб кетаётганини, чанқаганини сезиб, яна бош кўтарди. Аранг ўрнидан туриб, гандираклаганча эшик тарафга юрди ва шундагина ўзи туғилиб ўсган уйда, ҳовлида эканлигини пайқади. Кечаги ичкиликбозликдан кейин уйини топиб бора олишига кўзи етмаганди. Мана ҳозир кеча қаерда, кимлар билан кимор ўйнаганини ўлақолса эслаёлмай-

ди. Демак, ё ўзи бу ерни топиб келган, ё битта-ярим-та оғайниси олиб келиб ташлаган...

«Кизик! — ўйланиб туриб қолди у. — Мени маст холда кўрса, ҳар сафар шайтонлаб қолаёзарди-ку? Ҳа-а, жиянлардан биронтаси эшикни очган бўлиши керак? ... Отам бўлганида ўлақолса, мени ховлига киритмасди...»

У шу хаёллар билан ташқарига чиқди. Ховли этагидаги водопроводни очиб, тўйгунча сув ичди, кейин муздек сувда юз-қўлларини ювди. Хиёл ўзига келгандек бўлди. Нарироқдаги арраланган тўнка четига бориб ўтирди. Чўнтагини тимирскилаб қутиси эзилиб кетган сигаретни олди, биттасини лабига кистирди, яна чўнтагига қўл сукди, гугурт кидирди, аммо тополмади. Яна ўрнидан турди. Гандираклаган кўйи ошхона тарафга ўтиб бораркан, отасининг пастаккина устахона-хужрасидан эшитилаётган овозларни эшитиб тўхтади.

— Йўк, булар чинакам олмос, — дерди отаси бўғик товушда. — Циферблатлари ... тўғри, зумраддан ишланган... Йигирма тўрт дона бриллиант ҳар битта рақам ўрнига биттадан қадаб чиқилган. Бу бебаҳо соат... Ҳар бир бриллиантнинг ўзи фалон доллар туради...

— Ана холос! — дерди унинг суҳбатдоши. — Буни каранг! Хаёлга келмаган нарсаси. Ўша йигит олиб келибди. Ерга тушириб юборган экан. Ишламаяпти деди. Бундоқ қарасам, ишлаш ҳам шарт эмас. Ҳаммаёғи тилла, зумрад, олмос. Нақ, музейнинг ўзи!..

Сулаймон отасининг олдида гаплашиб ўтирган одамнинг овозидан таниди. У Натан амакиси эди. Сулаймон уни ёктирмасди. Ўлгудек латтачайнар, қурумсоқ одам, деб ҳисобларди амакисини. Ҳар икки гапнинг бирида «Ичма, чекма» деявериб, қулоқ-миясини кокиб қўлига беради...

Сулаймон шу тобда ҳеч кимни кўргиси, на отасига, на амакисига рўпара келишни истамасди. Аммо ичкаридагиларнинг гап-сўзлари қулоқларига ғалатирок

эшитилгандек бўлди-ю, дарпарда тутилган деразанинг четидан ичкарига мўралади.

Отасининг пастаккина заргарлик столчаси ёнида иккала мўйсафид ёнма-ён ўтиришар, олдиларида эса икки-уч дона мошдек нарсалар кўзни олгудек товла-ниб, ёниб турарди.

— Олмос деганлари шуми? — сўради Натан амаки столчага энгашиб қараб.

— Йўқ, буниси ёкут, — деди отаси столчага бурни теккудек энгашиб. — Жуда кимматбаҳо тош. Товла-нишини қара! Бундан нечта бор дединг?

— Билмасам, қай бири ёкут, қай бири олмос, — елка қисди Натан амаки. — Ҳаммаси йигирма тўртта...

— Зўр-ку! — илжайди отаси. — Нима қилмоқчи-сан энди?

— Хайронман? — укасига хайрон бўлиб қаради Натан амаки. — Барибир соатини тузатиб беришим керак. Салом-алигимиз бор. Яхши йигит...

— Яхши йигит дегани ҳеч нимани англамайди, — хириллаб кулди отаси. — Ниятингни ғира-шира сезиб турибман. Айтавер!

— Билмадим, Анвар? Ақлим хайрон, — деди Натан амаки овозини пасайтириб. — Шу ёкутми, олмосларни алмаштириб... — у хавотирланиб дераза, эшик тарафга қараб қўйди.

— Хавотир олма, — деди отаси. — уйда ҳеч ким йўқ. Неваралар ўқишда...

— Шу тошларни алмаштириб, — давом этди Натан амаки ютоқиб. — Уларни ўрнига худди ўзига ўхшаган нарса қадаб қўйса бўлармикан?

— Бўлади, — кулди отаси. — Бу дунёда ўлимдан бошқа ҳамма нарсанинг иложи бор...

— Сен мени тўғри тушун, — деди Натан амаки қийналиб. — Ҳамма кетди. Биз қолдик... Майли, буни ўзига яраша сабаблари бор... Лекин эртага у ёқларга борганда ҳам, бошқаларнинг қўлига қараб қолмаслигимиз керак.

— Мана энди аклинг кириб колибди, Натан, — бош ирғади отаси. — Соат кани? Ёнингдами?

— Йўк, уйда.

— Бўлмаса, вақтни ўтказмай олиб кел, — деди отаси. — Бунақа нарса ҳар куни учрайвермайди. Харидорини ўзим топаман...

— Яхшиси, бизникига борақолсак-чи? — иккиланди Натан амаки.

— Мен боролмайман, — бош чайқади отаси. — Хализамон неваралар келиб қолади. Кейин ... анави итвачча Сулаймон кеча маст бўлиб шу атрофда юргандек эди... Хеч ким йўғида кириб, хонавайрон қилиб кетмасин, тагин!

— Майли, унақада уйга ров бориб қайтаман, — ўрнидан кўзғалди Натан амаки.

— Ўша гап, гап, ака, — деди отаси ҳам ўрнидан тураркан, — Ярми меники бўлади...

Сулаймон уларнинг эшикка юраётганларини сезиб, лип этиб ўзини ошхонага урди ва эшик панасига яширинди.

Ташқарида кўча эшик тарафга узоқлашиб бораётган қадам товушларига қулок солганча писиб тураркан, Сулаймон алам билан тишларини ғижирлатди:

«Ўзининг ўғлини итвачча, деди-я, аблаҳ!.. Ўзинг кимсан, кўппак? Агар чўнтагимда пулим бўлганда қорамни ҳам кўрмасдинг-а! Иложини қилолганимда, ҳаммангга тупурадиму, кетардим. Аллақачон Париждами-Лондонда ялло қилиб юрган бўлардим!..»

Бу ерларни Ажинатепа дейишарди.

Катта шаҳарнинг хилват бир бурчагига жойлашган бу мўъжазгина маҳалла халқ орасида «Усталар шаҳарчаси» деб аталар, хавас қилгулик даражада тинч-осуда ерлар эди.

Йиғирма йилча бурун бирдан талатўп бошланди. Бу ерда истикомат қиладиган қўлигул заргарлар,

соатсозлар, сартарошлар, сураткашлару, пойафзал таъмирловчи усталар бирин-кетин бошқа ўлкаларга кўчиб кета бошладилар.

Сулаймон ўшанда ўн-ўн беш ёшлардаги ўсмир бола эди. Биз ҳам кўчиб кетамиз, деб ўйлаганди. Хаёлан денгиз сохилларини кезиб юрар, ўша номаълум, жаннатмонанд юртларни хатто тушларида ҳам кўриб чиқарди.

Аммо буларнинг ҳаммаси хомхаёл бўлиб чиқди. Ҳамма кетди. Улар қолишди. Натан амаки-ку, майли, кўл учида кун кўриб юрган, ҳеч қачон бири икки бўлмаган омадсиз соатсоз. Шу ерларда қолиб, ўлиб кетмайдими! Аммо отаси, бутун оиласи билан кетсалар бўларди.

Акаси Жаъфарнику, худо урган, «бормайман» деб туриб олди. Сулаймон эса хали ёш, ҳеч ким унинг хоҳиш-иродаси билан ҳисоблашиб ўтирмасди. Ўша кезлари уйларида ҳар куни жанжал бўлиши, отасининг ғирт маст бўлиб юриши эсида. Шу-шу қолиб кетишди. Уй-жойлари ёмонмас. Аммо отасининг ҳам аввалги қариллаган даври эмас. Илгаригидек заргарларга буюртмалар йўқ. Ҳамма қорин ғамида, ялтир-юлтур такинчоқларга кўмилиб юриш кимнинг кўнглига сиғади?

Худди шу нарса уларнинг оиласига ҳам таъсирини ўтказмай қўймади. Отаси ҳар куни, айниқса, ичиб келган кезлари «Сенларни мен туғдириб қўйибман... Сенларни деб шу қўйга тушдим. Онанг бўлса ўлиб кетди. Қирмаган кўчам қолмади. Шулар есин, ичсин деб қамоққа ҳам тушиб чиқдим», деб бўкирадиган, қилган ишларини миннат қиладиган одат чиқарди.

Жаъфар институтда ишларди. Фан номзоди, доцент. Ҳарҳолда тирикчилиги ўтиб туради. Қийинкийин Сулаймонга бўлди. Хотини билан ажрашган кезлари эди ўшанда. Қаёққа боришини, қай бир деворга бош уришини билмай қолди. Аксига олиб, ишдан ҳам бўшатиб юборишди...

Шартта ховли-жойни сотиб, чет элга кўчиб кетишлари мумкин эди, ўшанда. Лекин отаси кўнмади. Бу хонадонда отаси хон, кўланкаси майдон эди. Харидорлар чикди. Аммо нархи у кишига тўғри келмади. Сулаймон яна уйланди. Аммо бу хотини отасига ёкмади. «Башараси, киликлари бузук хотинларга ўхшайди» деб туриб олди. Сулаймон уч-тўрт ой яшаб у билан ҳам ажрашишга мажбур бўлди. Қисқаси, хотинга ёлчимади. Кейинги хотини тузук эди. Дори-хонада ишларди. Битта киз туриб ҳам берди. Аммо Сулаймоннинг вақти бемахал кимор ўйнаб туриши, ичиб юриши у хонимга маъкул тушмади. Ўртала-рида жанжал чикди. Бир неча марта уйга милиция чақириб Сулаймонни бердириб юборди. Охир-окибат, пичоқ бориб суякка қадалди, ажрашдилар. Ҳозир Қорақамишда Сулаймоннинг бир хонали уйи бор. Ҳеч ким турмайди у ерда. Баъзан, биронта оғайни-си билан ичиб, карта ўйнаб ўтиргани ё жононларга илашиб қолганда олиб бориб, маишат килишга ярайди. Баъзан эса, мана шу ховлида, отасининг ёнида қолади. У ичмаган пайтлари отаси у билан яхши гаплашади, нималарнидир маслаҳатлашади. Жиндек кайфи бўлса, тамом, итдек хор қилиб кўчага хайдаб чиқаради.

Чол бу ерда ёлғиз қолиб кетмасин, чой-нонидан хабар олиб туришсин, деб опаси иккита жиянини шу ерга олиб келиб қўйган. Улар бўлса, икковиям талаба, ўзларидан ортмайди, чолнинг на чойи, на нонига қизиқишади. Ҳозир ҳам уларга бўшатиб берилган хонанинг эшиги кулф, хойнаҳой ўқишда бўлишса керак!..

Сулаймон кадам товушларининг яқинлашаётгани, кейин хужранинг эшиги очилиб-ёпилганини эшитиб, отаси ичкарига кириб кетганини сезди ва илондек сирғалиб ховлига чикди. Хаммаёкнинг сув қуйгандек жимжит эканлигига ишонч ҳосил қилгандан кейингина, шопа-пиша кўча эшик тарафга юрди...

Йигит кишига савлат ҳам керак, давлат ҳам керак, деганлари рост экан.

Профессор Исабоевда униси ҳам, буниси ҳам бор эди. Айникса, иккинчисига эришиши осон кечмади. «Итни тоғам, не-не ирkit кимсаларга ялтокланиб оғам» дейишига тўғри келди.

У хақиқатан ҳам савлатидан от хуркийдиган, баланд бўйли, кийган кийими ўзига ярашадиган, кенг елкали, кўзойнак такиб, шляпа кийса, унча-мунча одамни чўчитиб юборадиган зиёлинамо одам эди.

Институтда ўқишлари ёмон эди. Хатто бир неча марта ўқишдан ҳам ҳайдашмоқчи бўлган эди уни. Аммо у керак бўлганда, бўридек чапдаст, керак бўлганда тулкидек айёр, ишбилармон йигит эди. Шартта уч-тўртта обрўли муаллимларнинг пинжига кириб олди. Уларнинг хизматини ётиб килди. Томоркасида ерини чопди, машинасини ювди, бозор ўчарини килиб берди, хатто сигарет чекмоқчи бўлганда, гугурт ёкиб ҳам турди.

Ана шу хизматлари эвазига бўлса керак, уни институтда олиб қолишди. Хўжалик ишлари бўйича проректорга ёрдамчи бўлди. Кейинги фаолияти ана шундай бошланди. Орадан йиллар ўтди. Бундоқ қараса, собиқ курсдошлари бири фан номзоди, бири фан доктори бўлиб кетяпти. «Мен сенлардан камми» дея, ўзиям киришиб кетди, кўп ўтмай фан номзоди бўлди. Илмий-текшириш институтига ишга ўтди. У илмда чаласавод эди. Шунинг учун яна хўжалик ишларига ўзини урди. Айникса, рахбарларнинг хоналарини безатиш, керакли мебеллар, кандиллар, телевизор, магнитофонлару гиламлар билан тўлдиришни қойиллатарди. Кўп ўтмай, шу институт директорининг хўжалик ишлари бўйича ўринбосари бўлиб олди. Бундан бу ёғи кетди. Эллик ёшга тўлган кунига унга «профессор» унвонини беришди. У бўлса, «мендан нима кетди» дея, шартта шогирд-

ларига айтиб докторлик диссертациясини ёздириб, химоя қилиб ташлади.

Ўша пайтларда институтнинг бошқа мамлакатлар илмий ташкилотлари билан халқаро алоқаларига алоҳида эътибор қаратилаётган кезлар эди. Минг илми бўлгани билан олим деган жониворда савлату давлат бўлмаса кийин экан! Қарабсизки, яна Исабоевнинг бошига бахт кушт қўнди. Англияда бўлган илмий конференцияда қатнашди. Кейин ошна-оғайниларининг кўмаги билан Италияга борди. Худди ўша кезлари аэрофлотда ишлайдиган бир йигит билан танишиб қолди. Кўпинча самолётда бирга учадиган бўлишди. Ўша йигит у орқали видеоманитофон, баъзан фотоаппарат, баъзан бирон кийим-кечак бериб юборадиган, эвазига совға-саломлар, гоҳида доллар билан уни ҳам хурсанд қилиб турадиган бўлди.

Бунинг сабаби бор эди, албатта. Кўп жойларда, айниқса, текширув пунктларида, назорат бўлимларида унинг савлатидан чўчишар, қўлидаги сумка-ю қутичаларга қарашга ботинишолмас, текширмаёк ўтказиб юборишарди.

Ана шу нарса аэрофлотда ишлайдиган йигитга қўл келди. «Шеф» билан, шериклари билан таништирди. Исабоев энди бемалол чет элларга чиқиб турадиган, ноёб безаклар контрабандасига аралашиб турадиган бўлди. Фақат охирги саёҳати хунук бўлди холос. Ўша қора кунни эслагиси ҳам келмайди. Ўша-ўша, йўллари тўсилиб қолди... Энди у ўзининг ўрнига муносиб ўринбосар тайёрлаши керак эди. Бунга Наримон Очилов деган илмий ходимни танлади. Аввалига унга у ёқдан нима олиб келишини тушунтириб ўтирмади, чет эллик оғайниси Мустафо афанди билан боғланиб, бриллиантлар қадалган тилла соатни ўша йигитдан бериб юборишни тайинлади, холос. Ҳаммаси ҳамирдан қил суғургандек бўлаётганди, лаънати Наримон ишнинг белига тепди...

Мана энди, бугун кечкурун айтилган муддат тугай-

ди. Исабоев беш-олти соат ичида ўша соатни топса топди, бўлмаса... Йўқ, улардан ҳамма нарсани қутиш мумкин. Худо кўрсатмасин! Қайси томондан ўк келиб миянгнинг қатигини чиқариб юборишини ҳам билмайсан, киши... Падарлаънати Наримон бўлса, милицияга арз қилиб юрибди... Нима қилиш мумкин? Қандай қилса, бу ўргимчак уясида чикиб кетади? Ё, шартта милицияга шикоят қилсинми? Унда нима бўлади? Ўзиниям уларга қўшиб тиқиб қўя қолишмай-дими? Кейин улар бу ёқда олмаган жонини, у ёқда олишдан ҳам тойишмайди-ку?

Профессор Исабоев балконга чикди-ю, худди қутилмаган тарафдан биров унга қарата ўқ узадигандек қўрка-писа теварак-атрофга олазарак қараб қўйди ва шу пайт балконнинг у деворидан бу деворига чўзилган кирарқонига кўзи тушиб ўйланиб қолди ва беихтиёр орқасига тисарилди. Ранги оқариб, лаблари титради.

«Ўзинг асра, худойим», — дея шивирлади аста ва бемажол деворга суяниб қолди...

Сулаймон йўл-йўлакай гузардаги дўконга кириб, икки стакан ароқни «бош оғриқ» қилиб олди-ю, сигарет тутатганча маҳалла этаги тарафга, жар томонга юрди.

Уларнинг уйига энг яқин йўл, Натан амаки қайтиб келадиган энг яқин кўча шу тарафдан ўтарди. Бир тарафи ваҳимали жарлик, бир тарафи экинзор, бедазор, жўхори... Ундан у ёғи қўшни маҳаллага уланиб кетган. Ана шу жар билан экинзор оралиғида битта арава сиғадиган тупрок йўлка бор. Икки-уч маҳаллани бир-бирига боғлаб турадиган энг яқин, энг қулай йўл шу. Аммо бу хилват макондан ҳамма юрвермайди. Кўпчилик қўрқади. Фақат билганларгина ўтади. Сулаймон эсини танибдики, Натан амаки ҳам,

отаси ҳам бир-бирлариникига шу йўлдан бориб-келиб юришади...

Сулаймон яна сигарет тутатиб, йўл четидаги дўнглик оркасига ўтиб ўтирди. Кутди. Ярим соат ўтар ўтмас, баргу хазонлар шитири, кимнингдир кадам товушлари кулоқка чалинди. Велосипед етаклаган почтачи бола экан. Сулаймон аста ер бағирлаб бошини яширди. Почтачи ўтиб кетди. Сал ўтмай, бошқа йўловчининг кадам товушлари эшитилди. Буниси аник Натан амаки эди. Сулаймон боя мўлжаллаб қўйган муштдеккина чўғир тошни кўлига олиб, ўзини панага урди...

... Уста Натан «ох» дейишга ҳам улгуролмади. Сулаймон кўлидаги топ билан унинг мясига урган зарбдан худди кесилган дарахтдек, гурс этиб йиқилди-қўйди. Туйқус кўл-оёқлари акашак бўлиб тортишиб, кўкраги тез-тез кўтарилиб туша бошлади. Кўзлари вахимали олайиб кетган Сулаймон эса ҳамон кафтига каттик қисиб олган тош билан чолнинг юз-кўзи борми, бошими, кўкрагими, аямай уракетди. Зум ўтмай, чолнинг башараси, кўнғиз мўйлови аралаш, оғзи юзини қоплаган сарғиш соқоли кип-кизил конга беланди.

Шу топда Сулаймонни таниб бўлмай қолган, кўзлари дахшатли олайган, вазоҳати жуда хунук эди. У шу туришда ҳозир соч-соқоли ўсган пиёниста йигитдан кўра, конга беланиб мол сўяётган кассобга ўхшаб кетарди.

Сулаймон тошни улоктириб юборди, чолнинг устига энгашди. Титроқ қўллари билан унинг чўнтақларини тимирскилади ва костюмининг ич чўнтагидан дастрўмолчага тугилган соатни топди...

Шоша-пиша очиб қаради. Соатнинг тилла занжирига, бриллиант «кўз»ларига кўзи тушди-ю, хотиржам тортиб, ўрнидан турди. Кейин аллақачон нафаси ўчган чолни оёғидан тортиб, пастда айкириб ётган жар томонга судраб кетди...

Сулаймон эшикдан кириб борди-ю, йўлакда велосипедининг оёғини осмондан килиб тўнкариб, қаеринидир бураб тузатаётган жиянига кўзи тушди. Жияни унга салом берди-ю, кейин бошдан-оёк хайрон бўлиб қараб қўйди.

— Сизга нима бўлди, тоға? — деди ўзини аранг кулгидан тийиб.

— Нима бўлиши керак эди? — деди Сулаймон ковоғини уйганча ўтиб бораркан.

— Уст-бошингиз лой, тупрок, — деди йигитча, — Бувам уйдалар, кўрсалар ёмон бўлади...

— Ҳа-а, кўчада йикилиб тушдим, — деди Сулаймон бепарво қўл силтаб.

— Енгларингиз ҳам кон-ку? — деди жияни бу сафар хавотирланиб қараркан.

— Хечкиси йўқ, — деди Сулаймон қўлини орқага яшириб, — Қўлим шилингандир-да?..

У шундай дея ичкарига ўтди, йўл-йўлакай кўйлагининг энгига қаради-ю капалаги учиб кетди. Ҳаворанг кўйлагининг энги, кўкрагига кон сачраган, кизғиш, қорамтир доғ бўлиб ётарди.

«Тфу, падарига лаънат! — деди ичида сўкиниб. — Анави исқирт чолнинг кони тегибди-ку?..»

У шоша-пиша рўмолчасини водопроводда ҳўллаб энгини артди, кон юки кетмади. Бу ерда алмаштириб олишга кўйлагига ҳам йўқлигини, уйга етиб олгунча бутун шаҳарни босиб ўтиши кераклигини эслаб, баттар асабийлашди. Ошхонага кирди, сочиқни газ устига шақиллатиб қайнаб турган сувга ботириб артиб кўрди, бўлмади, доғ кетмади.

«Оббо, энағар! — деди у ичида кўрқа-писа ташқарига кўз қирини тапплаб. — Ишқилиб, чолнинг ўлиги топилиб, изимга тушишмаса бас! Тезроқ бу ердан, умуман бу шаҳардан, бу юртдан чиқиб кетиш керак!... — шу топда у ўзининг мияси калькулятор мисоли тез ишлаб

кетганига ўзи ҳам хайрон қолди, — Қозоғистонга ўтиб олсам, у ёни Россия ... кейин, чолнинг соатидаги ёкуту олмослар билан бемалол Австралиягача ҳам етиб олса бўлади...»

У яна кўйлагининг енгига қараб, кўнгли хижил бўлди. Сочикни ёжимлаганча секин ташқарига чиқди. Ғаражга кираверишда турган канистрни очиб сочикни бензинга бўқтирди. Кейин енгини артди, кўйлагининг кўкрагини ишқалади. Бўлмагач, яна ошхонага қайтди. Иссик сув билан артди. Назарида, қон доғлари билан бирга кўнглидаги ғашлик ҳам хиёл тарқалгандек бўлди. Хотиржам тортиб, лабига сигарет қистирди ва гугуртни олиб чизди ва шу пайт юз-кўзи аралаш кўкрагига гуп этиб урилган алангадан ўзини орқага отди... У ўрнидан туриб кичкирганча эшикка ўзини урди...

Ҳаммаси кўз очиб юмгунча содир бўлди.

Йўлакда велосипедни созлаётган йигитча ошхона томондаги шовкинни эшитиб, илкис ўша тарафга қаради-ю, усти-боши алангага чулганган, кийимлари, сочлари, башараси олов ичида ёнаётган бир кимсанинг худди шайтонлаб қолгандек сакраб ховлида югуриб юрганини кўриб, ханг-манг бўлиб қолди ва велосипедини ташлаб, жон-холомда бақирди:

— То-ға-а-а!

Жиноят-қидирув бўлими хонасининг эшиги тақиллаб очилди ва лейтенант Собитов кўринди.

— Мумкинми, ўртоқ капитан?

— Кираверинг, — деди дераза ёнида турган капитан Саидов.

Лейтенант ичкарига кирди ва креслода қандайдир қоғозларни варақлаб ўтирган кўзойнакли оқсоч кишини кўриб, томоғини кириб қўйди ва салом берди.

— Хўш, лейтенант? Қанақа хушхабар олиб келдингиз? — кўзойнаги тепасидан унга қаради эксперт Умаров.

— Хушхабар шуки, Бурҳон Умарович, — деди лейтенант тараддудланиб. — Заргарнинг ёниб кетган ўғли тирик... Баданининг ўттиз фоизи куйибди холос... Канистрдаги бензиндан чиққан оловдан ёниб кетган...

— Тўғри, — тасдиқлади Умаров, — у қўлидаги сочиқ ё латтани бензин билан хўлламоқчи бўлган.

— Нимага? — тушунмади капитан Саидов.

— У қўлига, юзига, кийимларига сачраган кон доғларини артиб тозаламоқчи бўлган ва эҳтиётсизликка йўл қўйган.

— Демак, жардан ўлиги топилган чолга алокадор, шундайми? — сўради яна капитан.

— Албатта, — бош ирғади Умаров. — Нафакат алокадор, балки туғишган амакисини ўлдирган. Ҳаммаси бир-бирига занжирдек боғланиб кетган савдо бу!

— Янглишмасам, сиз буларни ўзини-ўзи осиб қўйган профессор Исабоевнинг ёзиб қолдирган хатига асосланиб айтаяпсиз шекилли? — деди лейтенант Собитов.

— Факат унгагина эмас, — деди Умаров. — Мен уста Натаннинг ўлиги топилган жойда 42-чи размерли қўпол ботинка кийган, баланд бўйли, бир одамнинг оёқ ва қўл изларини, шунингдек у асабий чекиб ташлаган «Карвон» сигарети қолдиқларини кўрган-нимни айтгандим... — у шундай дея лейтенантга ўгирилди. — Дарвоқе, ёнган йигитнинг оғзи-кулоғи бутунми?

— Ха, касалхонадан чикиб келаётганимда инграб, сўкиниб ётганди, — деди лейтенант.

— Унда яхши, — кулимсираб қўйди Умаров, — саволларни эшитиб, жавоб бера олади...

Таассуфки, кейинги воқеалар бошқача тус олиб кетди. Бунн ҳеч ким кутмаганди. На капитан Саидов, на эксперт Умаров, на бошқалар...

Ҳамма гап шундаки, ёнган, куйган ҳолида касалхонага олиб келинган йигит, ечинтирилиб, биринчи ёрдам кўрсатилаётганида жиноят кидирувчилар унинг кўйлак-шимларини текшириб боқишган, аммо шахсий буюмлари орасидан ҳеч канақа тилла соат чиқмаган...

Яна бир кизик ери шундаки, Сулаймонни замбилда «Тез ёрдам»га жойлаб, касалхонага олиб борган санитар йигитлардан бири негадир ўша куниёк ғойиб бўлиб қолган. Ҳеч каерда йўқ эмиш! Сулаймоннинг чўнтагидаги рўмолчага тугилган йигирма тўртта бриллиант қадалган тилла соатни ўша санитар йигит олган бўлиши мумкин, деган тахминлар бор...

Айтишларича, ҳозир кидирув бошланган эмиш...

ҚОПҚОН ТЕВАРАГИДАГИ РАҚС

Эшик кўнғироғи ярим кечадан ошганда жиринглади.

Шу куни кўшни мавзедаги кўп қаватли уйларнинг бири ертўласида сув қувури ёрилган, Санжар шериклари билан сувни тўхтатиб, таъмирлагунча тинкаси қуриб, бурнига чертса йиқилгудек ҳолатда уйга қайтганди. Боз устига ўғилчаси шамоллаганми, иситмалаб ётар, хотини унинг тепасида парвона эди.

Санжар наридан-бери овқатланган бўлди-ю, телевизор кўришга ҳам ҳафсаласи бўлмаб ўрнига кириб ётди. Энди кўзи илинган экан, эшик кўнғироғидан уйғониб кетди. У ҳам, хотини ҳам бунақа бемахал кўнғроқларга кўникиб қолишган, ҳали у кўшниникида водопровод ишламайди, ҳали бу кўшни ваннасидан сув топиб кетади, шу сабаб бу тунги йўқловдан унча ажабланмади. Нимқоронғи йўлакдан ўтиб бориб эшикни очди. Очди-ю, қотди-қолди. Ўзига ишонмай, кўзларини йириб очиб яна қаради.

Рўпарасида соч-соқоли ўсиб кетган Қурбон тиржайиб турарди.

— Ҳа-а, танимадингми, нима бало? — деди у кўришишга қўл узатиб.

Санжар истар-истамас қўлини чўзди.

— Пешиндан бери кўнғирок қиламан, — деди Қурбон. — Телефонинг ишляптими?

— Йўқ, пули тўланмаган. Узиб қўйишди, — деди Санжар ҳафсаласизлик билан.

— Ана холос! — кулиб юборди Қурбон ўзига ярашмаган тилла тишларини яраклатиб, — катта бир ширкатнинг катта устаси телефон пулини вақтида тўлаёлмаса... жуда қизиқ-ку?

— Ҳа, қизиқ, — деди Санжар истар-истамас. — Нима хизмат?

— Хеч қанақа хизмат-пизмат йўк, — деди Қурбон, — Боситхон ака соғиниб қолибди. «Топиб кел» деб юборди.

Санжар бу исмни эшитиб бир сапчиб тушди.

— Нима иши бор экан? — деди тили зўрға айланиб.

— Унисини билмадим, — елка кисиб қўйди Қурбон. — Ўзидан сўрайсан!

— Шу пайтда зарурмикан?

— Билмадим, — деди Қурбон лабларини ғалати буриб. — Зарур бўлмаса юбормасди. Пастда машина кутиб турибди.

— Мен боролмайман, Қурбон, — деди Санжар иккиланиб, — каттик чарчаганман... Кейин ўғилчамнинг мазаси йўк...

— Буни «Босс»нинг ўзига тушунтирасан, Санжар, — деди Қурбон. — Мени вазифам сенга айтиб қўйиш...

— Мен бунақа ишларга аралашмай қўйганман, — деди Санжар қийналиб. — Боситхон аканинг ўзига-ям айтгандим... Бунақа ишларни ташлаганман, дегандим...

— Буни менга кизиғи йўк, — деди Қурбон бепарво охангда. — Борсанг бор, бўлмаса йўк. Қайтага вақтни ўтказаяпсан. Биласан, «Босс» бунақа гапларни ёқтирмайди...

Санжар бир лахза ўйланиб қолди ва «мен ҳозир» деб ичкарига кириб кетди...

Ойдин кеча эди...

Кейинги икки кун давомида эринмай ёккан ёмғирдан кейин сувга бўкиб, ҳолдан тойган дов-дарахтлар жимгина сукутга чўмган, ҳаво эндигина очилиб, осмоннинг у ер-бу ерига титилган пахта янглиғ бетартиб сочилиб ётган оппоқ булутлар орасидан чинни лагандек яраклаган ой ва митти юлдузлар милтираб

кўзга ташланиб қолган, алланечук сокин, сирли ва намхуш бир кеча эди.

Санжар ўзини олиб кетгани келган «Матиз»нинг орқа ўриндиғида ўтирган қўйи ташқарига тикилганча бораркан, негадир кўнгли ғаш, ичида хадеб ўзини ўзи сўқарди.

— Минг лаънат ҳаммасига, — дерди у гижиниб. — Камалиб чикиб ҳам қутула олмасанг! Энди оғзим ошга етди деганда, тинчгина ишлаб, одамлардек яшай бошлаганингда бало-казодек рўпарангда пайдо бўлаверсалар алам киларкан кишига. Бало-казонинг ўзи! Бунн бошқача атаб ҳам бўлмайди!..

Ҳақиқатан ҳам Санжарнинг сиқилганича бор эди.

Тўғри, ўзи ҳам яқингинада уларнинг бири эди. Қолаверса, ўша «Босс» — Боситхон аканинг олдида тили қисик жойлари ҳам йўқ эмас. Бу кўргуликларнинг ҳаммаси учун битта-яримтанинг ёқасидан бўғиб айблаш ҳам қийин. Китобларда ёзилганидек, тақдирми бу, пешонадаги ёзуғми, айтиб бўлмайди.

Ёсида бор. Ўшанда, отасининг ўлимидан кейин уйлари бутунлай алғов-далғов бўлиб кетди. Онаси бўлса отасининг йили ўтар-ўтмас бегона бир эркакка турмушга чиқди. Ҳаммаси шундан кейин бошланди.

Катта опаси ўша-ўша уйларига кадам босмай қўйди. Санжарнинг ўзи ҳам уйда кам бўладиган, кўпроқ кўчада юрадиган бўлиб қолди. Хунар — техника мактабидаги ўқиши чала-чулпа бўлиб қолиб кетди. Кўп ўтмай, ўзига ўхшаган қаровсиз, етим, аламзада болаларга қўшилди. Чекишни, ичишни ўрганди. Охиरोқибат ўғрилиқ қилиб шериклари билан қўлга ҳам тушди. Болалар колониясида ўтириб чиқди. У ердан қайтгач, онаси уни эшикдан киргизмай, қувиб солди. Яна тарбияси бузук болаларга қўшилди. Уришди, сўқишди. Безорилик, ўғрилиқ, киссавурлик унинг учун одатий бир ҳолга айланди. Яна қўлга тушди. Бу сафар уни машина ўғрилашда айблашди. Аслида у, фақат шерикларига хусусий «БМВ» машинасининг

эшигини ва яширин қулфини очиб берганди, холос. Кесилиб кетди.

Унинг ана шу антика ҳунари, ҳар қандай қулфни қийналмасдан оча олиш қобилиятига эғалиги учун «Фокусчи» деб лақаб қўйишди. Зонада ўзига ўхшаганлар билан учрашди. Айникса, Боситхон ака деган, «Босс» лақабли ашаддий ўғри билан тўқнашув унинг тақдирини мутлақо ўзгартириб юборди.

«Таржимаи ҳоли», кўрган-кечирганлари ўзиникига яқин бўлгани учунми, «Босс» унга бошқачароқ меҳр қўйиб қолди.

— Сени ноёб ҳунаринг бор, — деди кунларнинг бирида. — Сен темир-терсакларнинг тилини биласан. Бунақа талант ҳар кимгаям насиб қилавермайди!..

Санжар муддатини ўтаб қайтгандан кейин ҳам «Босс» ва унинг одамлари таъсиридан қутула олмади. Не-не эшиклар, сейфлар, темир қутилару сандиқларни очишга тўғри келди. Унга яхшигина хизмат хақи тўлашарди... лекин ҳар сафар қандайдир ботиний бир туйғу унга қаршилиқ кўрсатар, аммо барибир уни енгилга ўзида куч топа олмасди. Ахийри, бир куни вокзалдаги юк сақланадиган темир қутилардан бирини очиб бериб, чикиб кетаётганида қўлга тушиб қолди. Яна қамалди. Лекин на терговда, на судда шерикларини сотмади ва ўз-ўзидан аристонлар орасида обрўси ошиб кетди. Шу тахлит орадан йиллар ўтди...

Аммо шунга карамай, унинг бу галги қамалиши ўзига жуда қимматга тушди. Ошқозони яра бўлиб, операция қилинди. Оёғига рельс тушиб тўрт ой гипсда ётди. Оксоқланиб юрадиган бўлиб қолди. Шундан кейин, агар ана шу худо қарғаган ерлардан соғ-омон қайтса, бу беъмани ишга қўл урмасликка қасам ичди.

Бир-бирини қувалаб йиллар ўтди. Нихоят, қутилган кун келди. У уйга қайтди. Онасининг кўр бўлиб қолгани, хозирда қариялар уйида яшаётгани ҳақида

эшитди, аммо бормади. Бундан кўп йиллар муқаддам, совук қиш кечаларининг бирида болалар колониясидан қайтган куни онаси ўзини уйга киргизмагани, юпун ҳолида кўчага ҳайдаб чиқаргани ҳақидаги шафқатсиз хотира унинг аламзада юрагида жароҳатдек бўлиб қолган, буни сира унутолмас, ҳар сафар шуни эслаганида бутун вужуди ларзага тушиб, ўртаниб кетарди.

Аллақандай қурилиш идорасида ишлайдиган поччаси уни ёнига олди. Онасини бориб кўришга ундади. Лекин Санжар боролмади. «Қариялар уйи»нинг дарвозасигача борди, бироқ остона хатлаб киролмади.

Шундан кейин опаси, поччаси, ўзи маслаҳатлашиб қаровсиз ётган қутичадеккина ҳовлини сотишди. Унинг бир қисми касал онасига, бир қисми опасига на унга тегди. Санжар шартта бир хонали уй сотиб олди. Кўчиб борди. Поччасининг ёнида ишлаб юрди. Токарлик, слесарлик ишларига уқуви борлиги қўл келди. Туриш-турмуши аста-секинлик билан бўлсада, изга туша бошлади. Собиқ зонадошлари, эски оғайнилари билан учрашиб туришга ҳам қўли тегмай қолди.

Бу орада опаси бошчилигида унга бир-иккита қизларни кўрсатишди. Санжарнинг ўзига қолгандаку, уйланиш нияти йўқ, тўғрироғи, «бутун таржимаи холи қорақуяга чапланган мендек бедавога ким ҳам тегарди», деган азобли фикр миясига ўрнашиб қолганди.

«Одамнинг хоҳиш-истаги эмас, Аллоҳнинг буюргани бўлади» деганлари рост экан. Опаси шўрликнинг шунча елиб-югургани бир бўлди-ю, Санжар аҳолига техник хизмат кўрсатиш ширкатида ишлаб юрган кунларининг бирида юз берган ходиса бир бўлди...

— Нималарни ўйлаб қолдинг, «Фокусчи?» — деди олд ўриндикда ялпайиб ўтирган Қурбон ил-

жайиб, — Ўйчи ўйлагунча таваккалчи ишини битирибди, дейдилар...

— Тузук, — ошкора киноя килди Санжар энсаси котиб — Китоб ўқийдиган бўлиб қолибсан.

Курбон хиринглаб кулиб юборди.

— Бе-е, — деди қўл силтаб, — ҳаётда битта китоб ўқиган бўлсам, калламни узиб ташлайман. Газета нимага керак?.. Нарса ўрашга. Журнал, китоб-питоб нимага керак?.. Носвой, писта сотадиганлар олмаса, ҳеч ким қайрилиб қарамайди. Тўғрими?

Санжар индамади. Сигарет тутатганча тиржайиб бораётган хайдовчи йигит эса «тўғри» дегандек бош ирғаб қўйди.

Санжар яна тун қўйнига чўмилган жимжит кўчаларга, узоқдан шамдек милтираб кўринган симёғочлару, кўп каватли уйларнинг деразаларини ёритиб турган чироқларга кўз ташлади ва шу топда негадир Зулхуморни эслади...

Зулхуморнинг ҳам ана шунақа сокин кечаларда напармон тунчироқни ёкиб қўйиб ўқийдиган одати бор эди. Уй юмушларини қилиб, боласини ухлатиб қўйгач, ҳали навбатчиликдан қайтмаган Санжарни кутиб ўтирар ва шунақа пайтларда қанақадир китобми, журналми олиб ўқишга тутинарди.

Санжар аввалига ҳеч бунга кўниколмади. Негадир гаши келди.

— Китоб ўқишни йиғиштир, кўп ўқисанг миянг суюлиб кетади, — деди бир куни унга қараб ўтириб.

Зулхумор бунга жавобан кулимсираб қўя қолди.

Келаси сафар хотинининг қўлидаги китобни юлиб олиб, отиб юборди.

— Китобни отиб бўлмайди, Санжар ака, — деди Зулхумор йиғлагудек бўлиб. — Одамлар бир-бирига раво кўрмаган нарсаларни қўпинча китоблар беради.

— Мана сениям томинг кетиб қолибди, — деганди ўшанда Санжар кулгиси кистаб. — Нима китоб экан? Анекдотлар бўлса бошқа гап...

— «Қизил ва қора» деган китоб, — деди Зулхумор ерда ётган китобни оларкан.

— Нима, бўёқчилар хакидами? — деди Санжар илжайиб ва китобни олиб истар-истамас варақлади. — Нима тўғрида?

— Бир камбағал йигит бир қизга уйланмоқчи бўлади, — деди Зулхумор секин. — Лекин унинг душманлари йигитни ёмонотлиққа чиқарадилар ва бунга бош сабабчи бўлган, бир пайтлар ўзи хизмат қилган бой хонадон бекасини тўппонча билан отиб ташлайди. Қамашади...

— Чўпчакка ўхшаган нарсаси экан, — яна хазилга олди Санжар. — Тўппонча билан бировни отиб ташлашни ўзи бўларканми?... Бунинг учун статья бор...

Санжар шундай дейишга деди-ю, лекин кунларнинг бирида хотини ишда — боғчадалигида ўша китобни топиб варақлаб кўрди ва ўзи сезмаган ҳолда ўқишга тутинди.

Зулхумор айтган ўша йигит — Жюлен Сорел тақдири уни қизиқтириб қўйди. Айниқса, унинг айтган гаплари Санжарга қаттиқ таъсир қилди.

«Жаноби маслаҳатчилар! — дейди ўша йигит судда, — сиз олдингизда ўзининг аянчли қисматида қарши исён кўтарган оддий бир фуқарони кўриб турибсиз. Мен сизлардан раҳм-шафқат сўрамоқчи эмасман... Мени ўлим кутмоқда. Мени қаттиқ жазога ҳукм қиладиган одамларни кўриб турибман. Улар йўқсулликда эзилган, лекин яхши маълумот олишга муваффақ бўлган ва шу боисдан такаббур боёнлар яхши жамият деб атайдиган муҳитга суқилиб киришга журъат этган паст табақа йигитларига ибрат бўлсин учун ҳам шундай қиладилар...»

Қисқаси, бу китоб Санжарга ёқиб қолди. Ўша йи-

гитнинг қай бир жиҳатларини ўзига ўхшатгиси келди. Унинг қора кучларга бўйин эгмаслиги, ўзини улардан паст тутмаслиги, мустакил ва мағрур ҳолда курашишига ҳавас қилди...

Ўша-ўша, Зулҳуморни ҳам, ишхонасидаги ҳамкасбларини ҳам ҳайратга солиб китоб-журнал ўқийдиган бўлиб қолди. Буниси энди, ўзи учун ҳам мутлақо қутилмаган ҳол эди...

Аслида, уларнинг танишиб қолишлари ҳам кизиқ бўлганди.

Ўшанда Санжар аҳолига хизмат кўрсатиш ширкатада навбатчи эди. Алламаҳалда телефон жиринглаб, аёл кишининг ваҳимали товуши эшитилди. Болалар боғчаси ётоқхонасидаги водопровод қувури ёрилиб сув тошиб кетган эмиш.

Санжар «яхши, мен дафтарга ёзиб қўяман, эрта-лаб борамиз» деб гўшакни қўймоқчи бўлганди, аёл кишининг йиғламсираб «виждонсиз одам экансиз» деган гапини эшитиб, жаҳли чиқиб кетди.

«Мен сен ойимчага виждонни кўрсатиб қўяман» деб ўша «боғча опа»ни бир сўкиб келиш мақсадида, асбоблари солинган халтасини кўтариб боғчага борди.

Боғча опа йигирма-йигирма икки ёшлардаги, нинчидек нозиккина қиз экан. Санжар қараса, қоровул чол иккови ҳали ўрин-кўрпаларни, ҳали ўйинчоқларни йиғиштириб у ёқдан-бу ёққа югуриб юришибди.

Бир кўнгли эртага шерикларим билан келарман, деб қайтиб кетмоқчи ҳам бўлди-ю, ўша кизнинг қўзларида умид учкуни йилтираб кетганини сезиб айниди. Тонг оқаргунча уннаб ёрилган қувурни аранг тузатишди. Қувурлар аллақачон эскириб, хилвираб кетган экан. Бир тешигини ёпса, бошқа ёғидан тошиб чиқади.

Кузнинг изғиринли кунлари эди ўшанда. Сув совук. Қўл тегизсанг, узиб олгудек.

Санжар ўша куни совқотиб, ўлгудек чарчаб боғ-

ча коровулининг хонасида ухлаб колибди. Эрталаб кечаги киз чой дамлаб киргандагина уйғонди. Печенье, сариёғ билан сийлади. Апчагача гаплашиб ўтиришди. «Кечаги гапимдан хафа бўлмадингизми?» деб узр сўради. Шу куни боғча мудираси ҳам унга алохида ташаккур билдирди. Санжар шериклари билан келиб, икки кун ичида кувурларни таъмирлаб кетишди.

Ўша-ўша Зулхумор билан кўришиб турадиган бўлиб қолишди. Бундан тиниб-тинчимас опаси ҳам аллакаёқдан хабар топибди. Қўймади. «Қасрда гузаркан? Уйини айт. Совчиликка борамиз» деб туриб олди. Санжар шундок кизни алдашдан, ўз ўтмишидан уялди. Каршилиқ кўрсатди. «У киз киму, мен кимман?» деди. Бўлмади. Опаси барибир кизникига борди.

Зулхумор онаси эрта вафот этиб кетган, кекса, касалманд отаси ва иккита синглиси билан яшайдиган оиланинг тўнғичи экан.

Дунёнинг ишларини қарангки, девонанинг ишини худо ўнглабди, деганларидек, Санжар билан Зулхуморнинг юлдузлари юлдузларига тўғри келиб қолдими, хайтовур кўз очиб-юмгунча тўй ҳам бўлди-кетди.

Санжарга на тўй, на бошқа нарсатати. Унинг дарди ичида, тили қисиклигидан эзилиб-ситилиб юрарди. Бир куни бўлмади. Ёрилди. Ўша куни хиёл ширакайф эди. «Шунақа, шунақа... мен камалганман», — деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Зулхумор «виждонсиз одам экансиз, мени алдадингиз», деб юз ўгириб чиқиб кетса керак, деб ўйлаганди. У индамади. Ёшланган кўзларини яшириб, «биламан» деб шивирлаб қўйди холос...

Санжар эса хайкалдек қотди-қолди. Бу ниначидеккина нозик қизнинг филдек сабр-бардошидан, гулдек нозик юрагидаги тоғдек қудратдан хайратга тушди...

Шундан кейин, бу мавзуга бошқа қайтишмади.

Ёпиғлиқ қозон ёпиқлиғича қолди. Ўша йили ўғил-чали бўлишди. Қувончлари чексиз эди. Каталакдак-кина хоналари ёришиб кетгандек, туриш-турмушига маза-матра киргандек, шу пайтгача ўзи англаб етмаган қандайдир маъно ва мазмун қасб эта бошлагандек туюлди унга.

... Ва яна бир бор қасам ичди. Бундан кейин ўтмишидан юз ўгиришга, ўша номаъкулчиликларни такрорламасликка, бундан кейинги бутун ҳаётини ана шу мунис аёлга ва ўғилчасига бағишлайман, деб ўз-ўзига сўз берди.

Мана энди бўлса, ўша сўздан кечиб, ўша қасамини бузиб, Боситхоннинг ёнига кетяпти.

Бормаса бўлардику! Йўқ, бўлмасди. Бунинг сабабини Санжар биларди. Зеро, шу кунларгача етиб келган, ўша мудхиш ва кўрқинчли «жиноят олами»нинг сизу биз билмаган, тасаввуримизга ҳам сиғдира олмайдиган, ёзилмаган қонунлари ҳам мавжуд эди ва буни бошқалардан кўра Санжар яхшироқ билар, яхшироқ хис қиларди...

Санжар шу пайтгача Боситхон ва унинг шериклари ўзини йўқламай қўйишганидан, орқаваротдан бу жинойий гуруҳ аъзолари қидирувда эканлигини эшитгандан бери кўнгли хотиржам, тинчгина ишлаб, бориға барака қилиб, хушига келганда бир кружка пивомидан, бирор стакан виномидан ичиб, юрагининг тафтини босиб юрганди. Худо буниям кўп кўрди.

Аксига олиб, орқасидан уйқусираб чиққан Зулхуморга ҳам тайинли бир гап айтмади. Шунчаки, «авария бўлиб қолибди» деб қўйди, холос. Мана шу лахзаларда хотинини яна бир қарра алдаганидан, иситмалаб ётган ўғилчаси билан ёлғиз қолдириб, яна ўша жирқанч кўчага қайта қадам қўяётганидан кўнгли ғаш эди.

Бир кўнгли «ўлдирса ҳам айтганини қилмайман»

дедию, кейин «кани аввал кўрайлик-чи, нима гап экан» деган қарорга келди...

Улар шаҳарнинг овлоқ бир чеккасидаги кўпдан бери ташландик бўлиб ётган хиёбон дарвозасига етиб келишганда вақт алламаҳал бўлиб қолган эди.

Боситхон уни олд эшиги очиқ машинада кутиб ўтирган экан. Нарирокдаги машина ичида яна бир неча йигитларнинг кораси кўринди. Боситхон уни ёнидаги танқўриқчиси Талъат деган барзанги йигит билан яхши қарши олди.

— Қалайсан, «фокусчи?» — деди кўриша туриб елкасига қўл ташлаб. — Ишлар тузукми?

— Ёмонмас, — Санжар бу такаллуфнинг тагида нимадир борлигини сезиб.

— Топиш-тутишинг яхшими, ишкилиб? — сўради яна Боситхон.

— Бўлади. Гох ундок, гох бундок, — деди Санжар истар-истамас. — Ойлик-да!

Талъат бунди эшитиб хириллаб кулиб юборди.

— Кимсан «Фокусчи» куруқ ойликка ишлаб юрса, уят бўлади, — деди бош чайқаб. — Оилали одамсан. Хотининг, ўғлинг бор...

«Ха, булар ҳаммасини биладилар, — ўйлади Санжар юраги орқага тортиб. — Ойлаб-йиллаб кўришмасанг ҳам, қаердасан, нима иш қиялсан, оиланг, туриш-турмушинг, ҳаммасидан хабардорлар... Қанчалик кўркинчли одамлар...»

Санжар шуларни кўнглидан ўтказдию, Боситхоннинг гаплари давомини кутиб индамади.

— Гап кўп, вақт оз, — деди Боситхон мақсадга кўчиб, — сенсиз битмайдиган бир иш чиқиб қолди.

— Нима иш экан? — деди Санжар сезгиси алдамаганига ишонч ҳосил қилиб.

— Ёғлик иш, — деди Боситхон кулимсираб. — Бир йўла бир йиллик ойлигингни ишлаб оласан.

— Мен... унака ишларни ташлаб юборганман, «Босс», — деди Санжар. — Бекор овора бўлиб-сиз...

— Йўк, нега? — деди Боситхон жиддий оҳангда. — Кўпдан бери кўришмадик. Шу бахонада бир башарангни кўриб қўяй дедим. Йўк десанг, йўкла! Зоримиз бор, зўримиз йўк!

Ўғрибошининг гапларидаги этни сескантириб юборувчи совук оҳанг — «башарангни кўриб қўяй», «зоримиз бор...» кабилидаги пичингу киноялардан Санжар кийналди.

— Сиз мендан хафа бўлманг, ака, — деди товуши пасайиб, — анча бўлган... Унака ишларни қилмаяпман...

— Қилмаган бўлсанг, қиласан! — деди Талъат зарда билан.

Санжар «иложи йўк» дегандек бош чайқади.

— Ана шу эшакдек қайсарлигингни билганим учун ўзим келишга мажбур бўлдим, — деди Боситхон сигарет тутатиб ва шу топда унинг олов шуъласида хунук ёниб турган совук кўзларини кўриб Санжарнинг юраги оркага тортиб кетди. Йўк, у қаршисидаги бу дахшатли одамдан кўркмайди. У Санжарни ўлдирмайди. Лекин ўлгандан бешбаттар қилиш қўлидан келади. Бир қарасанг, уйингга ўт кетибди... Бир қарасанг, хотининг билан йўлда бахтсиз ҳодиса юз берибди... Бир қарасанг, ўғилчанг боғчада йўк, ким олиб кетган ҳеч ким билмайди... Оддийгина манзара. Лекин уни қанчалар дахшатли ва азобли эканлигини бошига тушганлар билади. «Босс», яъни Боситхон эса бунака «ўйин»ларнинг устаси-фаранги эди.

Санжар шуларни ўйлаб, яна Боситхонга илтижо билан қаради.

— Боситхон ака, — деди товуши титраб, — мени тўғри тушунинг. Мен... энди бунақа ишларни қилмайман, деб сўз берганман...

— Балки тилхат ҳам ёзиб бергандирсан? — унинг сўзини бўлди Талъат.

— Сен нарирокка ўт! — деди Боситхон жahl билан шеригига ўқрайиб.

Талъат хўжайинининг ғазабидан чўчиб уч-тўрт қадм нарирокка борди.

— Фокусчи!.. — деди Боситхон вазминлик билан Санжарга яқинлашиб. — Мен ҳам туғилганимдан бери энди бунақа аҳмоқ ишларни қилмайман, деб сўз бераман. Лекин сира устидан чиқолмайман... Нега? Чунки, атрофимга қарайману, кўнглим айнайди. Нима, сен теварак-атрофингда фақат фаришталар учиб юришибди, деб ўйлайсанми? Биздан ҳам баттар ўғрилар, каззоблар, муттаҳамлар йўқми? Тиқилиб ётибди. Аммо уларники кўзга кўринмайди. Улар худди мушук ўз ахлатини кўмиб яширгандек бекитиб юрадилар. Сенинг «фокусчи»лигинг уларнинг ўйинлари олдида бир пул! Мен сени бунчалик бўлиб, ҳезалакка айланиб қолгансан, деб ўйламагандим...

Ўртага совуқ жимлик чўкди. Санжар бошини гунохкорона эгганча турар, шу топда бирон сўз айтишга тили бормас, айтишга ҳам ботинолмасди.

«Босс» ҳам унинг ҳолатини сизди шекилли, муросага бориб ўтирмай, дангалига кўчди.

— Янги массивда валюта айирбошлаш шохобчаси бор, — деди Санжардан кўз узмай. — Ишончли одам хабар берди. Бугун у ерга катта микдорда валюта тушган...

— Балки, аллақачон банкка топшириб юборингандир? — деди Санжар аста.

— Сен олдин гапга кулоқ сол, — жеркиб берди Боситхон. — Сенга ишончли одам бор деб турибман. Ўша ерда ҳисобчи бўлиб ишлайдиган қиз...

Санжар индамай гапнинг давомини кутиб тураверди.

— Эртага тушлик пайтида, яъни соат бирларга яқин уч киши ўша ерга кириб борасизлар, — да-

вом этди Боситхон, — ҳаммаси келишилган. Ҳамма пайпок-никобда бўлади. Сен сейфни очиб берасану, чикиб кетасан, вассалом! Мана бу, — чўнтагидан букланган қоғоз олиб узатди у, — ўша сейфнинг чизмаси. Анча мураккаб экан. Лекин сенга чўт эмас!

— Мени аралаштирмасанглар бўларди, Боситхон ака, — деди Санжар лабларини алам билан тишлаб, — мен бу ишни қилолмайман...

— Майли, унда ора-очди килиб қўя қоламиз, — деди Боситхон совуққина охангда.

Санжар «ора-очди» канака бўлишини биларди, шунинг учун Зулхумор билан ўғилчасини эслаб юраги зиркираб кетди.

— Майли ўйлаб кўраман, — деди аста.

— Ўйлаб кўришга вақт йўқ, — деди Боситхон ва унинг елкасига шапатилаб қўйди. — Сени таниб бўлмай қолибди-ку? Ўзингни қўлга ол! Мен сени укам деганман-а?! Бўпти, эртагача. Қолган гапларни Қурбон сенга тушунтиради...

Шундан кейин Боситхон ва унинг ҳамроҳлари шоша-пиша машиналарга ўтиришди ва изма-из ўрнидан қўзғалиб катта йўл тарафда кўздан ғойиб бўлишди.

Санжар боя ўзини олиб келган машинага яқинлашаркан, бўшашганча туриб қолди. Чекмоқчи бўлиб чўнтагига қўл сукқанди, ҳали жаҳл аралаш сигаретини пачкаси билан эзғилаб ташлаганини эслаб, Қурбонга қаради.

— Битта чекишдан ол!

— Мана бу бошқа гап! — деди Қурбон хуш-чакчак охангда унга сигарет узатаркан ва қўшиб қўйди. — «Босс» билан суҳбатинглар жуда қуюқ бўлди шекилли-а?

— Буниси сени ишинг эмас, — деди Санжар унга қарамай.

— Сени омадинг бор, «Фокусчи», — деди яна Қурбон, — агар сендан бошқа одам «Босс»нинг гапини рад этса, ҳаётига нуқта қўйиб қўя қоларди.

Санжар унга ижиргангандек бир караб қўйди-да, машина эшигини очди...

Жиноят-қидирув бўлимининг торгина хонаси сигарет тутунига тўлиб кетган, аммо ҳар ер-ҳар ерда ўтирган уч-тўрт киши буни гўё сезмагандек, бепарвогина суҳбатлашиб ўтиришарди.

— «Босс»нинг гуруҳи яна пайдо бўлиб колгани яхши эмас албатта, — деди эксперт Умаров ўтирганларга кўз ташлаб, — яхшиликка эмас демокчиман. Қандай бўлмасин, олдини олиш керак.

— Биринчидан, пайдо бўлганлар сизлар айтаётган гуруҳмас, — аниқлик киритди капитан Саидов. — «Босс» билан яна бир-иккита шотирлари бор холос. Қолганлари янги ёлланган йигитлар бўлиши керак. Лекин мени ажаблантираётган нарса, бу эмас, лейтенант Собитов «Босс»ни қанақа қилиб қўлдан чиқариб юборганини сира тушунолмаяман.

— Қўлдан чиқарганмас, «бензин қуядиган шохобча»да навбатда турганида чиқиб кетаётган машинада кўриб колган, — деди Умаров. — У то ўйлаб эс-хушини йиғиб олгунча ғойиб бўлган.

— Хўш, унақада ишни нимадан бошлаймиз? — унга саволмуз қаради капитан Саидов.

— Одатда бунақа пайтларда йирткичларга қопқон қўйилади, — деди Умаров кресло ёндорини чертганча ўтираркан, — кейин, ана марҳамат қилиб ҳиқилдоғидан бўғиб олаверасиз!

— «Босс»ни-я? — деб юборди дераза олдида турган сержант Қорабоев. — Қўйсангизчи, Бурхон ака. Уни ҳар қандай қопқонга чап бериб кетади дейишади-ку?

— Буниси энди қопқон ва хўракка боғлиқ, — деди Умаров жилмайиб ва капитан Саидовга маъноли караб қўйди. — Нима дейсиз, капитан?

— Бошқа йўл йўқ кўринади, — деди капитан Саидов қўлларини ёзиб. — «Рақсга тушириб» кўрамиз!

— Нималар деяпсишлар тушунолмаёпман, — деди сержант Қорабоев таажжубини яширолмаёй. — Қопқон дейсизларми-ей, хўракми, раксми-ей!

— Биз нега бу ерга йиғилиб икки соатдан бери гаплашиб ўтирибмиз? — деди эксперт Умаров. — Шу «ракс»нинг репетициясига тайёргарликда бу!

Сержант Қорабоев яна ҳеч нарсани тушунмай елка кисиб қўйди.

Эксперт Умаров билан капитан Саидов бир-бир-ларига маъноли қараб кулиб юборишди...

Боситхон тўғри айтган экан.

Хаммаси келишилган пайтда бўлди. Операция ҳам-мирдан қил суғургандек бошланди.

«Босс» билан бир неча киши ўтирган машина кўчанинг у бетида қолди. Икки йигит «валюта айир-бошлаш шохобчаси»га кириб кетишди. Уларнинг изидан борган Талъат билан шериги эшик рўпараси-даги йўлкада сигарет чекиб, гўё суҳбатлашаётгандек, пойлоқчилик килиб қолишди. Шундан кейин зарур асбоблари солинган дипломатни кўтарган Санжар ўша тарафга юрди.

У пастаккина зинадан тушиб ичкарига кирганида «томоша» бошланиб бўлган эди. Иккита кассир қиз дағ-дағ қалтираганча қўлларини деворга тираб орқа ўтириб туришар, ўрта ёшлардаги, кўзойнакли рус киши бўлса ёзув столи ёнида қўлларини гарданига чирмаштирганча ғужанак бўлиб ётарди.

Ниқоб-пайпоқ кийиб олган йигитларнинг ишораси билан Санжар ишга киришди. Қурбон бўлса керак, уни ниқоб киймаганидан норози бўлиб сўкиниб қўй-ди. Баҳайбат сейфнинг қулфи хақиқатан ҳам анча мураккаб экан. Санжар анча кийналди. Қайта-қайта уриниб кўрди. Вакт эса ўтиб бормокда эди. Ҳар дақиқа, ҳар сонияда кутилмаган воқеа содир бўли-ши ва бунга эшикка осиб қўйилган «тушлик» деган

картон ёзув ҳам, на ичкаридаги, на ташкаридаги йигитлар ҳам ҳеч нима кила олмасликларини сезиб, билиб турардилар. Курбон бир-икки марта Санжарнинг тепасига келиб, «тезроқ бўл» дегандек, елкасига туртиб ҳам қўйди.

Санжар шу пайтгача не-не кулфларни бузиб-очиб ҳеч қачон бунчалик қийналмаганди. Бармоқлари титраб, пешонасини муздек тер коплади...

Ҳаётда баъзан шундай ажиб ҳолатлар бўладики, хайрон қоласан киши. Йиллар давомида унутилиб кетётган кўплаб воқеа-ҳодисалар туйқус жонланади-ю, бир лаҳзада кўз олдиндан лип-лип этиб ўтаётганга ўхшайди.

Шу топда, Санжар ҳам қўллари ишдаю, ана шунақанги қалтис «юмуш»лар билан боғлиқ айрим лавҳалар ёдига тушиб, ана шундай ҳолатга тушгандек бўлди.

Ўтган йили бўлса керак, ғалати воқеа юз берди. Ўша куни Санжар қанақадир иш билан болалар боғчасига, Зулхуморнинг олдига борганди. Қараса, ичкарида тўс-тўполон, чоп-чоп. Боғча мудираси кабинетининг эшиги очилмай қолган, боз устига мудира шу куни ҳисоботларни олиб халқ таълими бўлимига, мажлисга бориши керак экан.

Коровул чол қўлидаги шода-шода калитларнинг бирини олиб, бирини қўйиб кулфга суккан, тарбиячи аёллардан бири эшик оралиғига пичок суқиб очишга уринган, хўжалик ишлари бўйича муовин, ўпкаси йўқроқ бақалок йигит эса қўлига болта кўтариб олиб, ҳадеб «четга ўтинлар, четга ўтинлар, бузмасак бўлмайди. Хавотир олманг, опа, бугунок бошқа кулф ўрнатиб бераман» деб у ёқдан-бу ёққа юрарди.

Зулхумор эрини кўриб, уни ховли тарафга бошлаганди, Санжар «шошма-чи» дея, эшик тарафга ўтди. Тарбиячилар хайрон бўлиб унга йўл беришди. Санжар эшик кулфига синчиклаб разм солди, кейин коровул чолнинг қўлидаги калитларни кўриб, қайтариб берди.

— Фойдаси йўк, куёв бола, — деди чол бош чайқаб. — Ҳаммасини тиқиб кўрдим, очилмаяпти...

— Кулфининг тили чиқиб кетибди, — деди Санжар худди беморга таъхис қўётган врачга ўхшаб ва Зулхумордан соч қисқичини сўради.

Зулхумор хайрон бўлиб бошидан қисқичини олиб узатди. Буни кўриб хўжалик ишлари бўйича муовин — бакалоқ йигит хахолаб кулиб юборди:

— Бе-е, калит билан очилмаган, сим билан очилармишми?!

— Қани, бир уриниб кўрайлик-чи, — деди Санжар босиқлик ва чаққонлик билан кўлидаги соч қисқичидан сўроқ белгисига ўхшаган шакл ясади-да, кулф тешигига сукди. Бўлмади. Яна «шакл»нинг у ер-бу ерини буклади, тўғрилади. Яна сукди ва ниҳоятда эҳтиёткорлик билан, бир-иккита нозик ҳаракат билан аста буради... Кулф шиқ этиб очилди.

Тўпланиб турган аёллар кийқириб, чапак чалиб юборишди.

— Бор экансиз-ку, почча! — деб юборди шаддотроқ қизлардан бири.

Кулишишди.

— Фокусчи бўлиб кетинг-е! — деди бакалоқ муовин кўзларини хайратдан катта-катта очиб, — Қанақа қилиб очдингиз? Тав-ба? Ақл бовар қилмайди! Шундоқ хунарингиз бор экан, нима қилиб водопровод тузатиб юрибсиз?

Санжарнинг юраги орқасига бир тортиб кетди-ю, ўзини ўнглаб олди ва ҳазил аралаш «Ҳа, баъзан кулф ҳам тузатиб тураман» деб қўя қолди.

Ҳамма оғзи қулоғида хурсанд, тарқала бошлашди. Боғча мудираси суюнганидан ҳатто уни ўпиб олди...

Кейинги яна бир ғалати воқеа кўчада юз берди.

Ўшанда Санжар бозордан ул-бул харид қилиб чиқиб келаётган эди. Қараса, йўл четидаги «Волга» ортида турган киши машина юкхонасини очолмай хуноби ошиб турибди. Оёғи тагида бир неча рўзгор халта.

Санжар кизиксиниб унга яқинлашди ва «Тинчликми?» деб сўради.

— Падар лаънати, шу пайтда кулфланиб колибди, — деди нотаниш киши асабийлашиб.

— Кани, бундокроқ туринг-чи, — деди Санжар уни нарирок суриб ва юкдон копқоғига энгашиб, кулфга қаради. Кейин машина эгасидан пичокми, отвёртками борми, деб сўради.

Нотаниш киши олд эшикни очиб, бир неча нарса кўтариб келди. Санжар учи найза бигизни танлаб олди-да, «хафа бўлмайсиз» дея, унинг учини сал эгиб қийшайтирди. Кейин кулфга сукди. Бураганди, очилмади.

— Кулфни «секрети» бор, — деди нотаниш киши секин, — ўнгига эмас, тескарисига буралади. Атайин шунақа қилиб ўрнаттиргандим. Эҳтиёт шарт. Мана энди, ўзим ўнгига бураб юбориб расво бўлиб ўтирибман.

Санжар бу одамнинг соддалигидан кулгиси қистаб, бигизни яна у ёк-бу ёкка буриб тортганди, шик этиб юкхона копқоғи аста кўтарилди.

— Э, койилман! — дея хитоб қилиб юборди нотаниш киши. — Сехргар эмасмисиз, мабодо?

— Ха, циркда ишлайман, — деди Санжар кулиб.

Нотаниш киши хурсанд бўлганидан чўнтагидан пул олиб узатганди, Санжар бош чайкади.

— Яхшиси, бу пулга невараларингизни циркка олиб тушинг, — дея йўлига кетди.

Нотаниш киши анграйганча колаверди...

Санжар мана hozир, шу лахзаларда «Валюта айирбошлаш шохобчаси»нинг шкафдек бахайбат сейфи кулфини очишга уринаркан, беихтиёр ўша ўтган-кетган воқеаларини эслади-ю, хўрсиниб қўйди. «У ишлар бошқача эди, — деди ўз-ўзига, — савоб бўлганди. Буниси эса қип-кизил ўғрилиқ, талончиликнинг ўзи!...»

Шу пайт стол устидаги телефонлардан бири жи-

ринглади. Хонага сув қуйгандек жимлик чўкди. Телефон яна асабий жиринглади.

Қурбон деворга қараб турган кизлардан бирининг елкасига туртди:

— Сен трубкини ол, — деди шошилиб, — мени айтганларимни қайтарасан!

Тилларанг сочлари елкасига ёйилган, кирра бурунли, кўзлари катта-катта жувон секин орқага ўгирилди. Санжар ҳам ишдан тўхтаб у тарафга қаради.

Аёл стол ёнига келиб, трубкини кулоғига тутаркан, оркасида кичкинагина тўппончасини биқинига тираб турган никобли Қурбонга кўрка-писа қараб қўйди. Қурбон «гапир» дегандек имо қилди.

— Эшитаман? — деди аёл русчалаб, — Ха, «валюта айирбошлаш шохобчаси». ... Сизга «евро»ми, «доллар»ми? ... Бор ...

Қурбон унинг елкасига туртди:

— «Ҳозир абед қилаяпмиз» де! — деди тўнғиллаб.

— Ҳозир абед қилаётувдик, — деди аёл унинг сўзларини такрорлаб.

— «Бугун иложи йўк» де! — яна буюрди Қурбон.

— Ҳозир иложи йўк, — деди аёл у тарафга қараб қўйиб, — билмадим, кечроқ бир қўнғирок килиб кўринг!...

— Бўлди. Трубкини жойига қўй! — деди Қурбон илондек вишиллаб, — нега айтилмаган гапларни сайрайсан? Бор, жойингга тур!

У шундай дея аёлни турткилаб жойига турғазди. Аёл яна қўлларини деворга тираганча жим бўлди. Қурбон бўлса, Санжарга қараб, «Сен имилламасдан тезлат» дея пўписа килиб қўйди-да, ўзи эшик ёнидаги шериги билан нималарнидир шивирлашиб гаплаша бошлади.

Хонага яна жимлик чўкди. Алланечук юракларни сикгувчи, совук ва таранг бир жимлик эди бу...

Санжар яна ишга тутинди. Ниҳоят, унинг сеҳрли деб таърифлашадиган бармоқлари иш берди. Сейфнинг икки каватли, калин ва оғир эшиги ғийқиллаб аста очилди. Санжар ўрнидан турди. Шу тарафга ўқдек отилган Қурбон эса сейф ичига қаради-ю, «Тфу, чўрт!» дея кичкириб юборди.

Ҳамма сейф ичига кўз ташлади. Сейфнинг ичи бўм-бўш, атиги уч-тўрт варақ қоғозлар бетартиб сочилиб ётарди, холос.

— Алдашибди! — аламли ингради Қурбон ва шошилиб эшик тарафга юраркан, қўл телефонида рақамлар териб, ким биландир «шунақа, шунақа ахвол» деган маънода қисқагина гаплашди. Кейин ёзув столи тагида ғужанак бўлиб ётган кўзойнакли кишининг қорнига тепди:

— Бу ердаги валюталар қани?

— Билмадим, — деди кўзойнакли киши товуши қалтираб.

Шу пайт ташқарида қандайдир шовқин-сурон қулоққа чалинди. Эшик олдида турган йигит деразадан ташқарига қаради-ю, «Атас! Кетдик!» дея эшик тарафга юрди. Ҳамма бирдан оёғи куйган товукдек безовталаниб питирлаб, ховлиқиб қолди.

— Сенлар билан ҳали алоҳида-алоҳида гаплашамиз! — деди Қурбон кассир қизларга ўқрайиб ва эшик томонга ўтди. Туйқус эшик тарақлаб очилди ва остонада кўзларига қон қуйилган Талъат пайдо бўлди. У ҳам сейфга, ҳам у ёқ-бу ёққа аланг-жалаңг қараб, ишонч ҳосил қилди шекилли, «Тез бу ердан йўқолинглар» дея ташқарига йўналди. Аммо улгуролмади. Кўча тарафдан дупур-дупур кадам товушлари ва «Тўхта, отаман!» деган бакир-чакир эшитилди.

Хонадаги йигитлар така-пука бўлиб, тараддудланиб қолишди.

— Паника кўтарилмасин! — деди Талъат чўнтагидан тўппончасини чиқариб ва йигитларга қаради, — мен уларни чалғитиб тураман, сизлар чиқиб кетинглар!

Хамма бирин-кетин эшик тарафга отилди. Кас-сир кизлардан бири тугмачани босиб юборди шекилли, «сигнализация»нинг ваҳимали чинқириғи хонани тутди. Ташқарида шовқин-сурон авжига чиқди. Санжар шериклари билан кўчага чиқаркан, транспортлар тўхтаганини, йўлда ҳеч кимнинг йўқлигини, пистирмада кўзга ташланаётган жиноят-кидирув ходимлари ва милиционерларнинг қорасини кўриб, хайратга тушди.

— Қопкон кўйишган экан, — деди Талъат тишларини ғижирлатиб ва буталар панасига ўтиб қочишга йўл излай бошлади. Кейин «ҳар ким ҳар қаёққа қочсин» дея ўзи энгашганча югуриб кетди.

Бунақа манзарани одатда «сичқоннинг ини минг танга» дейишади. Худди шундай бўлди. Пистирмадаги изкуварлару милиционерлар худди шикорга чиққан овчиларни эслатар, Санжар ва шериклари эса қопкон атрофида гангиб югуриб юрган йирткичларга ўхшаб қолгандилар...

Шу пайт узук-юлук отишма товуши қулоққа чалинди-ю, Санжарнинг юраги орқасига тортиб кетди, беихтиёр ўзини буталар орасидаги майсазор тарафга отди. Секин бошини кўтариб қараганида, ғилдирагига ўқ теккан, Боситхон ўтирган «Опел» йўл четидagi ариққа ёнбошлаб ётар, машина атрофини қуролланган милиция ходимлари ўраб олган эдилар.

Талъатнинг ҳам оёғига ўқ теккан шекилли, ғужанак бўлганча сўқиниб йўл ўртасида типирчилаб ётар, Қурбон билан бошқа йигитлар эса аллақачон қўлга олингандилар...

Аслида буларнинг ҳаммаси кўз очиб-юмгудек фурсатда юз берган бўлса-да, Санжарнинг назарида узок, жуда узок муддатга чўзилгандек туюлди ва ҳолсизланганча ўтлоққа чўзилиб қолди. Иккита милиционер йигит унинг қўлларини қайириб ўрнидан турғизаётганларидагина кўзларини очди. Уни ҳам судраб бориб, махсус машинага тикдилар...

Санжар жиноят-кидирув бўлимидан қандайдир сержант йигит етовида чиқиб келаркан, йўлакда шу тарафга яқинлашаётган икки эркак ва аёлни кўриб кўзлари катта-катта очилиб кетди.

Лейтенант формасидаги тилларанг сочлари елкаси узра ёйилган, қирра бурунли, кўзлари катта-катта аёл унга жуда таниш кўринди ва уни бир неча соат бурун «валюта айирбошлаш шохобчаси»да кўрганини эслаб хайрон қолди. «Кассир ҳам ўзларининг одами экан-да» дея фикр кечди кўнглидан.

— Қалай, чарчамадингизми, оғайни? — деди Саидов у билан қўл олиб кўришаркан, — зўр иш қилдингиз... Агар сиз бўлмаганингизда бу жиноятнинг олди олинмаган, босқинчилар қўлга тушмаган бўларди...

Санжар унга жавобан ҳафсаласизлик билан қўл силтади.

— Бўлди, охиригиси, — деди хиркирок товушда, — иккинчи бунақа аҳмоқ ишни қилмайман.

— «Сўнгги операция» денг? — жилмайди эксперт Умаров.

— Билмадим... сизларнинг тилингизда бу нима дейилади? — деди Санжар чуқур тин олиб, — лекин мен бу ишни ташлаб юборгандим... Иккинчи қўл урмайман дегандим... Мажбур бўлдим...

— Йўқ, бу сафар мен сизни мажбур қилдим, Санжар, — деди капитан Саидов унинг елкасидан кучиб, — менга қўнғироқ қилиб «шунақа, шунақа гап» деганингиздаёқ эҳтиёт чораларини кўриб, қопқон қўйиб, сейфни бўшатиб тайёрлатиб қўйгандик...

Санжар ўзига кулимсираб турган тилларанг сочли аёлга қараб қўйганини сезган эксперт Умаров имо қилди:

— Бу қизимизни танидингизми? Кассир. Лейтенант Микеладзе. Жанна. Сиз билан бирга қатнашди...

Санжар «танидим» дегандек бош ирғадию, «айтиб қўймабсизлар-да» дегандек минғирлаб қўйди.

— Йўк, бунини айтиб бўлмасди, Санжар, — кулимсиради капитан Саидов, — унақада табиий чиқмасди. «Валюта шохобчаси»га қўнғирок қилиб Жанна билан гаплашган мен эдим.

— Гапларига эътибор бермадингизми? — деди эксперт Умаров шерикларига қараб қўйиб, — «валюта бор» деди. Бу «ҳамма шу ерда» дегани эди. «Кечроқ хабар олинг» деди. «Ҳозир вазият танг, шошилманглар» дегани эди...

— Бунақа «сир»ларингизни қаёқдан биламан? — илжайди Санжар.

— Ўзимизга ишга ўтсангиз, ҳаммасини билиб олардингиз, — деди капитан Саидов ҳазиллашиб.

— Йўк, раҳмат, — деди Санжар, — ўзимни водопроводу қувурларимдан қўймасин. У ёқда ишларим бошдан ошиб ётибди.

— У ишингизниям турган-битгани савоб! — деди лейтенант Микеладзе ўзбекчалаб.

Санжар хайрон бўлиб қолди.

— Ўзбекчаниям биласизми? — сўради хайратини яширолмайд.

— Нафакат ўзбекчани, ҳатто инглизча-ю, испанчаниям биладилар, — деди эксперт Умаров.

— Менга рухсатми? — капитанга қаради Санжар.

— Рухсат, — деди Саидов унга қўл чўзиб, — керак бўлса, чакиртирамиз!

— Ўшаларнинг туркини қайта кўрмай қўя қолай дегандим, — деди Санжар бош чайқаб.

— Кўзингиз учмаётган бўлса, кўрмайсиз, — деди капитан унинг қўлини сиқиб, — лекин асосий иш битди. Мақсад бу ерда валюта эмас, кўпдан кидирувда юрган «Босс» ва бошқа хавфли жиноятчиларни қўлга олиш эди. Сизга катта раҳмат!

Санжар «э, қўйсангиз-чи» дея, эшик тарафга юрди...

Капитан Саидов, эксперт Умаров ва лейтенант Микеладзе хонага караб йўналарканлар, сержант Қорабоев «Санжарни чиқармай ўтиришмасин, кузатиб қўяй» дея шошилиб йўлакдан югуриб кетди...

— Қалай, «томоша»миз дуруст чикдими? — деди Умаров оромкурсига жойлашиб ўтираркан.

— Сиз режиссёрлик киласизу, ёмон бўладими, Бурхон ака? — жилмайди капитан Саидов, — ўзингиз айтмоқчи, нак «қопкон теварагида ракс» бўлди.

— Менимча, бошкармага топшириладиган ҳисоботда ҳам бу операцияни «Қопкон теварагидаги ракс» деб қўйиш керак, — кулди Умаров.

— Концерт деб қўйиб қолайлик, — деди лейтенант Микеладзе кўзгу олдида юз-кўзларини сийпа-лаб пардоз-андоз киларкан.

— Ха, айнан оёғи куйган товуклар концерти, — кулиб юборди Умаров.

— Хали бу воқеаниям жиянингизга айтиб берарсиз? — унга синовчан қаради Саидов.

— Қайси бирига? — ажабланди Умаров.

— Қайси бўларди? Ёзувчи жиянингиз бор-ку? — кулди капитан, — Эркинмиди исмлари? Эшитса, яна битта детектив ёзади.

— Албатта айтаман, — деди Умаров мактанган-намо охангда, — ёзади. Сарлавҳасини «Қопкон теварагидаги ракс» деб қўй дейман!

— Ўқирканмиз-да? — елкаси оша қаради лейтенант Микеладзе.

— Нафакат, ўқиймиз, Жанна, — деди эксперт Умаров хушнуд охангда, — худо хохласа ўзимиз ҳам ўша асарнинг иштирокчилари бўламиз, — Умаров шундай дея одатдагидек антикиб қўшиб қўйди, — шунака азизларим, шунака!..

Худди ана шу пайтда, шаҳарнинг бошқа бурчагида, сершовкин кўчалардан бирида ҳориб-чарчаган Санжар кетиб борар, ҳозир қаёққа, уйигами, ишхонаси тарафга юришини аниқ билмас, боши гаранг эди.

Хаёлларини йиғиштириб аниқ бир тўхтамга келиб олиш ва шундан кейин уйига бориш учун у йўл четида бир зум тўхтаб қолди. Кейин лабига сигарет қистирди, ёқди, ҳузур қилиб чекди-да, кўчанинг у бетидаги ойнаванд деворига «Пиво» деб ёзиб қўйилган қаҳвахона тарафга бурилди...

БЕКИНМАЧОҚ

Комилжонни ижарада турган уйидан хайдаб чиқаришди.

У қачонлардир худди шунақа бўлишини, уй эгалари ўзини итдек кўчага қувиб чиқаришларини сезар, ички бир туйғу билан хис қилиб юрарди.

Ўша «қора кун» келди. Қишнинг қирчиллама кунларида шунақа бўлмаганига ҳам шукур қилди. Акс ҳолда сершовкин шаҳарнинг мухташам майдонларию, хилват хиёбонларидан бирида қачонлардир тўполонда аралашиб талабалар ётоқхонасидан қувиб чиқарилган, ўқишдан хайдалиб кетмаганига шукур қилиб, ижарага чиқишга мажбур бўлиб, Эски шаҳардаги эски ҳовлиларнинг бирида бошпана топган ва ҳали-ҳамон уй эгаси — татар кампиру, уч-тўртта фандан ҳамда бир неча курсдошларидан қарзга ботиб, очин-тўкин юрган бечораваш талабага ўрнатилган «хайкал» янглиғ тош қотиб, музлаб ўтирармиди?!

Қайси бир машҳур ашулада айтилгани рост: «Бошингга не бало ёғса, бировданмас, ўзингдан кўр!»

Тўппа-тўғри айтилган. Ҳаммасига Комилнинг ўзи сабабчи.

Бир неча кун аввал кишлоқдан акаси келиб кетган, ит ётиш-мирза туриш даври тугаб, шамол у ёғидан кириб, бу ёғидан чиқиб юрган чўнтаклари пулга тўлган, оғзи қулоғида, бойвачча бўлиб юрган кунлари мана энди худди ширин тушга ўхшаб қолди.

Ўша куни ўзи аҳмоқлик қилди. Ёнидаги, акаси қолдирган пулларни билиб, расамади билан сарфлаганида, қарзларидан қутулиб олганида бунақа аҳволга тушиб ўтирмаган бўларди. Мана энди, холига маймунлар ҳам йиғлагудек бўлиб турибди. Қаёққа

боради? Кимга ялинади? Қай бир эшикка бош уради?

«Бошингга не бало ёғса, бировданмас, ўзингдан кўр!»... Тўғри гап. Шу ашулани ким айтганди-я, ўзи? Шералими? Йўқ. Фуломжон Ёқубовми? Бе-е!.. Равшан Комилов?.. Йўқ. Камолиддин Раҳимов. Буниси бўлиши мумкин...»

Шу топда Комилнинг ўзини устидан кулгиси келди. Ўзи нима ғамдаю, қандайдир ашулани ким айтганини ўйлаб ўтиргани ўзига наشاء қилди.

Олифталикини ким қўйибди унга? Нега беш-олти-та курсдошларини Хадрага олиб бориб гумма билан меҳмон қилди? Еган бўлишса майли, ош бўлсин. Лекин, арокка бало бормиди? Яна битта эмас, учта ичишибди. Кейин ҳаммасига минг сўмдан улашибди. Кейин бу ҳам етмагандай, машина кира қилиб, ҳаммаларини ётоққа кузатиб қўйибдими-ей! Бекатда қикирлашиб турган бегона кизларга живачка, писта олиб бердими-ей! Қандайдир нотаниш йигитлар билан пивоҳўрлик қилибдими-ей! Қачон, қай маҳалда, қай аҳволда ижарада турадиган уйга етиб келганини билмайди. Вақт алламаҳал бўлиб қолган эди. Эшикни тақиллатиб кампирни безовта қилишни истамади. «Маданият»ни қара!

Кейин... кўча тарафдаги омонат, ўзи зўрға турган девордан сакраб ошиб тушмоқчи бўлдим... у ёғини эслаёлмайди. Қисқаси, чалдеворга орқа тарафдан тираб қўйилган тирговуч чиқиб кетганими, синиб кетганими, хайтовур Тошболта ошиқ айтганидек «тарақатуруқ, қасира-қусур, гумбур-қарс!»...

Бирпасда тўс-тўполон бошланди. Кампир додлаган. Қўни-қўшнилари шовкин-сурон кўтарган. Кимнингдир хомиладор хотини гумбаздек қорнини ғижимлаб ўзидан кетган. Ён қўшинининг уч яшар боласи шайтонлаб қолган...

Мулла Комил бойвачча бўлса, ғирт маст, худди катта хоалариникидек тупроққа беланиб, чўзилиб ётибдилар... Кимдир тепди, кимдир сўқди.

Яна аллақайси «меҳрибон» кўшни уни судраб ховли этагидаги шалоғи чиққан раскладушкасига ётқизиб кўйди.

Комил тонг қоронғисида аранг кўзини очди. Нима бўлганини эслаёлмайди. Кўча тарафга қарагандагина, юпка кесак девор ағдарилиб, бир машина гувала-ю, тупрок бўлиб ётганини кўргандан кейингина ёдига тушди ва секин кўч-кўронларини йиғиштиришга кириша бошлади.

Чунки, биларди, Алфия хола билан олишиб ўтиришнинг фойдаси йўқ. Уч марта эрга тегиб, учала эрини ўлдирган хотинга чумчукдек Комил нима деган нарса? Боз устига икки ойлик қарзи бор. Участка милиционерини чакириб топшириб юборишдан ҳам тоймайди.

Худди кутганидек бўлди. Уй эгаси, юз-кўзидан чак-чак заҳар томиб турадиган, саксовулга ўхшаган кампир унга индамади-ю, чиқиб кетаётганида тўхтатди:

— Минга қара, малай! Агар квартплатани оплатит итмасанг, диворни востановит итмасанг, посадит итам!... Паспортний даннийларинг бор минда!...

Тамом. Бу ёғига изохнинг ҳожати йўқ.

Комил ётганда устига «кўрпа», турганда «зарбоф тўн» вазифасини ўтайдиган эски чопонини юмалоқлаб, китоб-дафтарлари солинган чемодани-ю, кийимлари тиқилган сумкасини кўтариб кўчага чиқди.

Бу ёғи, Отабек Юсуфбек хожи ўғли айтмоқчи, «хайдалиш куйини чалингиз, ака!..»

Қисқаси, ҳаммаси расвои-раддибало бўлди. Ҳаммасига ўзи айбдор. Ҳаммасига ароғу, кайфи тарақлиги сабаб!..

Комил йўлга чиқдию, аввалига қаёққа боришини билмай, анчагача кўчаларда садираклаб юрди. Кейин гузардаги чойхонага кириб, бир чойнак кўк чой билан тандирдан энди узилаётган «заказ» сомсадан учтасини олиб, сўрига ёнбошлаб нонушта қилди.

«Камбағалнинг бир тўйгани, бой бўлганида!» Бир оз ўзига келиб олгач, чўнтагида қолган-қутган пуллари чикариб санади-ю, ранги ўчиб кетди. Ёнида нари борса, икки кути сигарету, бир марта автобусга чиқиб-тушишга етгудек пули қолибди холос.

Йиғлаб юборгудек бўлди. Шундан кейин борини ҳисоблаб чиқиб, йўлкирага ва сигаретга ажратди. Сигарет тутунига кўмилиб узоқ ўтирди.

Бир кўнгли «Э, ўкиш-пўкишлариниям» деб қишлоққа бош олиб кетгиси ҳам келди-ю, айниди.

Нима деб боради? «Шаҳарда икки йилдан бери юриб ҳолинг шу бўлди-ю? — деб қулишмайдими!» — деб ўйлади. Ўзининг икки қўлини бурнига тикиб, адир ортидаги ёлғизоёқ йўлда шўлтиллаб қишлоққа кириб бораётганини қўз олдига келтириб, башарасини бужмайтирди. «Йўқ, отам, акам ё уриб ўлдиришади, ё майиб-мажрух қилиб қўйишади» деган хаёлларга борди.

Нихоят, бир қарорга келди-ю, автобусга чиқди. Себзорда, бола-чақалари билан ижарада турадиган ҳамқишлоғи Болтавой аканикига борди. Қулоғи яхши эшитмайди-ю, ўзи яхши одам. Нима десангиз, «яхши, яхши» деб тиржайиб тураверади. Асли, яхши рассом. Лекин, ҳозир қишлоқда иши юришмагач, шу ерга кўчиб келиб одамларнинг иморатларига нақш чизиб юрибди. Баъзан, газет-журналларда чизган кулгили суратлари ҳам чиқиб туради.

Болтавой ака унинг қўлидаги юкларини кўрди-ю, тушунди. «Киравер» деди. Комил қаёққа киради. «Даҳо рассом»нинг ўзи бир хонада хотини, тўртта боласи билан тикилиб ўтирган бўлса!

Комил «Йўқ, раҳмат, юкларим шу ерда тура турсин» дегандек қўлини кўксига қўйиб, имо-ишора қилди.

Болтавой ака «Қаёққа борасан?» деганди, Комил «Мени «Интерконтинентал» меҳмонхонасига ўтказишяпти. Энди ўша ерда, ўн тўртинчими ўн бешинчи қаватда тураман. Бориб турасизлар» деб жавоб берди.

Болтавой ака эса хеч балони эшитмасам «Яхши, яхши» дея маъқуллаб қўйди.

Комил ичкарида бири йиғлаб, бошқаси эмаклаб, яна бошқаси тувакда ўтирган кора-кура болаларни кўриб, уларнинг шовкин-суронини эшитиб кулгиси қистади. «Тагин ҳам, янга бечора жинни бўлиб қолмайди, — ўйлади у, — Болтавой акага бўлса барибир. Кулоғининг тагида бомба портласа ҳам эшитмайди. Маз-за! Расмларини чизиб, «яхши, яхши» деб юраверади...»

Хуллас, Комил юкларини Болтавой аканинг «камера хранения»сига қўйиб, ўзи кўчага чикди. Қаёққа боришини билмай, бирпас гангиб турди. Кейин яна оркасига кайтди. Сумкасидан оқ шими, йўл-йўл қўйлагини олиб дазмол солди. Соқолини қиртишлади. Ювинди. Кейин кора кўзойнагини бурнига қўндириб яна кўчага отланди...

Чўнтагига қўлини суқиб, қолган бир неча донатаңгани шиқиллатиб қўйди.

«Бу пул билан қаёққа бориб бўларди? Ўқишгачми? — ўйлади у, — ўқиш ҳам тугаган ҳисоб. Эртаиндин сессия бошланади...»

Бу пулга бўлса, фақат бир марта автобусга чиқиш мумкин ҳолос. Бир марта, бир тарафга. Орқага қайтишга эса йўқ!...

У шу хаёллар билан автобус бекатига бориб ўтирди. Чекди. Бир неча автобусни ўтказиб юборди. Бекатга яна бошқа йўловчилар йиғила бошлади. Яна бошқа автобус келди. Комил у тарафга юраркан, ўзидан олдин чиқаётган иккита талаба қизлардан сўради:

— Қизлар, бу автобус «Борса-келмас»га борадими?..

Қизлар бир-бирларига ғалати қараб қўйишди-ю, биттаси хайрон бўлиб деди:

— Қа... ёқ-қа?

— «Борса-келмас» бекатига, — деди Комил пинагини бузмай, — борасизу, орқага қайтолмайсиз.

— Унақа жойни билмаймиз, — нозик елкасини учириб қўйди иккинчи қиз.

— Ана холос! — илжайди Комил уларга бошдан-оёқ кўз югуртириб, — унақада жуғрофиядан ишларинг чатоқ экан!..

Биринчи қиз дугонасининг кулоғига нимадир деб шивирлади-ю, кулиб юборишди. «Бу айтаётган жой хойнахой жиннихона тарафда бўлса керак» деди шекилли.

«Жиннихона бўлса, жиннихона-да! Нима фарқи бор? Қаергадир боришим керак-ку, ахир?» — деди ўз-ўзига Комил ва автобус зинасига қадам қўйди.

Эшиклар ёпилди. Автобус вағиллаганча йўлга тушди...

Топширик қиска ва лўнда, айни чоғда алланечук сирли ва чигалроқ таассурот уйғотарди кишида.

Унда келтирилишича, жанубий туманларнинг биридан катор йиллардан бери гиёҳванд ўсимликлардан тайёрланган наркотик моддалар бошқа мамлакатларга етказиб бериб турилгани аниқланган. Наркотик моддаларнинг олди-сотдиси билан шуғулланган аксарият шубҳали шахслар қўлга олинган.

Лекин, уларга ўша оғуларни етказиб бериб юрган ва бунинг эвазига мўмайгина пул олиб турган жиний гуруҳ ҳозирча номаълум.

Душанба куни ана шулар билан учрашгани ва иш юзасидан гаплашиб олгани Самара шахридан чопар йўлланган. Дипломати тўла валюта ва пуллардан иборат бу шахснинг лақаби «Туллак». Изқуварлар уни қаерга бориши, кимларга пул топширишини аниқлаш мақсадида арқонни узун ташлаб қўйдилар. Яъни, уни кузатиб самолётда бирга учиб келдилар. «Туллак»ни хар қадамда қўлга олиш мумкин эди. Мақсад, уни эмас, балки ўша «наркобизнес» билан шуғулланувчилар гуруҳини жиноят устида тутиш бўлгани учун,

«Туллак» эркин кўйиб кўйилган ва фақат махсус кишилар томонидан кузатиб турилган.

«Туллак» эрта ўтиб, индинга эрталабки соат 11⁰⁰ да кўнадиган самолётда етиб боради. У ва бошқа жиноятчиларни кўлга олишда ёрдам кўрсатишингизни сўраймиз. Бу жиноятнинг илдизи чуқур кўринадди. Шунинг учун ниҳоятда эҳтиёткорлик ва хушёрлик талаб этилади...»

Ушбу билдиргининг юқорисига бошқарма бошлигининг жимжимадор имзоси билан «Жиноят-кидирув гуруҳининг раҳбари, капитан Саидов С. га» деган сўзлар ёзиб кўйилган эди.

Капитан Саидов бу ёзувларни бир неча марта ўқиб чиқди. Демак, Сибирь тарафларда сотилган наркотик моддаларнинг бир илдизи бу ерларга ва дарё ортига, ундан нарига бориб такаляпти. Демак, пулни олиб, дипломатга солиб бу ерга келадиган «Туллак» лақабли жиноятчи кузатув остида. Лекин у сумкани кимга топшираркин? Ўша пайтда кўлга олиш керакмикан? Шошилмаслик керак кўринадди. Қани кўрайликчи, улар қаергача етиб боришаркин? Демак, мақсад майда-чуйда балиқчаларни эмас, балки бир йўла акулаларни ё китнинг ўзини кўлга олиш!..»

Капитан Саидов тезкор гуруҳни чақиртириб, уларга топшириқнинг мазмуни, моҳияти ва қилинадиган ишлар ҳақида қисқача маълумот берди-да, ўзи хонада ёлғиз қолди. Энди қаергадир кўнғироқ қилмоқчи бўлиб, гўшакни қўлига олганди ҳамки, эшик тақиллаб очилиб, кичик лейтенант Жанна Микеладзе кўринди.

— Мумкинми, ўртоқ капитан? — деди у роз туриб, — Самарадан лейтенант Войнаровский шериклари билан етиб келибди. Кираверишсинми?

— Марҳамат, киришсин, киришсин! — деди капитан Саидов қаддини ростлаб.

Остонада икки-уч йигитнинг қораси кўринди. Саидов уларга пешвоз юрди...

«Хаёл бошқа, ҳаёт бошқа» деганлари рост экан.

Комил аслида бу институтга ўқишга кириш нияти йўқ эди. Акаси қўймади. «Ўша ерда танишим бор, қўллаб юборади», — деди. Комил «Йўқ, мен физ-культура институтига кираман» деб туриб олди. Бунини эшитиб отасиям сўқди:

«Пизкультурага ўқишга бало борми? Ана, кетмон чоп, ўт ўр, ягана қил! Ана сенга пизкультура!» деб бакириб берди.

Қисқаси, ака-ука етаклашиб шаҳарга келишди. Комил ўлганининг кунидан маданий-оқартув факултетининг режиссёрлик бўлимига ҳужжат топширди. Нима эмиш? Туманда, кишлоқда ўтадиган байрамлар, сайл-ларни тайёрлайдиган режиссёр бўлармиш! Байрам қиладиган одамлар режиссёрга қараб ўтирарканми? Ким қанақа хоҳласа, шунақа ўтказаверади-да! Комил бўйнига овозни кучайтирадиган карнай осиб олиб, «Ҳамма чап тарафдан юрси-ин! Бир, икки! Му-зи-ка! Байроқларни баландроқ кўтаринг! Хамманинг башарасида шодлик барқ уриб турсин!» деб ўргатиб турса, одамлар кип-кизил жинни демайдими?!

Хуллас, Комил бўйнига арқон ташлагандек имтихонга кирди. «Ишқилиб, биринчи имтихонданок йиқилай» деб ният қилганди. Бўлмади. Акасининг таниши «бақув-ватроқ» экан шекилли, ҳеч нарса сўраб ўтирмай, «тўрт» қўйиб берди-ю, ишни расво қилди. Кейинги имтихонда «Қайси ашулачиларни яхши кўрасиз?» деб сўрашганди, «Шерали»ни деди. Имтихон олаётган хотинчалиш йигит қошларини бир чимириб қўйди-ю, «Юлдуз Усмо-нованинг қайси ашулаларини биласиз?» деганди, Комил қалаштириб тапшади. Ҳатто биттасининг номини то-полмай, мусиқасини ҳиргойи қилиб берганди, «слуҳинг яхши экан» деб шартта беш қўйиб берди.

Шу-шу Комил талаба бўлди-қолди. Икки йилдан бери шу аҳвол. Истар-истамас, институтга боради. Истар-истамас ижарада турадиган уйига қайтади.

Йўк, у спортчи бўлиб жаҳон чемпиони бўлмоқчи эмасди. Шунчаки, дзюдо, каратэ, айкидо, кунфу, бокс... якка курашнинг ҳамма турларини ўрганиш, ўзлаштириш ниятида эди. Хаммаси пуч бўлиб чиқди.

Бу орада ҳеч кимга сездирмай, шаҳар стадионидаги каратэ тўғарагига катнаб юрадиган бўлди. Аммо шу «каратэчилиги» бир куни ўзининг бошига бало бўлди.

Ўшанда талабалар ётоқхонасида турарди.

Бир куни уч-тўртта курсдош йигит-қизлар билан ётоқхона яқинидаги танца майдонида музкаймоқ еб ўтиришганди. Шовкин-сурон, мусика кулокни коматга келтиргудек. Ўртада ўнтача йигит-қизлар оёғи куйган товукдек сакрашади. Қиёмат-қойим! Кулги-кахқаха...

Шу пайт сочи елкасига тушган, тақамўйловли бир йигит улар ўтирган столга келиб, қизлардан бирини — Зиёдани танцага таклиф қилди.

Зиёда дув кизариб бош чайқади.

— Мен... танцани билмайман, — деди уялинқираб.

— Ўзим ўргатиб қўяман, оппок киз, — хиралик қилди тақамўйлов.

— Йўк, раҳмат, керакмас, — шивирлади Зиёда.

Тақамўйлов бўлса, тап тортмай қизнинг билагидан тортиб турғазди.

— Мен гапимни икки қилганларни ёқтирмайман, — дея Зиёдани ўртага судрай бошлади...

Хамма ханг-манг бўлиб қолди.

Раҳимжон деган курсдош йигит «Э, қандай одамсиз ўзи? Йўк деб турибдику?» деганди, тақамўйлов «Сен маражнийингни ялаб ўтиравер, кишлоки» деб ҳақорат қилди. Боқивой деган бақалок курсдошлари нимадир деб гўлдираб ўрнидан тураётганди, тақамўйлов уни елкасига бир уриб жойига ўтказиб қўйди.

Шу ерга келганда, Комил чидаб туролмади. Шартта ўрнидан туриб, йигитга яқинлашди.

— Қўлини қўйиб юборинг, — деди товуши титраб.

— Э, сен нарига ўт, найнов! — деди тақамўйлов хўмрайиб, — нима, бу сени хотинингми?

— Ха, уйланмоқчиман. Нима эди? — бўш келмади Комил.

— Аввал уйлан, кейин ёнини оласан, — деди тақамўйлов ўкрайиб.

Зиёда бўлса, билагини омбурдек қисиб олган тақамўйловнинг қўлини силталаб чикмоқчи бўлди, кучи етмади ва йиғлаб юборди.

— Яхшиликча қўйиб юборинг! — овозини баландлатди Комил.

Тақамўйлов қўзларини истехзоли сузиб, Комилга бошдан-оёқ қараб қўйди.

— Хўп, ёмонликча қўйиб юбормасам нима бўлади? — деди у тиржайиб.

— Ёмон бўлади, — деди Комил муштарини тугиб.

— О, мать родная! — кийкириб кулиб юборди тақамўйлов, — жуда қўрқитиб юбордингку, тараша!

Уни ўзининг новчалиги, озғинлиги устидан сурбетларча кулаётгани алам қилиб кетди ва шартта тақамўйловнинг ёкасидан олди.

— Энди ўзингдан қўр, мараз!

— Қут-қаринг-ла-ар! — уни масхара қилаётгандек кичкириб қўйди тақамўйлов ва Зиёдани қўйиб юбориб, Комилнинг башарасига мушт туширди.

Комил икки метрча нарига учиб тушди. Тўстўполон, кий-чув бошланди. Тақамўйловнинг ўзига ўхшаган, олифта, ширакайф шериклари бор экан. Ҳаммаси ёпирилиб келди.

Комил ёрилган лабидан сизаётган конни кафтининг оркаси билан артиб ўрнидан турди. Зиёда жонхолатда унга ёпишди.

— Юринг, кетайлик, Комил ака?

Комил уни секин нари суриб, тақамўйлов тарафга юрди. Тақамўйлов яна унга ташланмоқчи эди, Комил «каратэ тўгараги»да ўрганган усуллари

бирини ишга солди. Такамўйлов буни кутмаган экан шекилли, бир коп гўштдек ерга ағдарилди.

Энди унинг шериклари хужумга ўтишди. Раҳимжон Комилга ёрдам бермоқчи эди, бўлмади. Кимнингдир мушти зарбидан панжаранинг оркасига учиб тушди. Яна қандайдир таниш талабалар аралашинди.

Қисқаси, ростмана жанг бошланди. Тасир-тусир, тапир-тупир, нима бўлаётганини ҳеч ким тушунолмай қолди. Қизлар қичкириб юборишди. Столлар ағдарилди. Стуллар учди. Қахвахонанинг ойнаси қарсиллаб синди. Тўс-тўполон авжига минди.

Комилнинг бир ўзи бояги олифталарнинг тўрттасини чўзилтириб қўйди. Айниқса, такамўйлов тоза додини еди. Комил уни коптокдек думалатиб роса хумордан чиқди. Бошига ахлат челақни кийдириб қўйиб, кетига тепди. Яна жиблажибонга ўхшаган йигитчалар ёпишишганди, уларниям икки тарафга учуриб юборди...

Кейин ҳаммалари ётоқхона тарафга қочишди. Аммо орқаларидан етиб борган такамўйловнинг ширакайф шериклари ётоқхона деразаларини тошбўрон қилишди.

Хулласи калом, иш милиция аралашуви билан тугади.

Ҳаммаларини ички ишлар бўлимига олиб кетишди. Комил икки кун ўша ерда қолди. Курсдошларининг арзу-шикоятлари ҳам иш бермади. Комилни безориликда айблашди. Кейин ҳаммаси ойдинлашиб, унинг ҳақ эканлиги исботланди-ю, комендант билан ораларидан кора мушук ўтиб, тинчлик бермай қўйди ва охир-оқибат уни ётоқхонадан чиқартириб юборишга эришди. Комилга қолганда-ку, бир йўла ўқишдан хайдаб юбориша қолгани маъқул эди. Яна акасининг «таниши» жонига оро кирди. Анча гап-сўзлардан кейин Комил ижарага чиқиб кетишга мажбур бўлди.

Энг кизиги, ўша-ўша Зиёда билан якин бўлиб кетишди. Бирга дарс тайёрлайдиган, хиёбонларда сайр қиладиган, театр, киноларга тушиб турадиган бўлишди.

Комил илгари бу нозиккина, ёқимтой қизга унчалик эътибор бермаган экан, кейин ёктириб қолди. Ҳатто уни бир кун кўрмаса, соғинадиган, ҳаловати бузилиб, ўзини кўярга жой тополмайдиган аҳволга тушди.

Зиёда ҳам уни еру кўкка ишонмас, уни «полвон», «пахлавон», «ботир» деб эркалар, у билан фахрланар, бошқа кизларнинг ўзига ҳавас қилишларини яшириб ўтирмасди.

Комил эса ўша-ўша институтда машҳур бўлиб кетди. Катта курслардаги айрим зўравон талабалар ҳам у билан кўшқўллаб кўришадиган бўлишди. Ўша куни қахвахонада безорилар билан Брюс Ли мисоли олишаётганини кўрганлар-ку, ҳамон хайратда юрардилар.

Шундай қилиб, ҳаммаси изига тушиб кетди. Лекин барибир, Комилни бир нарса қийнар, энди икки ўт орасига тушиб қолганди. Биринчидан, ўқишга унча қўнгли йўқ эди. Иккинчидан, энди унинг зериқарли, рангсиз-қутсиз талабалик ҳаётида Зиёда деган соҳибжамол киз пайдо бўлган, Комил энди азбаройи шу киз учунгина институтга бориб туришга маҳкум этилгандек ҳис қиларди ўзини.

Комил сершовқин кўча четидаги торгина йўлкада бораркан, шу тобда Зиёдани эслаб, ғалати бўлиб кетди.

Зиёда ижарадан қувилганимни эшитса нима дейди? «Баттар бўлинг!» дермикан? Ё, «қачон сизга ақл қиради-а, Комил ака?» деб ўпкалармикан?

Харҳолда яхши иш бўлмади, энди қаёққа боради? Курсдошларининг олдида, Зиёданинг олдида нима деган одам бўлади?..

Комил шу хаёллар билан қандайдир хиёбон рўпа-

расидаги майдонча тарафга юрди. Чоғроккина майдон куюк дарахтзорга кўмилган, майдонча марказидаги кўза кўтарган қиз ҳайкали ховуз ўртасига ўрнатилган, унинг кўзасидан жилдираб сув оқиб турар, унинг теварагини ҳам кичкина-кичкина фавворачалар эгаллаган жуда баҳаво жой эди.

Комил шу ерга келиб, фаввора атрофидаги ўриндиклардан бирига бориб ўтирди.

Теварак-атроф жимжит. Кўчанинг у бетидаги хиёбон дарвозаси ёнида қурт-писта, сигарет сотадиган иккита хотин эзмаланиб ўтиришар, одамлар сийрак эди. Фаввора атрофидаги ўриндикларнинг бирида эса дарсдан қочиб чиққан талабалар бўлса керак, бир йигит билан қиз худди мушук болаларидек бир-бирларига суйкалашиб, ялашиб-юлкашиб ўтиришарди.

Комил яна Зиёдани эслаб уф тортди ва чўнтагидан сигарет олиб чекди. Яна хаёлларга берилди.

«Ҳозир нима қилаётганиман? — ўйлади у, — ўлиб-кутулиб имтиҳонларга тайёрланаётгандир? Ҳойнаҳой, кутубхонада бўлса керак? Борсаммикан?..»

Комил кутубхонанинг шаҳарни нариги чеккасида эканлигини эслаб хафсаласи пир бўлди. Чўнтагидаги тангалар билан у ёққа етиб бориши гумон. Кейин у нима деб ўйлайди? «Юринг, музқаймоқ еймиз, ё, юринг, кинога тушамиз», деб қолса, нима бўлади? Ўзимнинг томошам чиқиб турибдику, ҳозир?..»

— Кечирасиз, ёнингиз бўшми?

Комил рус тилида айтилган сўздан хаёли бўлиниб, қаради.

Рўпарасида, қўлида катта дипломат сумка кўтарган, жиккаккинадан келган, қўнғиз мўйловли, олифта бир одам кулимсираб турарди. Ҳаво иссиқ бўлишига қарамай, эгнида костюм-шим, галстук, бошида ковбойлар киядиган гардиши кенг «сомбреро» — шляпа.

Комил бу нотаниш кишининг шунча бўш ўриндиклар бўла туриб, унинг ёнига келиб ўтирмоқчи

эканлигидан энсаси қотиб ва ширин хаёлларини бузганидан ғашланиб бош ирғади:

— Бемалол! Ўтираверинг! — деди сал ўрнида кимишлаб қўйиб.

Нотаниш йўловчи миннатдорчилик билдириб, ёнига чўкди. Рўмолчаси билан юз-қўзларини артди. Комилга синовчан қараб-қараб қўйиб сигарет тутатди.

Икковлари жимгина сигарет тутунига кўмилганча ўтиравердилар.

Хаво очик бўлишига қарамай, кўк юзида сигарет тутуни мисол олачалпак булутлар сузиб юрар, фаввора тарафдан муздек шабада эсиб қолар, дарахтзор қушларнинг чуғур-чуғурига тўлиб кетганди. Нотаниш одам яна Комилга кўз қирини ташлаб қўйди.

— Осмонда булут бор, ёмғир ёғмасмикан? — деди аста.

Комил унга қараб илжайди:

— Қозоғистон радиосида об-хаво маълумотини «ямғир жағса жоғар, жағмаса жоғмас» дейишаркан.

Нотаниш одам пиқирлаб қулиб юборди:

— Тўппа-тўғри, — деди мамнун киёфада бош силкиб, — «ёғса ёғади, ёғмаса йўқ». Буни ҳеч ким билмайди...

Комил шу билан бу беъмани суҳбат тугади, деб ўйлаганди, йўқ, нотаниш киши ёнидаги дипломат сумкасини эҳтиёткорлик билан унга яқин суриб, атрофга аланглаб қўйди-да, сирли оҳангда шивирлади:

— Хайрият, сизни топдим. Бегона шаҳар қоронғи уйдек гап, — деди у тез-тез, — шанба куни кечқурун «Меридиан» ресторанида сизни кутишади. Мана бу омонатни ўша куни олиб борасиз!..

У шундай дея сомбреро-шляпасининг гардишидан ушлаб бош ирғаб қўйди-да, қандок пайдо бўлган бўлса, шундоқ қойиб бўлди.

Комил бақрайганча қолди. «Ким бу одам? Жин-

ни-пинни эмасми? Канака «Меридиан» ресторани? Мени ким деб ўйлади?...»

Комил ўрнидан туриб, у ёк-бу ёкка аланглади. Хеч ким кўринмас, нотаниш одам худди осмонга учган, ерга киргандек кўздан йўқолган эди.

Комил хайрон бўлиб дипломатга қаради. Кўтариб кўрди. Оғиргина экан.

«Қизиқ! Ичида нима бор экан?» — ўйлади Комил унинг кулфини очаркан.

У сумкасининг копқоғини очди, юзига ёйиб қўйилган газетани кўтариб қаради-ю, титроқ қўллари билан шоша-пиша ёпди. Кўз олди коронфилашиб, этлари жимирлашиб кетди.

Дипломат сумканинг ичи даста-даста долларлару, рублларга тўла эди...

Нотаниш йўловчи бу пайтда меҳмонхона фойесидан кимгадир кўнғирок килаётган эди.

— Бўлди, топширик бажарилди, — деди у шоша-пиша, — сумкани топширдим. Ха, ўша йигит... Оқшим... Йўл-йўл қўйлақда... Кўзида коракўзойнак... Яхши, мен тунги рейсда учиб кетаман. Бай-бай!..

У трубкани жойига илиб, кабинадан чикди-да, лифт тарафга юрди. Унинг кайфияти чоғ, шу тобда формасиз ички ишлар бошкармаси ходимлари ўзини бир чеккада кузатиб турганларидан беҳабар эди...

— «Туллак» меҳмонхонада қўлга олинди, — деди лейтенант Собитов эшикдан кириб коларкан.

— Шериги-чи? — унга юзланди Саидов.

— Уни ҳам учрашув белгиланган жойда ушлашди.

— Аник ўшами? — сўради эксперт Умаров кўзойнаги тепасидан қараб.

— Ўша! — деди лейтенант Собитов, — оқшим, йўл-йўл қўйлакли, коракўзойнак таққан йигит!..

— Сумка-чи? Дипломат сумка? — сўради капитан Саидов.

— Йўқ, — елка кисиб қўйди лейтенант Собитов, — қўлида ҳеч нима йўқ эди.

— Қанақасига? — сапчиб ўрнидан турди капитан, — ахир «Туллак» сумкани унга топшириши керак эди-ку?

— Ҳеч нима бермади, — аралашди сержант Қорабоев, — орқасидан кузатиб бордик. Таксидан тушиб хиебон ёнидаги ўриндикка ўтирганида ушладик!

— Кимни? — ўрнидан қўзғалди Умаров.

— Ўша, новча йигитни, — деди лейтенант Собитов тушунмай.

— Расво қилибсизлар! — столни муштлади капитан Саидов ва бўшапганча яна стол ёнига ўтирди...

— Ўша келишилган жойга, — деди лейтенант — Собитов хайрон бўлиб, — Самаралик ҳамкасблар ҳам бирга эдилар. Ўша хиебон. Ўша кўча. «Кўза кўтарган қиз» фавворасининг рўпарасидаги, йўл ёкасидаги ўриндик...

— Бунақа бўлиши мумкин эмас, — бош чайқади эксперт Умаров, — бу ерда қандайдир англашилмовчилик юз берган кўринади!

Хамма бир-бирига караганча қолди...

Комил қўлида дипломат сумка, довдираб-совдираб қолди. Кейин ўзини қўлга олиб, такси тўхтатди.

Машинада Болтавой аканикига кетяпти-ю, хаёли паришон.

«Бу сумкани нима қиламан энди? Ўша одам ким ўзи? Нега мени ёнимга келиб ўтирди? Нега ҳа йўқ, бе йўқ, бир дунё пулни қолдириб кетди? Тўхта, тўхта! У нима деди ўзи? «Осмонда булут бор, ёмғир ёғмасмикан?» — деди. Мен унга ҳазиллашиб, «ёғса ёғар, ёғмаса ёғмас» дедим холос...

Шошма-чи? Бу ... парол бўлмасин, тагин? Эй, худо! Нима килиб кўйдим, ўзи? Энди буёғи нима бўлади?»

Комилнинг боши котиб қолди. Таксига хакини тўлаб, Болтавой аканикига қараб боряпти ҳамки шуни ўйлайди:

«Нима қилсам экан? Милицияга олиб борайми? Йўқ, кейин мени бошимни котиришмасмикан? Қачон? Қаерда? Ким? Нега?» Энди шу етмай турганди менга!..»

Комил шу пайт хаёлига келган фикрдан ўзи ҳам кўркиб кетди.

— «Тўхта-чи! — деди ўз-ўзига, — бир тийинга зор бўлиб юргандим... Озгинасини ишлатсам нима бўпти? Худо етказди-ку, ахир? Ким билиб ўтирибди? Ахир ҳеч ким ўша одам билан учрашганимни, ундан бир сумка пул олганимни кўрмади-ку?!..»

Комил валюта алмаштириши шохобчасидан битта юз долларликни сўмга айлантириб кўчанинг нариги бетидаги дўконга кирди. Битта катта торт олди. Беш-олтита шоколадли музқаймоқ. Учта «кола», «фанта». Патир. Хаммасини елимҳалтага жойлаб Болтавой аканикига йўналди.

Болтавой ака шўрлик уни кўриб ханг-манг бўлиб қолди. Болалари бирпасда чуғур-чуғур килиб музқаймоқларни талон-тарож қила кетишди.

Яна бояқиш суюниб дарров дастурхон тузади. Тортни кесиб ўртага қўйишди. Чой ичишди. Бирон соатлардан кейин Комил «кетаман»га тушди. Болтавой ака «Қаёққа борасан? Қолавер» деганди, унамади. «Менга «Интерконтинентал» меҳмонхонасидан алоҳида люкс хона олиб қўйишибди» деб кўч-кўронларини кўтариб, кўчага чиқди.

Яна такси тўхтатди. Эрталаб қувилган ижарадаги уйга, Алфия холаникига борди.

Кампир уни тумшайиб қарши олганди, Комил унга икки ойлик қарзи-ю, яна бир ойлик ижара

хақини куртдек санаб бергач, чехраси очилди. Комил «эртагаёк ағдарилган деворни тиклатиб қўяман», — деб катта ҳам кетиб қўйди.

Хуллас, яна ўзининг деворлардаги гулкоғозлари кўчган, каталакдек хонасига жойлашди. Ўрнига чўзилиб, сигарет тутатди, хаёлга толди.

«Хўп, кизик бўлдику? — деди кулгиси кистаб, — «девонанинг ишини худо қўллабди» деганлари шу бўлса керак-да? Ҳа, худо бераман деса, ҳеч гап эмас экан...»

У каттик чарчаган, ўйлайверганидан боши ғувиллар, худди уззукун кетмон чопгандек тинкаси қуриб кетганди. Шунинг учун бўлса керак, пул тўла сумкани ёстиғи тагига жойлаганча ёта-ёта ухлаб қолди...

Капитан Саидовнинг кўнгли ғаш, таъби тиррик эди.

Мана бугун учинчи кун ўтяптики, ишлари юришмаяпти. Ёлғиз унигина эмас, бутун жинойт-кидирув гуруҳининг боши қотган.

«Туллак» лақабли — асли исми-шарифи Анатолий Панин деган шахс гиёҳванд моддалар етказиб бериб турадиган кишиларга ҳақ тўлаш ва бошқа айрим масалаларни ҳал қилиш учун келган. Бир неча миллион пул солинган дипломат сумкани оқ шим, йўл-йўл қўйлакли, қоракўзойнак таккан йигитга, «Қўза кўтарган киз» фаввораси ёнидаги ўриндикда қолдириши керак эди.

Йигит бўлса, келишувга кўра, «ёмғир ёғарми-кан?» деган саволга, ҳазил қилиб, «ёғса ёғар, ёғмаса ёғмас» деб жавоб бериши керак бўлган. Парол тўғри келган...

«Туллак» меҳмонхонада ушланган. Нотаниш йигитни ҳам тутиб келишган. Аммо сумкадаги пул йўқ эди.

Ана шу масала ҳаммани ўйлантириб қўйди.

Сўроқлару терговлар ҳам ҳеч бир натижа бермади.

«Туллак» хорижий мамлакат фуқароси, уни ор-
тикча ушлаб туриб бўлмайди. Нотаниш йигит эса
хайрон. У айтилган соатда, айтилган жойга борган.
«Кўза кўтарган киз» фаввораси рўпарасидаги хиё-
бонга кираверишдаги ўриндикда «Туллак» билан уч-
рашиши керак эди. Лекин «Туллак» айтилган пайт-
да келмаган. Шундан кейин безовталаниб қолган.
Қочишга уринганида қўлга олинган. Вассалом!

Воқеа тафсилотларини эшитган Россиялик изку-
варлар ҳам нима қилишни билмай қолишди. Улар-
нинг «китларни ушлаймиз» деб арқонни узун ташлаб
қўйганлари қимматга тушадиган бўлди.

Бир неча миллионни ташкил қиладиган, доллару
рубллардан иборат бир сумка пул, ҳазил гапми?

Хуллас, жиноят-қидирув гуруҳининг ишлари мак-
тангудек эмас эди...

Комил эртасигаёқ институтга борди. Иккала чўн-
таги тўла пул. Қарз олган курсдошлари билан хи-
соб-китоб қилди. Ўзи ҳам кимларгадир қарз берди.
Унинг кайфияти аъло, ҳаракатлари дадил эди.

Дарсдан кейин Зиёдани ресторанга таклиф қил-
ди. Залнинг хилват бир бурчагидаги столни шохона
қилиб безаттирди. Зиёданинг оғзи очилиб қолди.
Анчагача шампан ичиб суҳбатлашиб ўтиришди.

Кўчага чикқанларидан кейин Комил таксига қўл
қўтараётганида Зиёда хайрон бўлди.

— Комил ака, нима бало, ҳазина-пазина топиб
олдингизми? — деди ажабланиб.

— Энг катта ҳазинам сизсиз, Зиёдахон, — ил-
жайди Комил, — бу сарф-харажат масаласига кел-
сак, банкни ўмардим...

— Қўйсангизчи, — қошларини кериб таажжуб-
ланди Зиёда.

— Ишонмайсизми? — кўзларини қувлик билан киси Комил.

— Йўк, — бош чайқади Зиёда, — сиз унака одам эмассиз, Комил ака. Сиз халол, мард йигитсиз..., — у шундай дея уялинкираб қўшиб қўйди, — шунинг учун сизни ҳурмат қиламан!

Бу сўзлар Комилнинг қулоғига «шунинг учун сизни яхши кўраман» дегандек эшитилди-ю, ғалати бўлиб кетди.

«Қизик! Зиёда нима бўлганини эшитса нима деркин? — ўйлади Комил, — «халол, мард йигитсиз» дермикан ўшанда? Йўк, ўлақолса айтмайди... Бу ҳам ўғрилиқ, ҳам номардлик дейиши турган гап!..»

— Нималарни ўйлаб қолдингиз, Комил ака? — хайрон бўлиб қараб қўйди Зиёда.

— Йўк, шунчаки ўзим, — деди Комил ўзини қўлга олишга уриниб, — Театрга борамизми, киногами?

— Концертга бора қолайлик, — деди Зиёда, — «Туркистон»да Озоданинг концерти бўлаётган экан.

— Кетдик, — деди Комил.

Такси тўхтатиб йўлга чиқибди...

Йўлак тарафда эксперт Умаровнинг овози эшитилгандек бўлди. Капитан Саидов хали ўрнидан кўзгалмаганди ҳамки, эшик очилиб унинг ўзи кўринди. Кўришишди.

— Тузукмисиз, Бурҳон ака? — деди капитан уни ўтиришга таклиф қиларкан.

— Раҳмат, яхши, — деди Умаров, — кон босим сал кўтарилай деган экан. Шунга ётиб қолдим.

— Ўрнингиз дарров сезилди, — деди капитан Саидов, — ишларимиздан хабарингиз бордир?

— Ҳа, боя сиз йўк экансиз, йигитлар айтиб беришди, — деди Умаров оромкурсига ўрнашиб ўтираркан.

— Хўш, сиз нима дейсиз? — унга юзланди капитан.

— Нима дейман? — елка қисиб қўйди Умаров, — қўпол хатога йўл қўйилган. Англашилмовчилик бўлган...

— Қўлга олинганлар ҳаммасини бўйинларига олишди, — деди капитан Саидов, — лекин пул топилмаяпти...

— Ҳаммаси кундек равшан, — синик кулимсиради Умаров, — «Туллак» бу ернинг одами эмас. Шаҳарни билмайди. Кейин, менимча у ўзининг Самара вақти бўйича ҳаракат қилган. Вақтни бу ерга мослаштириб, соатлар орадаги фарқни ҳисобга олмаган бўлиши керак... Иннайкейин, «Кўза кўтарган қиз» фавворасининг олдидами, орқасидами, рўпарасидами... келишилган одам билан аниқ каерда учрашиши кераклигини англаёлмаган. Оқибатда, бир сумка пул бегона одамнинг қўлида кетган...

— Шунақа бўлиб чиқяпти, — дея хўрсинди капитан, — бош котиб колди. Нима деб маслаҳат берасиз?

— Менимча, шаҳарда худди қўлга тушган «чопар»га ўхшаган йигит бор. Унинг ҳам эғнида оқ шим, йўл-йўл қўйлак бўлган, қорақўзойнак таққан, — давом этди Умаров, — кизиғи шундаки, у ҳам худди ўша ердаги ўриндиқларнинг бирига бориб ўтирган. Парол ҳам тасодифан тўғри чиққан... Булут. Ёмғир ёғади, ё ёғмайди...

— Жудаям бунчалик бўлмас, — деди капитан унинг сўзини бўлиб.

— Ҳаётда ҳамма нарсга бўлиши мумкин, азизим, — деди Умаров босиқ оҳангда, — шунинг учун ҳам «Туллак» шошиб колган, «ишни қойиллатдим» деб сумкани бергану, кетган-ворган...

— Энди нима қилсак бўлади? — деди капитан оғир сўлиш олиб.

— Ҳар нима бўлганда ҳам шанба куни ўша «Меридиан» ресторанига боришга тўғри келади.

— У ерга йиғиладиганлар бўлиб ўтган воқеалардан хабардор бўлишса-чи? — аралашди боядан бери жим ўтирган сержант Қорабоев.

— Менимча хабари йўқ, — деди Умаров, — бугун пайшанба. Улар шанбани кутишади. Иложи бўлса, қўлга олинган йигитни улар билан телефон орқали боғлашга уриниб кўриш керак.

— Яхши гап, — маъқуллади капитан Саидов.

— Шундан кейин, «чопар» йигит «хаммаси яхши, шанба кuni ресторанда кўришамиз» дейди, вассалом! — деди Умаров ўтирганларга қараб.

— Бу шубха уйғотмасмикан? — деди капитан Саидов.

— Йўқ, аксинча, улар хотиржам бўлишади, — деди Умаров ишонч билан.

Эшик тақиллаб очилиб, лейтенант Микеладзе кирди:

— Ўртоқ капитан, Россиялик меҳмонлар келишди.

— Жуда яхши. Киришсин! — деди капитан ўрнидан туриб.

Комил эртаси кuni дарсдан кейин Зиёдани «Миллий боғ»га таклиф қилди. Узок сайр қилишди. Қайикда сузишди. Қайик лапанглаганича соҳилдаги мажнунтолларнинг шалола янглиғ ёйилган новдалари оралаб ўтаркан, Комил беихтиёр Зиёданинг қўлидан тутди:

— Сиздан бир нарса сўрамоқчи эдим, Зиёда?

— Нимаикан? — секин қўлини тортиб олди Зиёда.

— Мен сизни яхши кўраман... — деди Комил кўзларини олиб қочиб.

— Шумиди сўрамоқчи бўлганингиз? — жилмайди Зиёда.

— Ҳа... лекин... — чайналди Комил, — лекин мен сизга ёқаманми?

Зиёда кўзларини яширди.

— Нега индамайсиз? — деди Комил юраги кўксидан отилиб чиккудек бўлиб, — илтимос, айтинг!

— Айтаман, — деди Зиёда ва унга синовчан тикилди, — фақат сиз олдин мени битта саволимга жавоб беринг?

— Нимаикан? — хайрон бўлди Комил.

— Шунча пулни каердан олдингиз?...

Комил товонигача музлаб кетди.

— Ўзимники, — деди дами ичига тушиб.

— Алдаяпсиз! — деди Зиёда қатъият билан, — тўғриси айтинг!

Комил жим бўлиб қолди-да, кейин шивирлағудек деди:

— Топиб олдим...

— Ёлғон! — овозини баландлатди Зиёда.

— Рост... Ўлай агар, — деди Комил довдираб, — ишонинг!

— Яна алдаяпсиз! — деди Зиёда овози ўзгариб, — агар тўғриси айтмасангиз... бу охири учрашувимиз бўлади...

— Унака деманг, Зиёда, — бўшашиб кетди Комил.

— Бўлмаса, айтинг, — тикилиб қолди Зиёда ва аста қўшиб қўйди, — қулоғим сизда.

Комил бошини кафтлари орасига олган кўйи энгашиб қолди.

Кайик тўхтаган, сув юзида пўкакдек қалкиб, тебраниб турарди...

Комил билан Зиёдани кичик лейтенант Микеладзе бошлаб кирди.

Капитан Саидов эшикдан кириб келган, қўлида қора дипломат сумка, эгнида оқ шим, йўл-йўл кўйлак кийиб, қора кўзойнагини кўкрак чўнтагига солиб олган новча йигитни кўриб ханг-манг бўлиб қолди.

Эксперт Умаров ҳам шошиб ўрнидан турди.

Комил ҳамма бўлган гапни батафсил айтиб берди. У ўша кунги учрашувнинг мутлақо тасодиқ эканлиги, буни ўзи ҳам кутмаганлиги, довдираб қолганини айтди. Кейин пулнинг унча-мунчасини зарурат юзасидан ишлатиб қўйгани, вақтида олиб келиб беролмагани учун кечирим сўради.

Буниси энди мутлақо кутилмаган ҳол эди.

Йигит билан қиз дипломатдаги пулларни қолдириб, тушунтириш хати ёзиб бериб чиқиб кетишмоқчи эди, Умаров тўхтатди.

— Гап бундай, ўғлим, — деди у Комилга яқинлашиб, — кўриниб турибди, ҳалол, мард йигит экансан. Яна бир марта мардлик қилишинг керак бўлади...

Комил ҳайрон бўлиб унга қаради.

— Нима қилишим керак?

— Шу пулларни эгасига топшириш керак, — деди Умаров вазмин оҳангда, — эртага кечкурун... «Меридиан» ресторанида...

Комил беихтиёр ўша кунги нотаниш одам айтган гапларни эслади ва Зиёдага қаради.

— Мен... уларни танимайман, — деди у елка қисиб.

— Бунисининг аҳамияти йўқ, ука, — деди капитан Саидов, — сиз шу кийимда, шу ҳолатда сумкани кўтариб ресторанга кириб борсангиз бас. Уларнинг ўзи сизни таниб олишади.

— Қанақа бўларкин? — деди Комил яна Зиёдага кўз ташлаб олиб.

— Яхши бўлади, — кулимсиради Умаров, — биз учун жуда катта ёрдам берган бўласан.

— Билишимча... сизлар... худди менга ўхшаб кетадиган, шунақа кийинган йигитни ушлагансизлар... — деди Комил.

— Хўш? — деди капитан унга синовчан тикилиб.

— Ўшанинг ўзини олиб борсанглар бўлмайдимиз, демоқчи эдим? — деди Комил лабларини қимтиб.

Капитан Саидов билан Умаров бир-бирларига маъноли караб қўйишди.

— Йўқ, — бош чайқади Умаров, — биринчидан, у ўзининг қай аҳволда эканини сездириб қўйиши мумкин. Киши билмас, битта имо-ишора қилиб қўйса бўлди, бутун операция чиппакка чиқади. Иккинчидан, бизни йигитлар у қўлга олинган пайтида машинада қаршилиқ кўрсатганида оғзи-бурнини сал безаб қўйишган...

Комил Зиёдага қаради.

— Бу хавфли эмасми? — қўрқа-писа сўради Зиёда.

— Йўқ. Комилжон фақат кўриниш берса бас. «Меридиан» ресторани кечки пайтлар жуда гавжум бўлади, — тушунтирди капитан, — биз ҳам олдинроқ бориб ўтириб турамиз. Рестораннинг ҳамма эшик-тешиклари тўсилади. Бизга Комилни кутаётган кишилар керак холос. Истасангиз, ўзингиз ҳам боришингиз мумкин!

Зиёда Комилга «нима дейсиз?» дегандек нигоҳ ташлади.

— Майли, — деди Комил, — керак экан, борамиз!..

Шу тобда у «йўқ» дейиши, бу қалтис таклифни рад этиши мумкин эди. Аммо жиноят-кидирув гуруҳининг иши унга жуда қизиқарли туюлди, ё Зиёданинг олдида «йўқ» дейишга уялди, бу таклифга рози бўлди...

Очиғини айтганда, «Меридиан» ресторани унча мунча одамлар кириб ўтирадиган ресторанлардан эмасди.

Саройдек данғиллама бино. Хайхотдек зал. Ўртада мармар ховуз. Фаввора. Саҳна. Мусикачилар. Шоҳона дастурхонлар. Хаммаси бир хил кийинган официант кизлар, йигитлар. Нархлар эса осмонда...

Шанба бўлгани учунми, ресторан мижозлари ҳар

сафардагидан кўра гавжумроқ эди. Чет элликлар, маҳаллий меҳмонлар, «янги» руслару — «янги ўзбеклар», бойвачча йигит-қизлар...

Зал нимқоронғи. Сахнадаги ранг-баранг чироклар шодаси ўчиб-ёниб турар, ховуз ўртасидаги мрамр супа устида эса ярим яланғоч гўзал бир киз арабча рақс хиром этмоқда эди. Ўтирган эркакларнинг аксариятини кўзлари ўша тарафда, ана шу ширакайф ва сук нигоҳларда хис эмас, хирс жилваланиб турар, умуман бу ерга кирган ва маишат килиб ўтирган одамларнинг кўпчилиги уларнинг турки, хатти-ҳаракати, юриш-туришидан уларнинг туриш-турмуши бошқалардан фарк килгувчи оксуяклар тоифасидан эканлиги аниқ кўзга ташланарди.

Формасиз капитан Саидов эксперт Умаров ва Зиёда ҳам шу ерда жимгина суҳбатлашиб ўтирардилар.

Залнинг у бурчагида эса лейтенант Собитов билан кичик лейтенант Жанна Микеладзеларнинг ҳам суҳбатлари куюқ, аммо кўзлари кўшни столларда ўтирганларда эди. Улардан нарироқда россиялик ҳамкасблар ўтиришарди.

Эшикдан кираверишда бўлса, спортча русумли кийимда сержант Қорабоев бир неча формасиз милиционер йигитлар билан ўрнашган, улардан ташқари ресторан ховлисида, фойеда ҳам белгиланган кишилар шай бўлиб туришарди.

Лекин, дипломат сумка кўтарган, оқ шим, йўл-йўл кўйлак кийиб олган, қора кўзойнакли Комилни қайси столдагилар кутишаяпти, «наркобизнес» билан шуғулланиб, кўпдан бери изкуварлар билан «бекинмачоқ» ўйнаб келаётган корчалонлар ким, бунини хо-зирча ҳеч ким билмасди.

Ниҳоят, кутилган соатлар келди.

Эшикда Комил кўринди. Қўлида қора дипломат сумка. Эгнида оқ шим, йўл-йўл кўйлак. Кўкрак чўнтагида банди чиқариб кўйилган қоракўзойнак.

Комил шу лаҳзаларда каттик ҳаяжонда эди, ле-

кин буни сездирмасликка уринарди. Худди ўзи яхши кўриб томоша қиладиган детектив фильмларнинг қаҳрамонлари каби ранги бир оз ўчинқираган бўлса-да, лаблари маҳкам қимтилган, кўриниши жиддий ва босиқ эди.

У вазмин қадамлар билан зал тарафга ўтди. Мармар ҳовуз ёнидан ўтиб бораётганида официант йигитлардан бири шошиб унга яқинлашди-ю, нимадир деб залнинг алохида хоналарга ажратилган тарафига бошлади.

Капитан Саидов сездди. Ўша «хосхона»ларнинг бирини шоҳи пардаси қия очилиб кимдир Комил томонга қараб қўйгандек бўлди.

Энди бу ёғига киришиш мумкин эди.

Акс ҳолда Комилни ўзлари кутган «чопар» — йигит эмаслигини пайқаб қолишлари ҳеч гап эмасди. Орасида дипломат кўтариб кириб келадиган йигитни шахсан танийдиганлар бўлмаслиги мумкин эмас, бундай фикрнинг ўзи ақлга тўғри келмасди.

Капитан Саидовнинг ишораси билан лейтенант Собитов ва сержант Қорабоев ўша тарафга юришди. Орқаларидан бир неча милиционерлар.

Бу ёғи кўз очиб, юмгудек тез содир бўлди. Комил «хосхона» пардасини очиши билан лейтенант Собитов уни нари суриб ичкарига отилди. Қўлида тўппонча билан сержант Қорабоев, ортидан милиционерлар. Микеладзе бўлса чаққонлик билан Комилнинг қўлига кишан солди-ю, бир милиционер йигит билан бирга четга олиб ўтиб кетди.

«Хосхона» ичкарисидан қандайдир норози овозлар эшитилди. Кейин ҳамма жим бўлиб қолди.

Капитан Саидов билан Умаров ўша хонага кириб боришганда ичкаридаги думалоқ стол атрофида тилла кўзойнакли, бақалоқ киши ва яна иккита, қўзлари бежо, турки совук йигитлар ўтиришарди.

Капитан аллақачон уларнинг қўлларига кишан солинганини сезиб, хотиржам тортди.

Хаммалари стол атрофига ўтиришди.

— Бу... провокация, — норози оҳангда тўнғиллади тилла кўзойнакли одам, — бу ерда кандайдир англашилмовчилик бўляпти.

— Бунисини бўлимга борганда аниқлаймиз, — деди капитан Саидов кўкрак чўнтагидан гувоҳнома-сини очиб-ёпиб кўрсатаркан.

— Марҳамат, — деди йигитлардан бири, — биз жимгина ўтиргандик..., — шундай деб залдан чиқиб бораётган Комилга имо килди, — анави бола пардани очиб қаради, холос. Кимгадир ўхшатдим, кимнидир қидириб юрганмиди, тушунмадик?

— Аввал ўзингиз пардани қия очиб унинг кириб келаётганига карагандингиз шекилли? — деди капитан Саидов босик оҳангда.

— Ха, биз яна бир шеригимизни кутаётгандик, — деди иккинчи йигит, — ўшамасмикан, деб қараган бўлишимиз мумкин...

— Караса ўхшамайди, шунаками? — деди Умаров кинояли кулимсираб, — афсуски, зиёфат тўхта-тиладиган бўлди, жаноблар!

— Нега, нима учун? — қўлларини ёзди тилла тишли кўзойнакли одам, — бу канакаси? Жимгина ўтирган одамларнинг тинчини бузишга ким рухсат берди? Ўтиришимизни бузаяпсизлар!

— Энди ўтиришларингиз у ёқда давом этади, — деди капитан Саидов, — у ёқда шерикларингиз кутяпти. «Туллак»... Кейин ок шим, йўл-йўл кўйлакли йигит...

— Нималар деяпсиз ўзи? — аччикланди йигитлардан бири, — бундок тушунтириб гапиринг! Қанақадир «Туллак», қанақадир йигит дейсизмией!..

— Хаммасини тушунтириб қўямиз, — деди Умаров ўрнидан тураркан, — хозир бу ердан шовқин солмасдан чиқишни маслаҳат бераман... Бекинмачок тугади!..

Йигит индамай бошини қуйи солди. Иккинчи йи-

гит асабий ҳаракатлар билан сигарет тутатди. Тилла кўзойнакли киши бўлса тўнғиллаб ўрнидан кўзғала бошлади.

Ичкаридагилар милиционерлар ва бошқалар куршовида залдан чиқишди. Бўлиб ўтган воқеани биров сезди, биров йўқ.

— Биздан нима истаяпсизлар ўзи, тушунсам ўлай агар? — деди кўзойнакли одам машинага чиқаётганларида.

— Ўлмай туринг, биродар, — илжайди Умаров унга қараб, — ҳали бизга кераксиз. Сиз билан қиладиган анча ишларимиз бор.

Уларнинг рўпарасида ўтирган кичик лейтенант Микеладзе капитаннинг ишораси билан қўлидаги дипломат сумкани очиб кўрсатди.

— Мана шу пуллар кимга тегишли? Шунини аниқлашимиз керак холос, — деди капитан Саидов.

— Бировнинг омонатига хиёнат қилиш яхши эмас, — қўшиб қўйди Умаров, — эгасининг қўлига тегиши керак! Шу масалада сизларнинг ёрдамингиз керак бўлиб қолди.

— Бунини менга нима алоқаси бор? — пинагини бузмади тилла кўзойнакли одам, — эътиборингиз учун, мени бунақа «хўрак»лар билан алдаёлмайсизлар!

— Агар хато қилаётган бўлсак, олдиндан узр сўрашимиз ҳам мумкин, — деди капитан Саидов унга синчковлик билан қараб.

— Узр сўраш билан кутулиб кета олмасангиз керак деб қўрқаман?! — хўмрайиб қўйди тилла кўзойнакли киши.

— Бунисини энди вақт кўрсатади, — деди Умаров ва ҳайдовчига имо қилди, — ҳайда аравангни!

Машиналар кетма-кет йўлга чикди.

У ёғи нима бўлди, нима қўйди айтиш қийин. Лекин ана шу лаҳзаларда, улар жинойт-кидирув бўлимига кетаётган пайтда ўзларини олдинда нималар кутаётганини, «Туллак» ўзини жинни-сангиликка со-

лишини, оқ шим, йўл-йўл кўйлакли чопар йигитни кўрганлар серрайиб қолишларини, тилла кўзойнакли киши бўлса, «адвокат талаб киламан» деб шовкин-сурон кўтаришини ҳозирча ҳеч ким хаёлига ҳам келтира олмасди...

Комил билан Зиёда ички ишлар бошқармаси ёнида қолишди.

— Раҳмат сизга, Комилжон, — деди капитан Саидов унинг қўлини кисиб, — яхши ёрдам бердингиз!

— Ўзи бизда ишласа ҳам бўларкан, — қўшиб қўйди эксперт Умаров кулимсираб ва сўради, — қарда ўқияпман девдинг?

— Маданий-оқартув... режиссёрликка, — деди Комил хижолатомуз оҳангда.

— Бе, ўғил болалар қиладиган ишми шу? — юзини буриштирди Умаров, — ҳўп десанг, ўқишингни бошқа ёкка кўчиртирамиз...

Комил ялт этиб унга қаради.

— Рост, — давом этди Умаров, — кейин ўқиб, биз билан ишлайверасан. Анча бақувват, дадил йигит экансан. Спорт билан ҳам шуғулланиб турарсан?

— Ҳа, қаратэ билан, — деди Комил секин.

— Ана! Нур устига нур! — деди Умаров ва капитанга қаради, — эрта-индин бир келсин-а, Самандар Саидович. Маслаҳатлашамиз!

— Майли, келсин-чи, — деди капитан Саидов Комилга бошдан-оёқ кўз югуртиб ва нарироқда турган Зиёдага имо килди — лекин келин бола бунга нима деркинлар?

Зиёда уялиб ерга қаради. Комил ўнғайсизланиб кўзларини олиб қочди.

Улар шу ерда хайрлашдилар...

— Шунақа қилиб бизни ташлаб кетар экансиз-да? — деди Зиёда кулимсираб.

— Сизни эмас, ўқишни, — деди Комил ва қўшиб қўйди, — кўнглим бўлмаган соҳада нима қиламан? Ундан кўра, бошқа фойдалироқ иш қилганим яхши эмасми?

— Милиционер бўлиб-а? — деди Зиёда қошларини чимириб.

— Нега милиционер? — елкасини учирди. Комил ва кўзларини айёрона қисди, — сиз айтмоқчи, ҳалол ва мард йигит бўлишга ҳаракат қиламан!

— Бунисини кўрамиз, — деди Зиёда кулимсираб.

Кулишишди ва ёнма-ён катта кўча тарафга йўл олдилар.

Бу воқеалар бўлиб ўтганидан бери орадан анча вақт ўтди.

Мен ўшанда «наркобизнес» билан шуғулланиб келаётган бутун бошли жиноий гуруҳнинг фош этилишида журналист сифатида иштирок этдим. Бири-биридан қизиқ, кўп воқеа-ходисалар бўлиб ўтди. Лекин мен бу ўринда уларнинг барча тафсилотларига тўхталиб ўтириш фикридан йироқман.

Ушбу ёзувларнинг қозғалган тушишига эса бутунлай бир бошқа воқеа сабаб бўлди, дейиш мумкин.

Ёзнинг ўрталари эди. Эски танишим, жиноятқидирув гуруҳининг раҳбари, капитан Саидов мени бир ҳамкасбининг тўйига таклиф қилди. Никоҳ тўйи экан. Энг қизиғи шундаки, мен бўлажак келин-куёвларни қўйибона бўлса-да, биларканман. Куёвболанинг исми Комил. Кичик лейтенант. Шу бўлимда ишлар, келин — Зиёда исмли нозиккина, чиройли киз эса маданий-оқартув факультетининг битирувчиси экан.

Ана шу тўй кечасида биз, капитан Саидов, эксперт-изкувар Умаров ва мен анчагача суҳбатлашиб ўтирдик. Ўтган-кетганлар, энг асосийси куёвбола ҳақида...

Ўша кеча уйга кайтдим, негадир уйкум қочди. Сира ухлаёлмадим. Негадир шулар ҳақида ёзгим келди. Ва ёзишга ўтирдим. Унга тонг қоронғисида нукта қўйилди. Сиз эса уни юқорида ўқидингиз. Бор гап шу!..

ТАҚДИРИ АЗАЛ

Акобир бу ғалати, нотаниш кимсани биринчи маротаба Университетга кириш имтиҳонлари топшираётган кезлари кўрган эди.

Ўша куни у имтиҳонлар жадвалидаги ўзгаришларни ёзиб олгани келган ва худди ўзи каби олий ўқув юртига кириш иштиёкида ёниб, кўзларида қувонч ва алланечук хавотир аломатлари сезилиб турган бир гуруҳ тенгқурлари билан гаплашиб туришарди. Нарирокда чекиб турган йигитчалардан бири улар тарафга қараб, «Орангларда Аҳмедов Акобир деган бола борми?» дея кичқирдию, унинг хаёли бўлинди. Ўша тарафга қаради.

— Сени анави ёқда чакиришаяпти, — деди йигитча.

Акобир у кўрсатган тарафга юрди. Сирли шовуллаб турган теракзор олдида ҳеч ким йўқ эди. Хайрон бўлиб энди орқасига бурилмоқчи бўлганди, кимнингдир хиркираган товушини эшитиб тўхтади:

— Мен бу ёқдаман, Акобир...

Акобир шундагина «Газ-сув» сотиладиган дўконча орқасида турган нотаниш йигитга кўзи тушди. Ич-ичига ботган кўзларими, сийрак соқол қоплаган озғин юзи, қирра бурни ё ингичка лабларими, қарларидир танишдек кўринди-ю, барибир танимади. Шунга қарамай, одоб юзасидан унга яқинлашиб салом берди. Акобир бу симёғочдек баланд бўйли, нотаниш йигитнинг косовдек қоп-қора, озғин кафтини бармоқлари орасига олди-ю, унинг темирдек совук эканлигидан сесканиб тушди. Мени чакирганмидингиз?» дейишга энди оғиз жуфтлаганди, йигитнинг ўзи гап бошлаб қолди.

— Шу ишни бекор қиляпсан, Акобир, — деди у афсусланганнамо оҳангда.

Акобир хайрон бўлиб унга каради.

— Шу ўқишга бекорга кияркан, демоқчиман, — Акобирга синовчан кўз югуртди нотаниш йигит.

— Нима демоқчисиз ўзи? Тушунмадим? — баттар хайрати ошди Акобирнинг.

Нотаниш йигит лабларини кийшайтириб ғалати кулимсираб қўйди.

— Тушунганимда кеч бўлади, оғайни, — деди у бош чайқаб.

Акобирнинг кўзлари катта-катта очилиб кетди:

— Сиз кимсиз ўзи? Мен сизни танимасам, билмасам?...

— Буни ахамияти йўқ, — деди нотаниш йигит ва хиёл оксоқланганча катта кўча тарафга кета бошлади.

Акобир нима қилишини, нима дейишини билмай гарангсиб қолди.

— Тўхтанг! — кичкирди жон-холатда, — нега менга бу гапларни айтиб кетяпсиз?

Нотаниш йигит елкаси оша каради ва совуққина охангда деди:

— Шунчаки... огохлантириб қўйдим холос...

Акобир ханг-манг бўлганча қолди. Нотаниш йигит эса худди хавога сингиб кетгандек кўздан йўқолди. Акобир англаёлмади. У катта кўча тарафга юрди-ми, бирон машинага чиқдими ё ён-тарафдаги буталар орасига кирдими, теракзор тарафга бурилдими, хайтовур кўришга улгуролмади. Хаммаси кўз очиб-юмгунча содир бўлди. Ўзига келиб орқасидан югурганида эса, у кўздан ғойиб бўлган эди.

... Шу кеча у алламаҳалгача ухлаёлмади. Эрта-лаб университет ховлисида кўргани нотаниш йигит унинг тинчини бузиб қўйди. Уни каердадир кўрган-дек бўлаверар, биронта танишига ўхшатар, барибир сира эслаёлмасди. Аммо унинг киёфаси, кўзларими,

юз тузилишими, аллақаерлари ўзига ниҳоятда таниш эканлигини юрак-юракдан чуқур ҳис қиларди.

«Ким бўлиши мумкин? Ким? — дерди ўз-ўзига, — Нега менга бунақа гапларни гапирди? Мен билан нима иши бор? Нима учун «шу ўқишга кирма» деб огоҳлантириб кетди? Отам бўлмаса, тоғам ё поччам бўлмаса, мен билан неча пуллик иши бўлиши мумкин?...

Акобир шу хил хавотирли, безовта хаёллар оғушида тонг отгунча тиканак устида ётгандек ўрнида тўлғаниб чикди. Туш кўрибди. Тушида ўша нотаниш йигит унинг ортидан қувиб келаётганмиш... Акобир ўпкаси оғзига тиқилиб югурармиш. У эса оксоқланган кўйи, ишшайганча оркасидан қувармиш. Ахийри Акобир қандайдир чуқурга қоқилиб йиқилиб тушибди...

Ана шу ерда кичқириб, ўз овозидан ўзи чўчиб уйғониб кетди. Юраги кўксидан отилиб чиккудек гурсиллаб урар, қаро терга ботган, қўл-оёқлари дағ-дағ титрарди.

Эрталаб ювинаётганида ойна қаршисида лаблари четига учуқ тошганини кўриб ғалати бўлиб кетди. Аммо на ўша нотаниш йигит, на унинг гаплари, на тушида кўрганлари хақида ҳеч кимга лом-мим дея оғиз очмади. На отасига, на онасига...

«Умр — оқар сув» деганларича бор экан. Талабалик йиллари-ку, инчунун!

Акобир ўша йили кириш имтиҳонларини аълога топшириб, Университетга кирди. Ҳеч нимага қўли тегмай қолди. Ўша нотаниш йигитни ҳам, кўрган кўрқинчли тушини ҳам унутиб юборди. Нотаниш йигит ҳам ўша-ўша кўринмай кетди. Акобир бунга аввалига ажабланди. Кейин «бирон довдир, телба одам экан-да» деган фикрга келди, ҳаммаси яхшилик билан тугаганига ич-ичидан суюнди ҳам...

Афсуски, Акобирнинг севинчи узоққа бормади.

Университетни имтиёзли диплом билан тугатди, йўлланма бўйича йирик бир корхонага бўлим мудирининг муовини бўлиб ишга кирди. У ўз омадидан маст ва масрур эди. Юрагида ёшлик ғайрати жўш урар, хали тахи бузилмаган орзу-умидлари қалашиб ётарди. Шу боис, биринчи кунданок енг шимариб ишга киришиб кетди.

Бу котмадан келган, сочлари жингалакка мойил, баланд бўйли йигитчани ишхонадагилар ҳам ёктириб қолишди. Хатто унинг ниҳоятда камгаплиги, анчайин эҳтиёткор ва такаббурлиги ҳам фазилатдек туюларди атрофдагиларга. Бир сўз билан айтганда, унинг феъли сал ғалатирок эди. Яъни, ҳеч кимга яқинлашмасди, бошқаларни ҳам ўзига яқинлаштирмасди. Аммо унинг ишдан бўйин товламаслиги ва катталарнинг гапини икки қилмаслиги бу қусурларини пардалаб турарди.

Қисқаси, Ақобирга омад қулиб бокқан дейиш мумкин эди. Бошқачароқ қилиб айтганда, хали ҳеч бир курсдоши эришмаган мувафаккиятларга Ақобир кун сайин эришиб борарди. Аммо худойим буларни унга қўп кўрган экан шекилли, кунларнинг бирида яна ўша нотаниш йигит пайдо бўлиб қолди-ю, худди саратонда қор ёққандек бўлди-қўйди.

Ақобир аввалига кўзларига ишонмади. Уни сурбетларча, ҳеч бир илтифотсиз ичкарига кириб келганини кўргандан кейин эса буткул довдираб, ўзини йўқотиб қўяёзди.

Нотаниш йигит деярли ўзгармаган, факат оқсоқланиши янада ортиб, юз-кўзларини ажин қоплаб, жингалакка мойил сочлари орасида оқ толалар қўпайиброк қолгандек туюлди унга.

Ақобир худди тилига тушов тушгандек анграйган қўйи унга қараб тураверди.

— Барибир, айтганимга қўнмадинг, — деди нота-ниш йигит хўрсиниб, — майли, энди ўзинг биласан... Лекин бу ишхонадан кетишинг керак!

— Кимсиз ўзи? — тили зўрға айланди Ақобирни, — сизга нима керак?

— Кимлигимни аҳамияти йўқ, — хунук илжайди нотаниш йигит, — фақат сени огоҳлантириб қўйишим керак.

— Мен билан нима ишингиз бор? — товупи титраб кетди Ақобирни, — сизни танимайман, танишни ҳам истамайман!

— Буниям алоқаси йўқ, — деди нотаниш йигит бепарво оҳангда, — сен бу ишхонадан шу бугунок кет! ... Кейин кеч бўлади!..

— Нималар деяпсиз ўзи, ака? — аламдан чинқириб юбораёзди Ақобир, — қанақа одамсиз ўзи? Хозир милиция чакираман!

— Чакиравер, — деди нотаниш йигит бирон туки ҳам қилт этмай, — фақат бўшасанг бас! Сен хозир эришаётган ютуқларингга, омадингга кўпам ишонаверма! Ҳаммаси ўтқинчи. Эрта-индин хароб бўласан. Бу ердаги кўзбўямачилик, порахўрлик, гуруҳбозлик сени еб ташлайди. Сен оёқости бўласан!...

— Оғзингизга қараб гапиринг! — деди Ақобир унга еб юборгудек тикилиб.

— Мен сенга қараб гапираяпман, — илжайиб қўйди нотаниш йигит, — гапларимни қулоғингга қуйиб ол. Тез бўшаб кетсанг, кетдинг, бўлмаса ўзингни бошингни ўзинг ейсан!

— Йў-ко-линг! — кичкириб юборди Ақобир тоқ ургандек титраб ва бирдан кўкрагини чангаллаб қолди.

— Бу бошланиши! — деди нотаниш йигит худди уни майна қилаётгандек истехзоли қулимсираб, — майли, мен кетаман. Лекин сен ўйлаб кўр, яхшилаб ўйлаб кўр!..

Нотаниш йигит шундай деди-ю, худди шарпадек лип этиб чиқиб кетди.

Ақобир жон-холатда орқасидан отилди. Аммо йўлак бўм-бўш, у сурбет кимса аллақачон ғойиб бўлган эди. Нотаниш йигит худди осмондан туш-

гандек кутилмаганда хонасида пайдо бўлиб қолган ўша машъум кундан эътиборан Ақобирнинг мазаси қочди. Сал нарсага асабийлашадиган, юраги санчадиган, миясида чидаб бўлмас даражада оғрик қўзғаладиган бўлиб қолди.

Бу орада ишхонада ҳам ғалати-ғалати, катта-кичик кўнгилсизликлар содир бўла бошлади. Ғийбат, бир-бирини кўролмаслик, ивир-шивир», юримсик гап-сўзлар пайдо бўлди.

Ўша кунларнинг бирида корхонани тафтишчилар босди. Ҳаммаёқни ағдар-тўнтар қилиб текширувни бошлаб юборишди. Иш бор жойда озми-кўпми хатолар бўлади, албатта. Аммо, калтакнинг бир учи молиялаш бўлими мудирининг муовини Ақобир Аҳмедовнинг бошида синиши кутилмаган ҳол бўлди. Унга қандайдир тадбиркорнинг қандайдир фирмасига ноқонуний равишда йирик миқдордаги маблаг олишга ёрдамлашган деган бемаъни айб қўйишди. Ақобирнинг нақ эс-хонаси чиқиб кетди. Иш бошлаганига эндиgina уч-тўрт ой бўлган ёш мутахассиснинг бундай жиддий жинойтга қўл уришини ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтирмаганди. Ақобир ўзига ёпиштиралаётган барча айбларни рад этди. Фақат ўша, лаънати тадбиркорнинг молиявий ҳужжатларини расмийлаштиришда ёрдамлашганини, тажрибасизлик қилганини бўйнига олди, ҳолос.

Ақобир шу билан бу балодан қутуларман деб ўйлаганди. Бўлмади. Ўша жинойтнинг асоси барибир ўзига, ҳужжатларга чеккан имзоларига бориб тақалди. Уни бир ҳафта давомида ҳар куни терговга чақиртиришди. Ақобир кўркқанидан ҳаммасини чалкаштириб юборди. Ҳамма айбни бошлиғига, корхона раҳбарлигига ағдаришга уринди. Ўнлаб тушунтириш хатлари, маълумотнома-ю далолатномалар ёзди. Ахийри ундан то текшир-текширлар тугамагунча шаҳардан ташқарига чиқмаслик ҳақида тилхат олиб қўйиб юборишди.

Хаммаси «ўзинг учун ўл етим» қабилида бўлди. Ақобирни ҳеч ким ҳимоя қилмади, лоақал ёрдам қўлини ҳам узатмади. На корхона бошлиғи, на бўлим мудир, на бошқа ҳамкасблар... Ҳаммалари сувдан курук чиқишди. Майдонда Ақобирнинг ёлғиз ўзи қолди, холос. Ўша кезлари у ўзини шунчалар хорланган-ҳақоратлангандек ҳис қилдики, асти қўя-верасиз!

Боз устига, уни бўлим мудир муовинлигига нолыйиқ деб лавозимидан бўшатишди, оддий ходимликка тушириб қўйишди. Ақобир индамай ишлаб юраверди. Нима ҳам қила оларди? Тақдирга тан бермай бошқа илож-имкони ҳам йўқ эди. Эндиликда унинг аввалги иштиёқи сўнган, ишидан ҳам, худбин, пасткаш ва хоин ҳамкасбларидан ҳам кўнгли совуган эди.

Булар ҳали ҳолва экан. Энг дахшатлиси орадан икки ойча вақт ўтгандан кейин бошланди.

Ақобирни яна прокуратурага чакиртиришди. Борди, ва ... қайтиб чиқмади. Аниқлашишча, ўша, Ақобирнинг имзоси билан банкдан катта пул олган фирманинг ҳужжатларидан тортиб, жойлашган манзилигача сохта экан. Демак, кўринадик, Ақобир билиб-билмай давлатнинг бир неча милён пулини совуришда иштирокчи бўлиб қолган. Ақобир арзимаган битта имзонинг шунчалар дахшатли оқибатларга олиб келишини етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган эди.

Судда ҳукм ўқиладиган лаҳзаларда ўзини тутолмади. Ўқиб-йиғлаб юборди. Ялинди, ёлворди, ҳали бу соҳада тажрибасиз эканлигини инобатга олишларини сўради. Афсуски, фойдаси бўлмади, ўша фирманинг ҳужжатларини расмийлаштириб бераётган пайтда олган юз минг сўми қимматга тушди. У уч йилга озодликдан маҳрум қилинди...

Ушбу «жиноий иш»га жалб этилган терговчи, лейтенант Курбонов биринчи марта Ақобир билан биринчи марта худди ўша кезлари танишди. Ўша пайтларда Курбонов ҳам ҳали ёш, тажрибасиз эди. Ўзи билан тенгкур, орзу-умидлари амалга ошиб бораётган иктисодчининг аллакаерлари, ёшлигими, куч-ғайратга тўлиб-тошиб юришларими, ҳамма-ҳаммаси ўзига ўхшаб кетар, аммо тақдир зарбаси қаршисида довдираб, гангиб қолаётган бу йигитчани ҳар сафар кўрганда эзилар, уни ноҳақ айбланаётгандек ҳис қилар, таасуфки, ёрдам беришга келганда ожиз эди.

Улар ана ўша кунларнинг бирида бош терговчи Алиев хонасида учрашишди. Лейтенант Курбонов эндигина тергов гуруҳига келиб қўшилган, идоранинг ёзув-чизув ишларига ёрдамлашиб юрарди. У жимгина ўтирган кўйи сўроқ қилинаётган йигитчанинг довдирашини кузатиб ўтираркан, ичи-ичидан унга ачинар, «агар ҳақ бўлса, нега чўчийди, нимадан кўрқади?» деган ўйга борар, айни чоғда уни ҳамма айбни бошқаларга тўнкаши, ёлғон гапириши, аввалги сўроқларда берган кўрсатмаларидан тониши, гоҳ ҳажиқизлардек йиғлаб-сикташи, гоҳ «берсанг ейман, урсанг ўламан, турган-битганим шу» дегандек без бўлиб олиши, гоҳ қандайдир ожиз ва нотаваон кимсага, йўқ, тўғрироғи, пол латтадек шалвираб ўзини оёқости қилишига ғаш келарди.

Ахийри бўлмади. Ўша йигитча — Ақобир Аҳмедов кесилиб кетди. Ўзини оклаш учун ўйлаб топган ваз-қорсонлари-ю, ёлғонлари, масалани чалкаштириб чигаллаштиришлари наф бермади, қайтага ўзини бошига тошдек ёғилди ва охир-оқибат чил-парчин қилиб ташлади.

Лейтенант Курбоновни эса Ақобирга суд қарори ўқилишидан бир ҳафта бурун шошилинич равишда, Қашқадарёга хизмат сафарига юборишди ва шу билан қайта учрашишмади...

... Энди, вокеамиз аввалига қайтсак ҳам бўлади. Бирок бу ёғини хикоя қилиш ҳам, ёзиш ҳам анчайин оғир. Бунини ноҳақ жабрланган, қуруқ тухматга учраган, кечирилмас хатога йўл қўйиб жазоланганлар, қисқаси, бошига тушганлар билади.

Акобирни эса ноҳақ жабрланган, тухматга учраган деб бўлмаса-да, қилмишига яраша жазоланганлар тоифасига киритиш мумкин эди. Шундай қилиб, Акобир ҳам тақдирнинг зайли билан шунақалардан бири бўлиб қолди.

Аввалига худди қўрқинчли туш кўраётгандек ҳис қилди ўзини. Кейин ҳаммаси ўнги эканлигини кўрди-ю, ўзини тор ва совуқ хонанинг метин деворларига урди, бақирди, чақирди, аюханнос солди, юз-кўзларини тимдалаб сочларини юлди, йиғлади, сиқтади, қулди ва хушдан кетиб йиқилди...

Одамзоднинг мучали асли тошдан бўларкан, шекилли. Акобир ўзини аввалига худо қарған кишидек ҳис қилди. Кейин ҳайкал мисол тош қотди. Кейинроқ эса ўзи ҳам, кўзи ҳам, бир чеккасига орзулари орзулигича қўмилиб қолиб кетган қалби ҳам тошга айланди.

Умр ўтавераркан. Уйда ҳам, йўлда ҳам, кўча-кўйда ҳам... Ҳатто, ана шу, адашиб-улоққан, одамлик қиёфасини йўқотган, ҳаётда бир қилган хатоси ё гуноҳи туфайли жабр чекаётган маҳкумларнинг ҳам умри ўтавераркан...

Тошдевору панжаралар ортида ҳам ҳаёт давом этмокда эди.

Вакт ўтгани сайин Акобир ҳам кўникиб кетди. Энди унга ҳамма нарса барибир бўлиб қолган эди. Чекишни ҳам, ичишни ҳам, қиморни ҳам шу ерда ўрганди. «Бир ёмоннинг яхшиси ҳам бўлади» деганларидек, шу ерда ҳунар орттирди. Шу ёшгача кўлига болға ушламаган йигит бинойидек дурадгор бўлди. Иш билан чалғиди, иш билан ўзини овутди...

Шу тахлит, кунлар ботиб-тонглар отди.

Акобир узун кечалар баъзан оғир хаёлларга берилиб кетар, касалманд онасини, бутун умидини унга қаратган, уни камокдан чиқариш учун ўзини ўтга ҳам, чўнга ҳам урган отаси ва опасини, яқин-йироқ қариндош-уруғлари, ошна-оғайниларини эслар, онда-сонда улардан келиб турадиган хатларни қайта-қайта ўқиб, совға-саломларини кўзларига суртиб ётарди.

Ана шундай кунларнинг бирида беихтиёр ўша, бир вақтлар унинг келажагини башорат қилган нотаниш йигит ёдига тушди-ю сесканиб кетди. Гўё ўша ёвуз ниятли кимса икки тарафга икки қаватли осма каравотлар ўрнатилган нимқоронғи барак бурчагидан ўзига тикилиб тургандек, чуқур жункўрпа ичига бурканиб олди ва анчагача тик этган товушга қулоқ тутиб, дағ-дағ титраганча ётди. Кўзи илинибди. Туш кўрибди. Тушида яна ўша нотаниш йигит ортидан қувиб келаётганмиш. У бўлса жон-жаҳди билан қочар, нотаниш йигитнинг хириллаши эса тобора яқинлашиб, шундоқ қулоклари тагида эшитилаётган эмиш. Акобир орқасига ўгирилиб уни тепмоқчи бўлибди-да, оёғини кўтариб кучи борича депсинибди...

... Акобир даҳшат ичида кўзларини очди-ю, туйқусдан ҳеч нимага тушунолмади қолди. Қараса, сиймон полда чўзилиб ётибди. Манглайи шилинган, оғзи-бурни кон...

Навбатчи «чирқ» этиб чироқни ёкди. Хаммаёк ёришиб кетди. Кимдир норози оҳангда тўнғиллади, кимдир сўкинди. Акобирни бақириб, иккинчи қаватдаги каравотдан йиқилиб тушганини кўрган баракдошлари гурр қулиб юборишди.

Акобир бўлса жункўрпасини судраб ўрнидан тураркан, «тушимда кўрган нотаниш одамни тепаман деб, ўз зарбимдан йиқилиб тушдим» демади, деёлмади, аксинча «тушимда футбол ўйнаётган эканман» деб ёлғонлади ўзи ҳам беўхшов илжайиб қўйди...

Ўша-ўша унинг новчалигига ишора қилиб айтила-

диган «Симёюч» деган лақаби ёнига энди «Футболчи» деган лақаб ҳам ёпиштирилди. Орттирилган лақабку, ўз йўлига, энг ёмони Ақобир энди ана шу янги лақаби сабаб кунда-кунора ўша тунни, ўша тушини ва ўша нотаниш кимсани эслаб туришга маҳкум бўлиб қолди. Ана шуниси алам киларди унга...

Одатда совук тушиб, кўк юзини қора булутлар қоплаб олган, шамол дарахтларнинг у ер-бу ерида битта-яримта илашиб қолган заъфарон япроқларни чирпирак қилиб учириб юрадиган кеч куз кунлари бирмунча хунукроқ кўринади. Хавонинг қовоғи солик, эзиб-эзиб ёмғир ёғади, оёқ ости пилч-пилч лой, теварак-атрофда кўзни қувнатадиган бирон нарса кўзга ташланмаётгандек туюлади кишига.

Лекин ҳаммага ҳам шунақа бўлавермас экан. Масалан, Ақобирнинг толе осмонида айни шу кунларда худди офтоб чарақлаб чиққандек, олам унинг заррин нурларига чўмилиб, ярқираб кетгандек туюлди.

... Ниҳоят у, озодликка чиқди. Чиқди-ю, худди узок вақт кафасда сақланган қуш янглиғ қаёққа учишини билмай гарангсизроқ қолди. Уйга шонилмади. Негадир ҳамма уни «ана, қамоқдан чиқибди» деб кўрсатадигандек хис килди ўзини. Кун бўйи таниш-нотаниш кўчаларда, хилват боғлару хиёбонларда сандираклаб юрди, қош қорайгандагина уйига кириб келди.

Соч-соқолларига бевақт оқ оралаб, чуваккина юзига ажин тўр ташлай бошлаган, ич-ичига ботган кўзларида маънос бир ифода котиб қолган бўлса-да, мажрух юрагининг, шикаста кўнглининг аллақайси бир бурчида ҳаётга, эртанги кунга умид учқунлари йўқолиб, йитиб кетмаган эди. Ана шу — кул ос-тидаги чўғлар янглиғ умид учқунларигина уни яна ҳаётга қайтарди, оёққа турғазди. «у ёқда» орттириб келган дурадгорчилик касби, «бу ёқда» ҳам асқотиб қолди. Мебель фабрикасига ишга кирди. Кўлига пул, кўкрагига шамол теккандек бўлди.

Шу тахлит орадан кунлар, хафталар, ойлар ўтди.

Ёлғиз ўғиллари бошига тушган кулфатдан қаддилари букилиб, тўкилиб қолаётган ота-онаси ва ёлғиз опаси энди азалий орзулари — Ақобирни ўйлантириш тараддудига тушдилар. Аслини олганда, Ақобирнинг ҳам кўнглида шунга яқин бир ўй йўқ эмасди-ю, лекин «ким ҳам мендек бедавога тегарди» деган кўркувгина бунга монелик қилиб турарди.

Тақдир бу сафар ундан мурувватини аямади. Унга Ойгул исмди, ўзи ҳам Ойга, ҳам Гулга ўхшаган хурилиқони рўпара қилди. Илгари бир марта турмушга чиқиб, нима сабабдандир икки ой ўтар-ўтмас ажрашган бу ёшгина жувон Ақобирнинг хувиллаб қолган қалбини тўлдириб юборадигандек туюлди-ю иккиланиб ўтирмай тўйга рози бўлди.

Бўлғуси келин аллақайси мусиқа билим юртида ишлар, бўш вақтларини машхур оркестрлару, ансамблларнинг созандаларига нота кўчириб ёзиб бериш билан ўтказарди. Унинг бу касби ҳам Ақобирга маъқул тушди.

Ана ўша, тўй тараддуди бошланган кунларнинг бирида у бозор-ўчар қилиб уйга қайтаркан, орқасидан соядек эргашиб келаётган баланд бўйли йигитни кўриб, беихтиёр тўхтади. Аввалига ўз кўзларига ишонмади. Нотаниш йигит ўзига яқинлашгандагина таниди. У — ўша, нотаниш кимса эди.

Нотаниш йигит қарийб ўзгармаган эди. Эгнида ранги униқиб кетган, кулранг тусли рўдапо ёмғирпўш, бошида ёғим шляпа, оёғида кўпол, ипсиз ботинка. Саксовулдек қорайиб кетган чуваккина юзларидаги ич-ичига ботган бир жуфт кўзларигина худди ўчиб бораётган икки дона чўғ янглиғ ожизгина йилтираб турарди.

— Хўш, ишлар қалай «футболчи?» — деди нотаниш йигит сирли кулимсираб.

— Мен сизни қайтиб кўрмасам керак деб ўйлагандим, — деди Ақобир сўлгин товушда.

Нотаниш йигит хириллаб кулди.

— Йўқ, хали кўп учрашамиз, — деди у яра-чака босган озғин бўйнини ёмғирпўш ёкаси билан яширишга уринаркан.

— Кимсиз, нимасиз билмайману... — деди Ақобир унга бошдан-оёқ кўз ташлаб, — лекин ... ниҳоятда ифлос, ёвуз ниятли одам эканлигингиз кўриниб турибди.

— «Аввал ўзингга боқ ...» деганлар, — деди нотаниш йигит бепарволик билан.

— Агар сир бўлмаса, кимсиз ўзи? — асабий равишда сигарет тутатди Ақобир. — Нимасиз? Балоказомисиз? Ажалнинг уруғи? ...

— Балким, шунақадирман? — аччиқ жилмайди нотаниш йигит. — Балки, сен айтгандек ўлим элчиси ... балки, тақдири азалдирман?

— Мендан нима истайсиз? — титраб кетди Ақобир. — Шунча кўргуликларни бошимга солганингиз етмайдими?

— Мен сенга ҳеч канақа ёмонлик қилмадим, Ақобир, — деди нотаниш йигит хўрсиниб. — Аксинча, факат яхшилик истадим. Ўша ўқишга кирма, дедим. Ўша ишхонадан бўша, дедим... Кулоқ солмадинг!

— Минг лаънат сизга! — кичкириб юборди Ақобир аламдан қакшаб. — Кимсиз ўзи? Фолбинми, сеҳргарми, жинми, алвастими, нима балосиз? Мен билан нима ишингиз бор? Аравангизни тортиб юрвермайсизми?

Нотаниш йигит совуқкина заҳарханда қилди:

— Битта аравада бўлсак нима қилай, оғайни?

— Бекорнинг бештасини айтибсиз, — тишларини синдиргудек ғижирлатди Ақобир. — Ҳар кимнинг гўри бошка бўлади!

— Тўғри, — уни тасдиқлади нотаниш йигит ва қўшиб қўйди, — лекин сен билан икковимизнинг гўримиз битта бўлади.

Ақобир ток ургандек сесканиб тушди.

— Қа ... нақасига? — деди у кўзларини катта-катта очиб.

— Шунақасига, оғайни, шунақасига, — кулди нотаниш йигит ва шивирлади. — Энди эсингни йиғиб ол! Бу дунё сен ўйлаганчалик жаннат, одамлар эса фаришта эмас!

— Ўқитмай қўя қолинг! — унинг сўзини бўлди Ақобир.

— Ўзинг биласан, мен айтдим, қўйдим, — деди нотаниш йигит унга синовчан тикилиб. — Азбаройи сенга раҳмим келганидан айтаяпман.

— Раҳмингиз келмай қўя қолсин. Мен сизни, сиз мени танитаймиз. Ўўлингиздан қолманг! — деди Ақобир бўғилиб. — Агар яхшиликча кетмасангиз, оқибати хунук бўлади!

— Бундан баттари бўлмаса керак? — кулимсиради нотаниш йигит. — Қўлингдан ҳеч нима келмайди. Сен ожиз, қўрқок ва нотавон бир кимсасан. Сен тақдир қўлидаги бир қўғирчоқсан. Шахсинг шаклланмаган, қиёфанг йўқ. Агар шу аҳволда юраверсанг, мени ёшимга ҳам етмайсан.

— Бунисини сизга алоқаси йўқ, — деди Ақобир тутакиб.

— Афсуски ... алоқаси бор, — деди нотаниш йигит сирли қилиб.

Ақобир валати аҳволга тушиб қолди.

«Нима қилса бўлади, бу ирқит одамни? Нега менга ёпишиб олган? Нега тинч қўймайди? Нима истайди мендан? Ичавериб алжираб қолган пиёниста деса, ўхшамайди. Телба, ё тиланчи ҳам эмас. Гапидан адашмайди. Эс-хуши жойида. Ё, шайтон-пайтонмикан?»

— Қўпам ўйлаб сиқилаверма, — деди нотаниш йигит синикқина кулиб. — Қўнглингдан нималар кечаётганини сезиб турибман. Жуда сен ўйлаганчалик даҳшатли одам эмасман. Сенга яхшилик истайман, холос.

Ақобир шу тобда «сизни маслаҳатларингизга зор

эмасман» демокчи бўлди-ю, унинг хар сафар ҳақ бўлиб чиқаётганини эслаб тилини тишлаб қолди.

— Яна бир маслаҳатим, — деди нотаниш йигит унга яқинлашиб, — Ойгулга уйланма!..

— Ни-ма? — Ақобир бошига мушт тушгандек қалқиб тушди. — Сиз ... сиз қаёқдан биласиз уни? — Буни аҳамияти йўқ, — деди нотаниш йигит. — Сен уни аввалги эридан нима учун ажрашганини билмайсан-ку, ахир?

Ақобир тош қотди-қолди...

— Сиз ... Ойгул ҳақида биласизми? — тили зўрға айланди Ақобирнинг.

— Афсуски, биламан, — деди нотаниш йигит оғир сўлиш олиб. — Эътиборинг учун, ўша, сен уйланмоқчи бўлаётган жононнинг эри уни жазмани билан ушлаб олган...

— Ёл-ғо-он! — кичкириб юборди Ақобир.

— Марҳамат, ўзидан сўраб билишинг мумкин, — елка қисиб қўйди нотаниш йигит. — Менинг вазифам сени огоҳлантириб қўйиш.

— Ким сизга мени бир умр таъқиб эт, огоҳлантириб юр, деган вазифа топширган? — деди Ақобир эзилиб.

Нотаниш йигит бир лаҳза унга тикилиб турди, турди-да, кейин кўрсаткич бармоғи билан осмонга имо қилди ва орқасига бурилди. Ақобир худди яшин урган дарахт янглиғ қуйиб-ёнган қўйи йўл чеккасида қотиб қолди.

... Барибир тўй ўтди. Жуда унақа, етти маҳалла йиғилиб, гижбадабанг бўлмасаям, чиройли зиёфат шаклида ўтди. Ақобирнинг қариндош-уруғлари, ёр-биродарлари хурсанд эдилар. Лекин Ақобирнинг ичига чирок ёкса ҳам ёришмасди. Нотаниш йигитнинг ўша кунги бозор йўлида айтган гаплари унинг ҳаловатини бузиб қўйган, хотини ҳақидаги ўша заҳаролуд сўзларига ишонишни ҳам, ишонмаслигини

хам билмас, буни суриштириш, ошкор килишдан эса иккиланар, шундок хам тавки-лаънат осилган бошига тушгувчи бу бешафкат зарбани отаси, энг аввало касалманд онаси кўтара олмаслигини ички бир туйғу билан хис этар, шубха-гумонлар аро икки ўт орасида ёниб, куйиб, ўртаниб ўлтирарди.

Барибир бўлмади. Биринчи кечадаёқ келиндан сўради. Ўзи хам кутмаган холда, ўта босиклик билан, халиги «маданиятли» ёхуд «одоб доирасида» дейиладими, шундай ҳолатда аввалги эри билан ажрашгани сабабини сўради. Тўғрироғи, гап орасида шунга ишора қилди. Ва ўзи учун хам кутилган, хам кутилмаган ҳодиса юз берди.

«Кўз очиб кўрган хотини» ҳеч нарсани яшириб ўтирмади. Унинг айтишича, ота-онаси сўраб-суриштирмай қандайдир чаласавод олимнинг хонадонига узатишгани, уларнинг хаммаси ўлгудек пасткаш, майда гап одамлар эканлиги, китоб титкилашдан бошқа нарсани билмайдиган эри эса ўта ношуд ва миждов йигит эканлиги, оила даврасида телевизорда кўрган фильмларни муҳокама килишлари, фалон артистнинг машинаси қанақа маркалигидан тортиб, ҳокимиятдаги қайси лавозимга ким тайинланганию, аслида унга ким муносиблиги кабилидаги энсани қотирадиган, кулгили ва юракларни сикувчи мунозара-ю, муҳокамалардан зерикканлиги ҳақида гапириб берди. Кейин-кейин бунақа «оилавий давралар»га аралашмай, унчалик эътибор бермай қўйибди. Турган гап, бу муносабат аввало қайнонасига, қолаверса, қайнисингилларига унчалик хуш келмаган албатта. Шундан кейин қилдан қийик топиб, кунда-кунора жанжал чиқарадиган бўлиб қолишибди. Ҳезимкаш эри бўлса, жим. На хотинини, на онаси ва сингилларининг гапларига қўшилармиш. Хулласи, бўлмабди-да-е!..

Акобир хотинининг бу ҳикоясини худди ғамгин ва мунгли бир эртақдек эшитди-ю, эзилган ва қийналган бу гўзал аёлга нисбатан меҳри товланиб кетди. Боз

устига, шу пайтгача киз-жувонларни билагидан ҳам ушламаган, ўзи ҳам, кўзи ҳам оч йигит эмасми, бир меҳрига юз меҳр кўшилди-ю, йигитлик ҳирси билан уни бағрига тортди. Ойгулнинг тундек сочларига кўмилиб, унинг вужудидан таралаётган гул исига чўмилиб, бу дунёни унутди-қўйди...

«Вакт — даво» деганларича бор экан.

Кунлар кетидан ҳафталар, ҳафталар кетидан ойлалар ўтгани сайин Ақобир ҳам кечаги кир ўтмишидан йироклашиб борар, тонготардан кунботарга қадар мебель фабрикасидан чиқмас, иш билан овунар, унинг қачонлардир айбланиб қамалгани ва бир неча йилларни панжара ортида ўтгазганини кўпчилик билмас, Ақобирнинг ўзи ҳам бу ҳақда бировга мик этмасди. Мик этмасди-ю, аммо сал букчайиброк юрадиган, суяқлари бузук, бу одамовироқ йигитнинг озғин юзларида, ич-ичига ботган кўзларида алланечук аламми, дардга ўхшаш бир ифода муҳрланиб қолгани шундоққина сезилиб турар, бироқ ҳеч ким бу билан қизиқмас, ким билсин, балки сўраб-суриштиришга ботинолмасди. Зеро, Ақобирнинг ўзида, гап-сўзида, қўйингчи, хатти-харакатларида ҳам одамларни ўзидан узоқлаштирадиган аллақандай телбаворий қуч бор эди.

Ақобир ана ўша, «фақир киши панада» қабилида умргузаронлик қилиб юрган кунларнинг бирида отаси ҳовлида тийғониб кетиб, ўмров суягини синдириб олди-ю, гипсдан кейин оёқлари ишламай ётиб қолди. Қилинган дори-дармонлар ҳам наф бермади, борган сари мазаси қочди. Онаси эса ўз хасталигини ҳам унутган, туз йиғилган оёқларини аранг судраган қўйи отасининг тепасида парвона эди.

Боз устига, Ойгул уззукун уйда бўлмас, гоҳ филармонияда, гоҳ аллақайси театрларда қолиб кетар, кечалари эса алламаҳалгача мук тушиб олиб келган даста-даста ноталарини кўчириб ўтирарди...

Ана ўша кунларнинг бирида Ақобир ишдан эр-тарок қайтиб қолди-ю, ўз одатига кўра, отасидан ҳол-аҳвол сўраш учун у ётган хона томонга ўтиб бораркан, ичкаридан келаётган онасининг товушини эшитиб беихтиёр тўхтади.

— Сиз бу ёқда бунақа бўлиб ётибсиз, у ёқда бўлса Ақобир бечора тиниб тинчимайди. Қийналиб кетди, болам бояқиш, — деб ҳасрат қиларди онаси, — хотинини бўлса на биз билан, на эри билан иши йўқ. Кун бўйи аллақаяқларда сандираклаб юради. Туғаколганида ҳам майлийди, қумтош бўлиб уйда ўтирармиди? — деди яна онаси ва йиғламсираб қўшиб қўйди. — Ишқилиб, жонингиз соғ бўлсин, ўлиб-нетиб қолсангиз нақ шўрим қуриб қолади-я?!

Унга жавобан отасининг хириллаган товуши эшитилди.

— Хавотир олма, ўлгудек бўлсам, сени буларга ташлаб кетмайман...

— Э, ҳазилингиз бор бўлсин, — ғўлдиради онаси.

Ақобир ўшанда чол-кампирнинг ҳасрат аралаш қилган ҳазиломуз суҳбатларини жиддий қабул қилмаган эди. Аммо ҳар қандай ҳазилнинг тагида жиндек бўлса-да, ҳақиқат бўларкан. Орадан бир ой ўтар-ўтмас, отаси вафот этди. Қирки ўтмасдан туриб, онаси ҳам ҳаётдан қўз юмди. Отасининг ўзи айтмоқчи, «униям ташлаб кетмади, ўзи билан олиб кетди».

Ақобир дафн маросими куни, ўша салкам бир ой аввал тасодифан эшитиб қолган ота-онасининг суҳбатларини эслаб ғалати бўлиб кетди. «Ўлим аввалдан белги бераркан-да» дея ўйланиб қолди.

Мана энди бўлса, ҳаётдек ҳовли қандайдир бегона, хувиллаб бефайз тус олгандек туюларди унга. Аввалига опаси бир этак боласи билан келиб кетиб, Ақобирнинг иссиқ-совуғидан хабар олиб турди. Кейин-кейин у ҳам ўзидан, ўз тапшивларидан ортмай қолди.

Бу орада Ақобир ишлаётган мебель фабрикаси хўжалик ҳисобига ўтди-ю, ҳаммаёқ алғов-далғов бўлиб кетди. Хомашё деярли йўқ, буюртмачилар кам эди. Буниси энди молиячилар тили билан айтганда, «тушум йўқ» деган гап. Иш ҳақининг баракаси қочган, ойлик мукофот умуман берилмай қўйилгани кўп ўтмай ўз таъсирини кўрсата бошлади.

Ойгул ўша кезлари анчайин инжик ва тантик бўлиб қолганди. Бу, ҳомиладорлик белгиси дейилса, бирон аломати кўзга ташланмас, бошқа бирон сабаби бордир дейилса, буниси ҳам номаълум эди. На ўзи айтарди, на Ақобир буни тушуниб етарди. Бошқачароқ қилиб айтадиган бўлсак, эр-хотин бир вагонда кетаётган икки бегона йўловчиларга ўхшаб кетишарди.

Хуллас, шу тахлит кунлар кетидан кунлар бир-бирини қувалаб ўта бошлади.

Ойгул ҳамон гўзал эди. Келишган қадди-басти, қора баҳмалдан қирқилгандек қош-қўзлари қарамаганни ўзига қаратар, боз устига санъаткорлар орасида ишламайдими, улардан «юккан» артистнамо қилиқлари, шўх-хандон қулишлари, ноз-қарашмалари-ю, ёлғондан аразлаб чиройли лабларини чўч-чайтириб олишлари бирам ўзига ярашардики, асти қўяверасиз!

Ақобир шунақа лаҳзаларда толе барча кўргуликлари, азоб-уқубатлари эвазига ҳадя этган бу офат-ижон, шойиста жувон учун жони-жаҳонини ҳам беришга тайёр эди. Топган-тутганини икки қўллаб унга тутказар, худодан ёлғиз унгагина соғлиқ-омонлик тилар, зеро, бу ёруғ дунёда унинг учун Ойгулдан яқинроқ, азизроқ ва қимматлироқ киши қолмаган ҳам эди, аслида.

Ақобир пулдан сиқилиб юрган ўша кунларнинг бирида фабрикадаги ҳамкасблари унга қўшимча «иш» таклиф қилиб қолишди. Бундоқ қараса, кунда-кунора қилиб юрган иши — буюртма берган хонадонга

бориб, мебелларни йиғиб, ўрнатиб беришдан иборат экан холос. Аслини олгандаку, бу ҳам осон иш эмас. Мебелнинг ҳар бир бўлагини ўрни-ўрнига жойлаштириш, мурватларини бураб мустаҳкамлаш, эҳтиёткорлик билан уйга ўрнатиб бериш нозик иш. Ақобир эса ишнинг ҳадисини олволган эди. Шундан кейин ҳамкасбларига қўшилиб бир-икки хонадонга борди. Қараса, ёмонмас. Умуман олгандаку, тирикчиликнинг айби йўқ. Қолаверса, фабрикада ўлиб-кутулиб ишлаб топадиган ойлигини икки кунда қуртдек санаб олапти. Бу иш ўзига ҳам маъқул тушиб қолди-ю, ўзи-ям таниш-билишларидан, мебел сотволиб ўрнатадиган миждозларни суриштириб юрадиган бўлди. Топди ҳам...

Дам олиш кунларининг бирида Эски шаҳардаги «ёйма бозор»да пармасига тиш қидириб юрганди. Қачонлардир, «у ёқда» бирга бўлган танишини учратиб қолди. Тиқилинчда урилиб-сурилиб ўтиб бораётганди, кимдир «ие, футболчи!» деб бўйнига осилиб олди. Қараса, хибсда бирга бўлган таниши! Ўзгариб кетибди. Ақобир дафъатан танимади. Икки юзи кипкизил, оёзи тўла тилла тиш, ҳатто тарвуздек қорин солибди. Етаклашиб бозор четидаги кабобхонага киришди. Тўртта пивони олдиларига қўйволиб анчагача суҳбатлашиб ўтиришди.

Маълум бўлишича, «собик қисматдоши» ҳозирда «халқа йўл»даги улгуржи бозорга ўрнашиб олган, шаҳар марказида тўрт хонали уйи, чет эл русумли автомобили бор бўлиб, яқинда Хумсон тарафга далаҳовли қурдирган, у ерга хорижда ишланган мебеллар мажмуи олиб бориб қўйганига бир ой бўлганига қарамай, ҳалигача ўрнатомай юрган экан.

Ақобир унинг гапидан суюниб кетди. Кейинги шанба-якшанба бўшлиғи, истаса биронта шеригини олволиб ўрнатиб бериши мумкинлигини айтди. Қисқаси, тижоратчи таниш шанба куни уни ва шеригини темир йўл бекатида кутиб оладиган бўлди

ва аванс тариқасида бир даста пул тутказиб Ақобир билан хайрлашди...

Ақобир танишининг дала-хавлисини кўриб хайратдан ёқа ушлаб қолди. У ўтган вақт мобайнида кўплаб ховли-жойларни кўрган, аммо бунақасини тасаввурига ҳам сиғдирилмасди.

Икки қаватли маҳобатли бино. Орқа тарафида мрамар ховуз. Сауна. Ишқом тагида баланд сўри. Анвойи гуллару, ажойиб дарахтлар. Ертўла, биллиардхона. Томида шийпон. Хона ичидаги жихозларгаку, гап йўқ. Бу япон телевизорлари-ю, видеомангитофонлар, биллур қандиллару, чўғдек гиламлар...

Ақобир билан шериги ховлидаги чет эл мебелларини очишаркан, хайратлари чандон ошди. Шунча йил мебель фабрикасида ишлаб бунақа чиройли, бежирим оромкурсиларни, шкаф, диванларни кўрмаган эди.

Таниши эса «уй хизматчиси» деб таништирган дўндиккина ўрис жувонга ва яна иккита ёш йигитчаларга нималарнидир тайинлаб, қўл телефонида ким биландир овозини пасайтириб гаплашди, кейин «кечқурун қайтаман» деди-да, оппоқ «Мерседес»ига ўтириб қаёққадир жўнаб кетди.

Ақобир билан шериги қош қорайгунча мебелларнинг ярмидан кўпини созлаб, ўрнатиб қўйишди, шундан кейин хизматчи йигитлардан бири уларни ховлидаги сўрига таклиф қилди. Ихчамгина хонтахта устидаги ноз-неъматларни кўриб, Ақобирнинг ҳам, шеригининг ҳам кўзлари кинидан чиқиб кетаёзди. Дастурхон устида йўқ нарсанинг ўзи йўқ, алламбало шишалардаги ичимликлар, парракланган қазии-карталару, балик увулдирикларидан тортиб, қовурилган жўжаларгача ҳозиру нозир эди. Ақобир билан шериги фабрикадаги хароба ошхонада қарам шўрва-ю, арзонгина гумма еб юрган одамлар эмасми, бу шохона дастурхон устида яйрашди. Қоньяк

арокка, арок тунука кутичаларидаги «Бавария» пиволарига аралашиб кетди. Акобир бир маҳал қараса, шеригининг кайфи баланд, сўлаги окиб сўри четида чўзилиб ётибди.

Уни турғазишга уринди, бўлмади. Кейин бу қилғилиқларидан хижолат чекиб, хиёл гандираклаган кўйи дала-ховли этагидаги шаркираб турган анхор бўйига борди. Белигача сувга тушиб пишкириб узок ювинди, барра майсалар устида чўзилганча сигарет тутатди. Унга алам қиларди.

Ха, ха, унинг хозирги ҳолатини бошқача таърифлаб бўлмасди. Унга алам қиларди. Қачонлардир худди ўзи каби панжара ортига тушган, гиёҳванд савдоси устида қўлга олинган ана шу кўримсизгина йигитга нима учун бунчалар омад кулиб бокканига, у қандай қилиб бундай тўкин-сочин ҳаётга эришганига, ўзи эса эрталабдан-кечгача терга ботиб ишласа ҳам сира бири икки бўлмаслигига лолу хайрон эди.

Ўз ҳаётини, тиканли сим ортида ўтказган йилларини, фабриканинг чанг ва кипикка, қулоқларини қоматга келтиргувчи тарақа-туруқ товушлари-ю, бақир-чақир ва бепарда сўқинишларга тўлиб-тошган устахоналарини эслади. Кейин бу ерда ортик қололмаслигини ички бир туйғу билан хис қилди. Ойгулни, жонидан азият Ойгулини ана шундай жаннатий ҳаёт билан таъминлай олмаётганига жуда хафа бўлиб кетди. Кейин асбоб-ускуналарини наридан-бери йиғиштириб, кетишга чоғланди. Хизматчи ўрис аёлга «шеригим уйғонгач ишни давом эттириб туради, мен саҳарлаб келаман» деб йўлга чиқди. Хизматчи аёл ғунча лабларини бурган кўйи хайрон бўлганича қолди...

Охирги электрчка шаҳарга кетиб бўлган экан. Ноилож автостанция тарафга йўналди. Автобусдан автобусга, ундан йўловчи машиналарга миниб алла-маҳалда шаҳарга кириб келди.

Ругубатли кеча эди. Кўк юзини кўрғошин тусли увада булутлар коплаб олган, этни жунжиктирувчи совуқ шамол ғувиллаб турарди.

Акобир хали ўзи яшайдиган маҳаллага етар-етмас кўк юзини тилка-пора қилиб чақмоқ чақди, кейин осмоннинг аллақайси бурчида момақалдироқ гумбуради-ю, шаррос ёмғир қуйиб юборди. Акобир сувга тушган мушукдек бошдан-оёқ бўкиб уйига етиб келганида вақт алламаҳал бўлиб қолган эди.

Ёмғир томчилари беаёв савалаётган асфальт кўча ҳам, лойка сув тўлиб-тошиб оқаётган ариқлару, темир қалпоқлари шамолда сирли лопиллаб турган симёғочлар ҳам, қоронғида алланималарни пайпаслаб излаётгандек силкинаётган дарахт шохлари-ю, тандирнинг оғзидек қоп-қоронғи уй деразалари ҳам алланечук совуқ ва хунук бир манзара касб этгандек эди гўё...

Акобир уйи деразалари ҳам қоронғи эканлигини кўриб, «Ойгул ё онасиникига кетган ё ухлаб қолган» деган ўйда эшик қулфига қалит солди. Аммо у буралмади. Орқа тарафдан ҳам қалит сукиб қўйилган, бу ичкарида одам борлигининг белгиси эди. «Демак, ухлаб ётибди, — ўйлади Акобир ва эшик кўнғироғини босмокчи бўлди-ю фикридан қайтди, ярим кечада безовта қилмай кўя қолай, деган хаёлда кўча девор тарафдаги газ қувурига осилиб ҳовлига тушишни маъқул топди. Ҳам Ойгул безовта бўлмайди, ҳам унинг учун қутилмаган «сюрприз» бўлади...

Акобир илгари ҳам, кеч келган пайтлари девор ошиб юргани учун қийналмади. Худди ўғри мушукдек деворга тирмашиб чиқиб, сассиз-садосиз сирғалиб ҳовлига тушди.

Ҳовли жимжит эди. Фақат этакдаги уйнинг болохонасидаги тунги чироқнинг напармон шуъласи ожизгина йилтираб турарди, холос. «Ойгул чироқни ёкиб ухлаб қолган кўринади, ё қўркиб ёкиб қўйган», — деб ўйлади. Акобир ва ўша томонга йўнал-

ди. Ўзи ишлаган баланд зиналардан кўтарилди-ю, хотинининг нозли кулгисини эшитиб, турган жойида котди-колди. Афтидан Ойгул ичкарида ёлғиз эмасди. Ақобир секин бўйинини чўзиб деразадан мўралади.

Болохонанинг қарийб ярмини эгаллаган, Ақобирнинг ўзи бор маҳоратини ишга солиб ишлаган қаравот устида ярим яланғоч икки киши ётишарди. Ақобир хотинининг оппоқ, таранг елкаларига ёйилган сочларидан таниди, эркакни эса аниқ кўролмади. Ўзини аранг босиб эшик тарафга юрди. Пол ғирчиллаб кетдими ё кимдир келаётганини сезишдими, ҳайтовур ичкаридагилар тараддудланиб қолишди. Ақобир эшикни итарди. Ойгул шоша-пиша эшик ёнига келди, кафтини пешонасига соябон қилиб деразадан ташқарига қаради. Қаради-ю, кўзлари дум-думалок бўлиб кетди. Қаравот орқасида энгашганча апил-тапил қийинаётган эркак эса тесқари қараб олганди. Ақобир ўзини тутолмади, бор кучи билан эшикни тепди. Эшик ойнаси қарсиллаб синиб тушди. Бегона эркак билан хотини ҳайқал бўлиб қолишди.

— Узр, майшатга ҳалал бердим, шекилли? — деди Ақобир ўз овозини ўзи ҳам танимай.

— Шунақа бўлиб қолди, — деди хотини қутилмаганда совуққонлик билан ва худди ҳеч нарса бўлмагандай новвотранг ҳарир ичкўйлагини шошилмай қия бошлади.

Ақобир ундан бу жавобни қутмаганди, шунинг учунми, худди кўз олдида ер билан осмон чирпирак бўлиб айланаётгандек туюлди-ю, гандираклаб кетди, чакка томирлари бўртиб чиқиб, пешонасини ғижимлаганча деворга суянди.

Бегона эркак эса худди шуни қутиб тургандек лип этиб ёнидан ўтди-ю, зинадан ўзини пастга отди.

— Тўхта, иф-ло-ос! — ваҳшиёна қичқирди Ақобир. — Тўхта деяпман!...

Бегона эркакнинг ёмғирдан бўкиб ётган ховлида тийғонганча югуриб бораётгани кўринди. Ақобир

беихтиёр зина тарафга отилганди, хотини йўлини тўсди.

— Нима гапинг бўлса, менга айтавер! — «сен»сиради у кўзларида совук бир ўт йилтираб.

— Сен қанжиқ билан алохида гаплашаман! — деди Ақобир аламли вишиллаб ва ҳовлига сакради. Аммо барибир улгуролмади. Бегона эркак аллақачон ғойиб бўлган эди. Ақобир аламдан титраб-қакшаб яна орқасига қайтди. Энди болохона чироклари ёнган, Ойгул эса зина тепасида қўлларини қовуштирганча худди тошдан йўнилган санам янглиғ қотиб турарди.

— Сени ифлослигингни билардим, — кичқирди Ақобир ва оёқ остида ётган тешани олиб Ойгул тарафга отди. Теша мўлжалга тегмади. Девор сувоғининг бир парчасини учуриб, яна қайтиб ерга тушди.

Ойгул эса худди шуни кутиб тургандек, «Ажаб бўпти!» — деди-да, шоша-пиша зиналардан тушиб бораркан, ўзи тарафга важохат билан келаётган, юзи алланечук қийшайиб, кўзлари ваҳимали олайиб кетган эрини кўриб қадамини жадаллатмоқчи ёхуд қочмоқчи бўлдим, туйқусдан айланма зинанинг ярмига келганда мувозанатини сақлаёлмай пастга йиқилди. Ўрнидан турмоқчидек қўлларига таянди, ингради, бошини чангаллади ва бир-икки қалтирадию, цемент ариқ ёнига чўзилди-қолди.

Ақобир юзини терс буриб, «ифлос» дея ерга тупурди ва ҳовли тўридаги меҳмонхона тарафга ўтиб кетди. Ичкари кирди. Буфет-жавонни очиб арок олди, босиб-босиб бир-икки пиёла ичди. Устма-уст сигарет чекиб, анча ўтирди. Шу тарика, юракларни қон қилгучи таранг ва совук чорак соатча вақт ўтди...

Яна ташқарига чиқди. Ҳовлига қаради. Яна шитир-шитир қилиб ёмғир ёға бошлаган, новвотранг ичқўйлагининг этаги белигача очилиб қолган Ойгул эса ҳамон цемент ариқ четида чўзилиб ётарди. Ақобир бир кўнгли унинг ёнига бормоқчи ҳам бўлди-ю, ҳозир-

гина кўз олдида содир бўлган шармандали манзарани эслаб фикридан қайтди, ижирғаниб хотини тарафдан юзини тескари бурди. Яна меҳмонхонага кирди. Яна пиёлани тўлдириб арок симириб чиқди. Кейин зина ёндорига суянганча сигарет чекди. Ўтириб гувиллаб оғриётган бошини ёғимлади. Кейин кайф аралаш алланамаларни ғудраганча сўқиниб ўтирган кўйи шу ерда ухлаб қолди...

... Эртаси эрталаб уни камокқа олишди.

Акобир худди кўркинчли бир туш кўрганга ўхшар, нималар бўлганини сира англаб етолмасди. Тоғда, танишининг дала-ховлисида мебель ўрнатганини, унинг шоҳона туриш-турмушини кўриб хавас қилганини ҳам, ярим кечада ёмғирда бўкиб уйга қайтгани-ю, девор ошиб ҳовлига киргани, хотинининг тўшакда, бегона эркакнинг қўйнида кўрганини ҳам сира тасаввурига сиғдиролмасди. Аммо унинг камокхона камерасида шумшайиб ўтиргани ҳақиқат эди. Яна бошқа, рад этиб бўлмайдиган аччиқ бир ҳақиқат ҳам бор эдики, Акобир бунисини энди етти ухлаб тушида ҳам кўрмаганди.

У ҳам бўлса, Ойгулнинг ўлиги ховлиларидаги цемент ариқ ёнида топилган эди...

Яна текшир-текшир, сўроқлар бошланди.

Акобир илгари бу ҳолатни бошдан кечиргани учунми, ҳаммасини алланечук совукконлик ва хотиржамлик билан қарши олди. Биринчи сўроқдаёқ бор гапни яшириб ўтирмай айтди-қўйди. Масала андак ойдинлашгандай бўлди. Энди асосий муаммо қолган эди. Яъни, Ойгулнинг қандай қилиб ўлдирилганига аниқлик лозим эди. Энг қизиғи, Ойгулнинг бошига оғир жисм урилган, бундан ҳам даҳшатлироғи, Акобир хотинига отган ва мўлжалга тегизолмаган теша эрталаб уни қўлга олганларида оёқлари тагида ётарди...

Акобирнинг ўзи эса хотинига кўлининг учиниям теккизмаганини аниқ-тиниқ эсларди. Аммо нимаям дейсиз? Жиноят содир этилган, қотиллик юз берган, ашёвий далил — теша эса айбланувчи Акобир Ахмедовнинг шундоққина оёқлари тагида ётар, экспертларнинг текширувлари ҳам унинг сопида Акобирнинг қўл изларини топган эди.

Акобир барибир ўз кўрсатмаларида туриб олди. Тоғда, бойвачча танишининг дала-ховлисида бўлгани рост. Ярим кечада ширакайф холда уйига қайтгани рост. Хотинини бегона эркак билан тутиб олгани рост. Бегона эркакнинг қочиб чиқиб кетгани, ўзи хотинига теша отгани, аммо теша деворга урилиб бошқа тарафга учиб кетгани, кейин хотинининг зинадан йиқилиб тушгани рост. Лекин уни теша билан Ойгулнинг бошига уриб ўлдиргани ёлғон, қип-кизил тухмат эди...

Акобир шундай ўйларди ва ўзининг ҳақлигига ишонарди. Аммо қилни қирк ёрувчи терговчилару изқуварларни ишонтиришнинг ўзи бўлмас экан. Ўлганнинг устидан тепгандек, «илгари камалиб чиққан» деган тамғаси бор. Ким ҳам унга ишонарди?

Йўқ, Акобирга ишонгувчи, уни тушунишга ҳаракат қилгувчилар ҳам йўқ эмас экан.

Катта лейтенант Қурбонов ана шунака одамларнинг бири бўлди.

Акобир аввалига бир вақтлар ўзига хайрихоҳлик билдириб, ҳамдард бўлишга уринган ёш терговчини танимади. Танигандан кейин эса кўзини каёққа олиб қочишни билмай қолди. Бахтга қарши лейтенант Қурбонов ўзи устидан кўзғатилган жинойий иш билан шуғулланаётган гуруҳ раҳбари этиб тайинланган экан.

Қурбонов билан биринчи суҳбатлари анчайин расмий ва совуккина ўтди. Турган гап, лейтенант ҳам Акобирни таниганди. Шунга қарамай, қоидасини келтириб сўраб-суриштирди, қандайдир қоғозларни тўл-

дирди. Исеми-шарифи, касб-кори, турар жойи, оилавий аҳволи билан қизиқди. Ақобир ҳам яшириб ўтирмади. Ҳаммасини бир чеккадан айтиб берди ва гап орасида «Сиз билан илгари ҳам учрашганмиз» деб қўшиб қўйди. Лекин лейтенант Қурбонов бу гапга унчалик эътибор бермади, шунчаки «бўлиши мумкин» дея елка қисиб қўя қолди. Фақат тергов тугаб Ақобирни олиб чиқиб кетишаётгандагина унга юзланди.

— Сизга сира омад кулиб бокмаяпти, биродар, — деди таассуф оҳангида. — Аввалги сафар ҳам шунақа «ўрам»га тушиб қолган эдингиз. Бу сафар ҳам бутун чиқишингиз гумон...

— Наҳотки, сиз мени хотинининг қотили деб ўйлаяпсиз? — алам билан шивирлади Ақобир.

— Ҳозир бир нима дейиш қийин, — деди Қурбонов чуқур тин олиб, — қанийди, энди шунақа бўлиб чиқмаса? Қўрағиз, иш энди бошланди!..

Аслини олганда жиноий иш бошланмагани маъқул. Бошландими, тамом, тугатилиши қийин. Йўқ нарсалар бор, бор нарсалар йўқ бўлиб чиқиб келаверади.

Бировнинг айбини бўйнига қўйишнинг ўзи бўлмайди. Рад этиб бўлмайдиган далиллар талаб қилинади. Далил учун эса исбот керак. Прокуратура тахмин ва шубҳаларга таяна олмайди. Ҳар бир жиноятчи аниқ, пухта, синчиклаб текширилиши, инсон тақдирга эътибор билан, эҳтиёткорлик билан ёндошилиши лозим.

Катта лейтенант Қурбонов бу қонун-қоидаларни яхши биларди. Шунинг учун ҳам шошилмади. Бир неча кундан кейин гувоҳлар — Ақобирнинг тордаги таниши ва дурадгор шериги билан юзлаштирди. Ақобирдан ўша кунги, уйидан қочиб чиқиб кетган нотаниш эркакнинг белгиларини чизиб беришни сўради. Афсуски, Ақобир хаяжон оқибатиданми, хонагир-шира бўлгани учунми, ўша эркакни аниқ эслаб қола олмаган эди. Шунга қарамай, кийимларини, яна айрим белгиларини айтиб беришга ҳаракат қилди.

Аммо бу лойка ва хирамтир кўрсатмалардан натижа чикмади.

Вакт ўтиб бормокда эди... Вакт эса, жиноят кидирувчилар, изкуварлар, қўйингчи, барча прокуратура ходимлари учун энг қимматли нарса саналади. Вакт қўлдан кетса, кидирув кечикса, тергов чўзилса, излар йўқолса, иш баттар чигаллашади. Ҳар қандай одам кўрсатмасидан тониши мумкин. Айбдор ҳам, жабрланувчи ҳам, гувоҳлару, «тилсиз» далилу таҳминлар ҳам... Фақат марҳумларгина бу жараёндан истисно бўладилар, холос.

Катта лейтенант Қурбонов шуғулланаётган бу «жиноий иш»да ҳам худди шунга яқин ҳолат мавжуд эди. Жиноят содир этилган, шубҳаланилаётган шахс қўлга олинган, гувоҳлар йўқ, жиноятнинг яна бир иштирокчиси — нотаниш эркак эса сувга тушган тошдек ғойиб бўлган, бошқа бир иштирокчи, балки, жабрланувчи эса ҳаётдан кўз юмган...

Ана шу асабий ва диккинафас кунларнинг бирида камера эшиги очилиб лейтенант Қурбонов кириб келди. У анчайин ҳорғин ва ташвишли кўринарди. Сигарет тутатди, торгина хонанинг у бошидан бу бошига юрди, юрди-да, Ақобирнинг рўпарасида тўхтаб охистагина деди:

— Кеча кечқурун... хотинингизни дафн этишди...

— Буни менга қизиги йўқ, — жавоб берди Ақобир.

— Йўғе? Хотинингизни-я? — таажжубини яширмади Қурбонов.

— Анчадан буён эр-хотин келишолмасдик, — деди Ақобир яна бир туки ҳам қилт этмай ва гапини тўғрилади, — мен унга ишонмасдим...

— Қачондан бери? — синчковлик билан унга тикилди лейтенант Қурбонов.

— Анчадан бери, дедим-ку, — чайналди Ақобир.

— Бир йилми, икки йилми, юз йилми? — асабийлашди Қурбонов.

— Бунисини нима қизиги бор, лейтенант? — узр-хоҳлик билан деди Ақобир.

— Сизга бўлмаса, бизга қизиги бор, — деди Қурбонов қизишиб ва сирли оҳангда қўшиб қўйди. — Балки ўша кеча хотинингизни ёнида бўлган эраққам ҳам сизни қизиқтирмас?

Ақобир ялт этиб унга қаради:

— Ким экан у?

— Ана кўрдингизми? — ўчиб қолаётган сигаретини қайтадан ёндирди лейтенант. — Ўша эраққамнинг ким эканлигига қизиқасиз у билан боғлиқ маълумотларни айтишни истамайсиз. Хўш, айтингчи, хотинингизни жазмани... Кечирасизу, буни бошқа атаб бўлмайди,... борлигини илгари сезмаганмидингиз?

Ақобир бошига мушт тушгандай гангир қолди. Ранги оқариб, лаблари титраб кетди. Гўё рўпарасида турган лейтенант ўзининг қўнглидан кечаётган алғовдалғов фикрларни ўқиб тургандек туюлди-ю, юзини терс буриб, бош чайқади:

— Йўқ, сезмаганман...

Ақобир ўша куни қўнглидан кечган фикрни лейтенантга айтолмади. Қачонлардир ўзини таъкиб этиб юрган нотаниш кимса тўйи арафасида «бу аёлга уйланма, уни аввалги эри жазмани билан ушлаб олгани учун ажрашган», деганини айтишга оғиз жуфтлади-ю, тилини тишлаб қолди:

«Шуни билатуриб, нега бузуқ аёлга уйландинг?» деса-чи? Унда нима деб жавоб беради?...

Ким билсин, балки Қурбонов индамас ... лекин, «ўша, сизни огоҳлантирган кимса ким эди?» деб сўраб қолса-чи? Унда нима деб жавоб беради? Ахир ўша лаънати нотаниш одамни ўзи ҳам танимайдикун? Нега ўша ифлоснинг айтганлари доим тўғри чиқаверади? Нима учун? Ким ўзи? Бир вақтлар «шу ўқишга кирма» деганди. Кейин «бу ерда ишлама» деб огоҳлантирди. Яна айтгани тўғри чиқди. Қамалди. «Бу аёлга уйланма» деди. Парво қил-

мади. Мана энди, окибати! Ким бўлиши мумкин? Жинми, шайтонми? Нега ўлим мисоли доим унинг изидан кувиб юради? Қаёқдан пайдо бўлиб қолди ўзи бу бало? ...»

Акобир шу хил чалкаш ўйлар гирдобиди ганиб-каловланиб қолди. Ўша куни кечкурун мазаси қочди. Иситмаси кўтарилиб, алаҳсираб чикди. Индинига анча ўзига келди. Сокчи ҳамроҳлигида хибс-хона ҳовлисига сайрга олиб чиқишди.

Тўрт томони баланд тошдеворлар билан ўралган чоғроккина майдонча тепасига симтўрлар тутилган бўлиб, уларнинг орасидан осмоннинг яхлит бир бўлаги чиннидек яраклаб кўзга ташланиб турарди. Осмон тиник, ҳаво мусаффо эди. Негадир шундоқ қўл узатса етадигандек якин кўринарди у. Бунинг ҳам илож-имкони йўқ эди...

Акобир бунақа ҳолатга биринчи марта тушиши эмасди. Лекин барибир унга алам қиларди. Шундоқ бошинг тепасида осмон ясланиб, офтоб чараклаб турса-ю, сен унга қарай олмасанг. Тегрангда майин шабада елиб турса-ю, тоза хаводан тўйиб-тўйиб нафас ололмасанг! Бунданда ортиқрок азоб бўлади-ми кишига? Бунданда даҳшатлироқ нарса бормикан дунёда?!..

Акобирнинг боши айланиб, кўзи тиниб кетди. Юраги ханкириб, нафаси бўғзига тикилиб қолаёзди. Туйқусдан текис йўлда кокилди-ю, аранг деворга суяниб қолди. Уни яна ичкарига бошлаб киришди.

Икки тарафи оғир темир эшиклардан, панжара тутилган даричалардан иборат нимқоронги йўлакдан ўтиб боришаркан, қўлини оркасига жуфтлаганча бораётган Акобир йўлак бурчагида ранги униқиб, увадаси чикиб кетаёзган ёмғирпўшига ўралганча букчайиб турган ўша ... нотаниш кимсани кўрди. Кўрди-ю, кўзлари косасидан чикқудек олайиб кичкириб юборди. Беихтиёр ўша тарафга отилди. Аммо етиб боролмади. Ярим йўлда қўл-оёқлари калтираб, оғзи

кўпикланган кўйи юзтубан йиқилди. Нарироқдаги соқчилар ёрдамга шошилишди ва уни худди омов судрагандек судраб кетипди. Ажаб! Ана шу лахзаларда ҳам ўша нотаниш кимса Ақобирнинг ортидан нимтабассум килганча қолаверди...

Ақобир ўзига келгач, баттар жазавази тутди: «Нега унга индашмади? Нега уни ушлашмади ахир? — дерди хадеб ўз-ўзига. — Барчасига ўша махлуқ сабабчи эмасми аслида?...»

Шу кеча Ақобирнинг яна тоби қочди. Бу сафар уни хибсхона шифохонасига ётқизишга мажбур бўлишди.

Унинг ҳузурига биришчи бўлиб, яна ўша терговчи йигит-лейтенант Қурбонов таширф букорди. Анчагача гаплашиб ўтиришди. Энг муҳими, лейтенант ғалати, ҳам кутилмаган янгилик топиб келган эди...

... Маълум бўлишича, ўша машъум кеча Ақобирнинг ҳовлисида қочиб чиқиб кетган бегона эркак йўл-йўлақай қандайдир уйними-хонаними калитини тушириб қўйган, бундан ҳам асосийси ёмғирдан бўлкан ховли сатҳида туфлисининг излари тушиб қолган экан. Изқуварлар ана шундай далиллар ва Ақобир бошида берган айрим кўрсатмаларни атрофлича ўрганиб чиқиб, қочқоннинг белгиларини ва шахсини аниқлашга эришибдилар.

Булар айтишга осон ҳолос. Аслида эса, лейтенант Қурбонов буларни аниқлаб, тагига етгунча неча-неча тунларни кунга кунларни тунга айлантирди, бошқачарок айтганда «она сути оғзига келди».

Бош терговчига ўз ҳулосаларини топишрган кунга гап орасида бу ишдан ўзини ҳам унча қўнгли тўлмаётганини айтмаганида балки, бошқачарок бўлармиди? Полковник Алиев ҳам семизгина папкани ва рақлаб чиқиб, негадир унинг фикрини тасдиқлади. Капитан Саидов ҳам қайта текширув ўтказишни,

бунинг учун эксперт-криминалистларни жалб этиш лозимлигини айтди.

Наилож, ўзинг пиширган ошни ўзинг ичасан! Лейтенант Қурбонов яна қайтадан текширув ўтказишга мажбур бўлди. Яна мархума Ойгул Обидованинг тиббий хужжатларини, фотосуратлару, анализлари қайтадан қўлга олинди. Ақобирнинг ўша кунгек мухрлаб қўйилган эшиги очилиб, яна ўша ҳовлига киришга тўғри келди. Бу сафар ҳам лейтенант Қурбоновнинг ёнида туман прокуратурасининг терговчиси, экспертлар ва милиция ходимлари иштирок этишди.

Жиноят содир бўлган ҳовли-жойда ҳеч қандай ўзгариш бўлмаган, ҳамма нарса ўша-ўша эди. Яна бармоқ, оёқ излари ўрганилди: Таҳлил қилинди. Эксперт-криминалист фотоаппарат, лупаю, пинцетлари билан ҳар бир қадамни яна бошқатдан обдон текшириб чиқди. Қўча эшик юзидаги пайпасланган бармоқ изларини, ҳовли саҳнида қотиб қолган туфли изларини, теша тегиб девор четини учуриб кетган ва Ойгулнинг жасади ётган цемент атрофини яна суратга туширишди. Кимёвий, моддий ашёларни анализга олиб кетишди.

Аллохнинг қудратини қарангки, одам боласининг бармоқларидаги чизиклар онадан туғилгандан, то ўлгунигача сира ўзгармайди. Ана шу нарса жиноят-қидирув гуруҳига яна бир бор қўл келди. Лейтенант Қурбоновнинг аввалги тахминларию, далилларини тасдиқлади. Ўша бегона эркак қўп ўтмай қўлга олинди...

Ақобир бу тафсилотларни шунчаки эшитиб ётавердию, лекин лейтенантнинг кейинги гапларидан кейин ўрнидан туриб кетаёзди.

— Ким экан у? — сўради у тили зўрға айланиб.

— Балки, у одамни танирсиз, — деди лейтенант оғир тин олиб, — театрда дирижёр бўлиб ишларкан.

Ховлингиздан топилган калит театрдаги дам олиш хонасининг калити бўлиб чикди. Майли, гап бунда ҳам эмас. Ўлгудек қўрқок, пошуд йигит экану, қандай қилиб болохонадан сакраб қочганига ақлинг бовар қилмайди киши. Бунисиям майли, энг қизиги, ўша кеча уйингиздан қочиб чиқиб кетолмаган...

— Қанақасига? — лейтенантга анграйиб қолди Ақобир.

— Шунақасига, — кулимсиради Қурбонов, — аввалига у кўча эшигини очишга урингану, очолмаган. Аввалига, қоронғида эшикни, калитни топишга кийналган. Девордаги, дарвозадаги, калитдаги бармоқ излари шундан далолат беради. Ақсига олиб, дарвозангиз калити буралмай қолган. Шундан кейин яна пайпасланиб ховлининг чап томонига ўтган, ошхонадан ертўлага тушаверишдаги эшик орқасига яшириниб тураверган. Қайтиб чиқишга, яна эшикни очиб кўришга сиздан қўрққан. Биз унинг оёқ изларини ўша жойдан ҳам топдик. Сиз эса ўша кеча эшикнинг очилмаганига эътибор бермагансиз.

— Бўлиши мумкин эмас! — хитоб қилиб юборди Ақобир.

— Бўлиши мумкин, — деди лейтенант вазмин оҳангда, — ҳа, шунчаки эътибор бермагансиз, ҳолос. Чунки, депрессия ҳолатида бўлгансиз. Бутун фикр-хаёлингиз хотинингизда бўлган ва у зинадан тушаётганда кўлингизга илинган нарсаси, яъни, тешани унга отгансиз. Теша эса бахтингизга девор сувогининг бир бўлагини учуриб қайтиб ерга тушган...

Ақобир шу топда худди судда ўзининг тақдири ҳал бўлаётган киши мисоли лолу хайрон ўлтирарди.

— Сиз шунда ҳам эътибор бермагансиз, — давом этди лейтенант Қурбонов. — Хотинингиз бўлса, аслида шошганиданми, чўчиганиданми тойиб кетиб, цемент ариқ четига юзтубан йиқилган. Бошининг орқа қисми цемент қиррасига тегиб ёрилган, ҳушини йўқотган ва миясига қон қуйилиши натижасида ўша

ернинг ўзида жон берган. Сиз худди кўр ва кар киши каби буларга диққат қилиб ўтирмагансиз, аксинча меҳмонхонага кириб ичгансиз. Кейин сигарет чекиб зинага чиқиб ўтиргансиз...

— Сиз буларни қаердан биласиз? — хайратини яширолмади Ақобир.

— Аниқладик, — деди Қурбонов босиқлик билан, «тилсиз далиллар» кўп учради.

— «Тилсиз далиллар?» — сўради Ақобир хайрон бўлиб.

— Бизда шунақа дейилади, — давом этди Қурбонов, — эксперт-криминалистлар уйдаги буфет эшикчасида ҳам, ароқ шишасида ҳам бармоқ изларингиз борлигини топишди. Сигарет чекиб ўтирган ерингизда эса нафақат сигарет кули, балки оёқ изларингиз ҳам қолган. Бу табиий. Сиз шу уйнинг эгасисиз. Лекин излар янги... Ана ўшандан кейин сиз ўтирган ерингизда кайфингиз ошиб ухлаб қолгансиз. Ертўла эшиги орқасида яшириниб турган дирижёр эса анчадан кейин чиқиб, ерда ётган тешани эҳтиёткорлик билан олиб, сизнинг оёқингиз тагига ташлагану, ўзи девор ошиб қочиб кетган.

— Вой, но-мард! — инграб юборди Ақобир кўксини қижимлаб. — Теша билан Ойгулнинг бошига урган ўша экан-да?

— Йўқ, — бош чайқади лейтенант Қурбонов, — дирижёр жуда устомон одам бўлиб чиқди. Нима иш қилаётганини, бу ерда содир бўлган иш қандай оқибатларга олиб келишини олдиндан кўра билган. Шунинг учун ҳам тешани дастрўмолчаси билан ушлаб оёқингиз тагига қўйган. Бунақа эҳтиёткорлик ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Сиз илгари ҳам «ўтириб» чиққан одамсиз, Аҳмедов. Буни яхши биласиз!

Ақобир «унда ким ўлдирган» деган маънода яна лейтенантга қаради.

— Хотинингизнинг бошига ҳеч ким урмаган, — деди Қурбонов хўрсиниб. — Хотинингизни ўзи

боши билан цемент арик киррасига урилган. Лекин дирижёр сизни хотинингизга теша отаётганингизни ва хотинингиз йиқилганини кўрган. Шунинг учун ўзини курукка олиб кочини ниятидами, балки атайлаб ҳамма гуноҳни сизга ортиш учунми, тешани ашёвий далил сифатида қўллаган ва шу хатти-хара-кати билан ҳаммаёкни чалкаштириб таплаган. Лекин биргина далилий ашёнинг ўзи, калитининг ўзиёқ бу иш учун «калит» вазифасини ўташи мумкин эди...

— Мен уни кўрсам бўладими? — деди Ақобир муштларини қисиб.

Лейтенант Қурбонов унга жавобан бош чайқади.

— Йўқ. Ҳали буларнинг ҳаммаси аниқланиши, исботланиши ва тасдиқланиши керак. Фақат мен дастлабки тергов маълумотларидаги айрим ҳолатлар-ни, айрим тафсилотларни, ўз тахминларимни айтиб бердим ҳолос, — лейтенант шундай деди-да, кулим-сираб қўшиб қўйди, — қонунга зид бўлса ҳам.

Аслида мен буларни сизга гапириб бериб ўтири-шимнинг ўзи хато...

— Раҳмат, сизга лейтенант, — деди Ақобир то-вуши титраб.

— Йўқ, раҳмат айтишингизга эрга қўринади, — деди Қурбонов ва унга синчковлик билан тикилди.

— Нега ўшанда сўраганимда булар ҳақида гапириш-ни истамаган эдингиз?

— Нима ҳақида? — тушунмади Ақобир.

— Ганни айланторманг! Жуда яхши тушуниб ту-рибсиз, — овозини баландлатди Қурбонов. — Эсин-гиздами, «хотинингизни хушторлари борлигини илга-ри сезмаганмидингиз?» деб сўрагандим?...

Ақобир бирдан елкалари қисилиб, бечораваш ким-са қиёфасига кирди қолди.

— Майли, истамасангиз, айтманг, — деди Қур-бонов қўл силкиб. — Барибир, ўзимиз аниқлаб ола-миз.

— Йўқ, нега? — деди Ақобир пастки лабини тишлаб. — Фақат, ишонармикансиз?

— Нега бунақа деяпсиз? — ажабланди Қурбонов.

— Биласизми, бу жуда ғалати нарсa, — шивирлади Ақобир. — Айтсам, ишонмайсиз.

— Айтаверингчи, — кизиксинди Қурбонов.

— Мен ... бир нотаниш одамни биламан ... Қайси куни ҳам уни кўриб ҳушимдан кетиб қолдим.

— Қизик, — қошларини чимирди Қурбонов.

— Ҳа, ҳа, жуда қизик, — деди Ақобир ранги оқариб. — Мана ҳозир ҳам ишонмаяпсиз. Бегона одам қамоқда нима қилади, деб ўйлаяпсиз? Мен кўзингизга эси оғиб қолгандек кўринаётган ҳам бўлишим мумкин? Лекин ... мени хотинимнинг аввалги турмуши бузилишига ҳам ... собиқ эри уни бегона эркак билан тутиб олгани сабаб бўлганини ўша одамдан эшитгандим.

Лейтенант Қурбоновнинг бутун вужуди қулоққа айлангандек бўлдию, ўзини тутолмай қолди:

— Ким ўзи ўша одам?

Ақобир унга жавобан елка қисди:

— Тўғриси, билмайман. Кўрсам, танийман. Лекин ким? Бунисини айтолмайман. Аввалги сафар қамалишимни ҳам ўша одам башорат қилганди. Бошимга тушадиған кўргуликларни доим у олдиндан кўриб турарди...

— Қайси куни уни шу ерда кўрдим дегандай бўлдингизми? — ўсмоқчилаб сўради Қурбонов.

Ақобир лейтенантнинг ўзига ишонмаётганини кўриб, ҳафсаласи пир бўлди.

— Ҳа, йўлакда турганди, — деди истар-истамас.

Лейтенант Қурбонов эса унга бир зум тикилиб қолди-да, кейин ўрнидан туриб панжара тутилган пастак дераза ёнига келди, ниманидир ўйлаб қолди ва кескин орқасига ўгирилди.

— Мен эшитяпман, Аҳмедов, — деди вазмин товушда. — Қулоғим сизда? Қани, давом этаверингчи! Терговчи ишонмаяпти деган нарсани ҳаёлингиз-

дан чиқариб ташланг! Хўш, ўша нотаниш одамни биринчи марта каерда кўрган эдингиз?

Акобир пешонасини кафтлари орасига олиб гижимлаб ўтирди-ўтирдида, чукур хўрсиниб кўйди, унинг эрта ажин тўр ташлай бошлаган кўзларида ёш йилтираётганини кўриб лейтенант Қурбонов донг қотиб қолди.

Акобир сочик билан юз-кўзларини артиб, ундан сигарет сўради. Чекди. Кейин сигарет тутунига кўмилган кўйи, бир нуқтага тикилганча тилга кирди:

— Бу шундай бошланган эди...

Лейтенант Қурбонов сира бунақа мушкул ҳолатга тушиб қолмаган эди.

Айбланувчи фукаро Акобир Аҳмедовнинг «нотаниш кимса» хақидаги гап-сўзлари унинг назарида сира мантиққа тўғри келмас, худди ақлдан озган кишининг алжирашларига ўхшаб кетарди. Лекин у телба эмасди. Қизиги шундаки, у ўша кимсанинг юриш-туриши, афт-ангори, кўйингчи, кийимларигача аниқ айтиб берди. Мана яна битта жумбоқ! Ким бўлиши мумкин у? Акобир Аҳмедовга нима алоқаси бор? Нега доим уни, фақат уни таъкиб қилади?..

Лейтенант жиноят-кидирув гуруҳида шу ҳақда қисқача ахборот берган куни ҳамма ханг-манг бўлиб қолди. Чунки, бунақаси тажрибада сира кузатилмаган эди. Лейтенант эса ўз айтганидан қолмади, нотаниш кимсанинг Акобир айтган белгиларини чизиб берди, тафсилотларни тушунтиришга уринди. Кейин махсус фоторобот ёрдамида зудлик билан унинг киёфасини чизишни таклиф қилди.

Белгилару, аломатлар аниқ бўлгани учунми, сурат қутилгандан кўра тез тайёр бўлди. Лейтенант Қурбонов суратни кўлига олдию, қотди-қолди.

Қороз бетидан унга катта-катта кўзлари ич-ичига ботиб, ёнок суяклари туртиб чиққан, шляпа остида-

ги жингалакка мойил сочлари анчадан бери тарок кўрмаган, ковоқдек озгин, ўрта ёшлардаги киши қараб турарди. Энг ажабланарлиси, унинг юз тузилишини, кўзларими, аллақаерлари айбланувчи Ақобир Аҳмедовнинг ўзига ўхшаб кетарди...

«Ақлдан озиб қолиш ҳеч гапмас», — деди ўз-ўзига Қурбонов ва сурат нусхаларини гуруҳ аъзоларига топшириб, қидирувни бошлаб юборди. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас дастлабки маълумот етиб келдию, ҳамма ҳайратда қолди.

Унда келтирилишича, чиндан ҳам айнан ўша суратда акс эттирилган О.О. исм-шарифли кимса ҳаётда бўлган. Эски шаҳар ҳудудидаги эски маҳаллалардан бирида яшаган. Халқ хўжалик институтини тугатган. Банкда ишлаган. Қайси бир идорада хизмат қилиб юрган кезлари қандайдир молиявий хатога йўл қўйиб камалиб чикқан. Кейин мебель фабрикасига ишга кирган. Уйланган. Хотинини жазмани билан ушлаб олиб ўлдирмоқчи бўлган. Яна камалган. Ва охир-окибат маст холида кўчада бораётганида машина тагида қолиб фожиали ҳалок бўлган...

Лейтенант Қурбоновни ажаблантирган яна бир нарсаси ўша одамнинг «таржиман холи» айбланувчи Ақобир Аҳмедовникига ниҳоятда уйқашлиги бўлса, иккинчи тарафдан энг хайратланарлиси, ўша О.О. исм-шарифли одам бундан 30 йил муқаддам вафот этиб кетганди...

Қурбоновнинг боши қотиб қолди.

Кечаси ҳам, кундузи ҳам ана шу ғалати тасодиф ҳақида ўйлаб, сиқилиб юрган кунларининг бирида гуруҳдаги Жанна исмли психолог мутахассис кизга шулар тўғрисида гапирдию, калаванинг учи топилгандек бўлди.

— Бўлиши мумкин, — деди Жанна жиддий оҳангда. — Буни «таносух» ҳам деб аташади. Ўзингиз биласиз, эшитгансиз, кейинги пайтда бу ҳақда кўп ёзишяпти. Айрим халқлар ақидасига кўра, одамзод ўлгач йўқ бўлиб кетмайди. Яна дунёга қайтиб

келади. Ким дарахт, ким гул, ким одам, ким бирон махлук киёфасида...

— Куйсангизчи, фантастика-ку, бу ахир? — илжайди лейтенант Курбонов.

— Йўк, илм бу! — эътироз билдирди Жанна. — Эътиборингиз учун ҳаммамиз қачонлардир бу дунёда яшаб ўтганмиз. Ҳаммамизнинг аввалги ҳаётимиз бўлган. Ким билсин, балки сиз аввалги ҳаётингизда Шерлок Холмс бўлгандирсиз?

Лейтенант Курбонов буни эшитиб ўзини кулгидан тиёлмай қолди.

— Йўк, кулманг, — деди Жанна ранжиганнамо оҳангда. — Масалан, мен кўпинча олис денгиз соҳилларида юргандек ҳис қиламан ўзимни. Аслида бўлса, денгизни фақат телевизор орқали кўрганман, холос. Демак, аввалги ҳаётимда денгиз соҳилида яшаган хиндулардан бўлсам эҳтимол...

— Барибир тушунолмаёпман, — жилмайди Курбонов.

— Дейлик, оилада бирон гўдак туғилса, «қошқўзлари худди раҳматли бобосига ўхшабди» дейишди, тўғрими? — кўзларини пирпиратди Жанна.

— Тўғри, — уни тасдиқлади Курбонов.

— Ёки бировни кўриб, «қилиқлари худди марҳум тоғасига ўхшабди» дейишади. Қолбуки, ўша гўдак бобосини ҳеч қачон кўрмаган, бола эса марҳум тоғасини эслай олмайди. Бу фақат «генлар» билангина боғлиқ ҳолатлар десак, хато бўлади. Бу бошқа нарса. Менимча, ўша марҳумлар ана ўша гўдак ва бола киёфасида яшашни давом эттирадилар...

— Айтмоқчисизки? — Курбонов энди саволга оғиз жуфтлаганди ҳамки, Жанна унинг сўзини бўлди.

— Кечирасизу, ўша О.О. деган кимса айбланувчи Ақобир Аҳмедовнинг аввалги ҳаётидаги акси бўлиши мумкинку, ахир? — қизишди Жанна. — Тақдирдош дейсизми, киёфадошми, фарқи йўқ. Шунинг учун ўзининг аччиқ қисмати такрорланмаслиги учун, у ха-миша Ақобир Аҳмедовни таъқиб этиб юргани-юрган.

— Нима у? Арвоҳми? Рухми? — хайратини яширмади Қурбонов. — Балки, ажал элчиси, балки ўлим шарҳасидир?..

— Балки, — ўйланиброк қолди Жанна, — балки, шундай дейиш ҳам мумкиндир? Эшитгансизми, йўқми, Шарқда «ичингдаги ичингдадир» деган ибора бор. Айтмоқчиманки, ҳар бир одамнинг ўз «мен»и бўлади. Ва ўша инсон туғилганидан то ўлгунигача таъкиб қилаверади. Чунки, ўша инсоннинг барча ожизликларини, ҳатто камчиликларини, гуноҳу нуксонларини, бошқалар кўзидан бир умр яшириб юрадиган томонларини ёлғиз ўша, унинг «мен»игина яхшироқ билади. Шу сабабдан ҳам, сира тинч қўймайди. Баъзан огоҳлантиради, баъзан таъкиб қилади, баъзан жазолаши ҳам мумкин... Кечирасиз, ўрток лейтенант, — хижолатли қулимсираб қўйди Жанна, — ортиқча махмадонагарчилик қилиб юбордим. Мен ҳам билганларимни, ақлим етганларини айтаяпман. Бу нарса билан махсус фан шуғулланади.

Шу топда лейтенант Қурбоновни таниш қийин, каттиқ ҳаяжонда эди.

— Ўша нотаниш кимсани кўриш, йўқ, ушлаш мумкинми, Жанна? — сўради у шошилиб. — Сиз нима деб ўйлайсиз?

Жанна нозик елкаларини учириб қўйди:

— Билмасам?.. Лекин бунақа ғайритабиий, сирли учрашувлар кўп бўлган. Ҳозир ҳам бунақа қисматдош ва қиёфадошларни кўриб туришади...

Лейтенант Қурбонов қулишини ҳам, жим ўтиришини ҳам билмай қолди. Фақат «тавба, худди эртаққа ўхшайди» деб қўйди ҳолос...

Орадан бир-бирини қувалаб йиллар ўтди. Рангсиз, мазмунсиз, бешафқат йиллар... Йўқ, бу ҳаммага эмас, айнан маҳбус Ақобир Аҳмедовгагина шундай туюларди ҳолос.

Аслида ҳам шундай эди. Лейтенант Курбоновнинг барча уринишлари зое кетди. Жанна билан қилган «илмий изланишлар» натижасиз тугади. Зотан, уларнинг айбланувчи Ақобир Аҳмедовнинг бир вақтлар яшаб ўтган тақдирдоши ҳақидаги фантастиканамо фаразлари рад этиб бўлмайдиган далиллари, қонун-қоидалари олдида ҳеч нимани ҳал қилолмасди. Охир-оқибат, Ақобирни муддатни махсус колонияда ўтказиш шарти билан озодликдан маҳрум этишди...

Энди воқеаларимизнинг давомига келсак, ана ўша муддат ниҳоят ўз ниҳоясига етди. Ақобирни батамом оклашмадию, лекин тамоман қоралай ҳам олишмади. Бунда яна ўша катта лейтенант Курбоновнинг хизматлари анча катта бўлди.

Ақобир озодликка чиққан биринчи кунлариёқ қаровсиз қолиб, тўкилиб кетаёзган ҳовли-жойини сотиб, ярим пулини опасига берди, ўзи эса шаҳар чеккасидаги янги турар-жой массивидан бир хонали уй сотиб олди. Аввалги ишхонаси тугатилиб кетган экан. Ишсиз қолди. Ёнидаги пулдан қолган-қутганини еб-ичиб анчагача сандираклаб юрди. Кейин мардикорчиликка чиқадиган бўлди. Яна ўша дурадгорчилиги қўл келди. Мебель ишлашда қатнашди. Дераза, эшик, ром ясаб сотди. Хаёти яна изга тушиб қолгандек бўлди.

Лекин энди у ҳолдан тойган, аввалги ғайрати-шижоатидан асар ҳам қолмаганди. Шу боис ичкиликка ружу қўйди. Бўш қолди дегунча, «Супермаркет» ёнидаги қовоқхонага кириб келадиган, ўзига ўхшаган кимсалар, касб-корининг тайини йўқ ичкиликбоз, қиссавурлар, фоҳиша-ю тиланчилар билан улфатчилик қиладиган, ана шу ирқит даврандан, аниқроғи стакандаги искирт винодан завқ-шавқ олиб, маълум муддатга бўлса-да, яқин ва йироқ ўтмишини унутиб яшашга қўниқиб қолди...

Ана шундай кунларнинг бирида қовоқхонада ал-

ламахалгача қолиб кетди. Кайфи тарақ. Улфатлари хам ташлаб чиқиб кетишган. Бурчакдаги клёнка тўшалган стол ёнида бир ўзи ўлтирарди. Бир кўнгли, бир пайтлар «у ёқда» бирга бўлган эски танишларининг биронтасиникига ё бирон таниш, суюқоёқ аёлининг уйига боргиси келдию, айниди. Бунга ҳоли хам йўқ эди. Чеккиси келиб, ширакайф кўзларини аранг очганча чўнтақларини узок тимирскилади ва эзилиб кетган «Астра» сигарети қутичасини топди. Бир амаллаб гугурт ёқди, сигарет тутунини ичига тортганди, йўтал тутди. Кўзлари ёшланиб, оғзидан кўпик чиқиб кетгунча йўталди. Кейин ўрнидан турмоқчи эди, рўпарасида пайдо бўлиб қолган жулдур ёмғирпўшли кимсани кўриб тикилиб қолди. Уни кимгадир ўхшатдию танимади.

— Ича-санми? — деди ғудраниб.

Нотаниш кимса «йўқ» дегандек бош чайқади.

— Унда нима қилиб бу ерда ўтирибсан? — сўради Ақобир жаҳл билан.

— Сени томоша қилиб ўтирибман, Ақобир, — деди нотаниш кимса.

Ақобир ўзининг исмини эшитиб жиндек сергакланди. Кўзларини йириб очиб суҳбатдошига қаради. У ўша — ўзини бир умр таъқиб этиб келаётган нотаниш кимса эди.

— А-а-а! Сизмидингиз, жаноби олийлари? — қаҳқаҳ уриб кулиб юборди Ақобир. — Ана холос! Сизни танимабман. Кўпдан соғинган эдим... Зап иш бўлди-да. Келинг, шу учрашувимиз шарафига бештадан олайлик, пулдан борми?..

— Йўқ, вақтим йўқ, — деди нотаниш кимса, — тез кетишим керак!

— Намунча? — хириллаб кулди Ақобир жулдур плашининг ёқаси билан бўйнини ўраб, — мени эса вақтим бемалол, истасам ичаман, истасам чекаман, истасам, шу ерда, истасам кўчада хам ётавераман...

Нотаниш одам бирдан ўрнидан қўзғалди.

— Йўк, Ақобир, — деди у синик товушда, — энди сеням вақтинг тугади. Афсуски, айтгаиларимга қулоқ солмадинг. Балки, бошқачароқ одам бўлармидинг?.. Нимаям қилардик, тақдири азал бу! Мен қилган хатоларни такрорлашингни истамагандим, имкони бўлмади. Атайин, шунинг учун, сени излаб келгандим. Уринишларим зое кетди. «Ўртамиздаги сирни оламга ёйма» дедим, йўк дoston қилиб юбординг! Одамзод ўзининг барча дарду хасратларини, ғам-андуҳларини ичига ютиб яшаши кераклигини унутиб қўйдинг. Хатто мени ҳам қўлга тушириш ҳаракатига тушдинг. Қисқаси, бизни ҳам, бошқаларни ҳам безовта қилиб қўйдинг! Майли, энди буларни сенга гапириб ўтиришнинг фойдаси йўк. Хайр!..

— Тўхта! — кичкирди Ақобир жон-ҳолатда столни муштлаб.

Буфет пештахтаси ёнида турган икки юзи кип-кизил буфетчи билан хизматчи аёл у тарафга бир қараб қўйишдию афтидан тез-тез ўз-ўзи билан гаплашиб ўтирадиган «Уста Ақобир» деган бечора одамни яхши танишаркан шекилли, унчалик эътибор беришмади. «Яна ўзи билан ўзи гаплашаяпти» дея майна қилиб қўйишди. Буфетчи «доно одам билан суҳбат қуриш яхши-да» деганди, хизматчи аёл тиззаларига уриб қах-қах уриб қулиб юборди.

— Энди тамом! — деди нотаниш кимса ва жўлдур чикиб кетган ёмғирпўшига ўралиб эшик томонга юраркан, елкаси оша қараб Ақобирга кинояли жилмайиб қўйди. — Энди, ҳаммаси тамом!..

Нотаниш кимса эшикдан чиқишга улгурмай, Ақобир ҳам гандираклаганча орқасидан отилди.

Неон чироқларининг хирамтир ёдусига чўмилган кўча бўм-бўш, этни жунжиқтириб совуқ изғирин эсиб турарди. Ақобир оёқларини оғир судраган қўйи катта кўчани кесиб ўтиб бораркан, шу тарафга катта тезликда яқинлашиб келаётган улкан юк машинасини кўрдию, муштини дўлайтириб кичкирди:

— Тўх-та-а!..

Кеч эди... Вакт ҳам, фалокатнинг олдини олиш ҳам кеч эди... Фалокат юз берган жойга етиб келган одамлар Ақобирнинг қонга беланган танасини машинанинг оғир филдираклари тагидан суғуриб олишганда, унинг очик қолган кўзларида ҳаёт, тириклик асорати қолмаган эди...

Одамлар то милиция ходимлари ва «тез ёрдам» машинаси етиб келгунча, унинг мажағи чиқиб кетган жонсиз танаси устига жулдур ёмғирпўшини ташлаб қўйишди...

Ақобир Аҳмедовнинг фожиали ўлиmidан кейин икки ойча вақт ўтди.

Бир куни шаҳар прокуратурасига йўлим тушиб қолдию, лейтенант Қурбоновнинг ҳузурига кириб ўтгим келди.

Турган гап, у мени эслаёлмади. Қолаверса, у менинг ташрифимни мутлақ қутмаган ҳам эди. Шу сабаб, мен унга «Мебель» ишлаб чиқариш фирмасининг собик ишчиси Ақобир Аҳмедовнинг ғайритабиий тақдири ва ўлими ҳақида, бир вақтлар Ақобирникига ўхшаш одамларнинг аввалги ҳаётидаги қисматдоши билан боғлиқ сирли ходисалар ҳақида газеталарда ёзганларим ва ўша воқеаларнинг ечими нима билан тугагани ҳақида гапиришимга тўғри келди.

Лейтенант Қурбонов шундан кейингина хийла очилди-ю, барибир ортиқча маълумотлар беришдан тийилди.

— Биласизми, Эркин ака, — деди у ўйчан оҳангда, — очиги, илгари мархумлар руҳининг мавжудлиги, уларнинг вақти-вақти билан бу дунёга қайтиб келиши, одамларнинг иккинчи нусхаси ёки айнан қисматдоши бўлишига унчалик ишонмасдим. Ақобирнинг қисматидан кейин жиддийроқ қарайдиган бўлдим. Англаб етган нарсам шу бўлдики, ҳаётда

коралама бўлмас экан, ҳамма нарса фақат «окқа» ёзиларкан. Шунинг учун ҳам ҳар бир қадамни ўйлаб босиш керак экан. Назаримда, Ақобирнинг бундан ўттиз йиллар аввал яшаб ўтган қисматдошининг безовта бўлиши ҳам бежиз бўлмаган. Уни адашиш ва хатоликлардан, кейинги фожиалардан огоҳ этмокчи бўлган кўринади...

— Энди ишонасизми? — ҳазил аралаш сўрадим ундан.

Лейтенант Қурбонов бунга жавобан маюсгина кулимсираб елка қисиб қўйди:

— Хайронман? Ҳар ҳолда, тақдир бир умр одам боласини қувиб юради, деганларича бор экан. Яна билмадим. Эркин ака, балки ҳаммасига Ақобирнинг ўзи айбдордир? «Одамнинг феъли, унинг тақдири» деб бежиз айтилмайдик, ахир? Тўғрими?

Лейтенантнинг шу лаҳзадаги ҳолатини кўриб турганим учун ортиқча саволлар билан қийнагим келмади.

— Бир нарса айтсам, балки ишонмасиз? — деди Қурбонов жилмайиб, — Ақобирни босиб кетган юк машинаси ҳақида эшитгансиз-а?

Мен «ха» дегандек бош ирғадим.

— Қизиғи шундаки, ўша ҳайдовчига ҳам эрталаб номаълум бир одам шу куни машина ҳайдамасликни маслаҳат бериб уйига қўнғироқ қилган экан...

— Йўғе? — деб юбордим беихтиёр.

— Шунака, — деди Қурбонов жиддий тарзда. — Бу ғалати ҳодиса битта одам қисмати билангина яқунланиб қолмас экан. Тақдири азал худди шарпа мисоли одам боласининг атрофида айланиб юраверар экан.

— Демак, «безовта рух», «иккинчи нусха», «Сирли шарпа»ларни қидириш ишлари давом этавераркан-да? — сўрадим мен.

— Билмадим? — деди лейтенант Қурбонов бир зум ўйланиб. — Яқинда Учтепа шаҳарчасидан шун-

дай хабар келди. Ўрта ёшлардаги ахлоки бузук аёлни ҳам худди ўзига ўхшаш бир хотин таъқиб қилиб юрганмиш...

— Ростданми? — хаяжонланганимдан ўрнимдан туриб кетаёздим мен.

— Рост, — бош ирғади лейтенант Қурбонов, — сизу бизга яна иш топилди, Эркин ака. Хозирги жиноят-кидирув гуруҳи иш бошлаган. Гуруҳга психолог-мутахассисимиз Жанна Микеладзе раҳбарлик қиляпти. Мен ҳам эрта ё индинга ўша ёкка йўлга чиқишим керак!

— Мен ҳам иштирок этсам, қаршилик бўлмасми-кан? — дедим лейтенантга қараб.

— Йўк, нега? Бемалол, — деди Қурбонов ўрнимдан туриб. — Борсангиз ёмон бўлмайди. Бундай воқеа-ходисалар ҳақида албатта ёзиш керак. Унақада мен ўзим сизга қўнғирок қиламан. Бирга борамиз!

— Раҳмат, сизга, — дедим тез-тез телефон рақамларини ёзиб унга узатарканман.

— Тайёргарлигингизни кўриб тураверинг, — деди лейтенант Қурбонов хайрлашиш учун қўлини чўзиб.

— Нимаям тайёргарлик кўрардим? — дедим мен унинг қўлини олиб. — Мени қуролим шу, дафтарча билан авторучка холос...

— Ашёвий далил денг? — ҳазиллашган бўлди Қурбонов.

— Йўк, булар «тилсиз гувоҳ» бўлади. Ўзим эса... — дедим мен нима дейишни билмай.

— Ўзингиз жиноят-кидирув гуруҳимизнинг аъзоси бўласиз, — гапини тугатди лейтенант.

— Агар рухсат берсангиз? — дедим мен хозиржавоблик билан.

— Рухсат! — деди лейтенант кафтининг учини фуражкасига тегизиб қўйиб.

Кулиша-кулиша ташқарига юрдик. Ташқарида ҳаёт ўз маромида давом этмоқда эди...

ҚАТОРТОЛ ТОМОНЛАРДА...

Нихоят, ёшлар газетаси тахририятидан кўнғирок қилишди.

Шахсан газета муҳаррирининг ўзи тахририятга практикага бориб, аразлаб юрган талабага — менга «Эртага бир келиб кетинг, маслаҳатли иш бор» деса, ғалати бўларкан. Мен кимману, бош муҳаррир ким?..

Очигини айтганда, битирувчи курс талабаси сифатида шу газета тахририятига практикага келганимга ўн беш кун бўлган бўлса, ўшандан бери тайинли бир иш қилмадим. На бирон мақола ёздим, на бирон репортаж уюштирдим. Бир ҳафта тахририятга келган хатларга кўмилиб ўтирган бўлсам, кейинги ўн кун давомида ивирсиб юрдим, десам ҳам бўлаверади.

Аслидаку, ҳаммасига Тўравой ака айбдор. Мен практикага келган биринчи куниёқ шу чорпахилдан келган, бит кўзлари айёрона бокадиган, сочлари типратикан йигитнинг қўлига топширишди.

Тўравой ака деганлари ғалати одам экан. Шу соҳада сочи оқарган одам коғоз-қаламни кўрса, лабига учук тошади. Шунинг учун компьютер тепасига келиб олиб, «диктовка» қилгани-қилган.

У киши бошиданок ёзув-чизувларим билан умуман кизиқмади. Мени «хатлар бўлими»га дастёрликка топшириб қўйди.

Ёшлар газетасининг «хатлар бўлими»га қанақаям хатлар келарди, дейсиз?

«Равшан Комиловнинг нечта шахсий машинаси бор? Биров учта деса, биров тўртта дейди. Аниғи, нечта?..»

«Илтимос, Юлдуз Усмонованинг «сотка»сини номерини билиб берсангизлар!..»

«Анвар Санаев неча сўмга тўйга боради?»... де-

ганга ўхшаган, куракда турмайдиган саволлар холос. Бирон тайинли гап йўқ! Сиқилиб кетасан киши.

Шунинг учун ҳам, Тўравой акага уч-тўрт марта илтимос қилганимдан кейин, мени Охангаронга, ёш шахтёрлар хаётидан мақола ёзиб келишга юборди.

Орадан яна кунлар ўтди. Тўравой ака икковимиз Мирзачўлга бориб, очерк ёзиб келадиган бўлдик. Ҳар куни эгарланган отдек тахт бўлиб келаман. Сафардан эса дарак йўқ эди. Ахийри бир куни юрак ютиб, «Чўлга қачон борамиз?» деган маънода сўрадим.

У киши бўлса, кихиллаб кулиб юборди.

— Чўлда пишириб қўйибдими, ука? — деди хуш-чакчақ охангда ва стол устидаги телефонга имо қилиб қўйди. — Мана бу бор, нима ғамимиз бор?..

У шундай дея столи тортмасидан бир даста пул олиб, бир нечасини резинка белбоғдан суғуриб менга узатди.

— Ма, манави командировка пулинг! — деди негадир овозини пасайтириб. — Уч-тўрт кун ишга келмасанг ҳам майли. Битта-яримта сўраб қолса, Тўра ака билан чўлга кетгандик деб қўяқоларсан...

— Қанақасига? — ханг-манг бўлиб қолдим мен, — Очерк-чи?

— Битта очерк деб шу иссиқда чўлга бориб юрамизми? — илжайди у. — Буни телефон оркали «ест» қилса ҳам бўлади. Сен хавотир олма, мен ўзим ўша жамоа хўжалигига қўнғироқ қилиб керакли маълумотларни оламан. Неча гектар ери бор? Қачон, қанча ҳосил кўтармоқчи? Ҳаммасини ёзаман. Сен фамилиянгни газетада ўқийсан...

— Менга бунақа мақолани кераги йўқ, — дедим ўрнимдан туриб. — Фамилиям ҳам чиқмай қўяқолсин!

— Ўзингни бос, — кулди Тўравой ака. — Олиф-талиқни ўқишингга бориб, домлаларингга қиласан, менгамас!

— Менгаям борилмаган командировканинг пули керакмас, — дедим асабийлашиб ва Тўра ака берган пулни столи устига ташлаб, терс бурилдимۇ чикиб кетдим. Тўравой ака оркамдан хой-хойлаганча қолди.

Менга алам қиларди.

Ўзимни Оҳангаронда кўмир конида қорақуяга беланиб кафтдеккина мақола ёзаман деб юрганларим, Тўра аканинг телефон орқали мақола ёзиши, менга борилмаган командировка харажатлари учун берилган пулни кистириши кўз олдимга келар ва сира чидаёлмасдим.

Шу-шу, тахририятга ҳам боргим келмай қолди. Мана энди, орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас, қўнғирок қилишди. Шахсан бош муҳаррирнинг ўзи, эртага тахририятга ўтишимни сўради. Ким билсин, нима деркин у? Ё, одатдаги амри маъруф бўлади, ё танбех, ё... Билмадим. Буёғини борганда кўрамиз?..

Бош муҳаррир етти ухлаб тушига кирмаган таклифни ўртага ташлади.

Шаҳар ички ишлар бошқармасининг бир неча кишидан иборат махсус гуруҳи ичкиликбоз, гиёҳванд ва фоҳишалар масаласи юзасидан рейд ўтказадиган, иложи бўлса тахририят ходимларидан ҳам кимдир унда иштирок этса газетада ёритса, ёшлар тарбиясида алоҳида аҳамият касб этарди деган таклиф билан келишибди.

Шундан кейин, бош муҳаррирнинг ўзи таклиф киритиб, бу гуруҳда қатнашишни ва мақола уюштиришни менга топширишни айтибди. Ҳамма бир овоздан рози бўлибди.

Буни эшитиб, аввалига хайрон қолдим, кейин барибир деканатга шу тахририятдан ишлаб чиқариш характеристикаси олиб боришим кераклигини эслаб, рози бўлмасликдан бошқа илож тополмадим...

Биз беш киши эдик.

Ички ишлар бўлими махсус гуруҳининг раҳбари лейтенант Саломов, сержант Максумов, участка нозири старшина Тўйчиев, ҳайдовчи йигит Гриша ва мен — ёшлар газетасининг штатсиз мухбири Дилмурод Шарипов.

Биринчи кун кунботарга яқин участка милицияси идорасида йиғилдик. Қилинажак ишлар режасини тузиб олдик. Режага кўра, биз машиналарда ичкиликбоз, гиёҳванд ва фоҳишалар учрайдиган ҳудудларга боришимиз, «рўйхатда борлари» ва «ҳали рўйхатга олинмаганлар»ини аниқлашимиз, кейин уларни олиб келиб, туман ИИБнинг тиббий кўригига топширишимиз керак эди.

Менинг вазифам эса ана шу жараёнда иштирок этиб, кўриб, ўрганиб, кейин газетага одоб-ахлоқ мавзуида «зўр» мақола ёзиб топширишдан иборат экан.

Шундай қилиб, милиционерлар тили билан айтганда «Тунги капалаклар ови» бошланишига ҳам саноқли соатлар қолди.

Кейинги пайтда, бу ҳудудда бемаъни тери-таносил касалликлари кўпайиброқ қолгани сабабли ишни ана шу «ов»дан бошлашга қарор қилинди. Мен эса қаттиқ ҳаяжонда эдим. Чунки, вақти келиб, бунақа ғалати, «капалаклар ови»да қатнашиш ҳаёлимга ҳам келмаганди...

Қатортол ҳақида курсдошларимдан, бошқа талабалардан кўп эшитгандиму, бормагандим. Аниқроғи, уч-тўрт мартаба ўша тарафдан ўтган, бироқ эътибор бермаган эканман.

Ётоқхонада юқори курс талабалари ўз бошларидан кечирган (ё кечирмаган-хаёлларидаги!) саргузаштларини айтиб беришар ва кўпинча «Қатортол» номини

олиб ўтишар, биз биринчи-иккинчи курс талабалари эса уларга анграйиб ўтирардик.

— Шундок ўша кўчадан ўтсанг бас, — дейишарди юкори курс талабалари ширин антикиб, — Йўлнинг икки четида жононлар қалдирғочдек тизилишиб турган бўладилар... На выбор! Ёкканини танлаб олавер! О, тоска-а!..

Унга бошқаси кўшиларди:

— У чувихалар олдингга югуриб келишмайди. Ҳаммаси жа... кетворган бўлади. Машинадаги хари-дорларнинг ўзи уларнинг ёнига боради, гаплашади, савдолашади... Кейин олиб кетишади...

— Қаёкка? — сўраганди бир куни кашкадарёлик-ми-сурхондарёлик шалпангқулок курсдошимиз.

— Катта холангникига! — кулишарди юкори курсдагилар, — умуман, фоҳишаларга эҳтиёт бўлиш керак...

— Нега? — сўрагандим мен ҳам ўшанда ўзимни тутолмай.

— Бўлмаса, учрашган кунингнинг эртасига ўзингни «кожвендиспансер»да кўрасан!..

Ҳамма гурр кулиб юборарди.

Булар энди эшитганларим, биринчи тасаввурлар...

Энди бўлса, ўзим ички ишлар бўлими ходимлари билан бирга, ёшлар газетасининг мухбири сифатида ўша ерлар, ўша «жононлар»ни кўргани, юзма-юз учрашгани кетяпман...

Лейтенант Саломов бунақа рейдлару операцияларда кўп бўлган, тажрибали офицер экан. Ҳаммасини аниқ ва лўнда қилиб тушунтириб қўйди. Энг асосийси, бу ерда ортикча ҳатти-ҳаракат ва ортикча гап-сўзларга йўл қўйилмас экан.

Старшина Тўйчиев билан сержант Максумов ўтирган «Тико» йўл бошлаб кетдию, сал ўтмай кўздан йўқолди. Уларнинг машинасини тевараги осмонўпар

чинорлар билан қуршалган тўрт қаватли уй подъезди ёнидан топдик. Улар аллақачон «капалаклар»нинг изига тушиб, «ини»га кириб боришга улгуришган экан.

Биз ҳам, лейтенант Саломов бошчилигида ана шу иккинчи қаватдаги квартирага кўтарилдик.

Улар кирган хонадон эшиги очилавермагандан кейин тепиб синдирилган бўлса керак, биз борганда кулфи ўпирилиб ланг очик ётарди.

Искиртгина икки хонали уй экан. Поллар ифлос, деворлардаги доғ-дуғ гулкоғозлар кўчиб, девор олачалпок бўлиб ётар, йўлакдаги чирок куйган бўлса керак, ичкари ғира-шира қоронғи эди.

Қадам товушларини эшитиб старшина Тўйчиев қўшни хонадан мўралади ва «буёққа» дегандек имо қилди.

Ўша тарафга юрдик. У ер хойнахой ётоқхона бўлса керак, деразада пардалари ўрнига яғир аёл тутилган, хонанинг икки четида иккита қаравот, уларнинг бирида ўрта ёшлардаги киши бўйнигача чойшабга ўралиб ётар, қўрқувданми, хавотирданми, кўзлари олайиб, олма-кесак терарди.

Иккинчи қаравотда бўлса, ярим яланғоч бир йигит истехзоли кулимсираганча сигарет чекиб ўтирар, унинг ёнида қарийб кип-яланғоч, кош-кўзлари бўялган дўндикқина малласоч жувон қўлларини қовуштирганча ўтирарди. У бизни ҳам шу тарафга келганимизни кўриб, пиқиллаб кулиб юборди:

— Эҳе, бутун бошли ротани бошлаб келибсанку, командир?

— Буни сендан сўраб ўтирмайман, — норози оҳангда тўнғиллади старшина Тўйчиев. — Керак бўлса, танк замбараклари билан ҳам келишади. Сен яхшиси, саволга жавоб бер. Ёнингдаги анави кетворган йигит ким?

— Эрим! — деди жувон бамайлихотир товушда.

— Униси-чи? — қўшни қаравотга имо қилди Тўйчиев.

— Униси эримнинг ўртоғи, — деди жувон тилла тишларини яраклатиб.

— Алдагани уялмайсанми, Гуля? — деди Тўйчиев бош чайқаб. — Неча марта эрга тегади одам? Ўтган сафар ҳам бошқа кавалерларингни кўрсатгандинг!

— Истасам, ҳар ҳафта эрга тегаман, — деди жувон бўйнини чўзиб. — Ўзимга тўғри келадигани топилгунча!

— Демак, бу ҳам «куёв» дегин? — деди лейтенант Саломов лабига сигарет кистириб ва қўшни каравотга ишора қилди. — Хойнахой, буниси «куёв жўра» бўлса керак-а?

— Тушунган одамнинг садағаси кетсанг арзийди, — қарсак чалиб юборди Гуля. — Ёш бўлсанг ҳам бекорга лейтенант эмас экансан? Буларга елкаларидаги чизикчалар ҳам хайф!

— Хой, хой, хой! — деди старшина Тўйчиев. — Оғзингга қараб гапир, алвасти! Худди...

— Нима худди? Тўйингни азага айлантираман демокчимисан? — ўкрайди Гуля. — Ҳаммасини расво қилиб бўлдинг!

— Энди тўй диспансерда бўлади, — деди сержант Мақсумов. — Қани, ҳамма машиналарга!

— Мен ҳеч қаёққа бормаيمان, — деди Гуля бош чайқаб.

— Борасан, борасан, — деди старшина Тўйчиев. — Қани куёвбола, отланинглар!

— Йўқ! Мен спид эмасман! — шанғиллади Гуля сапчиб ўрнидан туриб.

— Балки, сифлис, балки трепакдирсан? СПИД-миш-а? — деди сержант Мақсумов ўкрайиб, — Бўла қолинглар, вақт йўқ!

Гуля ҳам тихирлик қилишнинг фойдаси йўқлигини сезди шекилли, индамай йўлакка чиқди.

— Устингга бирон нима ёпиб ол, шарманда! — деди старшина Тўйчиев жаҳл билан.

— Нимадан уялишим керак? — деди Гуля сурбетлик билан. — Тўшакда эркакнинг қўйнида ётган

пайтимда бостириб кирган сен уялишинг керак, сер-
жант!...

Хамма йўлак тарафга юрди. Бегона йигитлардан бири қанақадир гулдор халатни олиб, Гуляга ирғитди. У қарғаниб елкасига ташлади ва худди қадди-комати, совлари-оёқлари, кўкракларини кўз-кўз қилмоқчи каби, соллана-соллана ташқарига юрди.

Зиналардан туша бошлаганимизда ҳам, кўчада машиналарга ўтираётганимизда ҳам хангоматалаб қўни-қўшнилар йиғилиб туришарди.

Шу куни фотоаппаратимни олволмаганимга ачиндим...

Бу окшом яна Қатортолга борадиган бўлдим.

«Талабалар шаҳарчаси»дан Чилонзорга келиб, у ерда ички ишлар бўлимига учрашиб, кейин Қатортолга боришимнинг ўзига кам деганда икки соат кетаркан.

Лейтенант Саломовга шу ҳақда гапиргандим, «Майли, ўзинг ўтиб борақол, — деди ва ҳазиллашиб қўшиб қўйди, — лекин Қатортолда ёлғиз ўзинг юришга эҳтиёт бўл! Жононлар олиб қочиб кетишмасин. Кейин сениям қидириб юрмайлик!»...

Шундай қилиб, шу куни Қатортолга бир ўзим отландим ва у ерни хотиржам кузатиш имкониятига эга бўлдим.

Бир қараганда, шаҳарнинг бошқа мавзеларию, маҳаллаларидан фарқи йўқ сершовқин кўча. Бу ерларда ҳам оддий, ҳалол одамлар кўп яшайдилар. Аммо айрим суюқоёқларнинг бу ерга «уя» қуриб олгани сабаб, номи машҳур бўлиб кетган холос.

Икки тарафи кетганча кўкка бўй чўзган азамат чинорлар, каштанлар, қайрағочлар, арчалар. Бир қарасанг, хиёбонга ҳам ўхшаб кетади. Фақат бу ерда бир маҳаллар, зилзиладан кейин шонима-шошарлик билан қуриб ташланган кутинамо уйлар жуда кўп. Хунук, эски, ранг-қутсиз.

Ана шу тўрт-беш қаватли турар-жой биноларининг биринчи қаватлари ҳозир «Бар», «Интернет-клуб», «Ресторан», «Тунги клуб», «Меҳмонхона», «Ёшлар уйи», «Дискотека», «Видеотека», «Компьютерхона» ва ҳоказоларга айлантирилган.

Номлариям ғалати! «Клондайк», «Атлантида», «Эйфел», «Ну ка, заходи!», «Биринчи бўса», «Голливуд», «Носталгия»...

Худди хорижий мамлакатларда, Сан-Франциско ё Лос-Анжелесга ўхшаган шаҳар кўчаларида юргандек ҳис қиласан ўзингни.

«Дискотека»лардан кулоқларни коматга келтиргувчи мусиқа ё тайин-тасири йўқ ажнабий ашула эшитилади. Рестораннинг очик деразаларига тутилган харир дарпардалар ё тилларанг жалюзалар ортидан мастона кулгулар, сархуш кийкириқлар кулоққа чалинади.

Ана шу ерларда, кўпроқ «Тунги клуб», «Меҳмонхона», «Бар»лар атрофида битта-яримта «тунги капалаклар» кўзга ташланади.

Уларнинг ёши, турки-таровати ҳар хил бўлса-да, битта нарса ҳаммаларини бир-бирларига яқинлаштириб, умумлаштириб туради.

У ҳам бўлса, бу «гўзал»ларнинг ҳеч бир ифода сезилмайдиган, обдон пардоз-андоз қилинган башараларию, сук кўзлари ва бепарда нигоҳлари...

Тўғри, уларнинг орасида ёш, чиройлилари ҳам йўқ эмас. Қадди-коматлари келинган, кош-кўзлари популдеккина соҳибжамол қиз, жувонлар...

Аксариятининг киндиги, бели бир-икки қарич очик. Ёқасиз кўйлак ё кофталари ичидан тараңг ва бўлик кўкраклари мўралайди. Оппок сонлар тепасидаги юбка жонивор бир қарич келади холос.

Қиз-жувонларнинг қарийб ҳаммаси чекади. Қўлларида сигарет. Айримларининг ғира-шира кайфи бор ҳам кўринади. Буни кўзларининг сузилишидан билса бўлади.

Улар негадир кибрли бокадилар, мағрур кўринадилар, ўзларининг юрини-туришидан уялмайдилар ҳам. Гўё ўзларини шу шаҳар, шу кўчанинг тантик кизлари ё маликаларидек тутадилар.

Ора-чора ўткинчи машиналар улар якинида тўхтайди. Ҳайдовчилар ё машинадаги бошқа харидорлар «капалаклар» билан савдолашадилар, уларга гап отадилар ё майна қилгандек кулиб ўтиб кетадилар.

Фоҳишалар учраган кишига илашиб кетавермайдилар. Улар анчайин айёр ва маккора бўлиб кетганлар. Кимга ёпишишни, кимнинг ёнида қанча пули бор, кимнинг кўли очигу, ким хасис эканлигини жуда яхши ажрата оладилар.

Йўлда бирон милиционер формасидаги йигитларни кўрсалар, авзойилари ўзгаради, чимириладилар, уларни кўрмаганга оладилар ё бирон «дом»нинг орқасига, дарахт ё дўконнинг панасига ўтишга ҳаракат қиладилар.

Автобус бекатида, бар, ресторанлар ёнида ўтирган ё юрган ёши ўтинқираган собиқ фоҳишаларни, эндиликда «қўшмачи»га айланган «Мама Роза»ларни учратиш мумкин.

Улар харидорларни аёллар ва жой билан таъминлашга ихтисослашганлар. Ҳаммалари ИИБ рўйхатида турадилар, кўп маротаба огоҳлантирилганлар, жарима солинган, лекин барибир ўз билганларидан қолмайдилар...

Мен буларни яхши билмас, ажрата олмасдим. Ана шу ўтган уч кун ичида «Қатортол гўзаллари» ҳақида унча-мунча маълумотга эга бўлиб қолганимга ўзим ҳам ҳайронман.

«Салкин ичимликлар» дўкончаси ёнидаги ўриндикда сигарет чекиб ўтирган икки қизнинг бири, жингалак сочлари оппоқ елкаларига ёйилгани мен тарафга қизиқсиниб қарайди. Мен унга.

Қиз кўрсаткич бармоғи билан секин имлаб чақиради. Мен беихтиёр у тарафга юраман.

— Калайсан? — дейди у менга бошдан-оёқ синовчан кўз югуртиб.

— Зўр! Ўзинглар-чи? — дейман мен ҳам.

— Фотографмисан? — сўрайди иккинчиси елкамдаги фотоаппаратга имо қилиб.

— Ха, — дейман мен беихтиёр. — Газета мухбириман, — ва шу заҳоти хатога йўл қўйганимни сезаману, дамим ичимга тушиб кетади.

— О, пресса дегин! — авзойи ўзгаради жингалак сочининг ва менга нафрат тўла кўзларини тикади: — Унақада туёғингни шикаллат!... Бу ерда сен қиладиган иш йўқ!

— Балки, танишармиз?... — бўш келмасликка уринаман мен.

— Чўнтагида хемири йўқ, елкасига фотоаппарат осиб олганига ўласанми? — илжаяди шериги, — тагин, журналистмиш!..

— Келинглар, эсдаликка суратингларни олиб қўяман, — дейман мен елкамга қўл чўзиб.

— Яна эсдаликка калтак еб кетмагин! — огоҳлантиради жингалаксоч мени майна қилгандек. — Бор, аравангни торт!

Шундагина дўконча ичида чекишиб биздан кўз узмай суҳбатлашиб ўтирган иккита барзангига кўзим тушади ва чекинаман.

— Майли, қўришиб қолармиз, — дейман олифтагарчилик қилиб.

— Ха, ё журналистликдан бўшаганингда, ё пенсияга чиққанингда! — хохолаб кулади киз.

Шериги ҳам очик сонларига шапалатиб унга қўшилади.

Мен изза бўлиб, улардан узоқлашаман. Ўз-ўзимни сўкаман: «Олифталикини сенга ким қўйибди, мирзақурук!...»

Чорак соатдан кейин гурухимизни аранг топиб бордим.

Улар анчайин безовта эдилар. Аввалига тушунмадим. Кейин билсам, улар бир неча фохишаларни тутишган, кейин Албина деган машхур фохиша ҳам шу атрофда яна пайдо бўлиб қолганини эшитиб, хоналарни тинтув қилишган ва кутилмаганда унинг чавақлаб ташланган ўлигини ертўладан топишган экан. Айтишларича, уни бир йўла бир неча киши зўрлаган ва кейин сўйиб, ташлаб кетишган.

Мен ҳам уни кўрдим. Зудлик билан чакиртирилган тиббий машинага ортишаётганда кириб қолдим. Ёши қирқларга яқинлашиб қолган, калта қирқилган сочлари қизғиш, сарғимтир тусда, оёқлари мрамар хайкални ки мисол силлик ва чиройли, қош-кўзлари худди духобадан қирқилгандек, ғунча лаб, дўмбок жувон экан.

Негадир унинг ана шу лабларида қотиб қолган истеҳзоли табассум хотирамга ўрнашиб қолди.

Қайтаётганимизда, сержант Максумовдан «нега ўлдиришибди?» деб сўрагандим, у «Ё, пул талаб қилишган, ё наркотика» деб жавоб берди. Старшина Тўйчиев эса «Тўғри, уларнинг бу дунёда бошқа талашадиган нарсалари йўқ, — деб қўшиб қўйди, — Албина наркотикага алоқадор нимадандир хабардор бўлса керак? Шунинг учун «разбор» қилишган!..»

Бугунги операциямиз ҳеч қачон эсдан чиқмайдиган бўлди.

Кўз остига олинган, бир неча шубҳали хонадонларга бостириб кирдик. Боз устига, бу сафар бизга телевидение ходимлари ҳам қўшилишди. Елкаларида видеокамералари бор. Ваҳима зўр. Ҳаммага сичконнинг ини минг танга бўлиб кетди.

Биринчи кирилган хонадонда бутун бошли тўда йиғилиб майшат қилишаётган экан. Тўртта эркак, тўртта аёл. Тоза тўполон қилишди. Айниқса, жанжални пулга сотиб оладиган шаллаки фохишалар!

Гўё бу ёруғ дунёда ҳамма айбдору фақат уларгина беайб! Ҳамма бўйнигача гуноҳга ботган, ҳамма зинкору, фақат уларгина бегуноҳ! Нак, фариштанинг ўзи!

Орасида Муся дегани бор экан. (Асли исми Мухассар бўлиб чиқди). Шунақа гапларни гапирдики, сочларингиз тикка бўлиб кетади.

— Баданим ўзимники! — деди у таранг кўкракларини кўз-кўз қилмоқчидек кўксини кериб, — Истасам сотаман, истасам отаман. Неча пуллик ишларинг бор? Бунақа сонларни, бунақа оёқларни кўрмагансанлар-да, алам қилади-да?! Мен ана шуларни сотиб, тирикчилик қиламан, тушундингми? Бизнес!

Тушундик ва уни оёғини тегизмасдан машинага жойлашди.

Яна бир жувон кўз ёши қилди. Уйда эмизикли боласи колганини айтиб, қўйворишимизни сўради. Яна бошқаси бўлса, ўзининг бошини деворга уриб ёриб, буни ўзини зўрлаб машинага олиб чиқмоқчи бўлган старшина Тўйчиевга тўнкамоқчи бўлди.

Хулласи, қип-қизил хангоманинг ўзи!

Айниқса, кап-катта бир одамни, бўйнига галстук такиб, шляпа кийиб олган, ўрта ёшлардаги бир кишининг гаплари жуда кулгили бўлди.

— Мен адашиб бу ерга келиб қолдим, — деди у йиғламсираб, — хотинимнинг ўйнаши бор. Шунга аччиқ қилиб келдим. Булар бор пулимни тортиб олишди... Ўзим институтда дарс бераман. Доцентман. Иложи бўлса, қайтариб олиб берсангизлар!

— Олиб берамиз, — деди сержант Максумов, — бўлимга борганда оласиз!

Театрда, киноларда тез-тез чиқиб қоладиган бир артист ҳам шу ерда экан. Ҳайрон бўлиб қолибман.

У косадек-косадек кўзларини ола-була қилиб дўк-пўписа қилди, «мени танияпсизларми?» деб ғўдайди, кейин бу ерда унинг кимлигининг аҳамияти йўқлигини сезди шекилли, кўзлари сузилиб айёрликка ўтди, ялинди, ёлворди, «шарманда қилманглар, авторитетимга тўғри келмайди» деб айланиб-ўргилди. Унинг ҳужжатини олиб, ўзини қўйворишга тўғри келди...

Қисқаси, ундан бошқа ҳаммани бўлимга, у ердан тиббий кўрикка олиб кетишди. Мен уларни тоза сурагга туширдим.

Фоҳишаларку, майли, бу нарса улар учун одатий бир гап бўлиши мумкин. «Хотинидан ўч олмоқчи бўлган амаки»га қийин бўлди. У «ўламан саттор, мени сурагимни олма» деб ёлворди. Раҳмим келди. Энди агар унинг қонида «захм-пахм» деган касалликларнинг асорати сезилса бас, институтниям, хотининиям тушида кўради энди!..

«Йиғлайсанми, куласанми?» деганлари шу бўлса керак-да?..

Бугунги «ов»имиз чинакам ов бўлди дейиш мумкин.

Қош қорайганда бутун гуруҳ яна милиция идорасида йиғилдик. Бу сафар ёнимизга телевидениечилардан ташқари, махсус тиббий диспансер ходимлари ҳам қўшилишди. Сафимиз кенгайиб, Албина айтмоқчи «ротага айланди».

Уч машина бўлиб, икки «Тико», бир «Дамас»ни тўлдириб йўлга чиқдик.

Аввалига ишимиз ўнгидан келмади. Кимдир олдиндан хабар қилганми ё сезиб қолишганми, фоҳишалар жойлашган «офис»лару, «хата»лар жимжит, бўм-бўш эди.

Ана шу ерда участка вакили, старшина Тўйчиевга қарашли милиционер йигитлардан бири жонимизга

оро кирди. У бир неча фохишалар кабристон тарафга кетишганини, йўл-йўлакай ўша ердаги бирон кафега ё дискотекага кириб яширинган бўлиши мумкинлигини айтди.

Машиналар ўша тарафга бурилди. Хақиқатан ҳам ўнга яқин, кош-кўзи бўялган «тунги капалаклар» ўша ерда экан. Старшина бошчилигида милиционерлар уларни судраб машинага олиб чиқишаркан, кўчани фохишаларнинг шовкин-суронлари, ўрисча, ўзбекча аралаш сўкишу қарғишлари тутиб кетди.

— Бўйнимга қўёлмайсан! — деб бўкирарди сочлари хурпайган, қомати келишгангина жувон. — Сен мени постелда ушламадинг! Исботинг йўқ!

Елкалари, кўкраклари, сонлари очик бошқаси эса ҳаммага мушт ўкталади:

— Агар биттанг қўлингни учини тегизсанг, синдириб ташлайман! Яқинлашмаларинг менга!

— Сенга тегиб қўлни харом қилишга арзимаёсан, — деди старшина Тўйчиев.

— Мана шу гапингга отвечат қиласан! — яна бидирлайди жувон.

— Чик, машинага! — дейди сержант Мақсумов.

— Секинрок, секинрок, камандир, — дейди жувон тараддудланиб.

Вақт зик. Милиционерлар ичкаридан тизилишиб чиккан фохишаларни диконглатиб эшигига тўр тутилган махсус машинага чиқара бошлайдилар.

Шу пайт коронфулик қўйнида, кимнингдир йиғламсираб кичкиргани эшитилди:

— Қўйворинг қўлимни! — дерди бир киз чирқиллаб. — Мени буларга алоқам йўқ ахир?.. Нима қияпсизлар ўзи?..

Кейин ўша кўзлари катта-катта, нозиккина қиз милиционер йигитнинг қўлидан силтаниб чиқиб, лейтенант Саломовга яқинлашди.

— Илтимос, ака, — деди йиғлаб, — мени қўйворишсин... Мен... мен бунақалардан эмасман...

— Бунисини борганда аниклаймиз, — деди лейтенант совуқкина қилиб.

— Ахир мен буларни биринчи марта кўришим, — алам билан чинқирди киз. — Мен бу ерга бошқа бир иш билан келгандим.

— Қанақа ишлигини яхши биламиз, — деди старшина Тўйчиев яна унинг кўлидан тортиб.

Киз бўлса, «Кўйвор» деганча йиғлаб юборди ва бу сафар мен тарафга интилди. Кўлларимга ёпишиб, бутун вужуди калтираб йиғлай бошлади:

— Сиз яхши одамга ўхшайсиз, ака, — деди у товуши титраб. — Илтимос, менга ишонинглар... Мен бу ерга бир танишимдан қарзга пул сўраб келгандим. У ичкарида, идиш-товок ювувчи бўлиб ишлайди. Оти Ася! Ишонмасанглар, ҳозир чакириб чикаман!..

Мен ялт этиб лейтенант Саломовга қарадим. У негадир мийиғида жилмайиб, елка қисиб кўйди.

— Балки, ростанам бунисини бошқаларга алоқаси йўқдир? — дедим секин.

— Алоқаси бўлмаса, бу ифлос жойда нима қилиб юрибди? — норози оҳангда деди старшина Тўйчиев.

— Майли, гуноҳиям, савобиям мухбир боланинг бўйнига, — деди лейтенант.

Ана шу лаҳзаларда мен ўзимни бирдан улғайиб қолгандек, мард ва олийжаноб кишига айланиб бораётгандек ҳис қилдим, Саломовни жуда яхши кўриб кетдим.

Зум ўтмай, бояги киз ичкаридан ўзидан икки-уч ёш каттароқ, оқ халатли, чиройлиқкина жувонни бошлаб чиқди.

— Мана ишонмасанглар, Ася опадан сўранглар, — деди киз бизга юзланиб.

Асяхон биз билан бош ирғаб саломлашган бўлдида, лабига сигарет кистириб тутатди.

— Зумрадга пул зарур бўлиб қолган экан, — деди

у терилган кошларини чимириб, — ижарада тура-ди-да... Вактида тўламаган... Шунинг учун уйнинг эгаси «Пулни топиб келмасанг, хайдаб чиқараман» деб паспортиниям олиб қўйибди. Шунга кўзининг ёшини оқизиб олдимга келибди... Мен қаёқдан оламан, буни ўйламайди. Ундан кўра, битта-яримтанинг қўйнига шилт этиб кириб чикса-ю олам гулистон!..

— Ася о-па-а! — деб юборди киз ер тепиниб, — Уялмайсизми?

— Нега уялишим керак? — деди Асяхон кўзларини лўқ қилиб. — Тирикчиликни айби йўқ, асалим!..

Шундан кейин у яна қаҳвахонага кириб кетди. Исми Зумрад дейилган киз биз билан қолди.

— Биз билан кетасизми? — дедим мен унга қараб.

— Йўқ, йўқ, йўқ, — деди у бирдан чўчиб, — Ўзим кетаман...

— Ўзимиз ҳам машиналарга сиғмаймиз шекилли, бола-пақир! — кулди старшина Тўйчиев.

— Йўқ, сиз чиқиб олинг, Маъруф ака, — деди лейтенант Саломов ва бизга имо қилди, — Мухбир билан у киз ўзлари кетишаверади.

Мен унга, у менга каради.

— Хафа бўлмайсанми? — деди кулимсираб.

— Йўғе, нега? — дедим мен дамим ичимга тушиб, — Сизлар бораверинглар. Эртага идорага ўтаман!..

— Муваффакият! — деб қичқирди деразадан мўралаб турган сержант Мақсумов.

Бошқалар кулиб юборишди.

Шу билан хайрлашдик. Машиналар кетди. Биз — мен ва нотаниш киз икковимиз йўл четида қолдик...

Қиз ва мен йўл четида жимгина турар, нима дейишни, нима қилишни билмасдик. Ниҳоят, жимликни қизнинг ўзи бузди.

— Мана, мени деб машинадан ҳам қолиб кетдингиз, — деди у аста.

— Хечкиси йўқ, — дедим бепарво оҳангда, — сиз қайси томонга юрасиз?

— Хайронман? — нозик елкаларини учуриб қўйди киз. — Ижарадаги уйга борсам, кампир ўлдиради. Пул топиб олиб бориб, қарзимни тўламасам, паспортимни ҳам бермайди...

— Ха, чаток экан, — дедим мен унга ҳамдардлик билдириб, — қанча қарзингиз бор?

— Э, анча, — деди киз қўл силтаб. — Хали уни қаёқдан топаману, қачон қайтараман. Бир кишлокка кетиб қолгим ҳам келдию, паспортим унда эканлиги эсимга тушди. Каердан бўлсаям, пул топишим керак.

— Пул-ку, топила-а, — дедим мен, — бугун қаерда қоласиз деб ўйлаяшман?

— Бир гап бўлар, — деди киз хўрсиниб. — Аксига олиб, шаҳарда таниш-билишларим ҳам йўқ хисоби...

— Биласизми? — хаёлимга келган фикрдан қувониб кетдим мен. — Яхшиси, юринг, талабалар ётоқхонасида қоласиз!

— Жишнимисиз? — хайрон бўлди киз, — Ўғил болалар орасида-я?

— Йўқ, нега? — дедим мен. — Қизларнинг хонасида қоласиз. Яхши кизлар... Нима қибди, бир кеча минг кеча эмас-ку?..

Шундай қилиб, шу кеча Зумрад мени қувонтириб ва айни чоғда курсдош киз-йигитларни шубҳалантириб, хайрон қолдириб ётоқхонада қолди...

Очиғи, шу кеча ухлаёлмадим. Икки ўт ўртасида қолдим. Кўзимни юмдим, Зумрад кўз олдимга келаверади. Негадир унга ишонгим келмайди. «Тагин, қўли эгри, ўғри киз бўлмасин?» деган хаёлларга бораман. Секин кизларнинг хонаси атрофини айланиб келаман. Эҳтиёт яхши-да! Зумрадининг фариштадек оппоқ эканлигидан шубҳаланаман. Уни фоҳишалар орасида чиқиб келгани кўз олдимда тураве-

ради. «Ишкилиб, курсдош кизлар уни гапга солиб, кимлигини билиб қолишмаса гўргайди?» — деган кўрқинчли ўйларга бериламан. «Кимлигини ким билиб ўтирибди? Хатто турар жойини ҳам аниқ айтмади. Исми Зумрад экан... Агар рост бўлса! Фамилиясини ҳам айтмади. Ким ўзи? Нима иш қилади?...» Шунақа саволлар кийнаб қўйди мени.

Тонготар кўзим илинибди...

Шу-шу Зумрад билан яқинлашиб кетдик.

Курсдошларимдан, ўзимдан қўшиб-чатиб ижара ҳақини ҳам тўладик. Паспортини олди. Шундан кейин ҳам бир неча кунгача ётоқхонага келиб-кетиб юрди.

Ёлғон бўлмасин, бир неча марта кинога, концертга таклиф қилдим, хатто танцага ҳам бордик, хиёбонларни айландик ва қарабсизки, тез орада бу ёруғ оламни Зумрадсиз тасаввур қилолмайдиган бўлиб қолдим. Негадир уни кўргим келаверар, соғинар, ҳаммадан қизғонардим. Бу алланечук ғалати, ўзим учун бегона, нотаниш, аммо айни чоғда ёқимли, сирли бир туйғу эди...

Ана ўша кунларнинг бирида у ўзининг бошидан ўтган нарсаларни айтиб берди.

Кўк юзида чилдирмадек оймома сутдек нур сочиб турган кеча эди. Биз икковимиз шаршара яқинидаги қахвахонада ўтирардик.

Олдимизда шампан, кадаҳлар, зарқовозли шоколад ва икки сихда катта-катта кавказча кабоб.

Куз хавоси сезилиб, салқин тушиб қолгани учунми, қахвахонанинг усти очик ховлисида қарийб ҳеч ким йўқ, мижозлар ойнаванд девор ортидаги залда ўтиришарди.

Ичкаридан гитаранинг юракларни қитиқловчи нозик садолари, хонанда йигитнинг хиёл ўйчан ва маъюс овози эшитилиб турарди:

*Кетма дедим, кетма ёнимдан,
Сенсиз ҳувиллаб қолади дунё.
Кетдинг! Гўё жон чиқди тандан,
Сенсиз олам бўлди зим зиё...*

Шу кеча Зумрад жуда кўп нарсаларни айтиб берди.

Маълум бўлишича, у эски Тошкент атрофида туғилган, уйлари шундоқкина Сирдарё бўйида экан. Ота-онасини эслаёлмас, акасининг уйида катта бўлибди. Аммо янгаси уни сира чиқиштирмабди. Айниқса, Зумрад мактабни битириб, шаҳарга ўқишга бориб тест синовларидан ўтолмай қайтиб боргач авжига чиқибди.

Шу таҳлит, орадан яна бир йил ўтибди. Зумрад янгасининг қош-қовоғига қараб, уй-жойни йиғиштириб, супуриб-сидириб, жиянларига, сигир-бузоқ, қозон-товоқларга ўралашиб юраверибди. Бўш қолди, яна дарсликларга ёпишар, хали-хамон институтга кириш, врач бўлиш умидида экан. Аммо янгаси унинг устидан кулар, «Сен Зумрадмас, Қимматсан, яшшамагур! Ўқишни сенга ким қўйибди искирт!» деб ҳақоратлар, мазах қиларкан.

Буларга чидолмаган Зумрад бу йил ҳам ўқишга кираман деб келибди. Чилонзорда, бир нўғой кампир-никига ижарага турибди. Аммо бу сафар ҳам ўқишга киролмабди. Бу ҳам етмагандай, ёнидаги пулларини ишлатиб қўйиб қарзга ботиб қолибди.

Ана ўша кезлари кўшни тўрт қаватли уйда яшайдиган Ася исми, қаҳвахонада идиш-товоқ ювувчи бўлиб ишлайдиган аёлга рўпара келибди, унга дардини айтибди. Кейин уни ёнида ёрдамлашган бўлиб юрибди. Ўша қаҳвахонадаги кизлар, жувонлар билан танишибди. Кейин билса, уларнинг кўпчилиги «ана-винақа» аёллар экан. Дарров қадамини узибди, лекин энди Асядан қарздор бўлиб қолгани учун у ерга бориб туришга мажбур экан...

Мен бу гапларга ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмай, Зумрадга тикилганча ўтирардим.

Шу кеча у билан шаҳарни пиёда айланиб ётоқхонага қайтдик...

Эртасига эса уни йўқотиб қўйдим.

Ётоқхонадаги, ҳамхона қизлар ҳам хайрон. Кечкурун бирга эканликлари, анчагача телевизор кўриб, чойхўрлик қилиб ўтиришгани, кейин ётиб ухлашганини айтишди. Алламаҳалда, эшик тақиллаб Зумрадни комендант чакираётганини айтишибди. Зумрад чиқиб кетибди, зум ўтмай хўнграб йиғлаганча қайтиб кирибди ва нарсаларини апил-тапил йиғиштириб чиқиб кетибди.

Хайрон бўлиб қолдим. Кимдан, нима деб суриштиришимни билмайман. Ётоқхонамиз коменданти Ашурали деган пиёниста йигит кеча Зумрадга тегишганми, ё хунук гап айтганми, хайтовур бу ёғи менга қоронғи эди.

Қисқаси, бу ёқда хайрон, дилим вайрон юрибман. Аралашай десам, бошқалар қандай тушунади, деган хаёлларга бораман. Ашурали аканинг ёқасидан бўғиб гаплашиб қўяй десам, Зумрад менга ким бўлади? Кейин бегона бир кизни ётоқхонага яширинча олиб кириб юрганим овоза бўлиб кетса, у ёғи нима бўлади? Балки, Зумраднинг ўзи унга нимадир дегандир? Ахир ғунажин кўз сузмаса, буқа арқонини узмайдикун?» деб ўйлайман.

Ахийри бўлмади. Орадан бир неча кун ўтгач, дарслардан кейин тўғри, ўша, уни биринчи марта учратган «Сфинкс» қахвахонасига бордим. Ася деган аёлни суриштирдим. Ичкарида дейишди. Кирдим ва стуллар оёғи осмондан қилиб устига тахланган столлар орасидан ўтиб борарканман, зал этагидаги дераза ёнида сигарет чекиб, гаплашиб ўтирган аёлларга ва улар даврасидаги Зумрадга кўзим тушди.

Уларнинг олдидаги гулдор клёнка тўшалган стол устида нон, помидор, бодринг уюлган ликопча ёнида ярми ичилган ароқ билан шампан виноси турарди. Аёллар қанақадир латифа айтишишганми, кийкиришиб кулишиб ўтирардилар.

Мен Зумрадни кўриб, очиги таниёлмай қолдим. Елкалари очик, каймокраг кофтасининг ёқасидан кўкраклари, этагидан яланғоч бели шундок кўриниб турар, афтидан хиёл кайфи бор, кўзларида шу пайтгача кўрмаганим алланечук бегона, ёввойи бир ўт чақнаб турарди.

Қадам товушларимни эшитиб аёллар мен тарафга қарашди. Ораларида кимдир нимадир деди шекилли, яна кулиб юборишди.

Зумрад бўлса, ўрнидан туриб мен томонга келаркан, уни хиёл чайкалиброқ юраётганини сездим. Кўришдик. Ундан хавотир олиб келганимни айтдим.

— Келардингиз-да! — кесатди Зумрад қонларини учуриб. — Бир ҳафтадан кейин-а?

— Ҳа, имкони бўлмади, ҳафа бўлманг, — дедим мен ўзимни оқлашга уриниб. — Ўзи тушунолмай қолдим. Нима бўлди, нима қўйди, тушунмадим? Ҳа йўқ, бе йўқ, бир оғиз айтмай ётоқхонадан чикиб кетибсиз?..

— Нахотки, ҳеч қанақа гап-сўз йўқ? — ишонқирамай бош чайкади Зумрад. — Шунча гаплар ўтгандан кейин ҳам-а?

— Худо ҳақки, хабарим йўқ, — дедим мен.

— Ёлғон гапирманг, Дилмурод ака, — кулимсиради Зумрад. — Сизга ярашмас экан... Нахотки, ўша ифлос Ашур комендант мени ўзининг хонасига судрагани, «агар у билан ётсам, мени ётоққа жойлаб қўймоқчи бўлгани»ни эшитмаган бўлсангиз?

— Узук-юлук қулоғимга чалинди, — дедим кўзларимни олиб қочиб.

— Шундаям ўша Ашурга бир оғиз гапирмадингиз, шунақами? — чиройли лаблари беўхшов бурилиб кетди Зумрадининг. — Лоақал, номига бўлсаям химоя қилмадингизми?

— Уриндим... — дедим секин.

— Ёлғон! — сўзимни бўлди Зумрад. — Лоақал, шу бир ҳафта давомида «ҳолинг нима, нима гап

бўлди ўзи» деб хабар олишга ҳам ярамаган одам. Э, кўйинге!..

— Зумрад, — дедим томоғим куруқшаб. — Сиз менга кулок солинг!..

Шундай дейишга дедиму, бу ёғига нимани гапиришни, нимани тушунтиришни билмай гаранг эдим. Худди устимдан муздек сув куйиб юборилгандек бўлди. Нокулай аҳволга тушиб қолдим.

Зумрад менинг ҳолатимни сизди шекилли, кутилмаганда елкамга аста шапатилаб кўйди.

— Сиз барибир яхши одамсиз, Дилмурод ака, — деди сирли кулимсираб. — Менга кўп яхшиликлар қилдингиз... Милициядан қутқардингиз... Ижарадаги қарзларимни тўлашиб юбордингиз...

— Э, буларни кўяверинг, — дедим мен бош чайкаб.

— Йўк, гапимга кулок солинг! — давом этди Зумрад. — Кўчада қолганимда бошпана топиб бердингиз. Ўзимга ўхшаган қизлар билан танишдим. Уларга жуда ҳавасим келди. Мен уларга тиббиёт коллежида сиртдан ўқийман деб ёлғон гапиришга мажбур бўлдим. Ўзимни аҳволимдан, шунақа кўйга тушиб қолганимдан уялдим. Афсуски, менга улардек талаба бўлиш бахти насиб қилмаган экан. Лекин, сизни учратдим... Учратдим, ҳаётимдаги бир кемтик тўлгандек бўлди. Мен сизни бошқача одам деб ўйлагандим. Бу гаплар майли... Барибир сиздан хурсандман. Қарзим кўп олдингизда. Худо хоҳласа, узаман!..

— Нималар деяпсиз ўзи, Зумрад? — дедим хижолатомуз кулимсираб.

Икковимиз секин суҳбатлашиб йўлак тарафга юрдик. Зина тепасида тўхтадик.

Шу пайт Зумраднинг қўллари илкис елкамга теканини сиздим, у қўллари бўйнимдан ўтказиб, юзимга юзини босди. Димоғимга ароқ ҳиди урилгандек бўлди.

— Ичибсизми? — дедим секин.

— Ха, мастман... — деди у аччик кулиб. — Сизни кўриб кайфим ошиб қолди...

— Мен сизни таниёлмаяпман, Зумрад? — дедим бутун вужудим қалтираб.

— Ўзим ҳам ўзимни таниёлмай қолдим, Дилмурод ака, — деди Зумрад лабларини қонатгудек тишлаб.

— Мен... мен сизни бунақа ахволда... Сира кутма-гандим, — дедим нафасим бўғзимга текилиб.

— Дунёда қутилмаган ишлар кўп бўларкан, Дилмурод ака, — деди Зумрад кўзлари ёшланиб. — Жуда қийналиб кетдим... сизни кутдим... келмадингиз! Буни устига турар жойимни, ишимни тайини йўқ. Ася опадан яна қарзга ботдим... Шунинг учун шу кафега келиб унга идиш-товоқ ювиб, ёрдамлашиб юришга мажбур бўлдим...

— Бу гапларни қўйинг, Зумрад, — дедим мен қийналиб. — Яхшиси мен билан кетинг... Ётоқхонага борамиз...

Қизларни ичида юраверасиз... Иш ҳам топилиб қолар?...

— Ўша... исқирт Ашурга ўйнаш бўламанми? — сўзимни бўлди Зумрад ва туйқус кўзлари мастона сузилиб қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. — Кейин мен ҳақимда ҳам «Ғоҳишлар ичидан топилган қиз» деб газетага ёзарсиз?

— Бу нима деганингиз? — тушунмадим мен.

Зумрад яна маъюс тортди.

— Йўқ, Дилмурод ака, — деди аста, — менга ўша, сизни курсдош қизларингизга ўхшаб талаба бўлиш, улардек юриш насиб қилмаган... Пешонам шунақа шўр экан!

— Унақа деманг, илтимос! — уни қўлларидан ушладим ва секин ўзимга тортдим.

— Сиз яхши йигитсиз, Дилмурод ака, — кулокларим тагида шивирлади Зумрад ва маъюс кулимсирган қўйи елкамга бош қўйди, кейин ўпмоқчи бўлиб, лабларини лабларимга яқинлаштирди.

Мен эса ўзимни бошкаролмай қолдим негадир уни бир вақтлар Каттортолда, фоҳишалар орасида чиқиб келаётгани ва hozиргина маст-аласт аёллар орасида ўтиргани лоп этиб кўз олдимга келдию беихтиёр ўзимдан нари итардим. Зумрад бир сескандию худди сачраб уйғонгандек кўзларини катта-катта очганча менга тикилиб қолди.

— Сиз... сиз ... мендан ҳазар қиялпсизми? — деди худди шивирлағудек бўлиб. — Ҳалиям менга ишонмас экансиз-да?

— Йўғе, бу нима деганингиз? — дедим ўнғай-сизланиб.

— Йўк, сиз менга умуман ишонмайсиз! Мени бузук, фоҳиша деб ўйлайсиз. Йўк, гапимни бўлмаң! — у шундай дея менга совук нигоҳ ташлади. — Мен аҳмоқ бўлсам, сизга ишонгандим... Худди хинд киноларисидаги ... севгилисини... севгисини учратган қизларга ўхшаб... Лекин мен сизга бир нарсани айтиб қўяй, Дилмурод ака...

Зумрад шундай дедию, ҳасрат тўла кўзларини менга тикканча шивирлади:

— Мен қиз боламан, Дилмурод ака... Билдингизми? Мени ўниш тугул, биров бармоғининг учини ҳам тегизмаган... Лекин истасам, истаган эркакнинг қўйнига киришим мумкин... Фақат, сизни эмас!...

— Зумрад! — дедим унга яқинлашиб.

— Яқинлашма! — деди Зумрад бирдан кўзлари ёниб. — Мен сен учун бузук аёлман. Касалим сенга юқиб қолиши мумкин. Эҳтиёт бўл!..

У шундай дея ёш тўла кўзларини юмиб, бош чайкаганча, менга сўнгги бор бошдан-оёқ надомат билан бир нигоҳ ташладию орқасига бурилди, кетди...

Мен эса ҳайкал мисоли қотганча қолдим.

Нимаям дердим унга? Бир қалтис ҳаракатим, ўйламай, худди ундан жиркангандай қўлини нари итарганим бунчалар қимматга тушишини ҳаёлимга ҳам келтирмаган эдим.

Ана шундагина бу қиз ҳаётимга нурдек кириб,

юрагимнинг бурчак-бурчакларигача ёритиб юборгани
ва мана энди худди кўк юзини тилкалаб учган сўн-
ган юлдуз мисол йўқолганини ички бир туйғу билан
хис килдиму, дод деб юбораёздим. Аммо энди кеч
эди...

Анхор ёкасидаги сатхида баргу хазонлар чир-
пирак бўлиб учиб юрган кимсасиз йўлкадан ёлғиз
ўзим оёқларимни оғир судраб борарканман, сохил
тарафдаги рангин чироқлари ёниб турган қаҳвахона
томондан таниш бир оҳанг қулоғимга чалингандек
бўлди:

*Кетма дедим, кетма ёнимдан,
Сенсиз ҳувиллаб қолади дунё.
Кетдинг! Гўё жон чиқди тандан,
Сенсиз олам бўлди зим-зиё...*

Бу жуда таниш куй, таниш оҳанг эди...

Бу жуда таниш кўшиқ эди...

Аммо шу топда мен уни қачонлардир Зумрад
билан эшитганимни эслаёлмас, эслайдиган ҳолатда
эмас эдим...

Олдимда, неон чироқларининг сутранг ёғдусига
чўмилган кимсасиз кўча худди ҳеч нима ёзилмаган
оппоқ саҳифа мисоли ялтираб ётарди...

A surrealist black and white collage. On the left, a woman's face is shown in profile, looking downwards. To her right is a large, rectangular block with a rough, textured surface, resembling stone or wood. A dark, solid sphere is positioned above the woman's face, casting a long, dark shadow onto the textured block. The composition is set against a background of light and dark geometric shapes, including a large white triangle at the bottom left and a dark triangle at the bottom right.

ХИКОЯЛАР

КОРОНҒИ ХОНАДАГИ ҚОРА МУШУК...

«Ҳошимбойваччанинг уйига ўғри тушибди» деган хабар кўз очиб-юмгунча оғиздан-оғизга ўтиб, ҳаммаёкка тарқалди.

Энг ажабланарли ери шундаки, унинг уйидан ҳеч нарса ўғирланмаган, лекин таъбни тиррик қиладиган даражада остин-устун қилиб ташланган эди.

Чоп-чоп бошланди. Ҳали маҳалла-кўй, ҳали қариндош-уруғ, ҳали милиция, ҳали жинойт-қидирув бўлими...

Бу жуда ғалати ҳол эди. Капитан Саидов бошчилигидаги жинойт-қидирув гуруҳи ҳам нимадан иш бошлашга хайрон, жимгина хонама-хона айланиб юришарди.

Ўғри тушган уй худди ўлик чикқан хонадондек хунук бўлиб қоларкан. Қандайдир совук, кўркинчлими-ей! Кимлардир киргани аниқ, ҳаммаёқ ағдартўнтар қилиб ташлангани кўриниб турарди... Лекин кимлар? Нима учун киришган? Нега қимматбаҳо нарсаларга қўл тегизишмаган? Уларнинг мақсади нима бўлган бўлиши мумкин?

Ана шундай саволлар капитан Саидовни ўйлантриб қўйганди.

Айниқса, Ҳошим бойваччанинг бева хотини — Асал бонунинг фиғони фалакка чиқиб кетган, бу кўнгилсизликка шу ердагилар айбдордек, дуч келган одамнинг ёқасига ёпишиб уввос соларди.

— Энди нима қила-ма-ан? — деб сонларига шاپатиларди у. — Қандок кунларга қолди-им?... Нега томоша қилиб турибсизлар? Отинг ўчгур ўғриларни тутмайсизларми-и?!..

Асал бонуни аранг тинчлантиргандан кейингина у билан икки оғиз гаплашишнинг иложи топилди.

Бўлиб ўтган воқеа аён эди. Яъни бугунги кунга ўтар кечаси, тунги соат икки-учлар орасида хона-

донга ўғри тушган. Уй эгасининг қизи отасининг вафотидан бери кулфлоглик турган икки каватли ҳашаматли уйнинг эшиги очик турганини кўриб эси чикиб кетган, онасини, акасини чакирган. Қарашса, шу ахвол. Ҳаммаси шундан кейин бошланган. Ким милицияга қўнғирок килган, ким қўни-қўшниларни чакирган. Қисқаси, бунақа пайтларда юзага келади-ган одатдаги манзара...

Маълум бўлишича, шаҳар бозоридаги гўшт рас-тасининг бош паттачиси Хошим бойвачча бир ойча мукаддам вафот этган бўлиб, унинг ўлими ҳам га-лати эди.

Маишатни, улфатчиликни яхши кўрадиган бу одам ўша куни аллақаердан зиёфатдан ғирт маст холда қайтган, бир амаллаб ётқизиб қўйишган ва ... шу билан қайта турмаган. Эрталаб кўзларини очга-ну, қўл-оёқларини кимирлата олмаган, гапиролмаган ва уч кун ўтгач ҳаётдан кўз юмган. Дўхтирлар унга «миясига қон қуйилган» деб ташхис қўйишибди.

Ўғлининг айтишича, отаси ўша кунлари каттик азобланибди. Касалхонага ётқизишган экан, дўхтир-лар «фойдаси йўқ, мия томирлари ёрилиб кетган, нари борса бир ҳафтага етади ё йўқ» дейишибди. Хошим бойвачча ўзига нима бўлганига тушунолма-й шифтга тикилганча ётган, хотинига, ўғлига нималар-дир демокчи бўлгану, айтолмаган. Бир парча қоғозга ёзиб берай деса, қўллари фалаж, бармоқлари ишла-майди. Хуллас, бўлмаганда-е!..

Бундан беш-олти кун бурун гузардаги тўйхонада унинг маъракасини ўтказишди.

Булар-ку, энди майли, бўлиб ўтган гаплар. На-илож, бандасининг холи шу. Лекин буёғи кизик бўлди.

Маҳалла оксоқолининг айтишича, Хошим бойвач-ча шу атрофдаги энг ўзига тўқ одамлардан бири экан. Хайхотдек ховлиси барча қулайликларга эга, ховли этагида эса отаси қурдирган икки каватли

хашаматли иморат бор экан. Қўш машина. Хоналардаги жихозларгаку, гап йўқ! Бу телевизорлару видеомангитафонлар, бу гиламлару чет эл мебеллари...

Хаммани хайратга солган нарса ҳам шу, ўғриларнинг буларни ҳеч бирига қўл тегизишмагани эди. Капитан Саидов савол-жавобни худди ана шу «нукта»дан бошлади.

— Хамма нарсаларингиз жойидами, янга? — деди рўпарасида ўтирган, ёши ўтиб колганига қарамай, қарилик билан беллашиб юрган бодомковок аёлга қараб.

— Хаммаси жойидаю, лекин мана бу еримда нимадир синиб тушгандай, — пиқиллади Асал бону кўкрагига уриб. — Жувонмарглар юрагимни узиб кетишди.

— Юрагингизни қўяверинг, — аралашди эксперт Умаров кулимсираб. — Худога шукур, тан-жонингиз соғ, нафас олиб турибсиз. Хамма кийим-кечаклар, тилла тақинчоқлар, бошқа қақир-қуқирлар турибдими?

— Турибди, турибди, — деди Асал бону сийраклашган сочлари оппоқ, чорпахилдан келган кишига норози киёфада кўз ташлаб қўйиб. — Лекин бу уйга ўғри киргани пакт-ку?

— Ҳеч нимангизни олмабди-ку? — саволга савол билан мурожаат қилди капитан Саидов ва атрофга имо қилди. — Ўмариб кетаман деса, арзигулик нарсалар йўқ эмас экан.

— Вой, манави одамнинг гапини! — шанғиллади Асал бону, — Мени ё ўғлимни, келиним ё қизимни сўйиб кетиши ҳисоб экан-да?

— Ваҳима қилманг! — деди Умаров энсаси қотиб ўрнидан тураркан. — Ўша чакирилмаган «тунги меҳмонлар»ни қидирамиз, топамиз, жазолаймиз!

— Қачон? — кўзларини чакчайтирди Асал бону.

— Иш энди бошланди, янга, — деди капитан Саидов босиқ оҳангда, — мен сиздан хамма нарсаларингиз жойидами деб сўрадим, холос.

— Жойида дедим-ку! — чимирилди Асал бону. — Хадеб тилла-пилла деяверасиз? Ундан кўра, яшшамагур ўғриларни тутинг!

— Хозир кўчага чикиб тутиб келамиз, — деди Умаров зарда билан, — лекин бунинг учун уларнинг кимлигини, бу ерга нима мақсадда кирганлигини аниқлаш керак-ку, ахир?

— Аниқланг, ким қўлингиздан ушлаб турибди? — ўкрайди Асал бону.

Эксперт Умаров «э-э!» дея унга қўл силтаб нари кетди...

Ишни наридан-бери текшириб ёпиб қўя қолиш ҳам мумкин эди. Лекин капитан Саидов буни истамеди. Зеро, бу ғалати жиноят, тўғрироғи жиноят қилишга уриниш унинг ўзини ҳам кизиктириб қўйганди.

Гурух аъзолари ҳам бефарқ караб туришмади. Умаров бошчилигидаги эксперт-криминалистлар айрим нарсаларни аниқлашга эришишди.

Ўша кеча бу уйга бир неча киши эмас, бир киши, ё ёш бола, ё ихчам жуссали одам кирган...

Эксперт Умаров ўғрининг девор ошиб тушгани, кейин зинадан кўтарилиб эшиги кулф уйга киргани, унинг оёқ излари ховлида ҳам, зиналарда ҳам, девор саҳнию, унга қапишиб ўсган беҳи дарахти тана-сида ҳам, қўйингчи, ховли этагидаги икки каватли уй хоналаридан ҳам топилди.

Умаров эртасигаёқ бу ҳақда ўз хулосаларини ёзиб берди. Капитан Саидов улар билан танишаркан, рўпарасидаги оромкурсида газетадаги сканвордни ечиб ўтирган Умаровга караб жилмайиб қўйди:

— Ўғри қарийб қўлга тушибди-ку, Бурхон ака?

Умаров газетани буклаб стол устига ташлади-да, ўрнидан турди.

— Йўқ, хали қўлга тушмади, — деди қўллари-

ни ёзиб. — Буёғи энди сизнинг ишингиз, Шерлок Холмс!

— Доктор Ватсон бир чеккада томоша қилиб турарканлар-да? — истехзоли кулди Саидов.

— Йўқ, нега? Мен ёнингизда бўламан, — деди Умаров. — Мени биласиз, бирон ишни охирига етказмагунча қўймайман.

— Етказиб қўйибсизку? — деди капитан Саидов олдидаги қорозга имо қилиб. — Оёқ кийимининг размери 38... Таги резинка, қўнжи баланд кроссовка кийган... Афтидан 14-15 ёшлардаги бола... ёки пака-на одам. Шунақами?

— Йўқ, — бош чайқади Умаров, — иннайкейин, у жуда шошилган. Менимча, ташқарида уни кимдир кутиб турган бўлиши керак?

— Балки, бир неча кишидир? — ажабланди Саидов.

— Айнан бир киши. Мен кўча тарафдан, арик бўйидан тез-тез, чала чекиб ташланган «Малборро» сигарети колдикларини топдим, — голибона илжайди Умаров.

— Демак, у ҳам шошган, асабийлашган? — деди Саидов суҳбатдошига қараб.

— Албатта, — деди Умаров. — Иннайкейин, бир нарсага эътибор беринг! Ўша ичкарига кирган бола... келинг, «ўғри» деб қўяқолайлик! У бу уйнинг тузилишини, хоналарнинг қандай жойлашганини жуда яхши билган.

— Балки, ташқаридаги шериги унга чизиб, тушунтириб бергандир?

— Бўлиши мумкин, лекин ҳозир гап бунда эмас, — деди Умаров кизишиб. — Лекин у ҳеч нарса ўғирламаган. Фақат, ниманидир кидирган холос.

— Ва ўша нарсани тополмаган, — қўшиб қўйди Саидов.

— Балки, топгандир? — елка қисди Умаров. — Бунисини айтиш қийин. Ҳамма гап ана шунда. У нима учун бу уйга кирган?

— Биринчидан, ёши катта одам крассовка киймайди, — деди Умаров ўйланиб. — Размери ҳам 38. Иннайкейин, деворга тирмашиб дарахтга чикиш учун одамнинг оғирлиги қирк-эллик килодан ошмаслиги керак...

— Нега энди оёқ кийимининг размери 38, оғирлиги эллик атрофида бўлса, — сўради капитан Саидов. — Наҳотки, шунақа одамлар йўқ дейсиз? Лилипут киши десам, ишонасизми? — деди Умаров.

— Қўйсангиз-чи! — деди капитан Саидов экспертга хайрон қараб. — Жуда ғалати-ку?

— Буни «коронғи хонада қора мушукни излаш» дейдилар, — кулиб юборди Умаров ва эшик тарафга юраркан қўшиб қўйди:

— Агар ўша қора мушук ичкарида бўлса?!...

Эксперт Умаров бақалок гавдасига ярашмаган чакқон ҳаракатлар билан чикиб кетди. Капитан эса унинг орқасидан ўйчан кулимсираганча қолди...

Шундай килиб, кидирувлар пойафзаллардан бошланди.

Сержант Қорабоев билан эксперт Жанна Микеладзе ҳамма оила аъзоларининг оёқ кийимлари ва уларнинг размерларини ўрганишга киришишди. Аммо ҳеч бир натижа чикмади.

Ҳошим бойваччанинг кечагина хориждан келган ўғлининг ҳам, қизининг ҳам оёқ размерлари катта, неварасиники кичкина эди. Қўни-қўшнилари ҳам қолмади. Бахтга қарши ҳеч бириники ҳовли ва хоналардаги суратга олинган изларга тўғри келмасди.

Бу орада капитан Саидов Ҳошим бойваччанинг яқин қариндош-уруғларини ҳам суриштирди, улар билан савол-жавоб ўтказиш баҳонасида оёқ кийимларига ҳам разм солишни унутмади.

Ҳошим бойваччанинг Хадича деган опаси, поччаси, неваралари билан учрашди. Йўқ, улар орасида ҳам 38-чи размерли крассовка киядиган одам йўқ эди.

Шундан кейин унинг укаси Абдухалилни чақиртирди. «Автосервис»да устахона бошлиғи бўлиб ишларкан. Бўлимга иккита ўғли билан келди. Бирининг ёши йигирмаларда. Қизи ўн еттида. Кенжа ўғилчаси хали ўн ёшга ҳам тўлмаган экан...

Иш янада мураккаблашди.

Капитан Саидовни таажжублантирган нарса, Хошим бойваччанинг опаси айтган гапларидаги норози оҳанг бўлди.

— Ўлганнынг орқасидан гапириб бўлмайдику, айланай, — деди ёшига нисбатан қаримсик кўринадиган опаси. — Укамнинг ўзини худо урганди. Беш қўлини оғзига тикарди. Бир марта пора олиб-бериб, қамалиб ҳам чиқди. Кейин ичадиган бўлиб қолди. Қон босимига учради. Кейин ошқозон яраси бўлди. Апарайса килинди. Ўғлини уйлантирди. Қизини узатиш ҳаракатида эди. Мана шу ховлида отамиз раҳматли, кейин укам Халилжон билан туришарди. У кишини ҳам хор қилди. Ичиб келиб уришгача борди...

— Отапиз нима иш қилардилар? — сўради Саидов.

— У кишини эшитгандирсиз? Хусанбой дейишарди. Умр бўйи қўнчилик билан шуғулланганлар... Хусусий дўконлари ҳам бўларди. Биринчилардан бўлиб цех очганлар. Эскичадан хат-саводли эдилар. Шу уй-жойлар ҳам ўша кишидан мерос. Хошим буларни бели қайилиб қўрмаган. Фақат реймонт қилди холос. Отамизнинг ўлиmidан кейин ака-ука шу хайхотдек ховлига сиғмай қолишди. Бўлмаса, оз эмас, кўп эмас, ўн икки хонали участка. Уруғ-айморигача етарли. Икковиниям топиш-тутиши ёмон эмасди. Ниманидир келишолмадию, ўртага совукчилик тушди. Кейин, шундан кейин отамиздан қолган икки қаватли уйга тамба қўйилди...

-- Нимани келишолмади? — беихтиёр сўради капитан Саидов.

— Нимани бўларди? — кўл силтади аёл. — Ўзбекчиликни биласиз-ку? Бир қоринга сикқан ака-ука битта ховлига сиғмай қолишади...

— Келинлар ўртасида бирон келишмовчилик бўлганми? — ўсмоқчилади Саидов.

— Унисиям бўлса бордир? Бу овсинларга қўндоқда теккан касал, — лабларини бурди аёл.

— Билишимча, Ҳошим ака анча тадбиркор, топармон-тутармон одам бўлган эканлар, бирон уй-жой қилиб чиқиб кета қолмаган эканлар-да?

— Ким ўзининг туғилиб ўсган уйини ташлаб кетгиси келади, оповси? — кулимсиради аёл. — Буни устига Ҳошим раҳматли анчайин худбинроқ эди.

— Одатда ховли-жой кенжа ўғилга қолдирилади-ку? — деди Саидов. — Шунга айтаман-да!

— Ўшанда отамиз раҳматли тўшакка михланиб қолган эдилар. Тил йўқ, забон йўқ. Жуда азобланиб ўлдилар, раҳматли, — йиғламсиради аёл. — Ҳошим жувонмарг у кишини хор қилди. Биз нимаям қилардик? Рўзгоримиз бошқа, ўзимиздан ортмаймиз. Келиб иссиқ-совукларидан хабар олиб турардигу, бошқаси Ҳошимга қолганди. Факат Халилнинг катта ўғли тез-тез келиб, бобосига қараб, соч-соқолини олиб, ювинтириб турган. Кейин у ҳарбий хизматга кетгач, отамизга қарайдиган одам қолмаган. Ҳошим эса отамизнинг сўнгги нафасларида сув томизишга ҳам ярамаган. Ўша куниям нимадандир жанжал чиқариб, уйдан чиқиб кетган, эртасига келган. Отам бечора бўлсалар...

Аёл озғин елкалари силкиниб йиғлаб юборди.

— Ўтганларни Аллоҳ раҳмат қилсин, опа, — деди секин капитан Саидов.

— Канақанги ака-укалар, канақанги опа-укалар бор, — ҳикиллаб давом этди аёл. — Бир-бири учун жонини бериб юборади. Булар бўлса, ўша жаноза куниям, фотиҳагарчиликдаям бир-бирига тесқари қараб туришди. Мана, барибир ўларкансан-ку? Ҳам-

маси қолиб кетди. Пул, мол-мулк, мошина-пошина, уй-жой, хотин, бола-чака... Ҳаммаси буёқда қолди. Ўзи билан кафанини олиб кетди холос...

Шу билан суҳбат тугади. Капитан Саидов бу муштипар аёлдан ортиқча ҳеч нарса билолмади...

Эртасига Ҳошим бойваччанинг укаси билан алоҳида учрашмоқчи эди, бўлмади. Халилни чақиртиришган экан, келмабди. «Вактим йўқ, иш кўп» дебди. Шундан кейин, капитан Саидовнинг ўзи унга қўнғирок қилди.

— Биз сизни хангамалашиб ўтиришга эмас, иш юзасидан чақиртираяпмиз, жабрланувчи хонадоннинг яқин кишиси сифатида кўрсатма беришингиз керак, — деди.

Абдухалил тўнғина йигит экан.

— Бир марта бордим, бўлди. Мени у хонадонга алоқам йўқ, ора-очди қилиб кетганман. Сизларга ҳеч қайси масалада ёрдам беролмайман, — дегандек гап қилди.

Эртасига капитан Саидовнинг ўзи у ишлайдиган «Автосервис»га боришга мажбур бўлди.

Ҳақиқатан ҳам иш қайнаган жой экан. Қатор устахоналар олдидаги майдонча катта-кичик машиналар билан тўлиб кетган, усталарнинг қўли-қўлига тегмасди.

Капитан Саидов машинада ҳайдовчи йигит билан эксперт-криминалист Умаровни қолдириб, ўзи устахона тарафга кетди ва кўп ўтмай баланд бўйли, сочлари жингалакка мойил, ғўлабир йигит билан чиқиб келди.

— Менинг сизлар билан гаплашадиган гапим йўқ, — деди Абдухалил ковоғини уюб.

— Лекин ёрдам беришингиз керак, — деди капитан Саидов ўжарлик билан. — Нахотки, акангизнинг уйида юз берган қўнғисизликка шунчалар бефарқ бўлсангиз?

— Бунисини менга алоқаси йўк, — тўнғиллади Абдужалил. — Ўзимнинг ташвишим ўзимга етиб ортади. Икки хонали квартирада хотиним, икки ўғил, бир кизим билан тикилишиб ўтирибмиз. Мен пул топишим керак. Оиламни таъминлашим, ўғил уйлантиришим керак...

— Уйлантиринг, ким бунга ҳалал беради? — деди капитан Саидов «бу гапларнинг бунга нима алоқаси бор» деган оҳангда.

Абдухалил аччиқ жилмайди-да, бош чайқади:

— Қаерга уйлантираман, ака? — деди бўғилиб. — Ошхонагами, ҳаммомгами, ё балконгами? Шунинг учун пул топай, уйни кенгайтирай деб уриниб-суришиб ётибман-да!

Қисқаси, Абдухалилдан тайинли гап чикмади. Кўпчилик саволларга жавоб беришни истамеди. «Ҳа», «йўк», «билмайман», «хабарим йўк», «вактимни оляпсиз» дейишдан нарига ўтмайди. Асабийлашиб, устма-уст уч-тўрт маротаба сигарет чекиб ташлади.

Капитан Саидов у билан бошқа куни алоҳида учрашишга келишиб орқага қайтаркан, машинадан тушиб шу тарафга шошиб келаётган эксперт Умаровни кўриб тўхтади. Унинг индамай ёнидан ўтиб кетаётганини кўриб хайрон бўлди.

Умаров эса боя улар гаплашган жойга бориб, у ёқ-бу ёққа каради, кейин рўмолчасини чиқариб тер босган юзини артмоқчи бўлганди, чўнтагидан чиккан бир неча танга ерга тўкилиб думалаб кетди. У эринмасдан, пишиллаганча чўнқайиб ўтириб, тангаларни теришга тутинди.

Капитан Саидов унга қараб туриб кулгиси кистади ва машина тарафга юрди.

— Мана, прокуратура фахрийсининг, доктор Ватсоннинг аҳволи, — деди у ҳазиллашиб Умаров машинага чиқиб ўтираётганида.

Умаров унга жавобан илжайди:

- Ноннинг увоғиям нон, ука!..
- Тўппа-тўғри, — уни маъқуллади хайдовчи йигитча. — Қари билганни пари билмас!..
- Ана! — унга қараб маъноли бош ирғади Умаров ва хайдовчининг елкасига қокиб қўйди:
- Қани, кетдик, доно йигит!
- Кулипишди. Машина ўрнидан кўзгалди...

Эрталабдан ҳавонинг авзойи бузилди. Кўк юзини булут босиб, шамол турди. Битта-яримта ёмғир томчилаб ўтди. Кейин осмон яна ёришиб кетди. Офтоб елкаларни қиздира бошлади.

Шу куни капитан Саидовнинг иши қўп эди. Қилинаётган ишлар хақида бошқармага ҳисобот тайёрлаши, жинойт-кидирув гуруҳи аъзолари билан йиғилиш ўтказиш, маслаҳат қилиши, уларга янги топшириқлар бериши керак эди. Ҳаммаси бошқа кунга колдирилди.

У шахсий «Жигули»сини хайдаб, ёлғиз ўзи «Автосервис»га уста Абдухалил Тўйчиевнинг ёнига кетди. Аксига олиб, у ҳам жойида эмас экан.

— Шу ерда эдилар, — деди қўллари қора мойга беланган киши. — Ана машинаси турибди. Ўзи ҳам шу атрофда бўлса керак...

Лекин Абдухалил «шу атрофда» кўринмади. Капитан Саидов ярим соатча кутди. Тоқати ток бўлиб у ёқ-бу ёққа юраркан, бояги киши кўрсатган, қизғиш «Нексия» ёнига борди. Уни ингичка шлангасидан келаётган сувда хафсала билан юваётган сарғимтир сочлари кир-чир, оқ-сариқдан келган боладан сўради:

— Эгаси қани, бу машинани?

Бола унга бир қараб қўйдию, елкасини қисиб қўйди:

— Билмадим? Шу ерда юргандилар...

Капитан Саидов унга бошдан-оёқ қараркан, беихтиёр кўзи унинг крассовкасига тушдию, ғалати бў-

либ кетди. Кейин ўзини бугун формада эмаслигидан ичида суюнди ва уни гапга солишга уринди.

— Мениям машинамни ювиб берсанг-чи? — деди уни чалғитиш учун йўл четида турган «Жигули»сига имо қилиб.

— Майли, — деди бола елкаси енгига бурнини артиб. — Беш минг бўлади.

— Намунча? Жуда киммат-ку? — ажабланди Саидов.

— Биринчидан, бу машина ювадиган «мойка» эмас, амаки, — деди бола кўзларини муғомбирона кисиб. — Кейин, бу мени ишим эмас.

— Юваяпсанку? — шлангга имо килди Саидов.

— Хўжайиннинг машинаси бўлгани учун, — деди дока билан машина ойналарини артаркан, — унга йўк деб бўлмайди...

Капитан Саидов шу куни Абдухалилни учрата-олмади. Лекин бояги, машина юваётган котмагина сарик бола ва унинг оёғидаги 38-чи размерли крас-совка унга тишчлик бермай қўйди. Бўлимга қайтган заҳоти, ходимларига ўша бола билан қизиқиб кўришни топширди...

Капитан Саидовни эрталабдан бошқармага чакиртиришганди. Ишхонасига қайтса, қабулхонада уни эксперт Умаров кутиб ўтирган экан. Хонага киришди. Хол-ахвол сўрашди.

— Битта фокус кўрсатайми? — сирли кулимсиради Умаров оромкурсига ўрнашиб ўтираркан.

— Майли, — қизиқсиниб бош ирғади Саидов.

Умаров худди шуни кутиб тургандек чўнтагидан иккита қоғоз пакетча чиқариб стол устига ағдарди. Уларнинг ичидан беш-олтита чекилган сигарет кол-диклари тушди.

Капитан Саидов унга «тушунмадим» дегандек қараб қўйди.

— Хўш, буларни нима деб ўйлайсиз, Шерлок Холмс? — деди Умаров кулимсираб.

— Нима бўларди? Чала чекиб ташланган сигарет қолдиқлари, — деди капитан Саидов уларга синчков кўз югуртиб, — ўзингиз айтмоқчи «ярадор сигаретлар»...

— Йўқ, булар «олтин калитчалар» бўлади, капитан, — мамнун илжайди Умаров. — Нахотки, сезмаяпсиз? Эътибор беринг! «Малборо» сигаретлари. Ҳаммаси бир хил. Мана булар, қайси куни «Автосервис»га борган кунимиз мени тангаларим тўкилиб тушганда топиб олганларим...

Капитан Саидов суҳбатдошига анграйганча қолди.

— Мана булар, — бепарво давом этди Умаров, — хув... иш бошлаган кунимиз Хошим бойваччанинг уйи орқасидаги ариқ лабидан топилган сигарет қолдиқлари... Ҳаммаси чала чекилган. Фильтри тишлаб ташланган. Бу чекувчининг асабийлашаётгани, безовталигидан дарак беради...

— Демак, — унга қаради Саидов.

— Демак, «Автосервис» майдончасидаги ва ариқ лабидидаги сигаретлар ҳам бир киши томонидан чекиб ерга ташланган, — деди Умаров «ана шунақа» деган оҳангда.

— Кўчада ўғрини кутиб турган Хошим бойваччанинг укаси, Абдухалил демокчимисиз? — хайратини яширолмади Саидов.

— Йўқ, бунақа хулоса чиқаришга ҳали эрта, — жилмайди Умаров. — Ҳали бу «ярадор сигаретлар» кўп нарсаларни айтиб беради!

— Ўша куни тангаларингиз бекорга тўкилмаган экан-да? — қизиксинди капитан Саидов.

— Ха, — уни тасдиқлади Умаров, — тасодифан мен Абдухалил чўнтагидан чиқарган «Малборо» сигаретининг кутисини кўриб қолдим. Шундан кейин танга баҳона, у ерга ташланган сигарет қолдиқларини териб олдим. Кечаси текшириб чиқдик. Улардаги

бармоқ ва тиш излари ариқ ёқасига ташланган сигаретлардаги излар билан бир хил.

— Оббо, сиз-ей! — деб юборди капитан Саидов беихтиёр, — Зўрсиз!

— Ана, шунақа, азизим Холмс! Зўрлигимни ўзим биламан, — илжайди Умаров ва сохта жиддийлик билан кўшиб қўйди. — Лекин бу хали «қоронғи хо-надаги кора мушук» қўлга тушди деган гап эмас!..

«Автосервис»да ишлайдиган сариқ бола эртасигаёқ аниқланди. Иسمى-фамилияси Қуддус Ғаффоров, лақаби «Ахлат». Ёши 15 да. «Болалар уйи»да тарбияланган. Ўғрилиқ қилгани учун тарбияси оғир болалар колониясида ўтириб чиккан. Ота-онаси номаълум. Бир ярим йилдан бери «Автосервис»да усталарга дастёрлик қилиб юради. Туман ички ишлар бўлимида вояга етмаган тарбияси оғир болалар рўйхатида туради. Жуда учар, айёр ва эпчил бола... ва хоказо ва хоказо...

Ана шу маълумотларнинг ўзиёқ, капитан Саидовга кўп нарсаларни ойдинлаштираётгандек туюлдию, лекин бошқа бир нарса, буларнинг хаммасига соя ташлаб тўсиб тургандек таассурот қолдирди.

Хўп, ўша куни Ҳошим бойваччаникига ўғриликка тушган ана шу «Ахлат» бўлиши мумкин. Лекин нега, нима учун?

Капитан Саидовнинг кўнглини ғаш қилиб, кечириб турган нарса ҳам ана шу бешафқат савол эди...

«Ахлат» биринчи сўроқдаёқ довдираб қолди.

Капитан Саидов уни олиб келишган захоти «хужум»га ўтди.

— Ўн саккизинчи март куни кечаси қаерда эдинг?

«Ахлат» унга бир караб қўйдию, юзини бурди:

— Нимагайди?

— Сен эмас, бу ерда мен савол бераман! — овозини баландлатди капитан Саидов.

— Ҳақкингиз йўқ, — деди «Ахлат» сурбетлик билан, — мен жиноятчи ё махбус эмасман.

— Сен мен билан ҳақ-хуқуқингни талашмасдан, саволимга жавоб бер, — жаҳли чиқиб кетди Саидовнинг. — Ўн саккизинчи март, жума куни кечаси икки-учлар орасида қаерда эдинг?

— Уйда, — деди «Ахлат» бамайлихотир.

— Бўлмаган гап! — столга муштлади Саидов.

— Эсимда йўқ, — деди бу сафар «Ахлат» яна қайсарлик билан.

Капитан Саидов ўрнидан туриб унинг тепасига келди ва қўлларини ковуштирганча тўхтади.

— Яхши, — деди вазмин оҳангда, — унақада ўзим эсингга соламан...

Бола унга ер остидан кўз қирини ташлаб елка қисиб қўйди.

— Ўша куни кечаси соат икки-учлар орасида сен... — давом этди Саидов, — «Муштарий» кўчасидаги 37-чи уйга ўғирликка тушгансан...

— Ўғирликка тушмаганман, — деди «Ахлат» кўзларини лўқ қилиб. — Тухмат қилишга ҳақкингиз йўқ.

— Сен кўча тарафдаги девордан ошиб, — яна давом этди Саидов, — ховли этагидаги беҳи дарахти оркали уйга киргансан...

— Исботингиз йўқ, — деди «Ахлат» оқ-сарик юзи қизариб.

— Майли, исботлаймиз, — деди Саидов стол устидаги папкага чертиб. — Мана бу ерда оёғингдаги крассовкани, қўлларингни излари бор. Шунинг ўзиёқ, сени ўғрилиқда айблашга далил бўла олади.

«Ахлат» лаблари титраб, хунук илжайди:

— Бунисиботлаш керак!

— Нимага ўша уйга бординг? — унга қарамай сўради Саидов. — Нега девор ошиб тушдинг?

«Ахлат»нинг ихчам гавдаси янада кичрайиб кетгандек бўлди.

— Мен ҳеч нарса ўғирлаганим йўқ, — деди бошини эгиб.

— Саволимга жавоб бермадинг?

— Мен бунақа саволларга жавоб бермайман, — бош чайқади «Ахлат». — Адвокат талаб қиламан...

— Сени адвокат бошига урадим, тентак! — деди Саидов унга истехзоли қараб. — Ҳақиқатан ҳам «Ахлат» дейишганча бор экансан.

— Бу билан нима демокчисиз? — кўзларини чакчайтирди «Ахлат». — Мени исмим Қуддус, фамилиям Ғаффоров...

— Лакабинг эса «Ахлат», шунаками?

Бола индамади.

— Болалар колониясидаги ҳужжатларингда «чақалоқлигимда мени ахлатхонадан топиб олишган. Ота-онамнинг кимлигини билмайман. Шунинг учун болалар менга «Ахлат» деб лакаб қўйишган» деб кўрсатма бергансан. Инайкиёин, чап қўлингдаги бош бармоғинг тепасида «К.Ғ» деган иккита харф татуировка қилинган...

Бола муштларини яшириб унга қаради ва совуккина қилиб деди:

— Мен адвокат талаб қиламан.

— Албатта! — хитоб қилди капитан Саидов. — Лекин сенга бир нарсани айтиб қўйишим керак...

Бола «нимани» дегандек қошларини чимириб унга кўз ташлади.

— Сени ахлатхонадан топиб олганлари учун эмас, мана шунақа эшакдек қайсарлигинг, ёлғончилигинг, ифлослигинг учун «Ахлат» деб лакаб қўйишган.

— Мени ҳақорат қилишга ҳақкингиз йўқ, — лабларини бурди «Ахлат».

— Ана энди, кимнинг нимага ҳақки бор, буёғини

гаплашаверамиз, — капитан Саидов шундай дея навбатчи милиционерни чакириш учун тугмачани босди. Эшик очилиб милиционер йигит кирди.

— Мана бу ҳақиқатпарвар йигитчани олиб чикинг, — деди Саидов жаҳл билан.

«Ахлат» бунақа манзараларни, бунақа ҳолату бунақа савол-жавобларни кўп кўргани учун бети қотиб кетган экан, кулранг кўзларини лўк қилиб, индамай кўлларини орқасига қилиб ўрнидан тураркан, алам билан шивирлади:

— Барибир ўша гапим-гап... Мен ўғрилиқ қилмадим. Менга шунақа топшириқ берилганди...

Орадан икки кун ўтгач жинойт-қидирув гуруҳи қилинаётган ишлар юзасидан бир тўхтамга келиш ва ишни прокуратурага ошириш масаласида йиғилиш ўтказди.

Ҳаммадан ҳам эксперт Умаровнинг оғзи қулоғида, хурсанд эди.

— Мен шунақа бўлишини билардим, — деди у капитан Саидов билан хонада ёлғиз қолишгач. — Бу ерда қўпчилик англаб етмаган бир сир борлигини сезгандим.

— Яна қанақа сир? — сўради капитан Саидов.

— Хўш, ўзингиз бу ҳақда нима деб ўйлайсиз? — айёрона кулимсиради Умаров.

— Хайронман, — деди капитан Саидов гапни нимадан бошлашни билмагандек. — Ўша бола... «Ахлат» шунчаки кўғирчоқ вазифасини ўтаган ҳолос. Унинг ипларини тортиб ўйнатиб турган кўғирчоқ-боз эса четда турган. Воқеаларнинг «сценарий»сини ишлаб чиққану, ўзи ўйинда аралашмаган. «Ахлат» ўзига берилган «аванс» ва ваъда қилинган пул эвазига яна эски ҳунарини ишга солган. Яъни, фуқаро Абдухалил Тўйчиевга ўзи томонидан топиб чиқиш топширилган васиятномани топиши керак эди...

— Лекин бу иш амалга ошмаган, — унинг сўзини давом эттириб кетди Умаров, — яъни, васиятнома топилмаган. «Ахлат» уни анча кидирган. Эсингизда бўлса, хонадаги қимматбаҳо буюмлар эмас, балки кўпроқ коғозлар, хар хил хужжатлар титиб ташланган эди. Мақсад...

— Мақсад аён, — уни маъкуллади капитан, — ака-ука Тўйчиевлар ўртасидаги уй-жой можароси сабаб бўлган бунга. Боя йиғилишда тўғри айтдингиз, бунинг илдизи анча чуқур. Ака-укаларнинг мархум отаси Хусанбой ўз вақтида қариллаган бадавлат кишилардан бўлган. Фарзандларига ҳамма нарсани бергану, меҳр-оқибат беролмаган холос. Айниқса, тўнғич ўғил — Абдухошим Тўйчиев отасига нисбатан ўта бешафкатлик ва виждонсизлик қилган. Ўзлари яшаб турган данғиллама ховли-жой отаси томонидан укаси ва ўзига бўлиб берилишига қаршилиқ кўрсатган. Кейин ота унинг иштирокисиз бу ховлини укасининг тўнғич ўғлига васият қилиб қолдиргани ҳақидаги гапни эшитгач, тўнини тесқари қийиб олган. Ичиб келиб отасини ҳақоратлаган, урган-тепган. Отаси ўсал ётганида васиятномани ўзгартиришни ва ўша пайтда Москвада ўқиётган ўзининг ўғли номига ўтказишни талаб қилган. Хотини ҳам қайнотасига умуман қармай қўйган. Бу гаплар кейин отанинг ўлим тўшагида ётгани сабабли, чеккага сурилиб қолган, ҳамманинг ёдидан кўтарилган.

— Буёғи озми-кўпми менга ҳам маълум, — деди капитан Сандов сигарет тутатиб, — «Автосервис»да ўша пайтда катта уста бўлиб ишлаётган укаси опасининг оғзидан бу гапларни, яъни шу ховли-жой унинг ўғлига васият қилиб қолдирилганини эшитгач, ўша хужжатни қўлга киритиш ҳаракатига тушган. Лекин очиқ-ойдин гаплашиб олай деса, ака йўқ. Хошим бойвачча вафот этган. Уйига бораё деса, янгаси билан тесқари. Шунинг учун «Ахлат» деган собиқ ўғриваччани ёллаб, уни ўша уйга киритишга мажбур бўлган.

— Унақада ўша васиятнома қаерда бўлиши мумкин? Нега у топилмаган? — кулди Умаров, — мана сир қаерда?

— Буниси ҳозирча номаълум, — елка қисди Саидов. — Агар ҳаммаси қонуний расмийлаштирилган бўлса, нотариус идорасида нусхаси бўлиши керак эди. Суриштирдик, у ердан ҳам топилмади.

— Унақада расман топширилмаган бўлиб чиқади, — деди Умаров чуқур тин олиб. — Қайд этилмаган. Аслида, гап бунда ҳам эмас. Буни тез орада билиб оламиз. Ўшанда сир ҳам очилади.

— Қанақасига? — ажабланди Саидов.

— Бунисини ҳозир айтолмайман, — давом этди Умаров. — Энг муҳими муаммонинг ечимида.

— Демак, «қоронғи хонадаги қора мушук» қопқонга тушди денг? — кулимсиради Саидов.

— Агар ўша қоронғи хонада қора мушукнинг ўзи бўлса?! — қах-қах уриб юборди Умаров.

Капитан Саидов кутгандек бўлиб чиқди.

Бу хусусда айбланувчи Абдухалил Тўйчиев ҳам ҳеч нима деёлмади. Ҳамма айбларини бўйнига олди. Васиятномани қўлга киритиш ниятида бўлгани, шу мақсадда ҳовли-жойга эгалик қилиш ниятида бўлгани ва шу сабаб ўғирликни ташкил қилгани, бу йўлда «Автосервис»да дастёрлик қилиб юрадиган «Ахлат» лақабли ўғри боладан фойдаланганини инкор этмади, лекин васиятноманинг тақдири масаласи очик қолди.

Шундай қилиб, устахона бошлиғи ва унинг шогирди устидан жиноий иш қўзғатилди...

Орадан уч кун ўтгач, эксперт Умаров бўлимга ёшгина бир йигитни бошлаб кириб келди.

Капитан Саидов уни қаердадир кўргандек бўлдию,

аник эслолмади. Бу йигит Хошим бойваччанинг ўғли бўлиб чиқди. Анча сермулоҳаза, вазмин йигит экан. У ийманибгина сумкасидан буклоғлиқ қоғоз чиқариб стол устига қўйди ва хўрсиниб деди:

— Хаммасига мана шу қоғоз сабаб... — деди аста. — Бу бобом раҳматликнинг амакиваччамга мерос қолдирганлиги ҳақидаги васиятнома. Ўз вақтида расмийлаштирилмаган холос. Араб алифбосида бобом томонидан ёзилган. Шунинг учун ҳам унинг нималиги ва унда нималар баён этилганини ҳеч ким билолмаган.

Капитан Саидов билан Умаров бир-бирларига маъноли қараб қўйишди.

— Сиз буни каердан топдингиз? — сўради Саидов.

— Қайси куни ағдар-тўнтар қилиб тапланган хужжатлар орасида араб алифбосидаги бир неча шунақа қоғозларга кўзим тушиб қолди. Ўқитиб кўрдим. Биттаси васиятнома бўлиб чиқди.

Капитан Саидов ана шу лаҳзаларда Хошим бойваччанинг опаси билан суҳбат пайтида «отамиз раҳматли бадавлат, эскичадан саводли одам эдилар» деган сўзларини эслаб алланечук бўлиб кетди.

— Сиз ... мабодо, — йигитга юзланди Умаров. — Бу васиятномани инобатга олиниши ё олинмаслигидан қатъий назар ўша уй-жойга даъвогарлик қилмайсизми?

— Қўйсангизчи, ака, — қўл силтади йигит. — Уй-жой ҳаммадан қолиб кетадиган нарсаси-ку? Бобом раҳматли деворга қоқиб қўйилган битта миҳ одам боласидан кўпроқ яшайди, дердилар. Шахсан менга ўша уй керакмас...

Йигит кетди. Капитан Саидов билан эксперт Фуломов унинг оркасидан қараганча қолишди.

Стол устида йирик-йирик арабча харфларда ёзилган бир варақ қоғоз ётарди.

— Қани, ўқиб берасизми, Бурхон ака? — деди капитан унга қараб.

— Ўзингиз ўкиб бераколинг, кўзойнагим хонамда қолиб кетибди, — деди Умаров кўзаларини айёрона қисиб.

— Ана шунақасиз-да, — кулди капитан, — Шерлок Холмс, доктор Ватсонмиз дейсизу, оддий бир ёзувни ўқиёлмайсиз!

— Кечириб қўядилар, — деди Умаров бўш келмай. — Эски ўзбек ёзувини ўша Холмсу Ватсонларингиз ҳам ўқиёлмайди. Бу ҳам «коронғи хонада қора мушукни излаш»дек гап, азизим. Шунинг учун ҳам уни топишолмаган, ўқишолмаган.

— Худди ўзингизга ўхшаб? — деди капитан Саидов киноя билан.

— Шунака десак ҳам бўлаверади, — жилмайди Умаров. — Нимаям дейсиз, бири кам дунё деганлари шу-да?!

— Ана, баҳонаям топиб қўяқолдингиз, — кулди капитан Саидов.

Уларнинг кулгуларидан хона ларзага тушгандек бўлди. Дераза ортидаги токчада қўниб турган ёввойи каптарлар бу товушдан чўчиб, истамай патир-путур қилиб кўкка кўтарилдилар.

Хонадаги икки киши эса ялт этиб ўша томонга қарашди. Кўк юзида осмонни нурга тўлдириб қуёш чараклаб турарди...

ГАРОВ

Ўқишлар тугаб, ёзги таътилга чиққан кезларим эди.

Энди қишлоққа қайтаман, деб халтамни тайёрлаётган куним бекободлик курсдошим Эргашали ётоқхонада пайдо бўлиб қолди. «Йўл бўлсин?», — деди. Айтдим. «Қишлоқда нима бор? Хозир шаҳарда нима кўп, қурилиш кўп, биров иморат солган, биров таъмирлаган... Студентбоп ишлар топилади. Ундан кўра, бир ой бўлсаям беш-ўн сўм ишламаймизми?...» — деди у кизишиб, — Қишлоққа икки кўлингни бурнингга тикиб боргани уялмайсанми?

Бундай ўйлаб қарасам, гапларида жон борга ўхшайди. Ўзим ҳам уйга шўппайиб кириб боришдан хижолат чекиб, сиқилиб юргандим. Шамол у чўнтагимдан кириб, бу чўнтагимдан чиқиб юрар, бунака ит ётиш, мирза туришдан чарчагандим. «Майли», дедим. Эргашали шерик топилганидан оғзи қулоғига етгудек бўлди. «Унақада, эртага пешинда Қатортолдаги қахвахонада кўришамиз, ўша ерда маслаҳатлашамиз», — дедию, кетди. Мен буёқда рангин хаёлларга ботганча қолдим...

Эртаси куни келишилган вақтга етиб бордим. Эргашали ўша ерда, икки кружка пиво билан, тўртта курутни олдига қўйиб кутиб ўтирган экан.

— Оч коринга қанака бўларкин? — дедим кабоб пиширилаётган тарафга имо қилиб.

Эргаш қулди.

— Зўр бўлади! Пиваям арпадан тайёрланади, коринни тўк тутади!..

Анчагача пиво ичиб, хангомалашиб ўтирдик. Эргашали бу орада яримтадан шўрва, иккитадан кабоб ҳам олиб келди. Ўтиришимиз «шоҳона» тус олди. Мениям «хотамтойлигим» тутиб кетдию, «қора кунлар»га

деб ўзимдан ҳам қизғаниб юрган пулимни чиқариб юбордим. Эргашали қайси бир таниши билан гаплашган экан, янги иморат қураётганмиш. Иложи бўлса, ертўла кавлашга ёрдамлашишга таклиф қилибди.

— Тижоратчи, Россияга қатнайди, мард одам, — деди Эргашали илжайиб. — Миллионларни орқа-олдига қарамайди...

Шундан кейин мен ҳам сал хотиржам тортиб, кўнгил хижиллигим тарқагандек бўлди.

Биз ўтирган бахайбат чинор тагидаги қахвахона салқин. Кўшни столда биз тенгги, биздан каттарок уч-тўртта ёш-яланглар пиво ичиб, гурунглашиб ўтиришарди, холос.

— Ўв, братишка! — деган овоз эшитилди бир маҳал ўша тарафдан. — Бу ёққа кел-чи!

Қарадим. Ўша даврада ўтирган, бўйнига тилла занжир осиб олган, опала соч, олифта бир йигитча бўйнини чўзганча бизга қараб ўтирарди.

— Бизга гапиряптими? — деди Эргашали хайрон бўлиб.

— Санга, санга! — деди «олифта». — Кани, буёққа кел-чи!

Эргашали менга, мен унга қарадим. Эргашали ўрнидан турди. Мен ҳам ноилож унга эргашдим.

— Нимага кўрқасанла? — деди «олифта» илжайиб. — Кани, бундок ўтирларингчи!

Ўтирдик.

— Тинчликми? — сўрадим мен хайрон бўлиб.

— Тинчлик қаёқда? Тўс-тўполон, киёмат-қойим! — кулди сочини устарада олдирган хумкалла йигитча.

Шериклари кулиб юборишди.

— Қаерликсанла? — сўради «олифта» бизга бошдан-оёк кўз югуртиб.

— Мен Бекободданман, оғайним Фарғонадан, — деди Эргашали.

— Ўқийсанлами, ишлайсанлами? — сўради кулоғига зирак тақиб олган бошқа бир ўспирин.

— Ўқиймиз. Коллежда, — дедим хижолатомуз. — Ёзги таътилда ишлагани колдик. Тирикчиликка...

— Маладес! — деди «олифта». — Ишлаган тишлайди.

Шериклари пикиллаб кулиб юборишди.

— Отинг нима? — сўради қора кўзойнакли новча йигитча.

— Меники Эргашали, — деди Эргашали ва менга имо килди, — буники, Убайдулла...

— Мана бу, бошқа гап, — деди «хумкалла». — Земляк эканмиз. Маниям аммамнинг олдинги эри Фарғонадан эди...

Йигитлар гур этиб кулиб юборишди.

— Унақада «земляк»ларнинг учрашувини ювсак бўларкан, — деди «олифта».

— Гап йўқ! — деди «хумкалла» ва буфет тарафга қичқирди, — Шеф! Олтита пиво! «Чимкентский»дан!

Ўрта ёшлардаги буфетчи олиб келиб берди.

— Вей! — деди бир қулоғига зирак тақиб олгани тиржайиб. — Хозир ўқиган одам ахмок! «Контракт»да, фалон минг тўлаб ўқийди-да, кейин битириб чиқиб иш қидириб юради.

— Эсингдами, Алиш? — деди «новча» «олифта»га қараб. — Мактабимизда битта «мазги» ўқитувчимиз бор эди. «Оталар сўзи» деб лақаб қўйишгандику, болалар? Ҳадеб, «одам бўлишинглар кийин» дерди-ку!

«Олифта» эслади шекилли, оғзини тўлдириб кулиб юборди.

— Бўлди, бўлди. — деди у. — Мактабни битиргуниimizча битта костюм-шимда юрган эди. Бировга ақл ўргатишни яхши кўрарди.

— Қайси куни ўшани Чорсуда, бозорга кираверишда кўриб қолдим. — давом этди «новча». — Қарасам, ёғоч яшиқни тўнкариб, устига сигарет, тоғорачада писта, банка шишада қурут сотиб ўтирибди. Вей! Кўзимга ишонмадим. Кейин секин олдига бор-

дим-да, бир пачка «Пайн» олдим. Чекдим. Кейин, «Мани танимадингиз-а?», дедим. У хайрон бўлиб қаради. «Йўк», деб бош чайқади. «Бир пайтлар сизга одам бўлишингиз қийин» дегандимку, эсингиздан чикибди-да? — дедим...

Йигитчаларнинг қаҳқаҳасидан қаҳвахона ларзага тушгудек бўлди.

Даврадагилар шу тариқа анчагача у ёк-бу ёкдан гаплашиб ўтиришди. Биз ҳам индамай кулоқ солиб ўтиравердик. Кейин еган оғиз уялар деганларидек, бир-икки марта пиво олиб келдик. Бир маҳал Эргашали кетамиз деганди, «олифта» бир пас ўтиринглар, деб қўймади. Мен ҳам илтимос қилдим.

— Бўпти, унда ҳозир гугуртни ташлайман, — деди у тиржайиб. — Агар тик турса, яна бирпас ўтирасанлар. Йиқилса ё ёнбошига тушса, майли кетаверасанлар!

Гугурт ташланди. Йигитчалар яна қийқириб юборишди. Қутича тик тушган эди. Ноилож жойимизда қолдик.

— Майли, хафа бўлмаларинг, — деди яна «олифта». — Яна биттадан пива ичамиз, кетамиз. Гугуртни ташлайман! Агар тик тушса санлар олиб келасанлар, бўлмаса биза!..

Гугурт ташланди. Бу сафар ҳам яна биз ютқаздик. Эргашали чўнтагини кавлаб олтига кружкада пиво олиб келди. Кула-кула ичишди.

— Ке, братишкам, гугуртни ўзинг ташла, — деди новча йигитча. — Тикка тушса, биза минг сўмдан ташиймиз, ютқазсанглар, санла!

«Нима бўлса, бўлди» дедиму, гугуртни ташладим. Кутилмаганда, бизга омад кулиб боқди. Ютдик. Гугурт қўлма-қўл бўлиб кетди. Бу ўйинга ўзимиз ҳам кизиқиб кетганимизни сезмай қолдик. Ўртага беш мингдан қўйилди. Гугуртни бу сафар Эргаш ташлади. Яна бизни қўлимиз келди. «Энди кетақолсак бўларди», — дейман ичимда безовталаниб. — «Бу

шахарлик олифталар битта қўймай патимизни юлиб олишадику, ахир?..»

Худди ўйлаганимдек бўлди. Ютказдик. Яна пиво олинди. Яна ўйин давом этди. Беш мингдан, ўн мингга, ундан йигирма минг сўмга чикишди...

Бир махал бакалок буфетчи югуриб чикди.

— Қани, бу ерда киморвозликни йиғиштиринглар! — деди бизга ўқрайиб. — Бўлмаса, хозир милиса чақираман!

— Қўйсайиз-чи, шеф, — деди «олифта» илжайиб. — Қанақа кимор? Шунчаки, ҳазиллашиб, эрмак қилиб ўтирибмиз-ку?

Шериклари ҳам уни тасдиқлашди.

— Бизни танимаяпсизми, братан? Доимий «клиент»ларингизмизу? — Ваҳима кўтаришнинг нима кераги бор? — «Дискотека» очилгунча, шунчаки ўтирибмиз холос...

Буфетчи тўнғиллай-тўнғиллай орқасига қайтди. Бу орада шивир-шивир билан столдаги «банк» элик мингга чикди. Гугурт қутичаси бўлса, ҳамон тикир-тикир қилиб у ёқдан-бу ёққа думалайди.

— Қарзларинг 70 минг бўлди, — деди бир махал қора кўзойнакли йигитча хохолаб қулиб.

— Бизни бунақа пулимиз йўқ, — деди Эргашали бўшашиб.

Қандай хатога йўл қўйганимизни сезиб, дамим ичимга тушиб кетди.

— Ўзларинг ҳазил дедиларинг-ку? — дедим минғирлаб.

— Мен ҳазилни ёктирмайман, — деди «олифта» хўмрайиб. — Ютказдингми, «отвечат» қилишинглар керак!

— Унака ... катта пулимиз йўқ дедик-ку, ака, — деди Эргашали. — Қаёқдан оламиз?

— Катта холангникидан! — ўшқирди «новча» ширакайф кўзларини бақрайтириб. — Буниси бизани проблема эмас!

— Унақа ғирромлик қилманглар-да, — деди Эргашали мурса охангида. — Икковимизнинг бор пулимиз шу эди... Ютказдик. Бўлди-да!

— Нима бўлди-да? — овозини баландлатди қулоғига зирак тақиб олгани.

— Э, секинроқ, Марат, — деди «олифта» унга қараб. — Булар яхши болалар. Топиб беришади. Шунақаи? — у яна бизга қаради.

— Йўқ дедик-ку, — бўш келмади Эргашали. — Куппа-кундузи одамни шилишни нима кераги бор?

— Ие, булар бизни киссавур ё ўғри деб ўйлаяпти шекилли? — деди сочи тақир олинган хумқалла.

— Шилиш дегин? — деди «олифта» лабига сигарет қистириб. — Яна терингларни шилиб олмайлик тагин?

— Сан бола, сал оғзингга қараб гапир, хўпми? — деди «новча». — Худди хаётингга тўчка қўйиб қўяман-а?

— Нима кераги бор шунақа гапларни ака, — дедим мен. — Мана, мени соатимни олақолинглар. Яхши соат. Механический!

— Шу яхши соатингни трамвайнинг тагига ташлагин, хўпми? — деди «олифта» сурбетлик билан. — Манга қара, мардикор! Агар бир соат ичида етмиш мингни топиб келмасанглар, бошқачасига гаплашамиз!

— Қасқдан оламиз? — кўзларини пирпиратди Эргашали ранги оқариб.

— Унисини билмадик, — елка учирди «олифта». — Гугурт ташлаш ўйнадингларми?

Биз индамадик.

— Ўйнадиларинг! — давом этди у. — Энди бунақа жирилламаларинг-да! Ўфил бола мард бўлиши керак!

— Хўп топиб келамиз, — деди Эргашали бирдан ўрнидан туриб. — Фишт қуйиб, юк ташиб бўлсаям кейинроқ тўласак бўладими?

— Бўлмайди, — бош чайқади «олифта», — Бизга «сокка» hozir керак!

— Майли, юр кетдик, Убайдулла, — деди Эргашали менга қараб.

— Э, йў-ўк, — деди «хумкалла» ўрнидан туриб. — Убай биз билан қолади. Гаровга!.. Сан ютказган пулларингни топиб келганингдан кейин оғайнингни олиб кетасан.

Юрагим шув этиб кетди. Эргашали қотиб қолди.

— Нима ишонмаяпсизларми? — деди у тили зўрға айланиб.

— Хар ахтимолга қарши-да, — деди қоракўзойнакли йигитча тиржайиб.

— Қаёқдан топиб келасан, Эргашали? — дедим дўстимнинг ахволини кўриб.

— Бекободдан! — хохолаб кулди «хумкалла».

Эргаш бечора бўлса, елкаси оша қарай-қарай, оёқларини оғир судраб бораркан, йигитчалар орқасидан кичкиришди.

— Бирон ишқал чиқмасин-а?

— Мент-пентлани бошлаб келишни хаёлингга келтирма! Фойдаси йўк.

— Тезрок борақол! Бир соатнинг беш минути ўтиб бўлди!..

Йигитчалар кулишди. Мен эса Эргашалининг орқасидан мўлтираганча қолдим. Нимаям қила олардим? Шу топда қўлимдан ҳеч нима келмас, қандайдир ожиз ва нотавон кимсага айланиб қолган эдим назаримда. Хўрлигим келиб кетди. «Бу қанақаси ахир? — дердим аламдан титраб. — Нахотки, куппа-кундузи тунаб кетаверишса? Ҳаммасига ўзимизнинг кўнгил бўшлигимиз сабаб. Эргаш бечора қаёқдан етмиш минг топиб келади энди?..

... Орадан қанча вақт ўтди билмадим. Йигитчалар ҳамон қандайдир бизнес, қандайдир қизлару сауналар ҳақида вакиллашишар, мен эса гаровга олинган асирдек лолу хайрон ўтирардим.

Худо деган эканман, орадан чорак соат ўтар-ўтмас қахвахонага иккита милиционер йигит кириб келишди. Уларни кўриб даврадигилар безовталаниб қолишди ва ялт этиб менга қарашди. Бир кўнглим милиционерларни чакирмоқчи ҳам бўлдим. Лекин улгуролмадим. Йигитчалар бўлса «Юр, кетдик Убай» деганча, мени югургудек қилиб судраб олиб чиқиб кетишди.

Қахвахонанинг рўпарасидаги кўчанинг бу бетидаги хиёбонга ўтдик. Пастаккина ўриндикқа ўтирдик. «Олифта» асабийлашиб чекди. Қора кўзойнакли ўспирин билан қулоғига зирак таққани нималарнидир шивирлашиб ўтиришар, «хумкалла» бўлса, қўлларини чўнтақларига сукқанича йўл четида у ёқдан-бу ёққа юрарди.

Мен эса ... Мен бир замбил лойдек ўтирибман. На ўрнимдан тура оламан, на юра оламан. Кўзларимга дунё қоронғи. Хадеб кўз олдимга қишлоғимиз, уззукун даладан бери келмайдиган отам билан онам, юз-қўллари қора мойга беланиб юрадиган тракторчи акам, менга «ингалайдиган» кўғирчок олиб келасиз-а?» деб қолган, ўзи ҳам кўғирчокка ўхшаб кетадиган сингилчам келаверади. Нима қилишни билмайман. У ёқда Эргашалидан дарак йўқ. Каёққа боради, каёқдан шунча пул топиб келади, хайронман?

Таътилда уч-тўрт сўм ишлаймиз деб, етмиш мингга тушиб гурганимизни ўйласам, дод деворгим келади.

Йўқ, дод дейишнинг хожати қолмади. Қахвахонага кирган бояги милиционер йигитлар кўчани кесиб ўтиб, биз тарафга кела бошлашди. Буни кўриб шерикларим безовталаниб қолишди.

— Кетдик, қуённинг расмини чизамиз, — шивирлади қулоғига зирак тақиб олган йигитча.

— Мент-да! — тиржайди «олифта». — Келаверсин-чи, нима деркин?

Милиционерлар рўпарамизга келиб тўхташди. «Барака топинглар, братанлар», деб қўйдим ичимда.

— Бу ёкка юр-чи, Алиш, — деди милиционер йигитлардан бири «олифта»га қараб.

— У ёкда нима қиламан? Шу ерда гапираверинг, — илжайди «олифта». — Қулоғим яхши эшитади.

Унинг шериклари хиринглашди.

— Бўлимга борайлик, ўша ерда гаплашамиз, — деди иккинчи барзанги милиционер йигит.

— У ерда пишириб қўйибдими? — аралашди «хумкалла».

— Ҳа, еб келасан, — деди барзанги милиционер қовоғини солиб.

— Вақтимиз йўқ, — деди «олифта» олифталик қилиб.

— Бизни эса вақтимиз бор, — деди биринчи милиционер ва бирдан биз тарафга юрди.

... Ҳаммаси кўз очиб-юмгунча содир бўлди. Милиционерлардан бири «хумкалла»нинг қўлидан ушлади. У «қўйвор, синдирасан» дея, силтаниб чикиб нарироққа кочди. Бунни кўриб бошқа йигитчалар ҳам ўринларидан кўзғалишди.

— Нима кераги бор, старшина? — деди «олифта» қўлини пахса қилиб. — Биза тиха ўтирибмиза-ку?

— Гапни кўпайтирмай, яхшиликча борасизлар, ё ўзимиз олиб борамиз, — деди барзанги милиционер унга яқинлашиб.

«Олифта» сапчиб ўрнидан турди-да, кочди.

«Қоч, болалар!» қичқириб юборди кимдир ва йигитчалар худди шу буйрукни кутиб тургандек, тўрт тарафга қочишга тушишди.

— Ҳали яна қўлимизга тушасизлар-ку, — дея сўкинганча қолди милиционер йигит.

Мен эса ҳамон бўлаётган ишга тушунмай хангманг ўтирардим. Ҳамма кочди. Милиционерлар мени «тутиб» ички ишлар бўлимига олиб кетишди.

У ерда мени ... Эргашали кутиб ўтирган экан. Икковимиз худди кўп йиллардан бери учрашмаган оғайнилардек кучоклашиб кўришдик...

Хикоя шу ерда тугаши мумкин эди. Лекин яқинда унинг ёзилишига туртки бўлган бир ходисага кўзим тушдию, давом эттиришга тўғри келди.

«Фарход» бозори оралаб ўтиб бораётгандим. Дарвоза яқинида кичкинагина столча кўйиб ангишвона ва мошдек-мошдек зўлдирчалар билан ўйин кўрсатаётган бир болага кўзим тушиб қолди. Унинг атрофини хангоматалаб томошабинлару кўзбойлағич ўйинига ишкибоз кишилар ўраб олишганди. Кўлла-рида даста-даста пул тутган боланинг шериклари эса кўзлари олазарак бўлиб теварак-атрофга кўз-қулок бўлиб туришарди.

Ана шу ерда дўстим Эргашали икковимиз билан бўлиб ўтган кўнгилсиз ходисани, бўйнига тилла занжир такиб олган «олифта», сочини устарада кирдирган «хумкалла», бир қуловига зирак такиб олган йигитча ва қоракўзойнакли «новча» болани эсладим.

Сиз юкорида ўкиган хикоя шундан кейин туғилди...



«ЧАПА»НИНГ СИРЛИ ЎЛИМИ

Самандарнинг фожиали ўлими кўпчилик учун ода-тий бир хол бўлиб туюлиши мумкин.

Сабаби, биринчидан, бунақа автоҳалокатлар хайдовчилар ҳаётида озми-кўпми содир бўлиб туради. Иккинчидан, Самандар бизнинг автокорхонага ишга келганига атиги икки ой бўлган, бинобарин уни кўпчилик яхши билмаслиги, яқиндан танимаслиги табиий эди.

Лекин энг ажабланарли ери бу, биз хайдовчиларнинг тилимиз билан айтганда, ниҳоятда «бемаъни ҳалокат» бўлганди. Яъни, ўша куни тоғ йўлларида ҳаво очиқ, қор-ёмғир йўқ, демак қатнов осойишта бўлган. Шуниси қизикки, Самандар ҳайдаб бораётган, устига тупроқ ортилган баҳайбат «Краз», шунақа машиналардан яна биттаси сиғадиган йўлдан чиқиб, бетон тўсикларни ағдариб, бир неча юз метр баландликдан харсанглар қоплаган жарликка кулаб тушган... Яна-ям ҳайратланарли ери... майли, бу ҳақда кейинроқ бафуржа тўхталарман.

Хулласи калом, бошқаларни билмадиму, Самандарнинг ўлими мен учун кутилмаган зарба бўлди. Чунки, у билан ўтган қисқа вақт ичида анча яқин бўлиб қолган эдик. Йўқ, бир ётоқда яшашимиз ёхуд бир йўналишда, бир хил машинани ҳайдашимиз учунгина эмас, аксинча, икковимизни қандайдир, ўзим ҳам тушуниб етмайдиган, алланечук сирли бир ришта боғлаб тургандек туюларди менга.

Самандар ҳамма билан апок-чапоқ бўлиб кетаверадиган одамлар сирасига кирмасди. Ўта оғир-босиқ, маъюс ва ғамгин, камгап, қандайдир одамовироқ йигит эди. Ишчилар ётоғида хоналаримиз ёнма-ён бўлгани учунми, ўзига яқинроқ олар, фақат мен билангина сал очилиброқ гаплашарди холос. Аммо шунга

карамай, мен бу индамас йигитнинг хаёти хакида кариб ҳеч нарсa билмасдим.

Бошқаларку, инчунун! Ўзи бу ҳақда лом-мим деб оғиз очмас, телевизорда баъзан ота-она, фарзандлар, умуман оила хакида бирон кўрсатув ё фильм намойиш этиб қолинса, лабига сигарет кистириб, индамай «Дам олиш хонаси»дан чиқиб кетарди. Кўпчилик билан умуман гаплашмас, тушлик пайтларида ҳам кўпинча ҳаммадан кейин ошхонага кириб ёлғиз ўзи овқатланар, агар мен йўлда бўлмасам, фақат менинг ёнимга келиб ўтирарди. Мен ҳам камгап, «ичимдагини топ» дейдиганлар сирасидан бўлганим учунми, кўпда бир-биримизни худди соқовлардек «сўзсиз» тушунардик.

Аммо аксарият ҳамкасбларимиз Самандарнинг ана шу феъли-атворини унчалик ёктиришмасди. Одатда, узок йўлга қатнайдиган хайдовчилар дам олиш соатларида бир жойга тўпланиб олиб, нардами, доминоми, картами ўйнашар, у эса бунақа давраларга кўшилмас, таклиф қилинса ҳам унамас, бир чеккада жимгина сигарет тутатган кўйи, бир нуктага тикилганча хаёлга чўмиб ўтираверарди.

Уни «Автокорхона директори Абдуллаевнинг шахсан ўзи ишга олиб келган» деган узун-қулок гаплар бор эди. Хақиқатан ҳам, бу қовоғи солиқ, савлатидан от хуркийдиган одам билан Самандар ўртасида қандайдир муносабат бордирки, баъзан у директорнинг хонасида узок қолиб кетар ва ҳар сафар бунақанги ташрифдан кейин, директор, қап-қатта одам алланечук ранги бўзариб, Самандарни ҳовлигача кузатиб чиқарди. Бунга ҳаммамиз хайрон қолардик. Нега шунақа, сира тушунолмасдик.

Автокорхонамиз буюртма бўйича иш юритарди. Яъни, мармар қонига бешта машина, йўл қурилишига тўртта машина, тош-тупроқ ташишга учта машина... Йўлланмани олиб йўлга чиқиб кетаверардик. Кўпинча, мен билан Самандар йўл қурувчилар ишлаётган

дара тарафга тушиб коларди. Тўғри, биз кўпинча кўришолмас, мен йўлда шағал ё кум тўкиб қайтаётган бўлсам, у шу тарафга юк ортиб елиб келаётган бўларди. Бир-биримиз билан машина чирокларини ўчириб-ёқиб, ё чап қўлимизни силкиб, «саломлашиб» ўтиб кетардик, холос. Дарвоқе, шу ўринда бир воқеа эсимга тушади. Бир куни паркда машинамни кавлаштираётган эдим. Нимаям бўлдию, шу ерга келиб қолган Самандар мени нари суриб, қандайдир ключни чап қўли билан бурай бошлади. «Ия, сиз ҳам ўзимиздан экансиз-ку?» дедим кулиб. У менга хайрон қараб қўйди. Мен эса унинг қўлига имо қилиб, «Ўзлариям чапақай эканлар-да?» дегандек ҳазил қилдим. У бўлса, маъюсгина кулимсираб қўя қолди...

Ўша ҳалокат юз берган куни, афсуски биз бир йўналишда эмас эдик. Самандарни тоғлар орасидаги руда казилаётган ерга, тупроқ ташишга жўнатишган эди. Мени эса ишчилар посёлкасида қурилаётган мактабга. Билишимча, руда кони казилаётган ерда шу яқин-атрофдаги камокхона лагерларидан келтириладиган маҳбуслар соқчилар назорати остида ишлашарди.

Мана энди, хикоямнинг энг қизиқ ери келдию, лекин мен уни ёзолмайман. Сабаби, мен ўша воқеа-ходисаларнинг тепасида бўлмаганман, шу боис уларни тасаввур қилишдан, тўкиб-бичишдан тийиламан, фақат қандоқ эшитган бўлсак, шундоқлигича тасвирлашга ҳаракат қиламан.

Юқорида айтдим, Самандар ичидаги дард-ҳасратларини дастурхон қилиб ташлайверадиган одамлар сирасига кирмасди. Холбуки, биз бошқаларга нисбатан яқинроқ эдик. Лекин булар ҳақида менга ҳам бирон марта оғиз очмаган эди. Ким билсин, балки у шулар ҳақида икки оғиз бўлса-да, сўз очганида воқеалар бошқачароқ тус олган бўлармиди? Яна ким билади дейсиз? Одам боласи қисматдан қочиб қутулмайдику, ахир?

Факат, бир марта, ётоқда, менинг хонамда икковимиз яримта ароқ билан консервани ўртага қўйиб туғилган кунимни «нишонлаганимиз» эсимда. Бунақа ўтиришлар аллақачон унутилиб кетиши ҳам мумкин эди. Эсда колгани, ўша ёмғирли кеча у биринчи марта менга «ёрилган» эди.

Ўшанда ҳам, ароқ таъсиридами ё мени олис қишлоқдан бу ерларга бахтимни излаб келиб колганим, қишлоқда кекса ота-онам борлиги, яхши кўрган қизим бевафолик қилиб бошқа бировга турмушга чиқиб кетгани ҳақидаги эзма-чурук гапларим сабабми, у ҳам ўзи ҳақида билиб-билмай гапириб қўйганди...

— Мени болалигим авжи мучал ёшимда, 12 га тўлганимда тугаган, — деганди у чуқур хўрсиниб. — Ўша йили отам юрак хуружи билан тўсатдан вафот этди... Онам отамнинг йили ўтмасдан бегона бир эркакни уйга бошлаб келди. «Отанг энди шу киши бўлади» деди. Унга эрга тегди. Аммо мен бунга сира кўника олмадим. Бегона эркакши... «кечагина мени тиззасига олиб, елкасида опичлаб юрадиган отамга сира ўхшата олмасдим. Уни «ота» дейишга тилим айланмасди. Бунга сари онам мени қийноқ-кистовга оларди. Бир неча марта бувимникига қочиб кетдим. Бўлмади. Бувим вафотидан кейин яна қафасдаги кушчага ўхшаб қолдим. Онам энди мени очикдан-очик хўрланга ўтди. Мен тентак эса уни ўша бегона эркакдан қизғонардим. Онам ҳали ёш, жуда чиройли эди. Ўша оғзи тўла тилла тишли, хомсемиз одамни эса кўрарга кўзим йўқ, хаёлан уни пичоқлаб, ё бўғиб ўлдиришга ҳам тайёр эдим. Лекин мен ҳали бола эдим. Булар ҳам болалик хаёллари эди холос...

Бир куни ўша эркак каердандир ароқ ичиб келиб, мени ўласи қилиб дўппослади, унга онам ҳам қўшилди. Кўчага қочиб қутилдим ва ўша-ўша уйга қайтмадим... Қизиқ, болаларча ожиз бир ожиз сезги билан отамнинг нега ажали етмасдан бурун, юрак

хуружидан вафот этганини, кейинги пайтда онам билан кўп жанжаллашишлари сабабини ҳам англаб етгандек бўлдим ўшанда...

Самандар сигарет тутатган кўйи, бир нуктага тикилганча, жим бўлиб қолди. Мен ҳам индамадим. Сўзининг давомини кутганча, лом-мим демай ўтиравердим.

— Шундан кейин кўча болаларига қўшилиб кетдим, — давом этди Самандар толғин товушда. — Уларнинг кўпчилиги менга ўхшаган, кўчада қолган, тирик етимлар эди. Улар менга кўп нарсаларни ўргатишди. Аввалига сира кўника олмадим. Аммо яшаш керак эди. Биринчи марта киссавурлик қилдим. Қўлга тушиб қолдим. Ўғриларнинг ўзи мени қутқаришди, яна ўз сафларига олишди. Бир кўнглим уларнинг тўдаси орасидан қочиб кетгим ҳам келди. Аммо у ернинг ўзига яраша «қонун-қоида»лари бор эди. Аравасига тушдингми, ашуласини айтишга мажбур эдинг!... Шундан кейин каттарок «иш»ларга қўл урдим. Бир қараганда, туриш-турмушим изга тушгандек эди гўё. Ёнимдан пул аримасди. Лекин бу худди боткокка ботиб қолгандек гап эди. Одам қандай қилиб чўкиб бораётганини ўзи сезмайди. Мендаям шундай бўлди. Лекин энди кеч эди. Бир куни кечкурун «Заргарлик устахонаси»га тушдик. Қўлга илинган нарсаларни олиб чиқаётганмизда осмондан тушгандек «мент»лар пайдо бўлиб қолишди. Мен қочишга улгурдим. «Бўрон», «Рома» деган шеригимни ушлаб олишди. Сўнг мени ҳам тутишди. Кейин билсам, «Рома» мени сотган экан. «Нега бундай қилдинг?» десам, «Бир ўзим камерада нима қиламан? Икки киши бўлсак, зерикмаймиз», — деб кулди. Шундай қилиб, бировларнинг қасрига қамалиб кетдим. Қамокдан чикқач, қаёққа боришни билмасдим. На уй-жойим, на тайинли ишим бор эди. Кутилмаганда, қонга ишга йўлланма беришди. Ўша ерда хайдовчиликни ўргандим. Машина беришди...

Ўртага таранг бир сукунат чўкди. Самандар қуюқ қошларини чимирганча жим бўлиб қолди.

— Кейин-чи? — сўрадим секин.

Самандар бошини кўтариб менга қаради ва маънос кулимсираб қўйди:

— Кейин... кейин, мана сен билан отамлашиб ўтирибман...

Кулишдик.

— Бир ўрни келиб қолди-да, оғайни, — деди у яна оғир сўлиш олиб. — Сенга ишонаман. Бошқаларга ўхшамайсан. Бунақа гаплар ичингда қолади...

Яширмайман. Мен ўша лахзаларда Самандарнинг яна нималардир демоқчи эканлигини, яна қандайдир муҳим бир гапни айтмоқчи эканлиги, аммо қийналаётганини ички бир туйғу билан ҳис қилдим, яна арок шишасига қўл узатгандим, у кафти билан стаканнинг оғзини ёпди.

— Ўзинга қуявер, — деди бош чайқаб. — Мен ичмайман. Умуман, бу нарсадан юз ўгирганман. Бугун бир дил кетди-да!..

У шундай деб елкамга бир шапатилаб қўйди-да, индамай хонасига чиқиб кетди. Мен анграйганча қолавердим. Бу Самандар билан биринчи ва сўнгги марта очик суҳбатлашганимиз эди.

Мана энди, ўша ёмғирли кеча, ғарибона «зиёфат»имиз ва Самандарнинг ғамгин, айни чоғда хасратли хикоясигина хотира бўлиб қолди холос. Кейин яна бир марта, мукофот олган кунимиз ишчилар шаҳарчасини айландик. Ўшанда бир шилқим сураткаш қўярда-қўймай суратимизни олган ва ўша захоти, бир сигарет чекиб тугатгунимизча икки дона чиқариб берганди. Икковимиз ёнма-ён, негадир жилмайиб расмга тушгандик. Ана шу сурат ҳам энди Самандардан ёлғиз эсдалик бўлиб тумбочкам устида турибди...

Шундай қилиб, ана шу сирли йигит бевакт ҳаётдан кўз юмди. Уни ҳамкасблар, директоримиз Аб-

дуллаев бошчилигида Яккақоя тоғлари этагидаги мўъжазгина қабристонга дафн этдик ва ўша кундан эътиборан ҳаётимда қандайдир бўшлиқ, юрагимнинг бир чеккасида кемтик пайдо бўлиб қолгандек бўлди назаримда...

Нимага чалғишимни билмай юрган кунларимнинг бирида мени ва яна бир неча ҳайдовчиларни Кажаров даштидаги йўл қурилишига жўнатишди. Иш билан андармон бўлиб кетдим. Ўн беш кун деганда қайтдик. Қайтган куним директорнинг котибаси — Дилором деган пучук киз — мени имлаб хонасига чақирди ва шоша-пиша қўлимга буклоғлик, эскигина конверт узатди.

— Мана буни тезроқ чўнтагингизга солиб қўйинг, — деди у шошилиб. — Самандар ака ўлимларидан бир кун олдин сизга бериб қўйгин дегандилар. Ҳар хил сабаблар билан қўлингизга топширолмадим. Хафа бўлманг, илтимос! Директоримизни биласизку, Самандар аканинг отини эшитсалар сапчиб тушадилар. Шунга...

Ҳеч нимага тушунолмай, худди чўнтагимга бир бўлак чўғ солгандек бесар-безовта ташқарига чяқдим. Машинам кабинасига кириб олдим, шошилиб ўқишга тутиндим. У дафтарнинг қўш саҳифасига катта-катта, кинғир-кийшиқ харфлар билан ёзилган эди...

«Эргаш, оғайни! — деб бошланган эди хат. — Биласан. Мен ҳаётда бировга хат ёзган одам эмасман. Шунинг учун буни мени биринчи, балки охириги хатим десанг ҳам бўлаверади. Хатоларига эътибор берма. Хабаринг бор, савод масаласи ҳаминқадар. Боз устига, ёзувим хунук, чапақайман. Шунинг учун ҳам «у ёқда» менга «Чапа» деб лақаб қўйиб олишганди...

Эсингда бўлса, мен сенга камоқдан чиккач, конга ишга юборилганим ҳақида гапириб бергандим. Ўшан-

да сен «Кейин-чи?» деб сўрагандинг, мен айтмагандим. Энди, эшит! Мен ҳақимда ногўғри фикрларга боришингни истамайман.

...Шундай қилиб, мени сен билган автокорхона директори Тоир Абдуллаев ишга олди. Ўтмишим билан гўё қизиқмади. Сабаби, у ҳаммасини биларди. У камокхонадаги маҳбусларнинг «қирол»ларию, лагердаги «босс»ларигача яхши биларди. Улар билан қандай олди-бердиси бор буни билмайману, лекин рангли металллар, кейин олтин билан боғлиқ қанақадир ғайриқонуний «операция»ларга алоқадор одам эди. Мени унинг автокорхонасига ишга келишим, энди билсам хали лагерда юрганимдаёқ унга маълум экан. Мени муддатидан аввал озодликка чиқарилишим эвазига, махсус топшириқ берилганди. Мен конда тош, тупрок казиётган маҳбуслар орасидан икки кишини, асосан «Бўрон» деган ашаддий жиноятчини ва эски танишим «Рома»ни машинамда ўша ҳудуддан олиб чиқиб кетишим керак. Биласан, эрталабдан конга борилади. Экскаваторлар конни кавлаб тупрокни машиналаримизга ортади ва биз қайтамыз. Бу бир кунда бир неча марта бўлади. Ана шу катнашимнинг учинчисида «Бўрон» билан «Рома» сездирмай машинам кузовига чиқиб ётиб олишади. Экскаваторчи билан ҳам келишилган. У эҳтиёткорлик билан уларнинг устига топсизрок тупрок тўқади. Шу тахлит, иккови тириклай «кўмиладилар». Мен эса уларни соқчилар шлагбаумидан олиб ўтиб кетишим ва дарагача етказиб қўйишим керак. У ёғига нима қиладилар, ўзларининг иши. Менинг вазифам аниқ. Мени тўғри тушун, Эргаш. Мен буни истамайман. Лекин мажбурман. Сен буни тасаввур ҳам килолмайсан. «У ёқ»нинг шўнака «конун-қоида»лари бор. Буйрук бажарилади, вассалом! Йўқ, мен ўлишдан кўркмайман. Лекин орқага ҳам чекинолмайман. Қанийди, бошқаларга ўхшаб одамдек яшасам дейману, бу сиртмоқдан чиқиб кетолмайман...

Биламан, бу хавфли рейс бўлади. Лекин ана шу ўнлаб одамларнинг ёстиғини куритган «Бўрон» билан кўпларни кон қакшатган «Рома»нинг озодликка кочиби чиқиши бундан ҳам хавфли. Шунини ўйласам, алам қилаяпти. Мен уларни лагердаёқ ёмон кўрардим. Лекин, «Бўрон» «зўр» эди. Ўз ҳукмини ўтказмай қўймасди. Қўлимдан ҳеч нима келмасди. Шунга бошим қотиб қолди. Мендан хафа бўлма. Бирон чорасини топарман. Мабодо, тополмасам...у ёғига худо пошшо!..

Айтмоқчи, Яккақояга кетаверишда бозорча бор. Биласан. Ўша ерда бир соқов қиз қимиз, қимрон сотиб ўтиради. Агар қўлингдан келса, ўша ердан ўтаётганингда тоғ-дашт гулларида бир дастасини унинг оёқлари тагига ташлаб ўтиб тур. Мен уни шунга ўрғатиб қўйганимдан афсусдаман. Шўрлик мени кутади-ган бўлиб қолган. Доим кўзлари йўлда. Жуда яхши қиз. Фақат гапира олмайди холос. Шунақа гаплар...

Яна нималарни ёзишга хайронман? Хайр. Омон бўл! Ўзингни эҳтиёт қил. Абдуллаев ёвуз одам. Ундан узоқроқ юр. Мени тўғри тушунсанг бас!

Оғайнинг Самандар — «Чана».

Хатни ўқиб чиқдим, қотдим-қолдим. Бу унинг ўлимидан бир кун аввал ёзилган сўнгги мактуб эди. Унда у ҳамма нарсани очик ёзганди. Хатто, жиноятчилар, уларнинг раҳнамолари ва шериклари қимлигию, ўзининг виждон азобида қийналаётганини ҳам яшириб ўтирмаган эди. Хаёлимга келган кўрқинчли фикрдан сесканиб кетдим. Ниҳоят, Самандарнинг ўлими сири ойдинлашгандек туюлди менга. Демак, Самандар ўша куни нима қилишини билмай, машинаси кузовидаги тупроқлар орасида бекиниб ётган жиноятчиларни йўқотиш учун машинасини Яккақояга етмасдан, ваҳимали жарликка буриб юборган...

Мана энди, кўп нарсани мен учун аниқ эди. Машинанинг харсангдан-харсангга урилиб жарга қулагани

ва ёниб кетгани, Самандар билан бир номаълум кишининг ўша ернинг ўзида ҳалок бўлгани, иккинчи номаълум шахс эса қўл-оёқлари синган ҳолда касалхонага олиб кетилгани ҳақидаги ғалати гап-сўзларни эсладим.

Шу тобда шошиб қолдим. Машинамни ўт олдирдим, дарвоза олдидаги қоровул чолнинг хой-хойлашига қарамай, кўча тарафга ҳайдадим. Тезликни оширдим. Ана шу автоҳалокат устида текширув олиб бораётган прокуратура ва милиция ходимларини топишим керак эди. Самандарнинг сўнгги хати жуда кўп нарсаларнинг ойдинлашувида катта аҳамият касб этажagini хис қилиб турардим...

Афсуски, прокурорни учрата олмадим. Бир неча кун аввал шаҳарча касалхонасида кутилмаган ҳодиса содир бўлган, кимдир Самандарнинг машинасидаги, яраланган учинчи одамни ётган жойида сочиқ билан бўғиб ўлдириб кетган экан. Шу иш билан банд дейишди. Қизиғи ўша кунги касалхона яқинида қорхонамиз директори Абдуллаевнинг хизмат машинаси тўхтаб турганини кўрганлар бор экан...

Шундай қилиб, бу автоҳалокат, бу илдири чучук жиноят аста-секинлик билан, худди анор доналарини увалаб туширган мисол очила бошлади. Турган гап, шунда Самандарнинг ўша хати асосий манбалардан бири сифатида хизмат қилди...

Ўша воқеалардан бери орадан икки ойча вақт ўтди. Абдуллаев, қамалиб кетди. Раҳбарлар ўзгарди, муҳит янгиланди. Мен ҳамон тоғ йўлларига катнайман ва ҳар сафар Яккақоя яқинидаги бозорчада кимиз, қимрон сотиб ўтирадиган кўзлари катта-катта, тоғ оҳусидек ҳуркак ва нозик, соқов қизга яқинлашганимда йўл-йўлакай териб келган тоғ ва дашт гулларида бир тутамини унинг оёқлари тагига ташлаб ўтаман. Кейин пешонам тепасидаги кўзгуча-

дан кизнинг шошилиб гулларни тераётгани ва менга қўл силкиб қолганини кўраман. Ана шу лаҳзаларда юрагим ўз-ўзидан орзиқиб кетади. Нима эди бу? Муҳаббатми? Ёхуд сўзсиз севги изҳорими? Балки, оддий инсоний меҳр-шафкат, эътибор деганлари шудир? Билмадим, билмадим...

Шундай дейману, беихтиёр машинанинг олд ойнаси тагига кистириб қўйилган кафтдеккина фотосуратга қараб қўяман. Унда мен ва Самандар — «Чапа» икковимиз суратга тушганмиз. Икковимиз ёнма-ён, негадир жилмайиб тушганмиз. Самандар айтмоқчи, «Худди бир ишни қойиллатиб қўйгандек», мен айтмоқчи, «Куйдирган калладек!..»

Машинам кабинаси эса хушбуй тоғ ва дашт гулларининг хидига тўлиб кетгандек туюлади менга...

ЖИЯН

Турсунбой бир неча кундан бери «ўзига хон, кўланкаси майдон» бўлиб қолди.

Шу ёшга кириб сира бунака маза қилмаганди. Тўрт қаватли уйнинг уч хонали квартираси ўзининг ихтиёрида. Истаса ётади, истаса туради, истаса хонама-хона юради. Хонтахтадек рангли телевизор, видео, магнитофон бор. Ана кино, ана кассеталару, ана мусика. Истасанг, жўр бўлиб ашула айт, истасанг, рақсга туш!

Бу мебеллар, бу уй жиҳозлари. Холодильникнинг ўзидан иккита. Ичи тўла колбаса, пишлок, консерва, дудланган балиқлар. Халигидақа, «китдек-китдек»ларнику, «Император»идан тортиб «Мадонна»сигача бор. Истасанг е, истасанг ич!..

Турсунбой сиртки ўкиш сессиясига келган кезлари «Энди бўёғи қандок бўлади? Қаерда яшайман? Нима қиламан?» деган хаёлларга берилиб, бир неча кун давомида довдираб-совдираб юрганди. Қандайдир ёшлар ётоғига вақтинча жойлашди-ю, аммо у ернинг шароити ёкмади, чекка қишлоқда тинчликка-осойишталикка кўниккан йигитча эмасми, бу серғалва шаҳар ҳам, шовқин-суронга тўла ётоқхона ҳам, ичиб олиб тонготар карта ё нарда ўйнайдиган, деярли ҳар куни муштлашадиган ҳамхоналари ҳам ёкмади. Аранг бир ҳафта чидаб юрдию, кейин чемоданини кўтариб чиқиб кетди. Бу ёкда бўлса сессия бошланган. Имтихону заҳётлар тугагунча ярим ойдан ортиқ вақт бор. Боз устига куз хавоси сезилиб, совуқ тушиб қолган, бирон бошпана топмаса бўлмасди.

Сўраб-суриштириб Сквердаги «Уй бозори»ни топиб борди. Шу ерда арзон-гаровга ижарага кўядиганлар кўп, деб эшитганди. Қаёқда! «Уй бозори» арининг инидек гап экан. Ит эгасини танимайди. Ҳаммаси осмонга сакрайди.

«Икки хонали квартира сотилади. Евроремонт қилинган». «Бир хонали уй. Офисга мўлжалланган. Ҳамма қулайликларга эга». «Уч ва тўрт хонали квартира арендага берилади. Шаҳар марказида. Қиммат. Гаражи бор...»

Турсунбой бир неча соат ана шу сотувчи, харидору даллоллар орасида талмовсираб юрдию, ижарага бирон ўзи боп квартира тополмади. Қорни очкаб, хафсаласи пир бўлиб оркага қайтаётганди, кимдир йўл четида турган, эшиги очик машина тарафдан «Турсунбой! Турсун!» деб чақиргандек бўлди. Қараса, хамюрти, акасининг ўртоғи Баҳодир ака. У тижорат билан шугуллангани шаҳарга кўчиб, уй-жой қилиб кетганидан бери кўришишмаган эди. Танимабди. Ҳирсдек семириб, бакбақалари осилиб кетибди. Қўлида «сотка» телефон. Бўйнида тилла «трост». Кўришишди. «Нима қилиб бу ерда ивирсиб юрибсан?» деб сўради. Турсунбой «Коллежда сиртдан ўқиётгани, бир ойга ўқишга, имтиҳонларни топширгани келгани, ётоқдаги аҳволни айтиб берди.

— Мен ҳам ўн-ўн беш кунга уйимизни битта-яримта ишончли одам топилса, қолдирмоқчи эдим, — деди Баҳодир ака ўйланиб унга бошдан-оёқ синовчан қараркан ва давом этди. — Янгангни, жиянларингни олиб, бир Чимённи айлантириб келмоқчи эдим. «Дам олиш уйи»га путёвка қўлга тушиб колди...

— Қўни-қўшниларга уй калитини колдириб кетсангиз бўлмайдами? — деди Турсунбой иккиланиброк.

— Бе-е, шаҳарда қўни-қўшниларга ишониб бўларканми? — кихиллаб кулди Баҳодир ака, — Шаҳарда ким дўст, ким душман эканлигини билиб бўлмайди. Шунинг учун янганг билан чиққандик. Агар одобли, тартибли талаба кизлар бўлса, уйни йиғиштириб, супуриб-сидириб ўтириб турармиди дегандик. Қоровуллик-да!

— М...мен тўғри келмайманми? — таваккал қилди Турсунбой. — Мен ҳам қоровуллик қилиб ўтира

оламан, — у шундай дедию, кейин бўшашиб кўшиб кўйди. — Агар ишонсангизлар...

— Мен ҳам шуни ўйлаб тургандим, — деди Баходир ака лабларини қимтиб ва сўради. — Арок ичмайсанми?

— Йўк, нимаиди? — хайрон бўлди Турсунбой.

— Сигарет чекмайсанми? — яна сўради Баходир ака.

— Йўк, — бош чайқади Турсунбой.

— Буниси дуруст, — деди Баходир ака. — Битта-яримта бемаза ошна-оғайниларинг йўкми?

— Шахарда ҳеч кимни танимайман, ака, — деди Турсунбой.

— Мабодо, янгангни кўндирсам ... эҳтиёт бўлиб, биз қайтгунча ўтира олармикансан? — Ўзи-ўзига гапиргандек деди Баходир ака.

— Ўтиравераман...

— Шунчаки телевизор томоша қилиб ўтириш керакмас-да, — жилмайди Баходир ака, — У ёк-бу ёкни йиғиштириб, телефон қилганларга жавоб бериб туриш керак бўлади. Уйда озмунча нарса борми? Гиламлар, палослар, телевизор, видео, хрустал идишлар дегандек...

Турсунбой «Ишонмасанглар, майли» деб орқасига бурилмоқчи эди, Баходир ака тўхтатди:

— Хозир янганг келсин, маслаҳатлашиб кўрамиз...

Турсунбой худо деганича бор экан. Баходир ака ҳамюртлилигиними, акасининг ҳурматини қилдими ё Турсунбойга омад кулиб боқдими, хайтовур маслаҳат пишди-кўйди.

Баходир аканинг хотини уни кўриб «Бўш-баёвгина бола экан» дегандек бурнини жийирганди, Баходир ака «Етти ёт бегона, шайтон талаба қизларингдан шуниси тузук. Ўзимизнинг одам. Ишончли» деб кулди.

Хуллас, Турсунбой ўша куниёк Баходир аканинг

квартирасига кириб келди. Устига темир қопланган эшиги жаранг-журунг мусика садолари билан очиладиган уйга қадам кўйдию, анграйиб қолди. Бунақа квартираларни у факат чет эл киноларидагина кўрганди холос.

Ичи биллур идиш-товоқларга тўла сервантнинг ўзи хона деворининг бир тарафини қоплаган. Иккинчи тарафида катта, шоҳона гилам осилган. Унга иккита қилич билан милтик илиёлиқ. Ўртада катта стол. Устидаги қозондек келадиган хрустал ваза тўла олма, банан, апельсину, мандаринлар. Бир чеккада экрани бир қулоч келадиган телевизор. Ёнида видеомагнитофон.

Кўшни хона қулфлоглиқ. У ер ётоқхона экан. Кириб, кўрсатиб ўтиришмади. Кейинги хона бўлса, Баҳодир акасининг ўзи айтмоқчи «шахсий офиси» экан. Компьютер. Радио. Ёзув столи. Жавон тўла жилд-жилд китоблар. Навоий, Пушкин, Бальзак, Толстой, Айтматов...

Турсунбой буларни кўриб оғзи очилиб қолди. «Нахотки, Баҳодир ака шуларнинг ҳаммасини ўқиб чиққан бўлса?» — деган хаёлга бордию, кейин «Менга нима? У ўқимаган бўлса, ўзимиз ўқиймизда» деган фикрни кўнглидан ўтказиб қўйди.

Янгаси тушмагур ўлгудек сергап экан. Сира чакаги тинмайди. Ҳали газга эҳтиёт бўлишни, хали водопроводларни ўчиришни, электр асбобларига тегмасликни, беаҳалда ҳеч кимга эшикни очмасликни тайинлагани-тайинлаган. Турсунбой энсаси қотиб, «Мен сизга ёш боламанми?» деб юборай дедию, аранг ўзини босди.

Қисқаси, у ўзи учун тегишли кўрсатмаларни олгач, уй эгалари хотиржам тортишди шекилли, шу кунгидея сафарга отланишди. Турсунбой Баҳодир аканинг пастда турган оппоқ «Ласетти» машинасига бир дунё нарсаларни ортиб ташишиб юборди. Янга «эҳтиёт бўлиб ўтиришни» яна қайта-қайта тайинлаб, иккита

боласини олиб машинага ўтирди. Баҳодир ака бўлса, «Бўпти, Турсунбой, уйни сенга, сени худога топширдик. У ёқдан телефон килиб тураман» деб қўлини қисди, кейин «Йўлкирангга ишлатиб юарсан, уйни қаровсиз қолдирма» деб чўнтагига бир даста пул сукиб қўйди.

Шундай килиб улар «Чимён» дам олиш уйига кетишди.

У ўзига ҳам, кўзига ҳам ишонамас, мушқули шунчалар осон ҳал бўлганидан, Баҳодир акани унга худо етказганидан боши осмонда эди...

Шундай килиб, мулла Турсунбойнинг янги ҳаёти бошланди.

Эрталаб туради. Газўчоққа чой қўяди. Овқатланади. Кейин газ, водопровод, электр асбобларини қайта-қайта кўздан кечириб, текшириб, уй эшигини кулфлаб ўқишга отланади.

Тушдан кейин қайтади. Дам олади. Телевизор ё видео томоша қилади, зерикса китоб ўқийди, ётиб ухлайди. Мазза!

Бир Баҳодир аканинг хонасига кириб, компьютерни ёқиб ишлатиб кўрмоқчи бўлдию, унга ақли етмаслигини, кейин Баҳодир акасидан балога қолишини ўйлаб фикридан қайтди.

Очиғи, биринчи, иккинчи кунлари кечаси ёлғиз ўзи бегона уйда ётиб қолганда кўрқди. Назарида қўшни хонада кимдир юргандек туюлаверди. Кейин билса, «дом»ларда шунақа бўларкан. Юқори ё пастки қаватда яшайдиганларнинг оёқ товушлари ё ғўнғир-ғўнғир овозлари эшитилиб қоларкан. Бир неча кундан кейин бунга ҳам қўниқиб қолди.

Кулай шарт-шароит, тинчлик-хотиржамлик, бемаллоқлик яхши-да! Бу нарса Турсунбойнинг ўқишларию, имтихонларига ҳам таъсирини кўрсатмай қолмади. Хатто ўтган сессияда қолган иккита қарзини ҳам топшириб юборганига ўзиям ҳайрон бўлди.

Баъзан у ўзига кўрпа-тўшак ёзиб берилган катта диванда шахзодалардек талтайиб ётаркан, Баҳодир

аканинг бунака бой ва осуда туриш-турмушига ичидан хаваси келиб кетди. Ўзи ҳам ўқишни битириб олса, шаҳарда қолиб, битта шунака квартира сотиб олишни ният қилиб қўйди...

Шу тахлит кун ботди, тонг отди. Кунлар бири-бирини қувалаб ўта бошлади. Бу орада Баходир ака икки марта, янга бир марта телефон қилиб хабар олишди. Турсунбойнинг яхши ўтиргани, ҳаммаси жойида эканлигини эшитиб кўнгиллари хотиржам бўлди шекилли, кейин кўнғирок ҳам қилмай қўйишди. Бунисини энди, Турсунбойнинг уларни ишончини қозонганидан нишона деса ҳам бўларди. Турсунбой буни ички бир туйғу билан сезиб, вужудига ёқимли бир илиқлик югургандек ғоят мутаассир бўлди...

«Куз хавосига ишонч йўқ» деганларича бор.

Эрталабдан кўк юзини кўрғошин тусли булутлар қоплаб, кучли шамол эсди, ҳаммаёқни сарғимтир, қизғиш япроқлару, хас-хазонлар босди-қўйди. Тушдан кейин чакмоқ чакиб, момақалдирок гумбурлаб, шаррос ёмғир қуйиб юборди.

Турсунбой бу пайтда ўқишдан қайтаётган эди. Худди сувга тушган мушукдек бўлиб, бошдан-оёқ ёмғирга бўкиб қолди. Аксига олиб уйда чирок ўчиб қолган экан. Кечга бориб ҳаммаёқ зимистон бўлди-қўйди. Турсунбой ошхонада кўзи тушганини эслаб, тимирскилаб шам топди, ёқди. Унинг липиллаб турган ожизгина ёруғида бирпас дарс тайёрламоқчи эди, бўлмади, уйку босиб, хадеб кўзлари юмилиб кетаверди. Шундан кейин наридан-бери овкатланиб, ўрнига кириб ётди. Алламаҳалгача ёмғир томчиларининг дераза ойналарига урилишига, дарахт шохларининг шамолда нимадир демокчи бўлгандек ғичирлашига қулоқ тутган қўйи ухлаб қолибди...

Эрталаб совкотиб уйғониб кетди. Хадеб калт-калт титрайди денг! Хайрон бўлиб деразадан караса, ҳам-

маёк оппок. Кечаси билан қор ёғиб чиккан экан. Дераза рўпарасидаги баҳайбат қайрағочнинг оппок шохларига тикилган кўйи, бирдан қор ёғиб, совук тушиб қолганига хайрон бўлиб узок туриб қолди. Негадир, уй эгаси Баҳодир ака, унинг хотини ва болаларини эслаб, «Шаҳарда шунчалик бўлса, тоғларда бундан бешбаттардир» деб ўйлади, уларга ачинди.

Чирок келган экан. Телевизор қўйди. Газни ёкди. Тухум чакиб қуймоқ қилиб еди. Кейин хавонинг бунака туйкус ўзгариб кетишини хисобга олмаганини, иссиқроқ кийим-кечак олволмаганини эслаб, ўз-ўзини сўкди. Кейин балконда кўзи тушган эскирок чарм курткани ўзига катта бўлса ҳам кийиб олиб, энди кўчага чиқиб кетаётган эди, йўлакдаги телефон жиринглаганини эшитиб тўхтади, «уй эгаларидир» деган хаёлда гўшакни қўлига олди. Ундан бегона бир рус йигитнинг овозини эшитиб ажабланди.

У «Хозяин дома?» деди. Турсунбой бир амаллаб русчалаб «Уй эгалари йўклиги, улар дам олгани Чимёнга кетишганини» тушунтирди.

«Қачон келишади?» деб сўради яна йигит. Турсунбой «Аник билмайман. Бир ҳафталардан кейин қайтишлари керак» деди. Йигит «Сен кимсан?» деди. «Мен Баҳодир аканинг жияниман. Уй пойлаб ўтирибман» деб жавоб берди. Йигит «Хорошо» деб трубкани қўйди.

Турсунбой «Ха энди. Турсунбой ака бизнесмен одам. Биронта таниши бўлса керак-да» деган ўйга борди ва ўқишга отланди. Эшикни кулфлаб зина тарафга юрди...

Шу куни аксига олиб, дарслар чўзилиб кетди. Буниси ҳам етмагандай, улар ўқийдиган курсни кандайдир автокорхонага қор курашга бошлаб боришди. Ҳаво совук. Ер қор, осмон қор...

Кискаси, Турсунбой уйга қайтаётганида аллақа-

чон кўча чироклари ёнган, йўллар тийганчик, совук кучайган эди.

Бир амаллаб ўз бекатига етиб олиб автобусдан тушди, кейин шоша-пиша битта-яримта чироклари ёниб турган кўпқаватли уй томонга юрди. Таниш подъездга кирдию, цемент зина тагида букчайганча ёнбошлаб ётган аёлга кўзи тушиб тўхтаб қолди. Ёнидан ўтиб кетай деса, ўтолмайди. Аёл жун рўмолини юзига тортган кўйи зина ўртасини эгаллаб турибди.

— Сизга нима бўлди? — сўради Турсунбой секин.

Аёл индамади.

— Хой, тирикмисиз, сизга нима бўлди ўзи? — яна сўради Турсунбой.

Аёл илкис бошини кўтариб қўл силтади:

— Бор, кетавер, йўлингдан колма!

— Мен сиздан нима бўлганини сўраяпман, — оғринди Турсунбой. — Бу ерда нима қилиб ётибсиз?

— Сени кутиб ётибман, — деди аёл ўрнидан турмоқчи бўлиб ва Турсунбойга қаради. — Аёл кишига ёрдамлашмайсанми?

Турсунбой шоша-пиша уни қўлтиқладию, димоғига гуп этиб урилган хушбўй атир хидидан ғалати бўлиб кетди.

— Шу ерда турасизми? — яна сўради у.

— Йўқ, — бош чайкади аёл ва бирдан оксоқланаётган оёғини силаб йиғлаб юборди. — Мени хароб қилиб кўчада ташлаб кетишди...

— Қаерда турасиз ўзи? — хайрон бўлди Турсунбой ҳеч нарсага тушунмай.

— Бу ерларни билмайман, — деди аёл уни маҳкам қўлтиқлаб. — Бир зиёфатдан машинада келётувдик. Қайфим ошиброк қолибди. Қанақадир хотин билан жанжаллашиб уришиб кетибмиз. Эрим, ўйнашими, ёнидаги иккита эркак мени уриб, тегиб машинадан кўчага ташлаб кочишди...

— Ҳечқиси йўқ, тирик қолибсиз, — деди Турсунбой ҳамдардлик билан.

— Уйинг нечанчи каватда? — сўради аёл ва шикаста товушда қўшиб қўйди. — Мен сал у ер-бу еримга қараб олишим керак. Сволочлар! Зўрға эмаклаб кўчадан подъездингларга етиб келибман... Совуқдан музлаб ўлиб қолай дедим...

Турсунбойнинг бу нотаниш аёлга раҳми келиб кетди ва қўлтиклаб квартирага олиб кирди. Шунақа аҳволга тушиб қолган бегона аёлни кўчада қолдириб кетолмайдику, ахир! Уйга киришгач, унинг уст-бошини ечишга ёрдамлашди. Уйнинг иссиқлиги таъсир қилдими, аёлга жон киргандек бўлди.

— Мен бир ювиниб олсам бўладими? — деди лой, тупроқ чаплаган, қорда ҳўл бўлиб кетган пальтоси, қўйлагига жиркангандек қараб.

— Бемалол, — деди Турсунбой. — Мен чой қўйиб тураман!

Аёл пальтосини қўлтиклаб ваннага кириб кетди. Турсунбой унгача ошхонадаги стол устига қолбаса, пишлок, товук гўшти қўйиб, чой дамлади.

Бир маҳал ошхона эшиги очилиб, остонада бояги нотаниш аёл қўринди. Турсунбой беихтиёр ўша тарафга қарадию, анграйиб қолди.

У Турсунбой ўйлаганчалик кекса аёл эмас, балки ниҳоятда келишган, қош-кўзлари попуқдек, ўттиз ёшлардаги дўндиққина ёш жувон экан. Қўнғироқ-қўнғироқ ҳўл сочлари елкаси узра ёйилган, худди эртақ китобларидан чиқиб келгандек гўзал, сохибжамол маликаларга ўхшаб кетарди у.

— Ужин тайёрма? — жилмайди жувон тилла тишларини ялтиратиб.

— Тайёр, марҳамат, — деди Турсунбой шошилиб.

— Ўхў! Ассортимент зўр-ку! — деди аёл сочиқ билан сочларини артганча столга яқинлашаркан. — Жуда бой яшаркансан!

— Бу...мени уйим эмас, — деди Турсунбой хижолатомуз оҳангда. — Бу... ҳалиги... тоғамнинг уйи. Улар дам олишга кетишган. Мен қоровулман...

— Қоровулмас, соқчи дегин! — кикирлаб қулди

жувон ва пиёладаги чойдан хўпларкан яна Турсунбойга каради. — Жуда совук ўтиб кетди. Бирон иситадиган нарсанг йўқми?

— Ана, кайноқ чой, — тушунмади Турсунбой.

— Чой эмас, — кулди аёл. — Ароқми, конякми дейман? Ичим яхлаб колганга ўхшайди...

— Бор, бор, — деди Турсунбой эслаб ва шкафдан битта ароқ билан коняк олиб столга қўйди, — Бўладими?

— Буниси бошқа гап! — кафтларини бир-бирига ишқалади аёл. — Очмайсанми бунни?

— Мен...ичмайман, — деди Турсунбой. — Умуман ичмаганман...

— Ўзинг ичмасанг, менга қуйиб бермайсанми? — кўзларини айёрона сузди аёл. — Кавалер ҳам шунақа бўладими?

— Мен кавалер эмасман, студентман, — деди Турсунбой бу сўзнинг маъносини тушунмаса ҳам.

Аёл қах-қах уриб кулиб юборди.

— Уйланганмисан ўзи?

— Йўқ, — уялинқираб деди Турсунбой. — Айтдимку, хали талабаман.

— Нима, талабаларнинг хотини бўлмайдами? — унга синчковлик билан тикилди аёл.

— Йўқ ... Хали ёшман. Энди йигирмага тўламан, — деди Турсунбой довдираб. — Уйланишга вақт бор.

— Кўз остига олиб қўйганинг борми? — яна сўради аёл.

Турсунбой «йўқ» дея бош чайкадию, кўшиб қўйди, — Келинни онам топадилар...

Аёлнинг кулгусидан хона жаранглаб кетгандек бўлди.

— Майли, кел, ўзингга ҳам қуй, — деди у Турсунбойнинг ковушиксиз қўллари то конякни очиб қадахга қуйгунча кузатиб тураркан. — Ўша бўлажак келин учун ичамиз!

— Йўқ, раҳмат, ичмайман. Ичмаганман, — бош

чайкади Турсунбой. — Эртага имтихоним бор, тайёрланишим керак.

— Майли, яхши йигит экансан. Бахтли бўл! — деди аёл қадахни гунча лабларига тегизаркан.

— Раҳмат, — деди Турсунбой.

Аёл қадахни бўшатиб, егуликларга кўл чўзди. Кейин яна ўзига қуйиб ичди, Турсунбойга ҳам қуйганди, у «йўк» деб қадахни нари суриб қўйди.

— Жуда ғалати экансанку-а? — кулди аёл кўзлари ёниб. — Келин учун ичилди... Сен учун ичилди. Энди мен учун ҳам ичмайсанми?

Турсунбой нокулай ахволга тушиб қолди. «Майли, — кўнглидан ўтди унинг, — ишқилиб, еб-ичиб тезроқ бу ердан кетса бўлди.»

У шундай хаёлда қадахни бўшатди.

— Бу бошқа гап, — деди жувон жилмайиб. — Энди овқатга кара! Исминг нима ўзи?

Турсунбой айтди.

— Мени исмим Флора, — деди аёл яна қадахларга коняк қуяркан. — Кел, энди танишганимиз учун ичамиз!

— Йўк, раҳмат, ичмайман, — деди Турсунбой.

— Мени хафа қияпсан, йигит, — деди аёл лабларини буриб. — Эркак ҳам шунака бўладими?

Турсунбой яна ичишга мажбур бўлди. У ҳақиқатан ҳам ичкиликдан жуда узок йигит эди. Ичи ёниб кетгудек бўлдию, кейин ўзини анча енгил ҳис қилаётганини сезиб ўзиям хайрон қолди.

Шундан кейин аёл тап тортмай қўшни хоналарни айланди. Телевизор, видео, компьютер, биллур идишларни кўриб танглайини тақиллатди. «Тоғанг бало одам экан. Миллионерга ўхшайди» деб қулди.

Турсунбой энди аёл кетса керак деб ўйлаганди, йўк у яна қайтиб ошхонага кирди. Яна қадахларни тўлдирди.

— Бу йил қиш жуда эрта келадиганга ўхшай-

ди, — деди ўз-ўзига гапираётгандек. — Бу хавода қанақа килиб уйга етиб оламан хайронман?

— Кўча тўла машина, амалларсиз, — деб кўйди Турсунбой.

— Бунисини кўрамиз, — кулимсиради аёл ва қадахнинг бирини унга узатди. — Ол!

— Мен бошқа ичмайман, — деди Турсунбой чўчиб.

— Кел, тоғанг учун ичамиз, — терилган, ингичка қошларини керди аёл. — Агар шундоқ тоғанг учун ҳам ичмасанг уят бўлади.

Турсунбой ичишни ҳам, ичмасликни ҳам билмай колди. Кейин Баҳодир аканинг ўзига қилган яхшиликларини эслаб, «Шундоқ одам учун юз грамм ичсам, чиндан ҳам арзийди» деган хаёлда қадах чўқиштирди. Ичишди. Кейин ёнма-ён ўтиришди. Аёл лип этиб ташқарига чиқиб сумкачасини кўтариб кирди. Сигарет олиб лабига кистирди. Зажигалка билан ёкди. Олифталик билан тутунни лаб четидан пуфлади.

— Сигаретам чекмайсанми? — сўради секин.

— Умуман чеккан эмасман, ёмон кўраман, — деди Турсунбой.

Аёл кулди.

— Қизиқ, ичмасанг, чекмасанг, бу қанакаси? — у елкаларини учуриб кўйди. — Балки, хотинларни ҳам кўрмагандирсан?

— Қанақа хотин? — сапчиб тушди Турсунбой.

— Масалан, менга ўхшаганини. — Қах-ках урди аёл ва шартта ёқасини очиб дуркун кўкракларини кўрсатди.

— Бунақа нарсаларни кўрганмисан? — у шундай деб кейин кўйлаги этагини кўтариб, оппоқ, таранг сонларига ишора қилди. — Буёғи қалай?

— Кўйсангизчи, опа, — деди Турсунбой кўзларини олиб қочиб. — Уят бўлади!..

Аёл туйқус унинг елкаларига бўлик билакларини ташлади.

— Сен менга ёқиб колдинг, Турсунбой, — деди эҳтиросли шивирлаб. — Истайсанми?..

— Сиз уйингизга кетмайсизми? — унинг сўзини бўлди Турсунбой.

— Истасанг, қолишим ҳам мумкин, — деди аёл унинг юзига лабларини суркаб.

Шу пайтгача бунақа сохибжамол аёлни кўрмаган, умуман қиз боланинг қўлини ушламаган Турсунбой довдираб қолди ва уни беихтиёр нари итарди.

— Келинг, ичайлик, — деди аёлни чалғитишга уриниб.

— Давай, йўқ демайман! — қулди аёл.

Кадах уриштириб яна ичишаркан, боши айлана-бошлаган Турсунбой аёл ўзининг қадахдаги конякни тезгина ерга тўкиб ташлаганини сезмай қолди.

Аёл яна ўзига суйкала бошлаганини сезган Турсунбой уни чалғитишга уриниб, меҳмонхонага бошлади, «Телевизор кўрамиз» деди. Аёл унга эргашди. Турсунбой телевизорни ёкиб, керакли программага олиб энди орқасига ўгирилганди ҳамки, кўзи тиниб, боши айланиб кетаёзди.

Бу кутилмаган меҳмон — сохибжамол аёл унинг қаршисида кип-яланғоч, тўлин ойдак бўлиб, қўлида иккита қадақ туттанча турарди. Унинг қачон ечиниб, қачон қадахларни тўлдириб келганига тушунолмаб қолди.

— Кўйсангизчи... бу...бу қанақаси? — деди тили тутилиб.

— Яқинроқ кел, — шивирлади аёл.

— Йўқ, — бош чайкади Турсунбой орқасига тисарилиб.

— Кел дедим, — деди аёл қўлидаги қадахларни стол устига қўйиб ва Турсунбойни бағрига тортди ва лабларига лабларини босди.

Турсунбой нима бўлаётганини тушунолмаб қолди...

Факат икковлари диванга йиқилишгани, аёлнинг уни лабларига қадах тутаётгани, ўзи эса ютоқиб унинг кўкракларига ёпишганини эслаб қолди, холос...

Турсунбой тонг қоронғусида аранг кўзларини очди. Боши қарахт, кўнгли айнир, бутун вужуди қакшаб

оғирди. Гандираклаб ўрнидан турди-ю, беихтиёр кечаси ўзи уйга бошлаб кирган нотаниш аёл — Флорани эслади. У йўқ эди. Ваннахонани каради, кўшни хоналарга чикди. Йўқ, унинг ўзи ҳам, кийимлари ҳам кўринмасди.

«Нахотки, кетиб қолган бўлса?» — хаёлидан кечди унинг ва кеча нималар бўлганини эслашга уриниб кўрди. Йўқ, буларнинг ҳаммаси тушга ўхшаб кетарди унинг назарида. Нималар бўлди ўзи хайрон. Флора унга ёпишдими, ё, Турсунбойнинг ўзи унгами?.. Кейин нималар бўлди? Чирок ўчдими?.. Йўлакда чирок ёниб-ўчдими, эшик очилдими? Кимлардир кирдими?.. Турсунбой ҳеч қайсисини аник-тиник эслаёлмайди.

Турсунбой шу пайт ўқишга боришини, бугун имтиҳони борлигини эслаб девордаги осма соатга каради-ю, унинг тагидаги телевизор ҳам, видеоманитофон ҳам жойида йўқлигини кўриб, кўзларини ишқалаб бакириб юборди. Югуриб кўшни хонага ўтди. Кулфлоглиқ ётоқхона ҳам очик-сочик. Компьютер ҳам ўз ўрнида йўқ, симларигина ерда илондек чувалашиб ётарди.

Турсунбой худди эси оғиб қолгандек пешонасини ғижимлаб, сочларини юлган кўйи яна меҳмонхонага кирди ва сервантдаги биллур идишларнинг кўпчилиги йўқлиги, тумбочкаларнинг эшиклари очиклигини кўриб ваҳшиёна қичқириб юборди. Жонҳолатда йўлакка югурди. Кўчага чиқиладиган эшик ҳам қия очик эди... У «Хой! Ким бор?» дея бақирганча эшикни очди-ю, оёғи остидаги хўл пол латтага тийғониб гурсиллаб йиқилди. Боши деворга зарб билан урилиб кўзларидан ўт чикиб кетгандек бўлди, ҳушини йўқотди.

Темир эшик ҳамон лангочик, ташкаридан эса ғувиллаб совуқ шамол кириб турарди ...

ДЕВОРДАГИ ИЗ

Уста Маҳкамнинг бошига ташвиш тушиб қолди.

Икки ой уриниб-суриниб уйини ремонт қилдирди, кейин кизини узатди. Бу орада кенжа ўғли «кира қилиб, беш-ўн сўм топиб келаман» деб, машинасини ҳайдаб чиқиб кетиб, бировнинг фалон пул турадиган чет эл русумли машинасини уриб пачағини чиқариб келди.

Уста Маҳкам учун ана шуниси ўлганнинг устидан тепгандек бўлди. Уй ремонт қилинган тўйига таниш-билишлардан кўтарган бир миллион қарзи бир ёкда қолиб, энди буниси чиқди.

Машинанинг эгаси хотинлардан баттар шаллақи эркак экан. Худди Уста Маҳкамни бўғиб ўлдиргудек уйига бостириб келди. «Агар машинамни тўламасанглар, ундоқ қилвораман, бундоқ қилвораман» деб тоза кулоқ-мияни еди. Уста Маҳкам худонинг зорини қилди, «тузатиб берамиз» деди, қасам ичди, қани энди кўнса! «Агар шу ҳафта ичида уч юз доллар топиб қўймасанглар, машинамни уриб мелисадан қочиб юрибди» деб, «судга бераман» деб тўполон кўтарди.

Уста Маҳкам қараса, жанжални текинга сотиб оладиган одам. Шунинг учун маслаҳат билан «Жигули» машинасини сотишга қарор қилишди. Уста машинасига ачинди. Кунларига яраб турганди, нима қилсин?

«Ҳар ҳолда кулоғим тинчийди, озми-кўпми қарзларимдан ҳам қутиламан» деб ўз-ўзига тасалли берди.

Қисқаси, машина сотилди, ўзи айтмоқчи, битта-яримта қарзларидан қутилди. Машинаси пачоқланган киши эса пулнинг каттагина қисмини ўпириб кетди.

Уста Маҳкам биларди. Энди қолган пулни расамади билан ишлатмаса, у ёғига ўтириб қолишларини яхши ҳис қиларди. Хулласи калом, шу кунлари уйда ҳам, кўчада ҳам ўзаро суҳбатлар асосан шу мавзу атрофида борадиган бўлиб қолди.

Мана hozир ҳам, эр-хотин касалхонада ётган қудасининг олдидан автобусда қайтишаркан, хотинининг Уста Маҳкамга раҳми келиб кетди.

«Умр бўйи шахсий машина ҳайдаб юрган одамга кийин-да, — ўйларди у эрига кўз кирини ташлаб. Тўс-тўполон автобусларга кўникиши кийин бўляпти...»

— Майли, кўп ўйламанг, дадаси, — деди у ҳам хўрсиниб. — Болаларингиз катта бўлиб қолишди. Машина бўлса, топилар. У ўғлингиз бўлмаса, буниси сотиб олар...

— Машинасиз юрсам, оёғим узилиб тушмайди, — синик кулимсираб кўйди Уста Маҳкам. — Қолган қарзларни ўйлаяпман, хотин. Ҳали, Бобоевга юз минг беришим керак. Худойкуловга эллик минг, — Уста Маҳкам афсус билан бош чайкади, — энг чатоғи, буёқда Бердимуродовнинг қарзи бўйнимда турибди...

— Ким эди, Бердикуловингиз? — хайрон бўлди хотини, — уям сиз билан ишлайдими?

— Ҳа, яқинда ишга келган. Бош инженер, — деди Уста Маҳкам оғир тин олиб, — сен уни танимайсан. Ўзига етганча такаббуррок йигиту, аслида ёмон эмас, бойвачча, мардлиги бор...

— Бойвачча бўлса, кутар, дадаси, ҳеч қаёққа қочиб кетмаяпсиз-ку! — деди хотини ҳамдардлик билан, — қарз деган нарсасекин-секин узилади-да.

Аёл эрининг бир сўзли, айтганидан қайтмайдиган киши эканлигини биларди, шунинг учун индамаса ҳам бўлардию, лекин дилидаги тилига чикиб кетганини ўзи ҳам сезмай қолди:

— Қанча экан, ўша қуриб кетгур берган қарзи?

— Беш юз минг сўм... Қизингни узатаётганимизда олгандим... Бўлиб-бўлиб берарман деб ўйлагандим. Бу ёқда палакат машина чикиб қолди. Режам бузилди. Ҳа майли, буям тақдирнинг бир тепкиси-да!...

— Майли, сиқилманг, — деди хотини. — Ўша Бердимуродов деганингиз тушунар?

Уста Махкам хотинига қараб аччиқ жилмайди:

– Ҳамма гап шунда-да, – деди надомат билан. – Тушунмайди. Илгари синашта бўлмаганмиз. Айтганида туриб оладиган одати бор. Бирдан уйга бостириб келиб, «қани, қарзни чўзиб қўйинг» дейишдан ҳам тоймайди.

– Унда нима қилмоқчисиз? – кўзларини жавдиратди хотини.

– Мен эрта-индин Чинозга иш билан кетаман, – деди Уста Махкам негадир овозини пасайтириб. – Бир бадавлат одам иморат қурдираётган экан. Шериклар айтиб қолишди. Бир ҳафталик иш дейишяпти. Шифтига фанер қокиб, ром-эшикларини ўрнатиб бериш керак экан, харна-да!

– Майли, бориб кела қоларсиз. Бу ерда юравериб ҳам сиқилиб кетдингиз, – деди хотини.

– Мебель фабрикамиз ҳам аксига олиб тўхтаб қолди. Иш бўлмагандан кейин, пул ҳам йўқ, – деди Уста Махкам. – Майли, берардан қисмасин. Шунинг учун айтмоқчиманки, мабодо ўша Бердимуродов мен йўғимда келиб қолса, қарзини бериб юбора қоларсан. Сенга қолдириб кетаман...

– Майли, бир гап бўлар, – деди хотини эрини маъқуллаб.

Автобус шошиб-шошмай ҳамон йўлда борар, йўловчилар кам, сийрак бўлгани учунми, бекатларда узоқ-узоқ тўхтаб қоларди. Уста Махкам эса бунга сари асабийлашар, юраги сиқилиб, хадеб у ёқ-бу ёққа алангларди.

Нихоят, автобус уларнинг бекатига яқинлашди. Эр-хотин бошқаларга эргашиб эшик тарафга юришди.

Боя, эр-хотин ўтирган жойнинг орқа тарафида журнал варақлаб келаётган қора кўзойнакли, озғин йигит ялт этиб тепасида туткичга осилиб турган жингалак сочли ўспиринга қаради. Бу қарашнинг маъносини икковлариям тушунишди шекилли, йи-

гитча «маъкул» дегандек бош ирғаб, Уста Махкам билан хотинининг оркасидан эргашди.

Автобусда қолган қорақўзойнакли йигит бўлса, яна қўлидаги журнал устига энгашди...

— Бу, оддий муттаҳамгарчилик холос, — деди капитан Саидов ўрвидан туриб хонада у ёқдан-бу ёққа юраркан.

— Оддий эмас, — бош чайкади эксперт Умаров. — Оддий эмас. Жуда пухта ўйланган, усталик билан амалга оширилган ўйин! Бутунлай бошка, бегона бир одамнинг номидан бировнинг уйига тап тортмасдан кириб бориб, ярим миллион пулини олиб чиқиб кетиш учун ҳам «махорат» керак!

— Қўркмаганини-чи? — қўшиб қўйди сержант Қорабоев. — Юракдан ҳам бор экан-да!

— Уларда юрак нима қилади? — деди Умаров. — Бунақа нусхалар оддий, инсоний хис-туйғулардан маҳрум бўладилар. Улар давлатниям, халқниям, қонунниям, ҳамма, ҳамма нарсани босиб-янчиб, мақсадлари сари интилаверадилар. Улар учун пул, бойлик, шахсий манфаатдан устунроқ нарса бўлмайди. Шунинг учун...

Шу пайт эшик очилиб, лейтенант Жанна Микеладзе кириб келдию, унинг гапи узилиб қолди.

— Кечирасизлар, ўрток капитан, — деди у қўлидаги суратларни узатиб, — фоторобот хулосасини олиб келгандим.

— Қани, қани, бир туркини кўриб бокайлик-чи! — деди Умаров.

Ҳамма стол устига ёйилган суратлар устига энгашди.

— Бир қарасанг, бинойидек зиёли одамга ўхшайди, — деди Умаров танглайини тақиллатиб. — Қўй пўстинига ўралган бўрининг ўзи!

— Энг чатоғи юз бичимлари аниқ эмас, — афсусланди капитан Саидов — инайкейин, кора кўзойнағи ҳалал беряпти. Кўзлари кўринмайди.

— Уй бекаси, жабрланувчи Мирзоитовнинг хотини бошқа ҳеч нарсани эслолмади, — деди лейтенант Микеладзе.

— Буниси тушунарли, — деди Умаров ўйланиб. — Содир бўлган воқеадан кейин унинг юрағи ўйнаб, хушидан кетиб йиқилган. Одам бунақа ҳолатда айрим муҳим тафсилотларни унутиб қўйиши табиий.

— Лекин, барибир эслаб қолиши мумкин эди, — деди сержант Қорабоев. — Кап-катта хотин довдираб, гипноз ҳолатига тушиб қолган. Аввалига, «эгнида енги калта, оқ кўйлак эди», деганди. Кейин, «йўл-йўл гулли кўйлакда, галстук такканди», деб турибди.

— Сен ҳам унинг ҳолатига тушиб қолсанг, чолни кўриб бувам деб қолардинг, — кулимсиради Умаров. Эшикдан «мен Бекмуродовман» деб кириб келган бегона одамга ярим миллион пулни бериб юбориб, «эрим қарзидан кутилди» деб енгил тортиб ўтирган аёл ўша одамни товламачи эканлигини, бировнинг номи билан иш юритиб, куппа-кундузи шилиб, хонавайрон қилиб кетганини билса, қанақа ҳолатга тушиб қолади?

— Уй бекасининг ҳар бир тафсилотларини чиздириб кўрдик, — тушунтириш киритди Жанна, — натижа ҳозирча шу. Унинг айтишича, номаълум эркак ёлғиз бўлган...

— Қўшни кўчада шериклари машинада кутиб турган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас, — деди капитан Саидов.

— Лекин, у Мирзоитов хонадонига ёлғиз ўзи кириб борган, — деди Умаров.

— Хотиниям ўзи ўлгудек содда экан-да? — илжайди сержант Қорабоев.

— «Ўзбекнинг соддаси» деганлари шу-да! — деди капитан Саидов оғир сўлиш олиб ва ўтирганларга кўз югуртиб, бош чайқади. — Йўқ, бунақада иш

бўлмайди. Хўп, шунақа киёфали одамни тутдик ҳам дейлик, бу билан ҳеч нарса ўзгармайди. Биз сохта «Бекмуродов»ни топишимиз керак! Ҳамма гап шунда!...

Хонага таранг бир жимлик чўкди. Сукунатни хона деворидаги осма соатгина бузиб турар, у худди аланималарни ҳисоб-китоб қилаётгандек чўт ташлаётганга ўхшаб кетарди...

Уста Маҳкам билан хотини бир неча кун ичида адоий тамом бўлишди.

«Мол аччиғи» ёмон бўлар экан. Бир ҳафта давомида ўзларини қаёққа уришни билмай қолишди.

Уста Маҳкам табиатан соддароқ, ҳаммани ўзидек деб ўйлайдиган одам деб билгани учунми, тўғри кўнгилда хотинига бир дунё пул қолдирган, мабодо Бекмуродов келиб қолсаю, қарзини сўраса, бериб юборишни тайинлаб ўзи Чинозга кетганди.

Аслидаку, ҳар куни катнаб ишласа ҳам бўларди. Лекин иш тезроқ битсин дебми, ҳар куни у ёққа бориб, бу ёққа келишдан эринишдими, ҳар қалай иккита шериғи билан ўша янги қурилаётган иморат жойлашган ҳовлида қолиб ишлашга келишишди. Окибати бунақа бўлиб чиқди. Мутлақо хаёлга келмаган нарса!

Уйга қайтгач, Бекмуродов келиб пулни олиб кетганини эшитгач, аввалига кўнгли хотиржам бўлди. Эрталаб Бекмуродовнинг уйига кўнғироқ килдию, унинг ҳеч нарсадан беҳабар эканлигини эшитиб, ўтирган жойида ағдарилиб тушаёзди.

Чоп-чоп, югур-югур шундан кейин бошланди. Маҳалла идорасидан тортиб, милицияга хабар қилинди. Уста Маҳкамникига «Бердимуродов» бўлиб келган номаълум киши ерда ҳам, кўкда ҳам йўқ эди...

Ҳамманинг боши котиб қолди...

Бу ҳам кулгили, ҳам ачинарли ходиса эди. Унинг барча иштирокчиларию гувоҳлари билан савол-жавоблар қилинди. Лекин тайинли гап чиқмади.

«Хақиқий» Бекмуродов – ок-сарикдан келган, баланд бўйли, кўк кўзли йигит чиндан ҳам ҳеч нарсадан беҳабар, бу яқин-ўртада Уста Маҳкамдан берган қарзини талаб қилиб бориш ҳаёлига ҳам келмаган, ўзи айтмоқчи, «ишлари бошидан ошиб-тошиб ётган экан...»

Уни Уста Маҳкамнинг хотини билан ҳам юзлаштиришди. Аёл биринчи кўрган заҳоти, «уйимизга келган йигит бу эмас» деб рад қилди.

Ўша кун қўчада ўйнаб юрган иккита бола ҳам келган одамни кўришган, лекин, улар ҳам уни қора кўзойнак тақиб, енги калта йўл-йўл қўйлак кийиб, галстук боғлаганидан бошқа нарсани айтишолмади.

Ярим миллион сўм пулни туя қилиб кетган товламачини топиш ва тутиш учун бу хил далиллару кўрсатмалар камлик қиларди, албатта.

Шаҳар катта. Кўча тўла одам. Озғин жуссали, қора кўзойнак тақиб, енги калта йўл-йўл қўйлак кийиб, бўйнига қора галстук боғлаб олган эркақлар озмунчами?!

Ҳар бирини ушлаб, ёқасидан бўғиб, «Бекмуродовнинг никобида келган сенсан» деб бўлмайдик-ку, ахир?..

Ана шунақа, бош-кети йўқ саволлару муаммолар нафақат капитан Саидовни, балки бутун жиноятқидирув гуруҳини ўйлантириб қўйди...

Томига шахмат белгиси туширилган чироқ билан ниқобланган «Тико» эксперт Умаров билан лейтенант Микеладзени кўча юзида қолдириб ўтиб кетди.

Жанна Уста Маҳкамнинг дарвозаси тепасидаги кўнғироқни босди. Ҳеч ким очмади. Хайрон бўлиб

туришганди, кўшни эшикдан чиқиб келган, челақ-да сув кўтариб олган, коптокдек юм-юмалок, пакана одам кўринди. Улар билан сўрашди, кейин «кўчанинг у бетига кўшниникига ўтиб кетаётгандек кўринувди, ҳозир невараларга айтаман, чақириб беришади» деб, яна уйига кириб кетди. Зум ўтмай, Уста Маҳкамнинг алланечук паришон хотини чиқиб келди, уларни уйга бошлади.

Умаров Жаннага «мен ҳозир, сизлар кираверинглар» дедида, ўзи Уста Маҳкамнинг ён кўшниси билан суҳбатлашиб қолди.

Пакана одам янгигина сувалган цемент пойдеворга челақда сув сепиб у ёқдан-бу ёққа юрарди. Умаровнинг ўзига кизиқсиниб қараб турганини сезиб, бир-икки орқасига қараб қўйди-да, кейин ёнига келди.

– Шу, кўча тараф фундамент пишиқ ғиштдан эди, – деди пакана одам, – шуни цемент сувоқ қилдирувдик. Қотиб, ёрилиб кетмасин деб, сув сепиб қўймасам бўлмади...

– Тўғри, тўғри, – деди Умаров уни маъқуллаб ва деворга кўз югуртира туриб сўради, – сувоқ қачон қилинганди ўзи?

– Бир ҳафтадан ошиб қолди, – деди пакана одам, – орада бир-икки ёмғир ёғиб ўтгани учун қуриши қийинроқ бўлди.

– Тузук, тузук, – деди Умаров деворнинг бир тепасига, бир пастига қараб, – йўлка чала бўлиб қолибди-да?

– Битириб қўймоқчи эдик, – деди пакана одам афсуслангандек, – шу десангиз, цемент етмай қолди. Нариги ҳафталарга битказиб қўярмиз...

Шу пайт иморатнинг у бошида кичкинагина болақай кўлидаги чўп билан цемент сувоққа нимадир чизишга уринаётганини кўриб, пакана одам бақирди:

– Ашур! Ташла, кўлингдаги чўпингни! – деди мушт ўкталиб. – Ҳозир қулоғингни кесиб оламан!

– Яхши, яхши чиқибди, – деди Умаров бир девор-

га, бир уй эгасига караб кулиб ва туйкус болакайга, унинг қўлидаги чўпга тикилганча туриб қолди. Кейин пакана одамга ўтирилди.

– Мана бу ерга панжа изи тушиб колибди, – деди пойдеворга кўз югуртиб.

– Қани? – сергакланди пакана одам хавотирланиб ва кулиб юборди, – ха, неваралардан биронтасини-кидир-да!

«Йўқ, ёш боланинг бармоғига ўхшамайди», дея кўнглидан ўтказди Умаров иккита кўрсатгич ва ўрта бармоқларнинг учи сезилар-сезилмас тушиб қолган пойдевордан кўз узмай.

Шундан кейин, Умаров пакана одамга узр айтиб, Уста Маҳкамникига кирди, Жанна билан нималарнидир имо-ишора килиб гаплашиб қайтиб чиқди. Яна пойдевордаги панжа изига караб қуйди. Жанна Уста Маҳкамнинг хотинини бошлаб чиқди. Ундан ўзини «Бекмуродов» деб таништирган номаълум эркак билан қай тарзда, қай ҳолатда гаплашганини, у каерда турган, ўзини каерда тўхтагани, ҳамма-хаммасини қайта-қайта сўраб-суриштирди. Аёл «бу гаплар нима керак экан» дегандай, аввалига хайрон бўлди-ю, кейин номаълум эркак Умаров боя кўрган, бармоқ учларининг изи тушиб қолган жойига бориб, бармоқ учи билан деворга қўл қуйиб турганини эшитиб, кувончдан қичқириб юбораёзди. Кейин пакана одамни чалғитиб нарирокка олиб кетди, Жанна эса бу орада у кўрсатган бармоқ изини тез-тез сурагга тушириб, ўша ердан ҳар эҳтимолга қарши экспертиза учун цемент ҳам киртишлаб олди...

Умаров бўлса пакана одамни гапга солиб, «сувокчи яҳиби уста экан, менгайм керак эди» деб, шу куниёқ шу ховлида ишлаган устани топтирди. Қўшни маҳаллада турадиган, ўлгудек кўрқоқ, ховлиқма одам экан. Аввалига Умаровнинг кимлигини билиб эхсонаси чиқиб кетди.

Кейин ўша ховлида ўн кунча ишлагани, ҳеч қандай фавқулодда ходиса юз бермагани, лекин ўша

ёмғир ёккан кун и ўзининг шогирди билан ишни тўхтатиб, асбобларини йиғиштираётганда қандайдир қора кўзойнакли бир йигит йўлқадан юриб келгани, Уста Махкамнинг уйини сўраганини айтиб берди...

Қисқаси, эртасигаёк Умаров билан Жаннанинг ишлари кўпайиб кетди. Шу атрофдаги беш-ўнта одамнинг бармоқ изларини сездирмай олиб, девордаги изларга солиштириб чиқишга туғри келди. Натижа мутлақо кутилмаган бўлиб чиқди.

Яъни, у на уй эгаларининг, на кўни-кўшнилари-нинг, на бошқаларнинг бармоқ изларига ўхшамасди. Шундан кейин, Жанна махсус картотекага мурожаат қилишга ва ўша изнинг эгасини топишга киришди.

Бу орада уч кун ўтиб кетди.

Нихоят жавоб тайёр бўлди. Девор сувоғидаги икки панжа учининг излари Бехзод Шамсиев деган кимсага тегишли бўлиб чиқди.

«Шайтон» лақабли бу кимса илгари ўғирликда ва товламачиликда айбланиб камалиб чиққан, ҳозир қаерда юрганини ҳеч ким билмас экан. Ички ишлар бўлимидагилар у ҳақда ғалати-ғалати гапларни айтиб беришди.

«Шаҳар марказидан квартира тўғрилаб бераман» деб содда одамларни қон қакшатиб, «навбатдаги рейсга самолётга билет олиб бераман» деб йўловчиларнинг пулларини йиғиштириб қочган, аёлларни «чет элга ишга жўнаттираман» деб ҳув туширган ҳам шу — «Шайтон» лақабли муттаҳам эди.

Яна шуни ҳам огоҳлантириб қўйишдики, «Шайтон»ни қўлга олиш қийин, у минг бир турда товланиб турар, ҳар қандай вазиятдан чиқиб кетиши мумкин экан.

Худди шундай бўлди, Шамсиев шаҳар ташқари-сидаги пансионатларнинг биридан топилди. Уни «хотинини қўйиб, сенга уйланаман» деб алдаб, маишат қилиб юрган ёшгина бир артистка билан ушлашди.

Айтганларича бор экан. Шамсиев хўп томоша кўрсатди.

«Мени безовта қилишга ҳақкинглар йўк, мен да-
воланаяпман» деб кўрди.

«Менга тухмат қилаётганинглар учун қонун олди-
да жавоб берасизлар» деб дўқ-пўписа қилди.

Охир-окибат ипакдек эшилиб, «Серсам чатоқ, ин-
парк бўлсам, уволимга қоласизлар» деб кўз ёш ҳам
тўқди.

Рад этиб бўлмайдиган далилу исботлардан кейин
кўй оғзидан чўп олмаган, мусичадек беозор, бечора-
ваш бир кимсага айланди-кўйди.

Олдиниға, эксперт Умаров уни олдиға худди кар-
та чийлагандек бир неча фотосуратларни кўйганида
пинагини ҳам бузмади. «Одамларнинг бармоқ изла-
ри бир-бирига ўхшайди. Бу менга нисбатан правака-
ция!» деб жанжал кўтаришга уринди.

Умаров табиатан вазмин одам эмасми, ўзини бос-
ди.

— Умуман олгандаку, ер юзидаги ҳеч бир одам-
нинг бармоқ излари иккинчисига ўхшамайди, — деди
кулимсираб. — Лекин сизнинг бармоқ изларингиз
миллиард одамнинг орасида ажралиб туради. Жуда
оригинал!..

У шундай дея, суратларни битта-битта олиб, «ма-
нави бармоқларнинг излари картотекадан, «буниси
Уста Маҳкамнинг дарвозаси ёнидаги цемент сувоққа
тушиб қолган панжаларингиз изи», «мана буниси,
кеча биз билан кўришганингизда туширилган бармоқ
изларингизнинг экспертиза тасдиқлаган хулосаси», —
деб тахтага мих қоққандек битталаб исботлаб берди.

Шамсиев шундан кейин ўзини касалга солди.
Кўзларини ола-қула қилди. Оғзидан кўпик сочди.
Юрагини чангаллаб ерга йиқилди. Тутканови тутган
одамдек типирчилаб ётиб олди...

Милиционер йигитлар унга ёрдам беришмоқчи
эди, капитан Саидов уларни тўхтатди.

— «Шайтон» одатдаги шайтонлигини қилаяпти! —
деди босиқ охангда. — Эътибор берманглар!...

Шамсиев эртасигаёк мулла минган эшакдек бўлди-қолди. Ҳамма бўлган воқеаларни бир бошдан айтиб беришга мажбур бўлди.

— Ўша куни шерикларимдан бири билан автобусда келаётгандик, — деди ҳафсаласи пир бўлганини яширмай, — олдимиздаги қаторда ўтирган эрхотиннинг гап-сўзларини эшитиб қолдик... Эркак қаёққадир иш билан кетаётгани, Бердимуродов деган йигит мабодо қарзини сўраб келиб қолса, унга ярим миллион бериб юборишни хотинига тайинлаб борарди... Мен шеригимга қарадим. У тушунди. Эрхотиннинг орқасидан бориб уйини аниқлаб келди. Шундан кейин, икки кун ўтгач, уй эгаси кетгач унинг уйига бордим... Ўзимни «Бекмуродов» деб таништирдим. Эшикни очган хотин уни танимас экан. «Маҳкам ака менга қарзини бериши ё қолдириши керак эди», — дедим. Аёл ишонди. Пулларни олиб чиқиб берди. «Санаб олинг» деди. Санаб ўтиришга вақт йўқ эди. «Сизларга ишонмай ўлибманми, кеннойи» дедиму, чиқдим-кетдим... — Шамсиев шундай деб пастки лабини конатиб юборгудек тишлади. — Битта хатойим, ўша пайтда аёлни кутаётганимда сувалаётган цемент деворга бармоқларимнинг учини тираб турганим бўлган экан...

Хўш, у ёғи-чи, у ёғи дерсиз? У ёғида нималар бўлганини юқорида ўкидингиз. Ўша гаплар... Шундай қилиб, бир муттаҳам, бир товламачи тумшуғидан илинди

Таассуфки, бу охиргиси эмас экан. Яқинда, қапитан Саидов билан учрашиб қолдик. У «абиту-рентларни фалон институтга ўқишга жойлаб қўяман деб алдаб, пулларини шилиб олишга уриниб юрган бир нотаниш аёл пайдо бўлгани, аммо хали қўлга тушмаётгани хақида гапириб берди, Буниси энди, насиб этса бошқа ҳикоя бўлади...

АТЛАС КЎЙЛАКЛИ ЙИГИТ

Қурбон сира бунақа ахволга тушмаган эди. Ўйин бошлангандан бери кетма-кет уч марта ютқазди. Ёнида хемири ҳам қолмади. Аммо давра кўрган, улфат кўрган, қимор ўйнаб юрган мард йигит эмасми, бўш келмади, мағлубиятини тан олишга бўйни ёр бермади.

– «Голландский сигиримни тикдим! – деб юборди у ўйлаб ўтирмасдан. Йигитлар хой-хойлашди.

– Жуда бунчаликмас-да, Қурбон, – деди улфатларидан бири. – Унақа... виждонини ҳам қиморга тикиб юборадиганлардан эмасмиз. Бола-чақангни сутқатикдан маҳрум қилма!

– Йўқ, тикаман! – деди Қурбон ўжарлик билан, – нархи беш юз минг. Хар куни ўн литрдан сут беради...

– Нақ сут комбинати экан-да! – кулди бошқа улфати масҳараомуз оҳангда, – Фермерлик қилсанг бўларкан!

Йигитлар кийкириб кулиб юборишди. Қурбон бунга сари асабийлашиб авжига чиқди.

– Гап битта! – деди у бўғилиб. – Ана сигиримни хохламасанглар, ҳовлимизни тикаман!

Ҳамма жим бўлиб қолди. Сукутни жўрабоши Маллабой ака бузди.

– Нима, ундан кейин хотин, бола-чақанг билан кўчада қолиб, қамишдан чайла тикиб ўтирасанми?

Йигитлар яна кулишди. Қурбонга эса улар худди ўзининг устидан мазах қилиб кулишаётгандек туюлди-ю, баттар жазавази тутди.

– Қаерда туриш менинг ишим, ака, – деди лаблари титраб. – Ютқаздингми, тўлашинг керак!

– Унақамас, жўра, – уни тинчлантиришга уринди оғайниси Жўравой. – Биламиз, мард йигитсан.

Айтганингни қиласан. Лекин сени деб уйингдагилар азият чекмаслиги керак.

– Тўғри, – қўшилишди уй эгаси Холмат унга ачиниб. – Хўп бу сафар қўлинг келмабди, шунга дод-фарёд қилиш керакми? Ана, майли десанг, қарз берайлик. Ўйна!

– Йўқ, куллук! – тутақди Қурбон ва титраётган қўлларига арок шипасини олиб, пиёлага тўлдирди-да, бир кўтаришда бўшатди. Ҳатто газак ҳам қилмади. Буни кўриб, хонадагилар бир-бирларига маъноли қараб қўйишди.

– Сенга жавоб! – деди Маллавой ака, – жуда асабларинг чарчабди, Қурбон. Дамингни ол. Келаси сафар даврага кирасан.

– Йўқ, – бош чайкади Қурбон ўжарлик қилиб, – ўйнайман.

– Битингга ўйнайсанми, галварс! – жеркиб берди сигарет тутатганча илжайиб ўтирган бақалоқ йигит, – ўтган йили мотоциклингни тикиб ютқаздинг. Кейин ярим миллионга тушиб, қанча қийналиб юрдинг. Кейин...

– Бунақа гапларни қўйинг, полвон ака, – деди Қурбон хўмрайиб, – мен ўйнайман. Ўғил боланинг гапи битта бўлади...

– Ҳозир кайфинг бор, Қурбон, – деди бошқа бир йигит.

– Кайфим бўлиши мумкин, – деди Қурбон лабларини алам билан тишлаб. – Лекин айбим йўқ. Мен даврадан чиқмайман. Ўйнайман.

– Бўлмаса, чўтал олиб ўтир, – ҳиринглади бошқа йигит.

– Чўталинг ўзингга буюрсин, – деди Қурбон унга еб юборгудек қараб. – Мен ҳалол ўйнамоқчиман.

– Нима, биз ҳаром ўйнаймизми? – деди Маллавой ака жаҳл билан.

– Мен унақа демоқчи эмасдим, ака, – деди Қурбон. – Майли юз минг қарз бериб туринг, бошқа сўрамайман...

Хамма жим бўлиб қолди.

– Ўзингга қара, – деди Маллавой ака бош чайқаб. – Лекин ўртага юз мингдан ташланаётганини эсингдан чиқмасин. Бир қўл ўйнайсан!

– Гап йўқ! – бош ирғади Қурбон.

– Мабодо яна ютказсанг... – Маллавой ака энди сўзини давом эттираётганди, Қурбон бўлди:

– Ховлимни тикаман!

– Ховлинг ўзингга букюрсин! – илжайди Маллавой ака ва даврадагиларга қаради. – Битта ўйнаб берасан! «Дилхирож»га!

– Атлас қўйлақ кийиб! – лукма ташлади бақалок йигит.

Қурбоннинг бутун вужуди титраб кетди. Хонада бири ёстикни қўлтиғига тикиб ёнбошлаб ётган, бошқаси чордона қуриб ўтирган. Яна бири ширакайф кўзларини сузиб турган шерикларига алам билан кўз кирини ташлади-ю, инграб юборди:

– Нима, менинг устимдан кулаяпсизларми?

– Ха энди, буям бир гап-да, хумпар! – кулди Маллавой ака. – Ҳазил!

– Ҳазил бунақа бўлмайдими, ака, – норози оҳангда тўнғиллади Қурбон.

– Унақада, юз минг эмас, икки юз минг бераман, – деди Маллавой ака унга синовчан тикилиб. – Ҳамма ўртага икки юз мингдан ташлайди. Бир «лимон»у яна икки юз минг бўларкан. Ютсанг, оласан, ютказсанг...

– Розиман, – деб юборди Қурбон ўйлаб ўтирмасдан.

– Билиб қўй, Холмат хотинининг атлас қўйлагини олиб чиқади. Сен қўйлақ-лозим кийиб хизматимизни киласан...

– Чой-пой дамлаб дегандек, – хиринглади кимдир.

– Кейин ўйнаб беради, – кийқирди бошқа йигит.

– Бунисини кўрамиз, – деди Қурбон ранги ўчиб.

– Ё «ха», ё «йўк» – деди кимдир.

– Розиман дедим-ку! – деди Курбон кўрпача устига тиз чўкиб ўтираркан, – карталарни сузинглар!

Маллавой ака унга икки боғлам пул узатди. Хамма худди ҳозир кизик бир воқеа юз берадигандек кизиксиниб бирин-кетин куроқ дастурхон устига пул ташлай бошлади. Яп-янги тахи бузилмаган карта очилди, сузилди, таркатилди. Ўйин бошланди. Шифтдаги чанг босган қандил хирамтир нур таратиб турган чоғроқкина хонага таранг бир сукунат чўкди. Бу жимликни фақат девордаги эски осма соатнинг бўғик чиқиллашигина бузар, унинг рақамлари тунги бирни кўрсатиб турарди.

Хаммақўлидаги карталарига тикилганича ўтираркан, Курбон ўртага тикилган пул уюмига қараб ютиниб кўйди. Сўнг кўрка-писа карталарига кўз югуртирди, озғин юзига ранг югургандек бўлди.

– Мен «пас», – қўлидаги карталарни тескари килиб ташлади йигитлардан бири.

– Мен ҳам «пас», – қўшилди иккинчи шериги.

Қолган тўрт киши бир-бирлари билан ўғринча кўз уриштириб олишди.

– Хўш, нима қилдик? – деди Маллавой ака асабий ҳаракатлар билан сигарет тугатиб, – «Банк»да бир миллион икки юз минг бор. Ким юради? Ё бўлашиб олиша қоламизми?

– Йўк, бўлишиш йўк, – кескин бош чайқади Курбон, охиригача ўйнаймиз! – у шундай дея яна арок шишасига қўл чўзганди, бакалок йигит ўқрайди.

– Бўлди, ичма Курбон, – деди жеркиб, – кайфинг ошиб қолади.

– Кип-қизил аҳмок экансан, – деди Холмат бош чайқаб.

– Соғ бўлсам шунақа килиб юрармидим, ошна? – илжайди Курбон ва пиёлани шарт кўтариб бўшатди.

– Майли, мен картагни очаман, – деди Холмат, – ўн етти ... чиқдим...

– Чикавер, – ҳикиллаб кулди бақалок йигит, – эшик чап тарафда. У ёғи катта кўча!

– Ўзининг уйи-ку, полвон ака, – кулди йигитлардан бири, – индамай, «спални»га кириб кетаверади.

Йигитлар гур этиб кулиб юборишди. Даврада уч киши қолди. Маллавой ака, бақалок ва Қурбон.

– Бўлишиб олақоламизми? – яна сўради Маллавой ака илжайиб.

– Йўк, – бош чайқади Қурбон қўлидаги карталарни кафти орасига яшириб.

– Нима «банк»ни урмоқчимисан? – кулди бақалок йигит.

– Майли, омадингни берсин, – деди Маллавой ака чуқур тин олиб ва қўлидаги карталарни тантанавор ташлади, – меники ўн тўққиз...

Қурбоннинг пешанасидан муздек тер чикиб кетди ва кўзларига ишонмагандек яна карталарига ўғринча караб қўйди.

– Нима дейсан, Қурбон? – деди бақалок тилла тишларини ялтиратиб. – Бўлишамизми?

– Йўк, – деди Қурбон тишларини тишларига босиб.

– Унда очдим, – деди бақалок йигит ва карталарни дастурхон устига очиб қўйди, – йигирма!

Қурбоннинг кўз олди коронғилашиб кетгандек бўлди.

– Ха, Қурбон, ташла!

Қурбон қўлидаги карталарни ғижимлаб алам билан шивирлади:

– Ютдингиз, полвон ака...

Хона қийкирикка тўлиб кетди:

– Нима экан ўзи? Қани, картангни кўрайлик!

– Меники ... ўн саккиз ... – деди Қурбон бошини гуноҳкорона эгиб.

– Ия, шунга олифталик қилиб ўтирибсанми? – қах-қах уриб юборди Маллавой ака, – мен ўн тўққиз ташлаб юбордим-ку!

Ўйин тугади. Бакалок ўртадаги пуллари елим халтага жойлаб ёнбошига қўйди. Арок қуйилди. Тандиркабоб сузишга киришилди.

– Қани, келин бола, деди Жўравой Қурбонга тегишиб. – Қўйлак-лозимингизни кийиб ошхонага бора қолинг!

Хона кулги зарбидан титраб кетгудек бўлди.

Ер ёрилмади, Қурбон кириб кетмади. Яна бир пиёла арокни симириди-ю, гандираклаб ўрнидан турди. Қаёққа юришини билмагандек серрайиб колди.

– Қани, бўлақол, Холмат, – деди бакалок йигит дўриллаб, – хотинингни атлас қўйлагини Қурбонбойга... Йўк, Қурбонбойга олиб чикиб бера кол!

Ҳамма яна гур кулиб юборди. Қурбон товонигача музлаб кетди. Қўзларини каерга яширишни билмай, анграйди. Худди нажот кутгандек даврадагиларга қаради. Ҳамма парвойи-палак, арок ичиб, газак килиб, Қурбонбойнинг устидан очикдан-очик кулиб ўтиришарди.

– Оғзингизга караб гапиринг, полвон ака, – деди Қурбон товуши қалтираб.

– Мен нима дедим? – елка учуриб қўйди бакалок йигит. – Бояги ўзинг айтган гапинг-да! Ўғил боланинг гапи битта бўлади дединг-ку!

Хонага яна жимлик чўкди.

– Сикилма, – илжайди Маллавой ака, – ҳаммамиз ютқаздик. Сен бўлса ютдинг ҳисоб. Сигиринг ҳам, ховлинг ҳам ўзингда колди. Атлас қўйлакни номига кийиб, шундок ечсанг бўлди. Қизиқчилик-да, акаси!

Қурбон устидан яхдек сув тўкилгандек сесканиб кетди.

– Ха, йўк, – деди бакалок йигит қўзларини айёрона сузиб, – хали тонг отишига анча бор. Қурбон энди атлас қўйлак-лозимда эрталабгача хизматимизни килади. Шунаками, Қурбон?

Шу тобда Қурбонга караб бўлмас, ранги кесак бўлиб кетган, тиззалари дағ-дағ титраб, қўзлари

ёшланиб, лаблари калтираб, тўрт томонга аланг-жаланг боққанча серрайиб турарди. Унинг хаёлида факат бир нарса Маллавой аками, полвон аками, биронтаси «Ке, қўйсанг-чи, ука, ўзимизнинг йигитсан. Шунчаки хазиллашдик, холос. Йигит кишиям атлас қўйлак киядими?!» деса-ю енгил тортса! Йўк, даврадагилар гўё уни унутгандек эдилар. Пешма-пеш яна арок тортилди. Уриштириб ичишди. Холмат бурчакдаги магнитофонни ёқди, хонага қанақадир тарақа-турук мусиқа товуши ёйилди.

– Йиғиштир, шара-барангни! – хўмрайди Маллавой ака. – Ўзимизнинг ўзбекчасидан қўй!

– Шералидан борми? – деди бақалок йигит Холматга қараб.

– Гулсанамдан эшита қолайлик! – қўшилишди Жўравой. – «Бошимда ипак рўмолим»ни кийиб қўйган-да!

Йигитлар кийқириб кулишди.

– Йўк, атлас қўйлакда ўйнамаса хисобмас! – тиржайди бақалок йигит. – Холмат, нега ҳалигача «артистка»мизни кийинтирмадингиз?

Қурбон кўз олди қоронғилашиб, оёқларини оғир судраганча ташқарига юрди. Унга шу топда жуда оғир эди. «Холингга маймунлар йиғлайди, деганлари шу бўлса керак-да! Нима қилиш мумкин? Қандай қилиб бу вазиятдан чиқиш мумкин? – ўйларди у кийналиб. – Икки йилдан бери улфат бўлиб, ака-укачилик қилиб юрган ҳамқишлоқларнинг аҳволи бу! Ё... Йўк, атлас қўйлак кийиб буларнинг олдига киргандан кўра... Ўлим-ку, бу ахир? Эртага бу гап қишлоққа тарқаса, қандок қилиб бош кўтариб юради? Йўк, йўк!..»

Қурбон йўлакда, ховлига чиқаверишдаги эшик ёнида сигарет тутунига кўмилганча қотиб қолди. Шу пайт кимдир унинг тирсагига қўл теккизгандек бўлди-ю, хаёли бўлинди. Қараса орқасида Холмат тиржайиб турибди. Қўлида ёғим атлас қўйлак. У

пикиллаб кулди-да, кўйлакни Қурбоннинг елкасига ташлаб ўзи ташқарига чикиб кетди. Қандок қилсин, «ўйнама» дейишди, огоҳлантиришди. Ўзи ўйнади, ютқазди. Шартга рози бўлди. Акс холда номардлик хисобланарди. Энди атлас кўйлак кийса... буниси унинг учун тамом деган гап эди...

У хиёл гандираклаганча ховли тарафга юраркан, ошхонада, қозон бошида куймаланаётган иккита йигитга кўзи тушиб, юзини терс бурли-ю, этак тарафга қараб кетди...

Йигитлар ўтирган хона сигарет тугуни ва ароқ хидига тўлиб кетганди. Тандирқабоб сопол лаганларга сузиб келтирилди, яна ароқлар очилди. Ичишди. Гангир-гунгур қилиб у ёқ-бу ёқлардан суҳбатлашиб ўтиришди. Мусика эшитишди. Аммо Қурбондан дарак бўлмади.

– Атлас кўйлакли йигит қани? – тегишди Маллавой ака пиракайф товушда. – Чой дамлаяпти шекилли? – деди кимдир.

– Хойнахой, хотингнинг кўйлаги унга сизмади, шекилли, Холмат? – луқма ташлади бақалоқ.

Улар яна шундай аччиқ-чучук, ҳазил-хузул, китмир гаплар қилиб ўтиришаркан, эшикка чикиб хабар олиб келган Холмат тўсатдан кўзлари ола-була бўлганча югуриб қайтиб кирди.

– Қу... Қурбон... молхонада ўзини осиб қўйибди, – деди у дағ-дағ калтираб.

– Тфу, чёрт побери! – деб юборди бақалоқ ва кўлидаги гўшт кесаётган дандон сопли пичоқни дуч келган тарафга отиб юборди. Пичоқ урилган дераза ойнаси қарсиллаб синди.

Хамма дув этиб ўрнидан турди. Қўшни хонада чироқ ёнди. Ёш боланинг йиғлагани, аёл кишининг қаргаган товуши эшитилди.

Хонадагилар шоша-пиша ховли тарафга чикиб боришаркан, ойнаси синган деразадан гувиллаб кириб турган совук шамол ерда ётган карталарни сарғимтир япроқлар янглиғ чирпирак қилиб учириб юрарди...

АХЛАТ ҚУТИСИДАГИ МУРДА

Бу ҳамма кўравериб кўникиб кетган одатдаги бир манзара эди. Вақти-бемахал кўпқаватли уйлар, маҳаллаларда пайдо бўлиб чиқиндиларни йиғиштириб юрадиган бесўнақай «Ахлат машинаси» йўл четида тўхтаб белкурак кўтарган иккита йигитча чиқиндиларни юкхонага ортаётган, бакалок хайдовчи суянчикка ясланганча сигарет тутатишга чоғланган лахзалар эди.

Тонг энди оқаринкираб келаётган, кўча-кўй ҳали машиналар катновида уйғонмаган, йўлларда битта-яримта енгил машиналар-у, сийрак йўловчиларни айтмаса, тирик жоннинг ўзи кўринмасди. Шу пайт тонг сукунاتини ларзага солган дахшатли хайкирик эшитилди-ю, бояги жимжитлик, теварак-атроф сачраб уйғониб кетгандек бўлди. Йўл четидаги чиқинди ташланадиган катта темир кути ёнида турган йигит тўсатдан қўлидаги белкуракни ташлаб, бошини чангаллаганча кўча юзига қочиб чиқди. Унинг ранги докадек оқариб, кўзлари кинидан отилиб чиққудек олайиб кетган, бутун вужуди дағ-дағ титрарди.

– Нима бўлди? Тинчликми? – кабинадан сакраб тушди хайдовчи йигит.

– У ерда... у... ерда... ўлик... – деди ахлат ташувчи йигит товуши қалтираб. – О... одам... нинг ўлиги!..

Буни эшитиб иккинчи йигит ҳам белкурагини қўлида тутганча, суратга тушаётгандек қотиб қолди. Хайдовчи бўлса «Э-э» деганча, лапанглаб қаёққадир югуриб кетди. Милицияга қўнғироқ қилган шекилли, зум ўтмай, тепасидаги чироғи ялт-юлт қилиб, ўчиб ёнганча битта эмас, икки милиция машинаси етиб келди. Яна қанақадир «тез ёрдам» машинасига ўхшаган машинами-ей, яна қанақадир формали, формасиз кишилар пайдо бўлишди. Махсус хизматчилар кўз очиб юмгунча ахлат қутисида букланиб, қонга беланиб

котиб ётган номаълум одам мурдасини эҳтиёткорлик билан чиқариб елим қопга жойлаб машинага ортишди. Кимдир фотоаппаратини чиқиллатиб уни, ахлат қутисини, шу атрофни қайта-қайта суратга олди. Кимдир кичкина оташкуракка ўхшаган «пинцет»и билан ахлат қутисидан нималарнидир олди, нималарнидир киртишлаб елим халтачаларга солди. Бу пайтда, энди отиб бўлган, кўча-кўйда машиналар кўпайиб, ахлат қутиси атрофида тўпланган ички ишлар бошқармаси ходимлари-ю, бошқа одамларни кўриб тўхтаган ва бу ерда қандай ходиса юз берганини тушунолмай анграйиб турган хангоматалаб кишилару-йўловчилар ҳам кўпайиб қолгандилар...

Расулжон тоғасини ёмон кўриб қолганди. Ўшанда энди уйланиш арафасида юрган кезлари эди. Кунларнинг бирида тоғаси келди. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди-ю, гап орасида «бўлажак келинни жуда чиройли дейишади. Хушёр бўл, жиян. Чиройли хотинларнинг харидори кўп бўлади. Биринчи кунданок каттиқрок ушла! Учиб кетмасин. Хафа бўлмагину... «Қобуснома»да ҳам ёзилган. Чиройли хотинларни ўйнаш тутадилар, дейилган», деди. Ўшандан бери анча вақт ўтди. Кўп нарсалар эсдан чиқди-ю, лекин Расулжон барибир ўша кунни, тоғаси билан бўлиб ўтган ўша суҳбатни сира унутолмайди. Гўё тоғаси ўша оқшом унинг кўксига пичок санчган-у, суғуриб олмагандек. Ўша оғрик, ўша азоб сира тўхтамайди. Ётса ҳам, турса ҳам, шуни ўйлайверади, ўйлайверади: «чиройли хотинларга хушёр бўлиш керак!...»

Ўшанда, институтни имтиёзли диплом билан битирган пайтлари, келажаги порлоқ мутахассис сифатида унга талабгорлар кўп эди. Лекин у бирон ёғлироқ ишни ҳам, илмни ҳам танлаб ўтирмади, балки биринчи таклифдаёқ хорижга, тажриба оширишга жўнаб кетди. Уч йил деганда қайтди. Лондоннинг

туманли тонглари-ю, сокин ва осуда кунлари, кадимий тошқўчалару, афсонавий касрларни бағрига бостанда мудраган тунларига ўрганиб қолган эканми, кўнгил узиб кетиши кийин бўлди. У Сурайёни ана шу ерда учратди. Аниқроғи, самолётга чипта олгани чиққан кун аэропортда учрашиб қолишди. У бир гурух сайёҳ-юртдошларга таржимон бўлиб Англияга келган экан. Бирпас у ёқ-бу ёқдан гаплашиб туришди. Европаликларга хос назокату маданият билан «визит қоғоз»ларини алмашишди, хайрлашишди. Ва ўша-ўша, Расулжоннинг тинчи бузилди. Турса ҳам, юрса ҳам, ётса ҳам, ўтирса ҳам ўша Сурайё отли соҳибжамол сарвқомати, хушсурат чехраси, чиройли юз бичимлари, қош-кўзлари, гунча лаблари сира кўз ўнгидан кетмайди. Ахийри бўлмади. Тошкентга қайтгандан сўнг, бир кун юрак ютиб унга кўнғирок килди. Хол-ахвол сўрашган бўлди ва ишдан кейин кечқурун учрашишга келишишди.

Капитан Султонов бунақа қотилликларни кўпини кўрган эди. Ўтган йиллар давомида у ўнлаб бунақа жинойтларнинг қидируви билан шуғулланган, ўнлаб қотилликлару босқинчиликларни очишда бевосита иштирок этганди. Шу сабаб ахлат қутисидан топилган мурда воқеасини хотиржам қабул килди. «Хўш, нима бўпти?» — деди у ўз-ўзига. — Одам ўлдирилган ва ахлат қутисида ташлаб кетилган. Бор гап шу. Энди, унинг ким томонидан, нима сабабдан ўлдирилгани, бу бошқа масала. Буни қилни қирқ ёрадиган ҳамкасблар кифтида келтиришади...» Капитан Султонов шундай дерди-ю, аммо бу жинойтни қай бир томонлари ўзини ҳам ўйлатиб қўйганини инкор этолмасди. У ҳам бўлса бу қотиллик бошқаларидан фарқли ўларок, ошкоралиги билан ажралиб турарди. Худди қай бир китобнинг номида айтилганидек: «Ошқора қотиллик қиссаси!..» одатда бунақа жинойтлар бекитиқча, сирли равишда

амалга оширилар, албатта излар йўқотилар, қотил туткич бермасликка ҳаракат қилгувчи эди. Бунисида эса бошқачарок... Аввало, ўлдирилган номаълум кимса ўша кун и спиртли ичимлик истеъмол қилган, яъни ғирт маст бўлган. Кейин ким биландир тўкнашган. Буниси аниқ. Хуллас, ёқалашишган дейилса, унга ўхшамайди. Хужум бир тарафдан бўлган. Номаълум қотил орқа томондан келиб, оғир жисм билан унинг орқа миясига урган, шундан кейин дуч келган жойига пичоқ санчган. Лекин қўрқув ё хаяжон оқибатидами, мўлжални аниқ ола олмаган. Шу сабабли, пичоқ дуч келган ерга урилган. Тиббий экспертиза хулосасига кўра, мархум бу хил жароҳатлардан эмас, бошига урилган зарба туфайли, миясига кон қуйилиши натижасида ҳаётдан кўз юмган. Қотил эса шундан кейин очикдан-очик унинг мурдасини дуч келган биринчи ахлат қутисига ташлаган-у, ўзи кочиб қолган. Ҳозирча бор гап шу!..

Лекин бу ҳали жинойт очилиб, жинойт содир қилган қотил қўлга олинди, жабрланувчининг шахси аниқланди, қотиллик сабаблари маълум бўлди деган гап эмас, албатта. Ҳаммаси энди бошланди, тўғрироғи, энди бошланди...

Капитан Султонов шуларни хаёлидан ўтказиб, олдидаги оқ қоғозга нималарнидир ёзиб чизиб чиқди-да, кейин телефон рақамларини терди:

– Алло! Кларахон, менга эксперт Фуломовни айтиб юборинг!..

Ўшак кўйилди. Капитан сигарет чекди ва ҳавода суза бошлаган оқиш кўкимтир тутунга тикилганча ўйланиб қолди. Шу топда, унинг хаёллари ҳам ана шу тутун янглиғ тарқоқ ва паришон эди...

Ўша кеча Расулжондан бахтлироқ кимса йўқ эди дунёда! Ёнида ҳусни бир жаҳон бўлиб бораётган Сурайё. Ҳамманинг кўзи ундадек туюлади Расулжонга.

Сезади. Ўтган-кетган эркаклар-у, йигитлар Сурайёнинг қадди-қоматидан, келишган оёқлари-ю тикмачоқдек қўлларида, жонбаста кўз-қоплари-ю, кўйлакни йиртиб чиккудек, бир жуфт кабутар мисоли дуркун кўкракларидан кўз узолмаётганликларини, ўтиб кетиб ҳам, орқасидан қараб-қараб қўяётганликларини сезиб, баттар ўнғайсизланади.

Айни чоғда, шундай латофатли, назокатли қиз билан ёнма-ён кетаётганидан суюнади, юраги кафасдаги қуш мисоли безовталанади, кўзларини қаёққа олиб қочишни билмай қолади. Шу оқшом улар хилват бир қаҳвахонада алламаҳалгача қолиб кетдилар. Шампан ичдилар, кавказча кабоб буюртма қилдилар... Келаси сафар Расулжон уни концертга таклиф қилди. Аммо, ўша концерт залида ҳам хамманинг диққат эътибори Сурайёда бўлди ва Расулжон яна ноқулай аҳволга тушиб қолди. Худди шундай ҳолат Панорамага, янги хинд фильмига томоша қилишга тушишган куни ҳам рўй берди. Расулжон Сурайё билан кинозалга кириб боришарканда ўриндиқлар орасида турган ёш яланг йигитчалардан бири Сурайёни кўриб, «Ух, ты! Анави кўғирчоқни кара!» деб хитоб қилиб юборганини эшитди-ю, ўзини эшитмаганга солди. Шундоқ кетворган киз ёнида бораётганидан ич-ичидан севинсада, негадир гаши келди. Ич-ичида қандайдир бегона, совук бир туйғу, рашкми, қизғонишга, худбинликка ўхшаш нарсалар пайдо бўлгандек ҳис қилди ўзини. Бир кўнгли ўша йигитчалар томонга боришга ҳам чоғланди-ю, лекин ўзини қўлидан тутиб кетаётган Сурайёнинг «юраверинг» дегандек имо қилиб қўйганини сезиб, ўзини босди.

Ўша-ўша баъзан хиёбонларда, театр-кино, концерт залларида, ресторан-у қаҳвахоналарда учрашиб турадиган бўлишди. Айниқса, «Сув спорти саройи»га чўмилишга бориб юрган кезлари Расулжон ғалати аҳволга тушиб қолди. Сурайёни чўмилиш кийимида кўрмаганди. Унинг мармардек таранг баданини, хипча бели, чиройли оёқларини кўриб оғзи очилди-

кўйди. Нафакат у балки улкан бассейнга чўмилгани келган бошқа эркаклар ҳам Сурайёнинг келишган кадди-коматидан кўз узолмай қолишди. Расулжон баттар вапланди. Уни тезроқ бу ердан, бу сук ва ёт нигоҳлар таъкибидан олиб кетишга уринди. Сурайё эса унинг бу қилиқларига кулимсираб қўя қолди. Шу тахлит, орадан бир неча ой ўтди ва ўша эрга куз кунларининг бирида Расулжон «ёрилди».

– Сурайёхон, – деди аранг ўзини қўлга олиб, – агар хўп десангиз... уйимиздагилар сизнинг уйингиздагилар билан бир учрашиб кўришмоқчи эди.

Сурайё худди уни биринчи марта кўраётгандек, кўзларини катта-катта очган кўйи тикилиб қолди ва деди:

– Нега? Нима учун?

– Совчиликка демоқчи эдим... – деди Расулжон кизариб.

– Уйимиздагилар нима дейишарди? – нозик елкаларини учуриб қўйди Сурайё. – Мен ўз хаётимни ўзим ҳал қиламан... Улар эмас.

Расулжон бу гапни эшитиб ёмон мулзам бўлди.

– Агар сиз рози бўлсангиз... агар... – деб яна чайналаётганди, Сурайё шартта унинг сўзини кесди:

– Менга уйланмоқчимисиз, шундайми? – деди тикка қараб.

Расулжон кўзларини олиб қочди ва «ха» дегандек бош ирғади.

– Қўша-қариб яшаб кетишимизга кўзингиз етадими? – сирли кулимсираб қўйди Сурайё.

– Мабодо, ота-онангиз розилик билдиришса... – бўлдиради Расулжон.

– Оббо, нима бало, мучалингиз магнитофонми? – қах-ках уриб кулиб юборди Сурайё ва жиддий тусда қўшиб қўйди. – Уларнинг розилигини нима қиласиз яхши йигит. Асосий масала менинг рози бўлишимда...

– Сиз нима дейсиз? – юрак ютиб сўради Расулжон.

— Бунисини ўйлаб кўришим керак, — деди Сурайё. — Менга вақт беринг!..

«... Берилган вақт узоққа чўзилмади. Янаги ҳафта Сурайё уни ўз уйига таклиф қилди ва Расулжон ўзининг бўлажак қайнотаси ва қайнонасини биринчи марта ўшанда кўрди».

Бу ёри жуда замонавий тус олди. Худди, мексика сериаллари мисоли. Келаси сафар, Расулжон Сурайёни уйига бошлаб борди ва у ҳам ўзининг бўлажак қайнотаси-қайнонаси билан ўшанда танишди. Шу билан иш битди-қўйди. Совчилар номигагина бориб келишди, холос. Фотиҳа ўқилди. Патир синдирилди. Тўй куни белгиланди. Қўйинг-чи, гиж-бадабанг тўй ҳам ўтди. Нақ, довруғи шаҳарга кетган тўй бўлди. Тўйдан кейин эса Расулжоннинг ишхонасидан берилган туристик путёвка билан ёш келин-куёв Ҳиндистонга бориб, «асал ойи»ни ўтказиб келишди. Бу нурга, сурурга тўла, эртақлардагидек гўзал ва фарахбахш кунлар эди. Расулжон Сурайёни еру кўкка ишонмасди. Энди учраган ҳар одамдан уни кизғонадиган, бўлар-бўлмасга рашк қиладиган, шубҳаланадиган одат чиқарди. Сурайё эса бунга сари уни «Отелло» деб ҳазиллашгани-ҳазиллашган эди, у ҳамишангидек шўх-шаддод, кўрган кўзни куйдирадиган даражада гўзал эди. Келинчак бўлгач, янада очилиб кетган, ҳамишангидек эркаланиб, нозланиб гаплашишларини тарк этмаган, унинг карашма билан кўзларини сузиб боқишлари манаман деган эркакнинг ҳам ақлу ҳушини олиб қўйиши аниқ эди. Расулжон эса бунга сари уни кизғонарди. Бора-бора, ўзидан ҳам кизғонадиган бўлиб қолди. Кўп ўтмай, уни «туристик бюро»дан ишдан бўшатиб, уйга яқин ердаги коллежга инглиз тили ўқитувчиси қилиб ишга жойлаштириб қўйди. Сурайё аввалига бундан сал ранжигандек бўлди-ю, кейин индамай кўя қолди. Кўп ўтмай Сурайёни «Тил маркази»га раҳбар муовини лавозимига ўтказишди. Энди унинг ишлари

хам кўпайиб қолган, аммо Расулжон ҳали ҳамон уни еру кўкка ишонмас, эрталаб ўзи ишхонасига олиб бориб, кечкурун ўзи олиб келишни қанда қилмасди.

Бу орада улар билан турмуш қурган олди келин-куёвлар фарзандли бўлишди, бошқа жувонларда ҳомиладорлик белгилари сезилиб қолди, аммо, Сурайёга келганда, ўзгариш сезилмади. Бунга сари Расулжон эмас-у, ота-онасида хавотир пайдо бўлди.

Орадан яна уч-тўрт ой ўтди. Сурайё шифохонада даволаниб ҳам чикди. Барибир ўзгариш йўқ, эрхотин ўртасида бу ҳақда гап очилиб қолса, аввалига андак маъюс тортиб қолишар, кейин «ҳали ёшмиз, бола кўришга улгураммиз» деган ўйга келиб, яна бир-бирларини ялаб-юлкашга тушиб кетишарди. Аммо шунга қарамай, Расулжон ҳамон хотинидан хавотирда юрарди. Назарида, эртами-кечми, Сурайё ўзининг бу ҳусни малоҳати билан кимгадир ўйнаш бўлиб қоладигандек туюларди, унга ва бунга сари ваҳимага тушарди. Сурайё ҳам эрининг бу хил феъл-атворини тушуниб қолгани учунми, «агар истасам битта кош қоқишимга миллионта эркак тайёр бўлиб турибди. Аммо мен бу ишни қилмайман ва ўзимни пастга урмайман», деб таъкидлагани-таъкидлаган, Расулжоннинг ковок-тумшуғи осилиб, аразлашларини кўриб қулгани-қулган эди...

Нихоят жиноят кидирув бўлимига биринчи маълумотлар етиб келди. Хужжатларда келтирилишича, ахлат қутисидан топилган мурданинг шахси аниқланган бўлиб, у тахминан қуйидагича эди: исми-шарифи Ҳусан Бурҳонов. Бухорода туғилган. Ёши 32 да. Хотини ва икки фарзанди бўлган. Қандайдир сабабларга кўра, оиласи билан бир ярим йил бурун ажрашган. Тадбиркор. Бухорода қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кичик корхонаси бўлган ва рақобатга дош беролмай синган, тегишли

идоралар томонидан икки марта тафтиш ўтказилгач, унинг рахбари фуқаро Х. Бурхонов устидан жиноий иш қўзғатилган. Ҳисоб-китоб ҳужжатларидаги чалкашликлар, сохталиклар, ўғринча четдан келтирилган шакар маҳсулотлари очилгач, корхона ёпиб қўйилган. Х. Бурхоновнинг ўзи эса нажот истаб шаҳарга йўл олган. Бу ерда қандайдир бир қариндоши яхши бир лавозимда ишлаган дейишади. Аммо унинг кимлиги ва қаердалиги хали аниқланмаган. Сўнгги маълумотларга кўра, унинг шаҳарда яшаб, ишлайдиган тўнғич акаси ўн беш кундан бери хорижда сафарда бўлган. Шу кунларда қайтиши кутиляпти...

Шугина холос. Лекин буларнинг қарийиб ярмидан кўпи тахминлар, гумонлар ва расмий ҳужжатлардан кўчирмалар бўлиб, уларга таяниб иш кўришни ҳозирча имконияти йўқ эди. Ана шу ерга келганда, нафакат капитан Султоновнинг, балки барча жиноят-кидирув бўлими ходимларининг ҳам боши котиб қолди. Зеро, бу маълумотларга асосланиб, на марҳумнинг ўлими сабабини, на қотилликни, на қотилни аниқлаб бўлмасди...

Расулжон бу елкалари кенг, чорпахилдан келган, қора қош, қора кўзли, думалок юзли йигитни яхши эслаб қолди. Ўша куни хотини билан кўча юзида гаплашиб турганидаёқ, биринчи учраганидаёқ унинг киёфаси хотирасига ўрнашди қўйди.

Нималарнидир қулишиб гаплашиб турардилар улар. Нотаниш йигит, аниқроғи, Расулжондан ўн ёшлар чамаси ёши улуғроқ киши тилла тишларини ярақлатиб, қўлларини силкиб, нималарнидир дер, Сурайё бўлса, нозик елкалари силкиниб-силкиниб хандон ташлаб куларди. Расулжон худди ана шу пайтда хотинини уйга олиб кетиш учун унинг ишхонаси тарафга машинасини бураётганди. У билан хотинини кўрди-ю, шартта тормоз берди. Кўзлари

ола-була бўлиб, нотаниш йигитга тикилганча қотиб қолди. Лекин машинадан тушишга, унга ё хотинига бирон нима дейишга ботинолмади. Хўп, Сурайё бир бегона эркак билан кулишиб гаплашиб турибди. Хўш, нима бўпти? Ўпишиб, кучоклашиб туришган бўлса экан, бошқа гап!

Расулжон ўз-ўзига шундай деди-ю, аммо барибир безовта кўнгли тинчимади. Сурайё машинага ўтирган захоти сўради:

– Ким у олифта?

Сурайё унга ер остидан ғалати қараб қўйди:

– Нима деганингиз бу?

– Сиз билан хангомалашиб турган анови кишини айтаман! – ковоғини уйди Расулжон.

– Ҳа-а, Бурхоновми? – чиройли қошларини учириб қўйди Сурайё. – У киши билан бирга ишлаймиз. Бизнинг бош маслаҳатчимиз бўладилар.

– Янглишмасам, сизнинг «бош маслаҳатчи»нгиз мен эдим шекилли? – ошкора пичинг килди Расулжон.

– Сиз уйда «бош маслаҳатчи»мсиз. У киши ишхонада, – кулди Сурайё.

Бу хазиломуз гап Расулжонга «Сиз уйда эримсиз, у киши ишхона»да дегандек эшитилди-ю, бошига гурзи урилгандек гангиб қолаёзди.

– Мен... мен ўртамизга учинчи одам аралашишини истамасдим, – деди ранжиган оҳангда.

– Вой, кизиксиз-а! – шарақлаб кулиб юборди Сурайё. – Биз у киши билан иш юзасидан гаплашаётгандик-ку?!

– Бунисини аҳамияти йўқ, – деди Расулжон кўзини олд ойнадан узмаган кўйи йўлга қараб бораркан сўник товушда. – Мен... сизни бошқа, бегона эркак билан кўришни хохламайман...

– Нахотки, мени шунчалик яхши кўрасиз, Расул ака? – эрининг елкасига қўл ташлаб эркаланди, Сурайё. – Шунчалар қизғонасизми?

– Ҳа, – бош ирғади Расулжон.

– Бунака қилманг, яхшимас. «Отеллолик» сизга ярашмайди, – кулди Сурайё. – Бундоқ ковофингизни очсангиз-чи! – дея унинг бўйнидан кучоқлади.

Расулжон ноилож тормоз беришга мажбур бўлди.

– Мен шунака кизғонаман, Сурайё, – деди Расулжон босиқ оҳангда. – Ёқадими, йўкми, турган-битганим шу.

– Канака яхши кўрасиз? – жилмайди Сурайё. – Айтинг!

Расулжон унга хайрон бўлиб қаради.

– Канака яхши кўришингизни исботланг! – унинг бўйнига осилди Сурайё ва эҳтирос билан шивирлади. – Мана шунаками?

– Ие!.. – Кўчада... машина ичида-я? – таажжубини яширолмади Расулжон.

– Ошинг ҳалол бўлса, кўчада деб қўйибдилар, – пиқиллаб кулиб юборди Сурайё ва туйқус эрининг юзига юзларини босди. – Нима, мен бегона эркакнинг елкасига осиялпманми?..

Улар узок ўпишдилар... Эҳтирос билан бир-бирларини қучиб, бир-бирларини пинжларига кириб кетгудек чирмашиб кетдилар. Расулжоннинг дилини кемирган бояги кўнгилғашликдан асар ҳам қолмади.

Расулжон ўша-ўша, Сурайё ишлайдиган «Тил маркази»даги ўша, «бош маслаҳатчи»ни қайта кўрмаса керак деган ҳаёлда эди. Лекин ҳаёл бошқа, ҳаёт бошқа экан. Яна учратди. Бу сафаргиси жуда хунук бўлди. Сурайё ўша куни Расулжоннинг «қўл телефони»га кўнғироқ қилиб, «кечроқ бораман» деди-ю, аммо сабабини айтмади. Расулжоннинг эса юрагига ғулғула тушди-ю, сездирмади. Ҳақиқатан ҳам, Сурайё алламаҳалда келди. Расулжон ўзи яшайдиган кўп қаватли уйнинг иккинчи қават деразасидан кўчага оппоқ «Мерседес» тўхтагани ва ундан хотини тушганини, очиқ эшикдан ичкарига энгашиб ҳайдовчи билан нималарнидир гаплашиб кулишаётганини

кўрди-ю, ичида нимадир чирс этиб узилиб кетгандек бўлди. Ўзини босишга уринди, барибир эплаёлмади.

– Шахсий «мерс»да сизни олиб келиб қўядиган ким эканлигини билиб қўйсак бўладими, хоним? – деди чақиб оладиган оҳангда.

– Вой, у Бурхонов-ку! Хасан ака! – деди Сурайё пинагини бузмай. Бугун чет эллик делегация келган экан. Мажлис чўзилиб кетди. Бир кўнглим сизни чакиртирмоқчи бўлдим-у, овора қилгим келмади. Шундан кейин Хасан Бурхонов «ўзим уйингизга кузатиб қўяман», деб ташлаб кетдилар.

– Шу гапларга мени ишонади деб ўйлаяпсизми? – ҳўмрайди Расулжон лаблари титраб.

– Вой, бу нима деганингиз? – ажабланди Сурайё. Нега хаёлингизга дарров бемъани фикрлар келади-а?

– Ха, биз шунақа бемъани бўлиб қолганмиз. Бизни шахсий «Мерседес»имиз йўқ, – деди Расулжон таассуф оҳангида.

– Қўйсангиз-чи, бунақа гапларни Расул ака, – деди Сурайё эрининг елкаларига қўлларини қўйиб. – Одамнинг кўнгли тўғри бўлиш керак!

– Ха, менинг кўнглим эгри, – деди Расулжон унинг қўлларини елкасидан олиб ташларкан.

– Сизга бир бало бўлаяпти, – деди Сурайё ранги оқариб. – Бунақа рашкчи бўлманг... Оқибати яхши эмас...

– Оқибатини кўриб турибман, – деди Расулжон совуқконлик билан. – Менга артистлик қилманг. Ўша олифта бекорга сизга илакишиб юрмагандир ҳар холда?! Сурайё эрига анграйганча қотиб қолди ва аранг шивирлади:

– Уятсиз одам экансиз, одам ҳам ўзининг хотини ҳақида шунақа фикрларга борадими?

– Ха, мен уятсизман, – жеркиб ташлади уни Расулжон. – Сизлар уятлисизлар!..

– Бас қилинг!.. бирдан йиғлаб юборди Сурайё ва юзини кафтлари билан тўсганча ичкарига югуриб

кетди. Шу кеча эри билан биринчи марта бир-бирларига тескари қараб ётдилар. Ниҳоятда, бўғик, асабий ва хунук кеча бўлди. Расулжон тонготар ўрнида тўлғаниб, азобланиб чиқди.

Эр-хотиннинг кейинги тўқнашуви ҳам узок куттирмади. Ўша куни эрталаб ишга кетаётган Сурайё сумкачасини кавлаштириб нималарнидир олиб соларкан, Расулжон кафтдеккина блокнот ичидаги суратга кўзи тушди-ю, кизиқсиниб кўлига олди. Унда Сурайёнинг ҳамкасблари бўлишса керак, бир неча киши қандайдир гулзор олдида суратга тушишганди. Расулжон суратда гул-гул очилиб турган Сурайёнинг ёнидаги ўша «бош маслаҳатчи» йигитни кўриб сесканиб кетди. Бир суратга, бир Сурайёга қараб кўйди. Яна суратга каради-да, хотинига ўқрайди:

– Нега бу суллоҳ ёнингизда турибди?

– Қаерда турсин бўлмаса? – аччиқ кулимсиради Сурайё. – Елкамга чиқиб ўтирсинми?

– Ким билади, аллақачон чиқиб ҳам олгандир? – деди Расулжон илмоқлик қилиб.

– Эътиборингиз учун бу сурат. Ундагилар ҳамкасбларим, – Сурайёнинг кўзлари дум-думалок бўлиб кетди. – Ҳаммани ўзингизга ўхшатаверманг. Яхши ниятда, эсдалик учун кеча суратга тушувдик.

– Худо билади, унинг нияти қанақа? – тишларини алам билан қисди Расулжон ва жаҳл билан суратни вижимлаб ташлади. – Мен... ўша Бурхонов пурхоновнинг сурати ҳам уйимга киришини хоҳламайман.

– Нега суратни вижимладингиз? – алам билан деди Сурайё кўзлари ёниб.

– Нима Бурхоновга ачиндингизми? – совуқ илжайди Расулжон. Сурайё эса унга бир зум хайрат билан тикилиб қолди-да, индамай сумкасини елкасига илиб эшик тарафга юрди.

– Билиб қўйинг! – унинг орқасидан кичкирди Расулжон асабийлашиб. – Ўша Бурхоновни яна бир марта ёнингизда кўрсам, соғ қўймайман!.. Эшик тараклаб ёпилди.

Кейинги тўқнашувни Расулжоннинг ўзи ҳам кутмаганди. Ўша куни ишдан қайтаётганди. Бир маҳал машина рулини Сурайё ишлайдиган «Марказ» тарафга бурганини ўзи ҳам сезмай қолди. Сурайё ишдан қайтаётган бўлса, олиб кетақолай дедими, нимадир кўнглидан ўтдими, дилида хавотир пайдо бўлди, ҳайтовур ўша тарафга юрди... Ва кутилмаган ходиса устидан чиқди. «Тил маркази» жойлашган бинонинг ёнгинасида ойнаванд қаҳвахонада қандайдир зиёфат бўлаётган экан. Аввал шўх мусиқа садолари-ю, одамларнинг қийқириқлари ва қарсак товушларини эшитиб хайрон бўлди. Қоровул чолдан Сурайёни сўраганди у «хамма кафеда, вечер»да деди. Расулжон таажжуби ортиб, қаҳвахона томонга ўтди. Ойнаванд девордан секин ичкарига қаради-ю, боши айланиб кетди. Ичкарида қарс-бадабанг зиёфат анжида. Дастурхон куюк, меҳмонлар кўп, беш-олти киши бўлса ўртада рақсга тушмоқда эдилар. Расулжон ўртада ўйнаётганлар тарафга қарагандаёқ, таниди. Улар орасида Сурайё ҳам бор эди. Хумор кўзлари порлаб, қўлларини оқкуш канотлари мисоли ёзган қўйи ўртада бир эркак билан чир айланиб рақсга тушарди у. Расулжон ўша эркакни кўриб, ток ургандек бир сесканди-ю, орқага чекинди. Яна бўйинини чўзиб, ичкарига ўғринча мўралади. У Бурхонов эди. У ҳам хурсанд. Қўлларини ёйган қўйи, Сурайёдан кўз узмас, юзидан табассум аримасди. Расулжон шу топда унинг бақувват, юнгдор билакларини, викор билан бош кўтариб туришини, юзидаги мағрур ифодани кўриб, ўзининг ингичка сарғимтир қўлларига, пачок гавдасига четдан қараб, хўрлиги келиб кетди. Ана

ўша кишининг қаршисида ўзини шунчалар ожиз, шунчалар ночор ва нотаваон хис қилдики, асти кўяверасиз!

Хуллас, эшикка чеккани чиққан йигитларнинг биридан Сурайёни чақиртирди. Сурайё ҳам худди шуни кутиб тургандек, кийиниб, сумкасини кўтариб чикди.

– Кечирасиз энди, хоним... – деди Расулжон улар катта йўлга чикиб боришгач. – Маишатингизни бузиб қўйдим...

– Қанака маишат? – деди Сурайё бош чайкаб. – Бош ҳисобчимиз Людмила Николаевнанинг туғилган куни экан. Элликка тўлибди. Шунга дастурхон ёйганди...

– Сиз шунинг учун рақсга тушиб бердингиз? – унга синчковлик билан кўз ташлади Расулжон ва кўшиб қўйди, – Бурхонов акангиз билан!

– Уни нима алоқаси бор, Расул ака? – оғринди Сурайё. – Ҳамма ўйнади. Биз ҳам. Бунинг нима айби бор? – у шундай дея синиқ кулимсиради. – Ҳасан Бурхоновични айтасиз... Унинг ўзини ташвишлари олам жаҳон бўлиб ётибди. Бухорода синглиси тўй бошлаб қўйган. Укасининг устидан жиноий иш кўзғатилган...

Дуруст, ҳаммасидан хабарингиз бор экан, – кесатди Расулжон. Сурайё унга бир маъноли қараб қўйди-ю, индамай давом этди, – ўзи эрта-индин чет элга кетиши керак.

– Сизниям олиб кетаман демасдими, мабодо? – ўйиб оладиган оҳангда сўради Расулжон.

– Олиб кетса йўқ демасдим, – деб юборди Сурайё бирдан. – Сизни шунака сассиқ гапларингизни эшитиб юргандан кўра, ўшаёқларда юрганим яхши.

– Ўйнашингиз билан! – ўкрайди Расулжон унга еб юборгудек қараб.

– Ҳа. Чидасангиз шу! – хўнграб йиғлаб юборди Сурайё. – Ахлоқсиз!.. Фикри бузук одам!..

– Менми? Уми? – деди Расулжон асабий ҳаракатлар билан сигарет тутатиб.

Сурайё жавоб ўрнига ўриндиққа ғужанак бўлганча баттар йиғлаб юборди.

«Йўк, барибир уни соғ қўймайман!» дея қасам ичди ўз-ўзига шу куни Расулжон. – Қўлимга тушган куни ўлдираман уни! Бировнинг хотинини йўлдан уриш қанақа бўлишни кўрсатиб қўяман унга!.. У шундай боши кети йўк, ҳаёллар билан бир неча кун юрди. Турфа режалар тузди, аммо биронтасининг урдасидан чиқолмади. Дарди ичида қолди. Бир-биридан ҳавотирли, ғалати тушлар кўрадиган одат чиқарди. Гох ўша Бурхонов Сурайёни қучоқлаб ўпаётган бўладими-ей, гох тўшақда олиб ётган, гох орқасидан қийқириб қувиб кетаётган бўладими-ей! Ҳар сафар бақириб, дағ-дағ титраб, ўз овозидан ўзи уйғониб кетади. Боз устига, ўша кунларнинг бирида Сурайёнинг тоби қочди. Туғруқхонага ётқизишга тўғри келди. Врачлар уни «хомилани сақлаш учун шунақа ётқизиб даволатиб турилади» деб тинчлантиришди. Аммо шунга қарамай, барибир алағда қўнгли тинчимади. Бурхоновни, унинг қулиб турган башарасини сира кўз олдидан келтиролмай қолди. Ва...

... Ва ўша кунларнинг бирида кечки пайт уни учратди. Бу нарса ҳаёлга ҳам келмаганди.

Эзма ёмғир эзғилаб-эзғилаб, шивалаб турган совук намозшом эди. У ҳас-ҳазонлар, сарғиш япроқлар тўзиб ётган жимжит кўчаларнинг биридан машинасида ўтиб борарди. Ҳавонинг авзойи бузук, кўчалар жимжит, йўловчилар-у, йўловчи машиналар ҳам қўринмас, гўё бутун борлик ёмғирнинг сирли шивир-шивирини жимгина эшитиб тургандек туюларди кишига. Шу

пайт, йўл четида чайқалганча, дарахтга суяниб турган бир кишига кўзи тушди-ю, кўзларига ишонгиси келмай қолди. У ўша, хотинини «айлантириб» юрган «бош маслаҳатчи» Бурхонов эди! Расулжон машинасини сал олдинга ўтказиб тўхтатди-да, ёмғирпўшига ўралиб тушди. Қаради. Бурхонов эса унга эътибор ҳам бермади. У таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган, соч-соқоли ўсган, уст-боши кир-чир, ғирт маст, нималардир деб ғўлдираб турарди. «Мана, «Тил маркази» бош маслаҳатчисининг ахволи!» кўнглидан ўтказди Расулжон унга ғолибона қараб ва беихтиёр хотинининг яқингинада айтган сўзларини эслаб аччиқ кулимсиради. – «Хорижга кетган» эмиш!.. Мана сенга чет элга хизмат сафари билан кетган одам!.. «Бош маслаҳатчи» эмиш!.. Қип-қизил пиёниста-ку!..

Расулжон унга бошдан-оёқ синчиклаб қаради. «Аниқ ўзи!.. Ўша калин қош... Ўша кўзлар... Сержун, бақувват билаклар... Ўша гавда, ўша башара»... Расулжон беихтиёр унга яқинлашди, рўпарасида тўхтади ва деди:

– Қалайсиз, энди акаҳон? – деди совуқ илжайиб. – Аҳвол яхши эмасга ўхшайдику-а?

– Э-э... Ў-ўт!.. дея сўкинди Бурхонов кўзларини йириб очганча унга ўқрайиб. – Вон отсуда...

– Шунаками? – тишларини рижирлатди Расулжон ва беихтиёр унинг бир вақтлар «мерс» машинасида Сурайёни уйга кузатиб келганини, икковларининг йўл четида кулишиб гаплашиб турганлари, бирга ёнма-ён суратга тушганлари, қаҳвахонада қийқириб раксга тушаётганликларини эслади-ю, ўзини босиб туролмади. Орқага югуриб, машина ғаладонини узун тигли қаламтарошини олди ва ортига қайтди. Яна Бурхоновга қяланди.

– Бировнинг хотинини йўлдан уриш шунақа бўлади, – деди тиззалари қалт-қалт титраб.

– Э, хотинингниям, ўзингниям... – сўкинди Бурхонов муштини ўқталиб ва Расулжон томонга юрмокчи

эди, лойда тийганиб чўккалаб қолди. Расулжон вақтни ўтказмай, у ёқ-бу ёққа ўғринча бир қараб олди-да, қаердандир қўлига илинган муштдек тош билан унинг бошига урди, Бурҳонов бу зарбани кутмаган шекилли, «ух» деди-ю, сўкиниб, ерни тимдалаганча энганиб қолди. Расулжон яна урди ва нихоят қўлидаги ҳўл тош тийганиб ерга тушди.

– Буниси ҳали кам сенга, ифлос! – қичқирди жон ҳолатда Расулжон ва қаламтарошни эслаб чўнтагидан олди, очди ва Бурҳоновга ташланди. Дуч келган жойига бир неча марта пичоқ санчди. Бурҳонов бошини чангаллаганча ерга йиқилди. Ҳаммаёғи шилта шалаббо бўлиб, қонга беланди. Шу топда Расулжонни таниб бўлмас, унинг авзойи хунук, кўзларида совук бир ўт ялтираб турар, худди эси оғиб қолганга ўхшарди у.

У Бурҳоновнинг бармоқлари лой чангаллаганча кимирламай ётганини сезди-ю, бирдан қўркиб кетди, у ёқ-бу ёққа аланглаб қаради, негадир кимларнидир ёрдамга чақиргиси келди, шундан кейин Бурҳоновнинг қўлтиғидан олиб, кўтарди нима қилишини билмай серрайиб туриб қолди ва титраб қакшаганча уни судраб кўчанинг у бетидаги каттагина ахлат қутиси тарафга олиб ўтди, кўз очиб юмгунча уни шарт кўтариб қути ичига ташлаб юборди. Расулжон нима иш қилиб қўйганини энди англаб ета бошлаган, бунинг оқибати хунук бўлишини ички бир туйғу билан ҳис қилиб турар, ҳаёлидан минг бир хил сабабу баҳона топишга, ўзини оқлашга уринар, аммо барибир сира ўзини боса олмасди. Бир маҳал машинасига кўзи тушди, югуриб борди. Ўт олдирди, аммо анчагача ҳайдаёлмай ўтирди, титраётган қўл-оёқлари бунга изн бермади. Охир оқибат машинани ўрнидан жилдириб, жон-жаҳди билан ҳайдаб кетди... Шу топда унинг кўзига ҳеч нима кўринмас, фақат кўз олдида Бурҳоновнинг қонга беланган боши-ю, башараси муҳрланиб қолганди ҳолос.

... Капитан Султонов Расулжоннинг тепасига келди, кўлларини ковуштирганча бир лаҳза унга бошдан-оёк тикилиб қолди ва сўради:

– Демак, қасддан одам ўлдирганингизни бўйингизга олмайсиз, шундайми?

– Йўқ, – бош чайқади Расулжон ранги ўчиб. – Мен уни ўлдирмоқчи эмасдим... – Мен ҳаммасини сизга айтиб бердим. Хотинимни йўлдан урганини... Уни ўзига ўйнаш қилиб олганини...

– Шунинг учун унинг бошига тош билан уриб, пичоклаш шартмиди? – яна сўради капитан.

– Мен бунақа қилмоқчи эмасдим, дедим-ку! – йиғламсиради Расулжон. – Чин сўзим!.. Ишонинг, капитан!..

– Сиз ваҳшиёна қотиллик қилгансиз, – унга нафрат билан тикилди капитан Султонов. – Бундан ҳам даҳшати сиз бу ишга мутлақо алоқаси йўқ, мутлақо беайб бир одамни ўлдиргансиз...

– Қа... нақа... сизга? – зўрға тили айланди Расулжонни.

– Афсуски, шунақа оғайни, – деди капитан Султонов оғир тин олиб. – Сиз «Тил маркази» бош маслахатчиси Бурхонов Хасанни ўлдирдим деб ўйлаяпсиз...

– Ҳа, – илкис бош кўтарди Расулжон. – Рашк оқибатида!.. – Хотинимни ундан қизғанганим учун!..

– Буниси хали аниқланади. Асадуллаев, – деди капитан Султонов босиқлик билан. – Лекин сизни бошқа одамни ўлдирганингиз аниқ!

Расулжоннинг сийрак соқол босган, чуваккина юзида таажжуб ва кўркув ифодаси зоҳир бўлди ва зўрға шивирлади:

– Бу... бу нима деганингиз?..

– Ҳа, сиз Хасан Бурхоновнинг ўрнига унинг вилоятдан келган укаси Хусан Бурхоновни ўлдириб

кўйгансиз! — деди капитан Султонов ундан кўз узмай ва қўшиб қўйди. — Кап-катта йигит, нахотки эгизак ака-укалар бир-бирига ўхшашини тушунмасангиз?!

Расулжон рўпарасидаги капитанни энди кўраёт-гандек, бақрайиб қолди, нимадир демоқчи эди, тили овзига сиғмай айланмади. Кўзлари даҳшатли олайиб кетди ва бирдан бошини чангаллаганча инграб юборди ва гурс этиб ерга йиқилди.

Капитан Султонов стол тагидаги тугмачани босди. Хонага милиция формасидаги йигит кирди.

— Сержант, айбланувчи Асадуллаевни камерага олиб чикинг! — деди капитан Султонов. — Кейин врачни чакиртиринг, кўриб боксин!.. Милиционер йигит ёнига яна битта шеригини олиб Расулжоннинг беҳуш танасини судраб олиб чиқиб кетди. Пол сатҳида туфлиси пошнаси урилиб-сурилиб, ундан илондек ингичка қорамтир излар қолди холос...

УЗУК КЎЗИДАГИ ТИЛСИМ

Бирлашган Араб Амирликларига икки-уч марта бориб келдию Обиджоннинг ишлари юришиди-кетди.

Аввалига бошқаларга кўшилиб, Дубайга ёғлиқ курт, майиз, pista-бодомга ўхшаган нарсалар олиб бориб юрган Обиджон орадан кўп ўтмай, ишни катта қилиб юборди. Машина олиб-сотишга ўтди. Бир йилда Дубайдан бешта чет эл машинаси олиб келиб Тошкентда сотди. Чўнтаклари пулга тўлди. Икки қаватли иморат қурдирди, ховли-жой қилди. «Тузел» томондан дача сотиб олди. Гижбадабанг тўй қилиб, юртга ош бериб, қизини узатди.

Ўша-ўша, Амирликка боришга ўрганиб қолдими, хайтовур, баъзан ўзи, баъзан битта-яримта билан орачора бориб турадиган бўлди.

Шаҳодатни ҳам ана ўша, ўзи айтмоқчи «маччойи сайр» қилиб юрган кунларининг бирида учратди.

Ўша куни кечкурун бозор айланиб, шаҳар кезиб юравериб жуда чарчаган, шериклари билан меҳмонхонага кечки овкатга қайтишаётган эди.

Обиджон сигарет олмоқчи бўлиб фойеда шерикларидан беш-ўн қадам орқарокда қолди. То сигарет сотиб олгунича улар лифтда кўтарилиб кетишди. Кейин лифтнинг бўшаши қийин бўлди. Кутиб қолди. Лабига сигарет кистириб, фойе ўртасида жилдираб турган фаввора атрофидаги креслолардан бирига ўтирди. Чекди. У ёк-бу ёкка қаради ҳамма ўзи билан ўзи овора, аксарият одамлар бешинчи-ўнинчи қаватлардаги ресторанларга шошилишар, лифтнинг олди тирбанд эди.

Обиджон сигарет тутатиб ўтираркан, кимнингдир ўзига қаратилган нигоҳини сездию, қаради ва рўпарасидаги катор креслолардан бирида чиройли оёқларини чалиштирганча кулимсираб турган, хурпайган

сарғимтир сочлари елкасига ёйилган, дўндиккинадан келган, оғзи тўла тилла тишли аёлга кўзи тушди. Аёл ҳам унга қараб ширин жилмайиб қўйди ва нимадир дегандек бўлди. Обиджон унга «эшитмадим» маъносида имо килди.

— Шерикларингиз ташлаб кетишдими? — деди аёл ўзбек тилида.

— Ха, номардлар ташлаб қочишди, — илжайди Обиджон.

— Мен ҳам битта ўзим қолдим, — деди аёл. — Дугоналарим шаҳарга чиқиб кетишганди, келишмаяпти. Бир ўзимни бўлса овқатлангим йўқ...

Обиджон беихтиёр ўрнидан турди:

— Юринг, бирга овқатланамиз!

Аёл тилла тишларини ялтиратиб жилмайди:

— Майлию... Шерикларингиз кидириб қолишмайдими?

Обиджон бепарво қўл силкиди:

— Э, ўзларидан кўришсин! Юринг!

— Қаёққа борамиз? — ўрнидан турди аёл.

— Билмасам? — елка қисди Обиджон. — Ташқарида иккита оч қолган мусофирга бирон жой топилар?

— Истасангиз, денгиз бўйида зўр қахвахона бор, — деди аёл.

— Кетдик, — деди Обиджон.

Аёл ихчамгина сумкачасини очиб, шойи рўмолча олиб, бошига танғий бошлади. Обиджон унга хайрон бўлиб қараганди, у кулди:

— Бу ерда очик-сочик юрган хотинларни эмас, ўралганларни яхши кўришади...

Аёл ўзига етганча шўх, шаддодгина экан, сал хилватга ўтишгач шартта Обиджонни қўлтиқлаб олди.

Шу окшом хилват бир қахвахонада тамадди қилишди. Денгиз бўйини сайр қилишди. У ёк-бу ёқдан гаплашишди. Аёлнинг исми Шаҳодат, ўзи Намангандан экан. Бир неча йиллардан бери Араб Амирликларига, Туркияга катнаб тижорат билан шуғулланаркан.

Битта ўғли бор, харбий мактабда ўқир, эри билан ажрашиб кетган экан.

Ўз ўрнида Обиджон ҳам Тошкентда яшадини, хотини, бешта боласи борлигини, онда-сонда бу ёқларга келиб туришини айтиб берди.

Буни эшитиб, Шаҳодат «Бешта, бола-я? Балосиз-ку!» деб пичинг қилганди, Обиджон «парода»миз ўзи шунақа. Бутун авлодимизда ҳамманинг, йўқ деганда беш-олтитадан боласи бор» деб ҳазилга олди.

Шу таҳлит денгиз соҳилида сайр қилиб юришаркан, Шаҳодат кутилмаганда «Кечаси денгизда чўмилганмисиз?» деди. Обиджон «йўқ» дедию, кейин «Кечаси чўмилиб бўларканми?» деб сўради.

— Э, кечаси денгизда чўмилмабсиз, дунёга келмабсиз, — дея хандон отди Шаҳодат ва сирли қилиб, пасттовушда қўшиб қўйди: — Тунда ҳеч ким йўқ... Жимжит... Денгиз. Тўлқинлару, соҳил бўлади холос...

Шундан кетин Шаҳодат «мен чўмиладиган кийимларимни олиб чиқаман» деб хонасига кетди. Обиджон ҳам шерикларига «ўзини меҳмондорчиликка таклиф қилишганини ва хавотир олмасликларини» айтиб, ўзи билан Тошкентдан олиб борган коньяклардан бирини ва газакларни елим сумкага солиб ташқарига чиқди...

...Бу сирли кеча эди. Бу сеҳрли кеча эди.

Тепада бахмалдек осмон. Унга қўнган сонсиз-саноксиз оқ капалаклар янглиғ юлдузлар ғужғон ўйнайди.

Пастда денгиз. Тўлқинлар беланчак мисоли алла-лайди. Ёввойи соҳил кимсасиз. Кун бўйи офтобда қизиган қумлок соҳил кишини аёл танасидек иссик ва юмшоқ бағрига чорлайди.

Шу кеча улар денгиз соҳилида қолдилар. Тўлқинлараро қувнадилар, ўйнадилар. Бир-бирларини

кучдилар, бир жуфт куш мисоли учдилар, бир-бирларига тўймадилар...

Тонг оқаргунга қадар ишқ гирдобиди маст бўлиб, юраклари мухаббатга тўлиб ётдилар...

Бу ҳол эртасига ҳам такрорланди. Индинига ҳам... Гоҳ денгиз соҳилида, гоҳ меҳмонхонада учрашиб турадиган бўлдилар. Ва турган гап, бу учрашувлар Тошкентга қайтганларидан кейин ҳам гоҳ хуфёна, гоҳ ошкора тус олиб кетди...

Орадан кўп ўтмай, Обиджон Шаҳодатга Тошкентнинг марказидан икки хонали уй олиб берди. Ҳамкорликни йўлга қўйиб, тижорат баҳонасида у билан бирга Россияда бўлди, Туркияга борди, Малайзияга отланди, яна Дубайга йўл олди...

Бора-бора, Обиджон ўзининг туриш-турмушини Шаҳодатсиз, унинг попукдек қош-кўзлари, тикмачокдек қўл-оёқларию, ғунча лабларисиз тасаввур этолмайдиган бўлиб қолди.

Шаҳодат учун эса Обиджон нақ топилдиқ бўлди-қолди. Ўзига яраша мард ва чалани, ишбилармон ва тиниб-тинчимас, бошидан дўпписи тушиб кетса, пул бериб олдирадиган бу бойвачча йигит унинг эркак оғушини унутаёзган баданига қайта жон киритиб, дуч келган эркакнинг қўлида ўйинчоқ бўлиб музлаб қолаёзган юрагига ўт қалади, ёнди-ёндирди.

Шаҳодат ҳам бўш келмади. «Излаганим сизсиз» дея бўйнига осилиб олди. Орадан уч-тўрт ой ўтар-ўтмас, ҳомиласи сезилиб қолганидан кейин эса Обиджоннинг олдига масалани кўндаланг килиб қўйди.

Обиджонни ўзининг қайноқ оғушида маст бўлиб ётган кезлари бир печа марта «сенга уйланаман, сендан бошқаси менга керакмас» деган ваъдаларига ишора қилди. Ўша-ўша Обиджон унинг уйида ётиб қоладиган бўлди.

Бунақа пайтларда одатда эркак билан аёл атрофидагиларни кўр ва қар деб ўйлашади. Шу маънода, Обиджон билан Шаҳодат ҳам аввалига теварак-атроф-

ларига унчалик эътибор беришмади, бошқаларнинг ўзларига бошқачароқ қараётганларини сезишгандагина эса анча кеч бўлиб қолган эди.

Бу хил масалаларда айниқса аёллар сезгирроқ бўлишади. Обиджондаги ўзгаришларни биринчи бўлиб, хотини Насиба ҳис қилди, пайқади, сизди, зимдан қузатди, суриштирди, билдию, портлаб кетди. Аввалига эрининг ёқасига ёпишди. Кейин тўполон кўтарди. Иннакейин аламини қўз ёшидан олди. «Бешта боланг кўр қилади» деб қарғади, дўк-пўписага ўтди.

Аммо Обиджон ҳақиқатан ҳам кўр ва қарга айланиб қолганга ўхшарди.

Ўртага одамлар тушди. Уни инсофга чакиришди. «Гулдек хотининг, бешта боланг бор. Қуда-андалик одамсан. Бунақа номаъқул ишларни қўй» деб амри-маъруф қилишди.

Обиджон беш-ўн кун жимгина юрдию, кейин яна аслига қайтди. Зеро, энди уни Шаҳодатнинг қайноқ қучоқларидан, шакар лабларидан ажратиб олувчи кучнинг ўзи йўқ эди.

Қолаверса, Шаҳодат ҳам танлай-танлай, «энди топгани» — ҳам зўри, ҳам зари бор, кетворган йигитдан ажрашни ўлақолса истамас, тўғрироғи қўлдан чиқаргиси келмасди...

Ана ўша кунларнинг бирида улар яна ҳуфёна учрашишди. Йиғилиб қолган анча гапларни очиқ-ойдин гаплашиб олишди. Ва ниҳоят, нима бўлган тақдирда ҳам бир-бирларидан кечмасликка аҳду паймон қилишди. Бунинг исботи сифатида Обиджон шаҳар марказидаги хусусий дўкони ва шахсий жамғармаси эллик минг доллар пулини Шаҳодатнинг номига ҳужжатлаштириб берди.

Шу билан ора очди бўлиб, тинчиб кетишлари мумкин эди. Ўртадан Насиба чиқиб қолди. Қўпдан бери эридан шубҳаланиб, орқадан қузатиб юрган Насиба ахийри эрини «жиноят» дейиладими, «хиёнат»ми, устида ушлади.

Аёл киши ўчакишмасин экан. Икковларини тоза олиб бориб, олиб келди. «Харом» деди. «Фохиша» деди. «Бузук» деди.

Эртасига эри йўғида яна Шаҳодатникига борди. Қўлига пичок олиб, дўқ-пўписа қилди. «Агар эримни тинч қўймасанг, ўзимни ўлдираман» деди.

– Ўлдирсанг, ундан нари, – деди Шаҳодат бепарво оҳангда. – Ана, эпласанг, олиб кет! – деди.

– Сен жодугар унинг бошини айлантириб, иссиқ-совук қилиб олгансан, – деди Насиба алам билан.

– Иссиқ-совукка бало борми? – мазах қилгандек тиржайди Шаҳодат. – Аввал ўзингга бир қара! Шуям фигура, шуям оёқ, сон, кўкрак бўптими? Қайси эр-как сенга қарайди? Сигирдан фаркинг йўқ. Фақат туғишни биласан, холос.

– Лекин сенга ўхшаб ғарлик қилиб, бировнинг эрини йўлдан уриб юрганим йўқ, – қон қақшади Насиба.

– Буниси мени ишим, – деди Шаҳодат бўш келмай. – Мени яланғоч кўрганда эринг экану, любой эркак жинни бўлиб қолади. Алам қилаётган бўлса, бурнингни тишла!..

Ўша куни Насиба юм-юм йиғлаб уйига қайтди. Шаҳодатга ҳам осон бўлмади. Асаблари қақшаб, дардини ичига ютганча қолди...

Ўша кунги гап-сўзлар таъсир қилдими, Обиджон аввал маҳаллада, кейин ишхонасида муҳокама қилишганими, ҳар қалай унинг анча попуғи пасайиб қолди. Шаҳодат билан онда-сонда, шунда ҳам тижорат ишлари билан учрашиб турадиган бўлди.

Шаҳодатнинг дами ичида, аламини кимдан олишини билмай юрган кезлари эди. У Обиджондек мард, танти, пулдор йигитни қўлдан чиқариб қўяётганига сира чидаёлмасди. Боз устига ундан корнида боласи бор эди.

Бир куни Обиджоннинг йўлини тўсиб, «бола туғил-гунча ёнимда бўласиз» деди. Обиджон эса «иложи йўқроқ» дегандек гап қилди. Шунга карамай, Шаходат уни уч-тўрт кун уйда олиб қолди. Бундан ғазабланган Насиба бало-қазодек етиб келди. Обиджон аранг қочиб қутилди. Насиба Шаходатнинг сочларига ёпишди. Тоза юмдалашишди. Ахийри Шаходат уни уйдан хайдаб чиқараркан, «Энди ўзингдан кўр, ал-васти! Шу қилғулигингга Обид акам сенгайм, менга-ям бўлмайди» деб роса шаллакилик қилди...

Орадан кунлар ўтди. Обиджон билан Шаходат яна учрашишди. Шаходат ана шу ерда ўйнашининг анчайин ўзгариб қолганини, ўпишлари ҳам аввалгидек эхтиросли эмаслигини сезгандек, кучоклашлари совуқроқ бўлиб қолганини хис қилгандек бўлди. Боз устига, унинг ўғлини уйлантириш тараддудида юргани ҳақидаги гапи суяк-суягидан ўтиб кетди. Кўзлари тўла ёш, бир амаллаб ўзини босди. Кейин унинг тиззасига ўтириб, бўйнидан кучди, кафтини қўлларига олиб силади, лабларига босди ва туйқус шивирлади: – Майли, сизни бошқа безовта қилмайман, Обид ака...

– Нега бунақа деяпсан, Шаходат? – сўради Обиджон ажабланиб.

– Балки, бошқа кўришмасмиз? – деди Шаходат.

– Кўришамиз, – унинг сўзини бўлди Обиджон.

– Билмадим... Мен Наманганга кетмоқчиман, – деди Шаходат кўзлари ёшланиб. – Бу ерда қийналиб кетдим...

– Кетмайсан.

– Кетаман. Бошқа иложим йўқ, – бош чайқади Шаходат. – Майли, бола-чақангиз билан қўша қаринг. Мен ҳалал бермайман. Эсдаликка мана шу узугингизни берсангиз... сизни эслаб юраман...

Обиджон ўнг қўл бармоғидаги катта бриллиант кўзли узукка қаради.

— Бу жуда қиммат туради, Шаҳодат, — деди аста.

— Мендан ҳамми? — лабларини чўччайтирди Шаҳодат.

— Йўк, унақа демокчимасман, — деди Обиджон. — Керак бўлса, бунақа олмосу бриллиантларни оёғингни тагига тўкиб ташлайман.

— Алдаманг! Битта узугингизни қизғанаяпсизку? — аразлади Шаҳодат тескари караб.

— Бу менга омад келтирадиган узугим, — деди Обиджон.

— Мен сизга ўзимнинг омад келтирадиган узугимни бераман. Айирбош қиламиз! Дубайдан сотиб олганим қимматбаҳо узук.

У шундай деб бармоғидаги узуклардан бирини чиқариб узатди.

— Ғалати экан, — деди Обиджон уни қўлига оларкан ва кулиб юборди, — хотинлар такадиган узук-ку, бу?

— Асл тош, — деди Шаҳодат сирли қилиб. — Сехрли... Кундузи яшил, кечқурунлари қизариб қўринади...

— Қизик, — деди Обиджон бир узукка, бир Шаҳодатга кўз ташлаб.

— Майли, хотинингиз... кундошим такиб юрақолсинлар, — ширин жилмайди Шаҳодат Обиджоннинг кўксига бош қўйиб. — Майлими?

— Сени тилинг ёмон, тилинг! — деди Обиджон уни бағрига босиб.

— Мана шу заҳар тилимдан ўпишингизни истардим, — эҳтиросли шивирлади Шаҳодат.

Обиджон шу кеча охириги марта Шаҳодатнинг уйида қолди. «Минг бир кеча»ларга арзигулик, гўзал бир кеча бўлди у...

Ўша-ўша улар қайта учрашмадилар. Ўша тун улар учун қай бир маънода хайрлашув кечаси бўлди. Шаҳодат эса ўша-ўша кўздан йўқолди.

Орадан кўп ўтмай. Обиджон дачасида движокни ишлатаётиб электр токи уриб ҳалок бўлди. Насиба бешта боласи билан бева қолди.

Ўша мотамсаро кунларнинг бирида Насибанинг уйига кўнгил сўрагани келган дугоналаридан бири, геология-минерология институти ходимаси унинг қўлидаги узукни кўрди-ю, чинқириб юбораёзди:

– Қаердан олдинг буни? «Александрит» тошику, бу! – деди кўркувдан дағ-дағ титраб, – дарров еч! Йўқот, буни! У аёлларга бахтсизлик келтиради. Эрини ўлдиради, бева қилади!..

Насиба хайрон бўлиб бармоғидаги узукни ечиб қўлига олди.

У бир вақтлар Шаҳодат Обиджоннинг қимматбаҳо узугига алмашган, Обиджон эса хотинига берган узук эди.

Бу жажжи узукнинг кўзидаги қон томчисидек қизил нодир тош аёл зотига бахтиқаролик келтириши эса ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаганди...



ТУНДА ЮРГАН УЧ КИШИ...

Хаммаси Бакирдан чикди.

Бинойидек келишганди, бинойидек орқага қайтишмоқчи эди. Шаҳарга бир машинани тўлдириб сабзи-пиёз олиб келишган, «оптом» қилиб яхшигина нарҳда сотишган, бозор айланиб уйидагиларга ул-бул харид қилиб юришганида ҳам бунақа гап йўқ эди. Хаммаси Бакирдан чикди.

— Шаҳарга келиб қолибмиз, бир «ужин» қилиб, бирпас одамлардек дам олиб қайтайлик, мен зўр жойни биламан! — деган таклифни ўртага ташлади у.

Ҳақиқатан ҳам ўлгудек чарчашганди. «Қоп-қоп сабзи-пиёзларни ортиб олиб келиш, тушириб, савдолашиб, талашиб-тортишишнинг ўзи бўладими? Бирпас дам олиб, ҳордик чиқаришса, нимаси ёмон бунини?» деган ҳаёлга бориб розилик билдирмасдан бошқа иложлари қолмади.

Шундан кейин Қурбонбой билан Шухрат ўзининг юк машинасига чиқишди-да, Бакир айтган «зўр жойни» излаб кетишди.

Вакт асрдан ошиб, шомга яқинлашиб қолган эди.

«Бир соатча ўтирамизу, кейин ҳайё-хуйт, йўлга чиқамиз!» деб ўйлашганди. Бўлмади.

Бакирнинг бу ерда битта-яримта кўз таниш жўралари кўп, ҳақиқатан ҳам мақтанганича бор, жой «зўр» экан.

Шундоқкина анҳор ёқасига жойлашган, усти соя-боили, тевараги очиқ ресторан. Вазада гуллар қўйилиб ясатилган оппоқ дастурхонлар тўшалган столлар, ўртада мрамор ховуз ўртасида мўъжазгина сахна, рангин чироклар кўзни оламан деб ёниб-ўчиб туради. Бири-биридан келишган, сертабассум, сермулозамат официантка кизлар елиб-югуриб хизмат қилишади.

Улар кириб боришганда базми жамшид бошла-

ниши учун ё кечроқ, ё эртароқ эканми, хўрандалар сийракроқ эди.

Ресторанга кираверишда тўқима креслода сигарет чекиб, қўл телефонида гаплашиб ўтирган такамўй-ловли йигитлардан бири қўлини кўксига қўйиб қарши олди, кейин кимгадир имо қилганиди, оёқ-қўли чаққон бир йигитча уларни ичкарига бошлади.

Соҳилга яқинроқ, чеккароқдаги столни танлашди. Бакир маҳмадонагарчилик қилиб, нима балолардир деганди, бирпасда дастурхоннинг устини тўлдириб ташлашди. Парракланган қазилар, помидор-бодринглардан тортиб, ананасу бананларгача, номига тил келишмайдиган ичимликлару, жўжа кабобларгача...

Қурбонбой буларни кўриб, «Нима қиляпсан ўзи?» дегандек Бакирга қараганиди, у ўттиз иккита тишини кўрсатиб илжайди: — Дастурхон тузаш биздан, хақини тўлаш сиздан-да, ака!

Кулишишди.

Хақиқатан ҳам, улар орасида ёши улуг'роғи ҳам, туриш-турмушда тажрибага эгароғи ҳам, олди-сотдидан тортиб, ҳисоб-китоб қилиб, тушган бор пулни белига тугиб, «кишлоққа борганда оласанлар» деб, пишиқлик қилган ҳам ана шу — Қурбонбой эди.

— Жуда унақа ошириб юборма! — деди у шунга қарамай хавотирланиброқ.

— Хавотир олманг, Қурбон ака, — деди Шухрат унинг хавотирини сезиб. — Ортиб қолса, қолдирмаймиз. Қайтишда, йўлда еб кетишга оловламиз!

«Ёш бўлсаям, шу бола тузукроқ, эс-хуши жойида», — кўнглидан ўтказди Қурбонбой ва рўпарасида олифтагарчилик қилиб сигарет чекиб, сават креслога ясланиб ўтирган Бакирга қараб қўйди: «Буниси бўлса, нақ шайтон-алайхуллаънанинг ўзи! Хуштак товушига ҳам ип ўтказиб берадиган сортидан!..»

Шундай қилиб, уч фермер, уч тадбиркорнинг шохона зиёфати шу зайлда бошланди. Бакир «Парламент» деган ароқни очар экан, Қурбонбойга кўз ташлаб, одатдаги китмирлигини қилди:

— Биз ичсак, сукингиз кирмайдими, ака?

— Куйдиргингга ичавер, — деди Курбонбой кулимсираб ва жиддий охангда қўшиб қўйди. — Фақат хурмачаларингга сикқунча! Алжираб-валжираб қолсаларинг, ярим йўлда машинадан авдариб тушириб, кетавераман!

— Ана элбурутдан алам қияпти, — хиринглади Бакир. — Бўпти, бўпти, сизнинг тегишингизни қолдирамиз, қишлоққа борганда тортасиз!..

Ана шу ерда Курбонбойнинг машина хайдаб келгани, рулда эканлиги бир култур хам ароқ ичолмаслиги, ўз-ўзига напъа қилиб кетди. Бир кўнгли «юз грамм отиб юборсам, биров билиб ўтирибдими?» деган хаёлга бордию, йўлнинг узоклигини, бир ёқда «қишлоққа кечаси кириб боришини ўйлаб айнади: «Ҳар ҳолда, эҳтиёт бўлган яхши».

Шунга қарамай, биринчи қадах сўзини, жўрабони сифатида ўзи айтишига тўғри келди. Стаканга минерал сув тўлдириб чўкиштирди.

«Ҳамини омадимизни берсин! Худо берардан қисмасин! Экин-тикинларимизнинг баракасини берсин! Уйга, бола-чақаларимиз олдига омон-эсон етиб олайлик!» деб тилак билдирди.

У рост айтди. Чиндан ҳам, бу йилги мавсумда худо уларни берардан қисмаган, экин-тикинлари баракали бўлиб, яхшигина даромад ола бошлаган эдилар. Бу сафар ҳам ёмон бўлмади. Қир этагидаги ўзлари шерикчиликка олган ерга ишлов бериб, ўтган йили картошка экишганди, даромад ёмон бўлмади. Бу йил сабзи-пиёз экишди. Бола-чақалари, ака-укалари бир бўлиб, далада ётиб ишлашди. Ҳосил зўр бўлди. Ярмини жамоа хўжалигига топширишди, ярмини шаҳар бозорига олиб бориб сотишди. Ёнларида жарак-жарак пул, ҳозир шу туришларида мана шу ресторанга кириб-чиқиб турган шаҳарлик олифталарнинг юзтасини арокка бўктириб, бурниларидан булок қилиб чиқаришга қучлари етарди.

Шундай ҳам бўлди. Икки-уч пиёла арок ичилар-ичилмас, официанткалар уларнинг атрофида парвона бўлиб қолишди. Бакир ҳам эшилиб кетди. Оладиган пули Қурбонбойнинг халтасидаю, ҳадеб «мени хисобимдан давай, давай» деб чиранаверди.

Алхол, яна битта арок ичишди. Кейин яна юз-юздан олишди. Тағин ҳам, иккови бақувват йигитлар, бўлмаса, аллақачон чулдираб қолишарди.

Норин буюртиришди, жигар кабоб келди. Қурбонбой бўлса, ўртадаги ноз-неъматларга тикилганича кўк чой хўплаб ўтираркан, беихтиёр хўрсиниб қўйди, негадир ана шу Бакирнинг, Шухратнинг оиласи, ота-онаси, ака-укалари эсига тушди.

Хаммаси жўжабирдек жон. Қишлоқда ахвол мактангулик эмас. Иш йўқ, юрагида ўти, белида қуввати борлари шаҳарма-шаҳар кетворган, ким мардикорлик қилади, ким тижорат билан шуғулланади, ким бозорда арава судрайди. Дала ишлари бўлса, қари-қартанглар, аёллару болаларга қолиб кетган.

Қурбонбойнинг ер олиб, фермерликка ўзини ургани, ёнига бир вақтда автопаркда бирга ишлаган Бакирни ва ҳамсоясининг катта ўғли Шухратни олволиб, экин-тикинга киришгани ҳам шундан эди. Бунақа пайтда, ёрдам берадиганлардан кўра, маслахатчилар кўпайиб кетаркан. Биров «буғдой эк» деди, биров «саримсоқпиёз» деди, яна биров «ковун-тарвуздан яхшиси йўқ» деб ўргатди.

Қисқаси, Қурбонбойнинг анчагача боши котиб юрди. Кейин бундок қараса, сабзи-пиёздан маъкулроғи йўқ. Буғдой, ковун-тарвуз деган нарсалар мавсумий экинлар, сабзи-пиёз эса рўзгорга кунда керак.

Шундай қарорга келдию, иш бошлаши хиёл кийин кечди. Автопаркда иш кўпайиб кетди. Кадрдон «Газ-51» юк машинаси анчадан бери кантариб қўйилган, капитал ремонтда эди. «Тезрок тузаттир, далада машина етишмаяпти» деб туриб олишди. Кечаю кундуз, юз-қўллари қора мойга беланиб, паркда қолиб кета-

диган бўлди. Машина таъмирдан чикди ҳамки, далада ишлар тугаб, у яна керакмас бўлиб қолди. Жаҳли чиққан Қурбонбой шартта меҳнат таътилига чикди. Машинасини хусусийлаштириб олганди, жамоа хўжалиги билан шартнома тузиб, далага кетди. Ёнига Бакир билан Шухратни олволди. Уларга ўзининг укаси, ўғли, Бакирнинг укалари, Шухрат, қўйингчи Қурбонбойнинг хотинию, икки кизчаси, Бакирнинг ёшгина хотини қўшилишди. Қарабсизки, иш катта бўлиб кетди.

Хамма далада. Ким чопиқ қилган, ким суғорган, ким сахарга чой-нон тайёрлаб, ким тушликка қозон осан...

Қискаси, ёмон бўлмади. Мана энди, Қурбонбой анхор ёқасидаги хашаматли ресторанда, поҳона дастурхон ёнида ўтираркан, ўшанда далада ер тимдалаб юрган қизлари, келинлар, болаларнинг офтобда қорайиб ёрилиб кетган қўллари, бармоқларини, уларнинг ерга ёзилган дастурхон ёнида қимтиниб чой, нон, қанд билан нонушта қилиб ўтиришлари ёдига тушди.

«Йўқ, улар бунақа ресторанларни фақат телевизорда, киноларда кўришади, — кўнглидан ўтказди у. — Қани энди, иложини қилсангу, ҳаммасини машинага миндириб олиб келиб, шунақа жойларда меҳмон қилиб, ўйнатиб кетсанг. Даладан, мол-ҳолдан ортишмайди бечоралар...»

Шу пайт мармар ҳовуз ўртасидаги сахна супача тепасидаги чироклар чараклаб ёндию, мусика садолари янгради. Қўшни столдаги ширакайф ёш-яланглар кичкириб, қарсак чалиб юборишди.

Қурбонбой, унинг шериклари ҳам ўша тарафга қарашди. Мармар ҳовуз ичида чайкалаётган сув худди ўт тушган янглиғ ловуллаб турар, сахнага чиққан, таранг елкалари, киндиги, корни очиқ, шокилда-шокилда калта этаги тагидан оппоқ сонлари, келишган оёқларини кўрсатиб, сап-сарик сочларини елкаларига ёйиб ташлаб олган сарвқомат қиз қўлларини силкиб,

бармоқларини ғунча лабларига тегизиб, залдагилар билан саломлашмоқда эди.

— Зўрку-а! — деди Бакир оғзининг таноби қочиб. — Пигурасини қаранг, пигурасини!

— Айнима! — дея жеркиб берди Қурбонбой уни тартибга чакириб.

— Вей!... Бу кўзми, ё пўстакнинг йиртиғими? — кулди Бакир. — Бу кўзларни нимага яратган? Ана шунақа жононларни кўриб лаззатланиш учун эмасми?

— Бўпти, бўпти фақат овозингни чиқармай, жимгина лаззатланиб ўтиравер, — деди Қурбонбой ковоғини солиб.

— Эътиборингиз учун, медисина ҳам буни тасдиқлайди, — деди Бакир ширакайф кўзларини сузиб. — Чиройли нарсаларга қаралса, кўзлар дам оларкан... одамни настроенаси яхши бўларкан... Демак, бунақа чувихалар ҳам, турган-битгани лечения!..

— Бўлди, бошқа ичма, алжираб қоляпсан, — деди Қурбонбой тўнғиллаб. — Кетамиз!

— Қаёққа? — бўйнини чўзди Бакир. — Энг қизик жойи энди бошланаяптику? — кейин овозини пасайтириб, худди сирли бир нарсани айтаётгандек шивирлаб қўйди. — Кўрасизлар, ҳозир шу ойимча кип-яланғоч бўлиб «Чиннури»га раксга тушади...

Буни эшитиб, Шухратнинг оғзи ланг очилиб қолди. Қурбонбойнинг мўйловдек ўсик қошлари чимирилди.

— Нима, яланғоч хотинни кўрмаганмисан? — деди норози оҳангда.

— Йўқ, униси бошқа... буниси бошқа... — кўз қисиб қўйди Бакир. — Уйдагиси ўзимизники, шахсий... Булар... Ум-м!... Момокаймоқ!..

— Бас қил! Ҳали уйланмаган бўйдок йигитни олда шунақа гапларни гапирасанми? жеркиб берди Қурбонбой.

Шухрат уялинкираб ерга қаради.

— Кўрсин, билиб қўйсин, кўзи очилсин, кейин

яхши бўлади — тиржайди Бакир. — Мана, Қаям сартарошнинг ўғли уйланганда, нега никоҳ кечаси мол-хонага кириб ўзини осмокчи бўлган? Эсингиздами?

— Алжирама! — деди Қурбонбой.

— Йўқ, энди, раз гап очилгандан кейин эшитингда! — давом этди Бакир. — Чунки, у ўша кеча келинни эпполмаган... Чунки, яланғоч хотинни биринчи марта кўрган... Нима қилишни билмай, эси чикиб кетган!..

— Тузук, худди тепасида тургандек, хаммасини биларкансан, — кесатди Қурбонбой.

— Биламан-да, оғайним-ку! Кейин ўзи айтиб берган менга... «Бакир, жўра, жуда бўлмаганда ўша сен айтган уятсиз видеокассеталарни бўлсаям кўриб туриш керак экан», деган, — Бакир шундай дея кўрсатгич бармоғини хавода силкиди. — Во, масала қаерда?..

Микрофон китир-китир қилиб, бояги ярим яланғоч қизнинг «Хуш келибсиз, хонимлар ва жаноблар!» — деган сўзлари эшитилди. Хамма ўша тарафга қаради.

— Сизларга яхши кайфият, ёқимли иштаха, маданий ҳордиқ тилаб, камина Зарифабону хизматингиздаман!..

Гулдурос қарсақлар янгради. Унга тарақа-турук мусиқа оҳанглари уланиб кетди.

— Ия, музикачилар йўғу? — ажабланди Шухрат кўзларини пирпиратиб. — Қаерда чалишяпти?

— Бу фонограмма! Қишлоқи! — кулди Бакир билағонлик қилиб. — Ўзи оғзини кимирлатиб туради, уёқдан ашуласини кўйишади.

— Нима, ўзи айтмайдими? — яна сўради Шухрат.

— Айтади. Фақат мусиқа билан овози ёзиб олинган. — Тушунтирди Бакир. — Ҳозир шунақа мода! Телевизордаям, концертлардаям... Қани, эшитайлик!

Шифтнинг аллақаерларига ўрнатилган карнайлардан хонанда қизнинг ёқимли овози кулокка чалинди:

«Кўкрагингни кўкрагимга қўймайсанму,
Лабларимдан бўса олиб, тўймайсанму?!»

— Воҳ-ей, ҳа, жонингдан! — кичкириб юборди кимдир залдан. Унга бошқалар ҳам қўшилишди:

— Ҳа, дў-ўст! Бўйингдан!..

— Ҳа-а, кўзингдан акаси!..

— Қўймайсан!..

— Ўлдирдинг!..

Бунга сари хонанда киз ҳам оппоқ тишларини ялтиратиб, кўкракларини титратиб, авжига чиқди:

«Юрагимга ишқ ўтини ёққан йигит,
Еб қўйгудек, кўзларимга боққан йигит,
Кечалари сира мени ўйлайсанму?!»

— Оҳ, оҳ-ей! — дея бирдан кўкрагини муштлаб кичкириб юборди Бакир.

Шухрат аранг уни елкасидан босиб, ушлаб қолди. Қарашса, ўртага чиқиб, ўйинга тушиб кетишдан ҳам тоймайди.

Одамларнинг шу тарафга қараб қўйишганини сезиб, Қурбонбой ўнғайсизланди:

— Шухрат, акангни бир муздек сувга пишиб келгин, жиян, — деди секин.

Шухрат ҳам худди гапни кутиб тургандек, Бакирнинг қўлтиғига кириб ташқарига олиб чиқиб кетди. Бу орада ярим яланғоч хонанданинг ярим яланғоч ашуласи ҳам тугади. Одатда, ашулачиларга бунақа пайтларда гул тутқазиб, устидан гуллар сочилгувчи эди. Аммо бу ерда, ашулачи кизнинг бошидан гуллар эмас, сон-саноксиз пуллар сочилди... Айримлари гулбарглардек пирпираб ховузга, тўлқинланиб турган сув юзига тушди. Қурбонбой бу манзарани кўриб ханг-манг бўлиб қолди.

Хонанда таъзим қилиб, шокилда-шокилда юбкасини шилдиратиб чиқиб кетди. Сахнада ундан ҳам бешбаттар кийимдаги раққоса киз чиқиб, илондек буралиб арабча рақсни бошлаб юборди.

Қурбонбой бу рақсни телевизорда кўп раққосалар

томонидан ижро этилганини томоша қилгандию, бунақа шармандаликни кўрмаганди.

Раккоса қиз қарийб, яланғоч эди. Сийнабандлар ўрнида ҳам аллақандай, зар тасмага ўхшаган ингичка ялтирок сим тутилган, қорни очик, киндигига исирға қадалган, елкасига, бўлик сонларига қандайдир ажи-бужи суратлар игна билан «татуировка» қилинган... Унинг шарм-хаёсиз қилиқларини, ишва билан кўз қисишларию, лабларининг четини қимтиб ғамза қилишларини кўриб, уялиб кетасан киши.

Қурбонбой энди туриб кетмоқчи эди, қўлтиқлашиб келаётган шерикларини кўриб, жойига ўтирди. Бакирнинг жингалакка мойил сочларидан, бўйни, юзларидан сув юқи сизиб турар, аммо унинг қарашлари анча тийрак, анча ўзига келиб қолганди.

— Бўлди, бошқа ичма, маст бўлиб қоласан, — деди Қурбонбой бош чайкаб.

— Э, йўк, ароқданмас, — деди Бакир тиржайиб, — Анави раққосалардан бошим айланиб кетяпти...

Қурбонбой «бўлди, йиғиштиринглар, кетамиз» демокчи эди, улгуролмади. Қўлида сочиқ кўтарган, кош-кўзлари обдон бўялган, дўмбоққина жувон уларга яқинлашди.

— Мана, башарангизни артиб олинг, йигитларнинг гули! — деди у қийшанглаб. — Ювинаётганингизда берсам, қочдингиз! Қўркманг!

Бакир сочиққа юз-кўзларини артиб, унинг қўлига қайтараркан шартта белидан қучоклаб ўзига тортди.

— Вой, жиннимисиз, нима қияпсиз? — деди жувон унинг қўлидан чиқишга уриниб.

— Асал, асал! — деди Бакир хирс тўла кўзларини ундан узмай. — Битта ўпай!

— Шу ерда-я? — шарақлаб кулиб юборди жувон, — публика олдида-я? Четрокка ўтақолайлик, жуда бўлмай кетаётган бўлса...

Бакир шерикларининг хой-хойлашига қарамай ўрнidan турди.

— Лекин мен ёлғиз эмасман, — деди хириллаб. — Шерикларим ҳам бор... Уч кишимиз...

— Унақада биз ҳам уч киши бўламиз-да, акахон, — деди жувон кулиб.

— Гап йўқ, кетдик! — деди Бакир яна уни қучоқлашга уриниб.

Қурбонбойнинг эсхонаси чиқиб, хой-хойлаганча ўрнидан туриб кетди.

Шухрат икковлари унга эргашиб эшик тарафга юришди. Рўпараларидан уларга хизмат кўрсатган официант аёл чиқиб келиб тўхтатди. Бакир бояги жувон билан, унинг оркасидан Шухрат кўчага чиқиб кетишди. Қурбонбой официант билан пулини қайта-қайта санаб, ҳисоб-китоб қилиб чиққанда, Бакир билан Шухрат яна иккита-учта жувон билан йўл четидаги «Жигули»да тикилишиб ўтиришар, уни қутишарди.

— Кетдик, Қурбонбой ака, — деди Шухрат қўл силкиб. — Оркамиздан юравераркансиз!

«Жигули» ўрнидан кўзғалди. Қурбонбой «хой, қаёққа?» деганча қолаверди. Кейин машинасини миниб, катта кўчага чиққандагина аранг ортларидан етиб олди. «Жигули» тун қўйнига чўма бошлаган неон чирокларининг сутдек нурига чулганган кўчалардан елиб борар, ичидаги маст йигитлару, бегона киз-жувонларнинг мастона кийкириқлари элас-элас қулоқка чалиниб коларди.

Қурбонбой аввалига ҳеч нарсага тушунолмади. Кейин Бакирнинг нияти нима эканлиги, нега олдинда бораётган машинадаги суюқоёқ аёлларга илакишганини англаб етдию, рулни муштлаб инграб юборди: «Ха-а, бекорга бу аблахни автопаркдан бўшатиб юборишмаган, — бўғилиб ўз-ўзига деди у. — Бакир деганлари одам эмас, шайтоннинг ўзи! Дуч келган одамни йўлдан уради!..»

У бир қўнгли машинаси билан уларнинг йўлини тўсиб чикмоқчи бўлдию, шайтонга ҳай берди. «Қани, борайликчи, — дея ўз-ўзини юпатди, — агар айтга-

нимга кўнмаса, хаддидан ошса, ўша ернинг ўзида ора-очди қиламан, башарасига тупураману, этакни силкиб, кетвораман!...»

«Жигули» ва унга эргашган юк машинаси Чилонзордаги аллақайси кўп қаватли уйларнинг орасига кириб тўхтади. Ҳаммалари машиналардан тушишди. Қурбонбой ҳам тишини тишига босиб, шерикларига яқинлашди.

— Қурбонбой ака, бир қошиқ қонимдан кечасиз, — илжайди Бакир. — Шунақа бўлиб қолди... Мана бу ойимчалар бирпас дам олиб кетинглар дейишяпти...

— Қаёққа борасан? Нима иш қилмоқчисан? — деди Қурбонбой зардаси қайнаб.

— Ўзингизни босинг, акахон, — деди Бакир чўчиб. — Одам, дунёга бир марта келади... Бир айш-ишрат қилиб қолайлик!..

— Ўчир овозингни! — қўл силтади Қурбонбой. — Уйга қайтамиз!

— Қайтамиз, қайтамиз, сал шошманг, ака, — ялтоқланди Бакир. — Шу ерда ташлаб кетсак, йигитчиликдан бўлмайди. Буларниям харидори кўп ўзи. Буларни қаранг, бир-биридан чиройли. Марожний, пирожний!..

У шундай деб, ёнида турган, боя ресторанда унга сочик олиб келиб турган дўмбок жувонни кўрсатди. — Танишиб қўйинг, Таняхон!.. Буниси... — у машина ёнида сигарет чекиб турган, сочлари ўғил болаларникидек қалта кесилган, бодомқовоқ қизни кўрсатди. — Неллочка!.. Буниси... — у ёнидаги лўлиларга ўхшаб кетадиган, шахло кўз, ёшгина қизга қаради, — Маржона!.. Кўзларини қаранг буни, кўзларини! Еб қўяман дейди!..

— Майли, билганингни қил! — деди Қурбонбой зардаси қайнаб. — Мен кетаман! Юр, Шухрат!

Оғзини очганча, қизларга анграйиб турган Шухрат истар-истамас Қурбонбойга қаради.

— Йў-ўқ, бунакаси кетмайди, — деди Бакир инг-

раб, — кемага тушганнинг жони бир. Кирмасангиз, машинангизда кутиб ўтира туринг!

— Шухрат ҳам кетади, — деди Қурбонбой унга кулоқ солгиси келмай.

— Ўзингиз жононлар билан кирмаган, нима қиласиз йигитнинг йўлини тўсиб? — деди Бакир товуши қалтираб, — унақада пулни... мени долямни бериб кетинг!...

— Пулларингни отанга, хотинингга олиб бориб бераман, — деди Қурбонбой ўзини босишга уриниб. — Улар уйда, йўл пойлаб ўтиришибди.

Бакир чайкалганча Қурбонбойга яқинлашди.

— Менга қаранг, ака, — деди овозини пасайтириб. — Ўша хотинимга шимилдирик ҳам тегмайди... Уни менга зўрлаб олиб беришган. Унга қўнглим йўқ, эчкига ўхшайди...

— Сен эса эш-шаксан! — деди Қурбонбой овозини баландлатиб. У шундай деди-ю, машинаси тарафга юрди.

Бакир қизлар билан чуғурлашганча қолди. Кейин ҳаммаси рўпарадаги кўп каватли уй томонга кетишди.

Қурбонбойнинг миясига гул этиб қон урилди. «Вей, аҳмоқларей, нима қилишмоқчи ўзи? — деди муштларини қисиб. — Энди буёғи нима бўлади?... Ё, мен ҳам индамай, ўша бузук жувонларга эргашиб, ўша исловатхонага киришим керакмиди?!

Қурбонбой шу тобда бояги ўн олти, ўн етти ёшлардаги бодомқовоқ қизча билан, кўзлари катта-катта Маржона деганини эслаб, беихтиёр ўзининг қизларини, Бакирнинг хомиладор хотинини кўз олдига келтирди.

— Вой, ифлосларей! Вой, ювуқсиэларей! — деди у энди баралла сўқиниб, — нахотки, мени ҳам қизчаларим тенгги келадиган ўша фоҳишалар билан айш-ишрат қилади деб ўйлашди?»

У устма-уст сигарет тутатганча, оғир хаёлларга

ботиб, канча ўтирганини билмайди. Бир маҳал машина эшигини кимдир тақиллатгандек бўлди. Қаради. Очди. Қараса, ёшгина милиционер йигит экан.

— Қурбон ака сизмисиз? — деди у чеккасига бармоқ учларини тегизиб.

— Нима гап? Тинчликми? — деди кандайдир кўнгилсизликни сезган Қурбонбой машинадан тушаркан.

— Бакир Йўлдошев билан Шухрат Юсупов...сизнинг шерикларингизми? — сўради яна милиционер.

— Ҳа... Нима бўлди? — яна сўради Қурбонбой юраги така-пука бўлиб.

— Ахвол чатоқ, ака,— деди милиционер уф тортиб. — Улар қўлга тушишди.

— Нега? Қаерда?

— Шу «дом»да Татьяна деган қўшмачи, фоҳиша аёл туради, — тушунтирди милиционер. — Пулдор эркакларни бошлаб келиб, ёш-ёш кизлар билан таъминлаб юради... Шерикларингиз ҳам унинг қармоғига илинишибди... Айтмоқчи, сиз ўзингиз нимага бормадингиз?

— Нега боришим! керак? — деди Қурбонбой довдираб, — кап-катта одам уят бўлади...

— Ҳали ёшсиз шекилли? — кулимсиради милиционер. — Ёшингиз нечада?

— Бир кам 40 даман...— деди Қурбонали.

— Ҳали қирчиллама йигит экансиз...

— Мен бунақа фаҳш йўлга юрмаганман, — деди Қурбонбой хижолатли оҳангда, — худо асрасин, иннакейин...

— Нима, иннайкейин? — ялт этиб қаради милиционер.

— Иннайкейин... уларни орасидаги ёш бир кизчани кўриб, қишлоқдаги кизларим эсимга тушди... Йў-ўк, — бош чайқади у. — Бу гуноҳи — азим!

— А, шуни биларкансиз, нега йўлдан қайтармадингиз? — деди милиционер кулиб. — Биз ўша қўш-

мачи хотинни анчадан бери йўлини пойлаб юргандик, «хаётда бунақа иш билан шуғулланмаганман, тухмат кияпсанлар» деб юрганди, қўлга тушди. Хайрият, хали ўша исловатхонага кириб улгуришмаган экан...

— Кўйворасизларми, уларни? — илтижо килди Қурбонбой. — Худо хайрингизни берсин, камандир! Иштароф бўлса пулини тўлаймиз!

— Гап пулдас, ака, — бош чайкади милиционер. — Энди сизга бир гап, мен шерикларингиздан шунақа, шунақа воқеа бўлди, шунақа қилиб бу ерга келиб қолдик деган мазмунда тилхат олдим... — шундай деб нимадир узатди, — мана бу паспортларини олиб кўйинг. Иложи бўлса, бугун-эрта берманг... Яхшилаб бир ўйлаб кўришсин. Тавба-тазарру қилишгандан кейин берасиз.

— Барака топинг, ука, — деди Қурбонбой томоғига нимадир тикилиб.

— Сизни бояги гапингиз менга таъсир килди, ака, — деди милиционер. — Ўша кизчаларни кўриб, кишлок, уйим, кизларим кўз олдимга келди дедингиз... Канийди, ҳамма эркалар ҳам шундай ўйлашса... Хўп, хайр. Яхши етиб олинглар. Бояги гап, гап! Агар зарур бўлиб қолсам, фамилиям Шарипов. Шу кварталнинг участкавойман!..

Милиционер йигит кетди.

Қўп ўтмай, ўша тарафдан оёқларини оғир судраб келаётган Бакир билан Шухрат кўринди. Қурбонбой индамай машинасини ўт олди.

— Қўлга тушиб қолдик... Хали «дом»нинг ичига ҳам кирмагандик, — деди Бакир алам билан. — Ушлаб олишди... Тилхат ёздиришди...

— Энг ёмони, паспортимизни олиб кўйишди, — йиғламсиради Шухрат бурнини тортиб.

— Чаток бўпти, — деди Қурбонбой, йўлдан кўз узмай машинасини бошқариб бораркан. — Энди нима қилмоқчисизлар?

— Хайронман? — деди Бакир елкасини ки-
сиб. — Пул ваъда қилсак ҳам бермади. Сизни ай-
тувдик, индамадими?

Қурбонбой унга бир қараб қўйди-ю, газни бос-
ди.

— «Паспортларини ўзим кишлоғларингга олиб
бориб қўлингизга бераман... Унгача яхшилаб ўйлаб
қўришсин» деб айтди, — деди Қурбонбой шерикла-
рига қўз кирини ташлаб.

Шериклари жим, иккови ҳам изтиробда, ўз хаёл-
лари билан банд эди. Шаҳарга тун чўккан. Бутун
борлик уйкуда. Фақат осмон тўла юлдузлар, сукутга
чўмган кўчалардан бораётган ана шу бесар ва безов-
та уч кишигина бедор эдилар, холос...

ЧАЁН ҚОНУНИ

Сотимхон бу хабарни эшитиб эси оғиб колаёзди.

Аввалига кулоқларига ишонмади. Кейин «тушим» деб ўйлади. Иннайкейин, буларнинг ҳаммаси ўнгида эканлигини, бу ходисанинг бутун даҳшатини кўз олдига келтириб, англаб етдию, довдираб, кўзлари ола-була бўлиб кетди.

Бир кўнгли милицияга кўнғирок қилмоқчи бўлдию, гўшакни қўлида тутган кўйи айнади. Милициядагилар «Хўш! Шунча пулни каердан олгансиз? Яна ҳаммаси долларлар экан» деб қолишларидан чўчиди. Унда шу пайтгача қилган бутун тоат-ибодати бир пул бўлишини ички бир туйғу билан ҳис қилди.

Бир кўнгли, «муттаҳам (ё муттаҳамлар) сўраган минг долларни тинчгина бериб юбора қолай, қизим бешикаст, соғ-саломат бағримга кела қолсин» дедию ўзининг кўзига ўзи қўрқок ва ношуд кўриниб кетди, шунча пулни нега, кимга, нима учун бериб юборишини ўйлаб аламдан бўғилди, жони бўғзига келгудек бўлди.

«Нега энди, индамасдан, қандайдир карокчи-ўғриларга ҳеч бир айби-гуноҳи йўқ қизчаси учун минг доллар пулни бериб юборишим керак? Ким ўзи улар? Нега энди, бир чеккада индамай аравасини тортиб юрган бир тадбиркорнинг 8 яшар қизчасини ўғирлаб, уни қайтариб беришлари эвазига минг доллар пулни қуртдек санаб бериш керак? Бу пулларни топиш учун озмунча югуриб-елганманми?..»

Қисқаси, Сотимхоннинг боши котиб қолди.

Аллақандай, ўғри-муттаҳамлар уйида ҳеч ким йўқлигида ҳаммаёқни остин-устун қилиб нималарнидир қидиришган ва ўша пайтда эшикдан мактабдан қайтаётган қизчаси кириб келиб қолгану, уларнинг қўлига тушган ва уни оғзини ёпиб, балки қўл-оёқларини

боғлаб кўтариб олиб чиқиб кетишган. Кечаси билан тоза кидир-кидир бўлди. Қизининг дараги чиқмади.

Факат вақт ярим кечадан ошгандан кейингина қандайдир бегона йигит телефон килиб, хирқирок товушда «Қизларинг бизнинг қўлимизда, гаровда. Агар эрталабки соат бешгача минг доллар берсанглар, у қайтарилади. Акс холда...» деди.

«Нима акс холда? ... Ўлдиришадими? — тутакиб ўрнидан туриб кетди Сотимхон. — Нега? Нима учун? Хўп, майли, лекин улар мендан шунча микдорда доллар борлигини қаёқдан била қолишдийкин? Қизик! Худо ҳақки, тушуниб бўлмайди сира!..»

Шу кеча Сотимхоннинг уйида умуман тинчлик бўлмади. Ҳали милициядан келишган, ҳали қўни-қўшни, қариндош-уруғ йиғилишган. Ҳамма ваҳимада, ҳамма хавотирда. Ҳамманинг кўзида бир хил савол: «Бу сени нима бўларкин? Гаровга олинган Дурдонанинг холи нима кечаркин? Бечора кизалокни қутқариб қолишни иложи бўлармикан? Нега бунча пайсалга солишяпти? Нимани ўйлашяпти улар? Тезроқ ҳаракат қилишмайдими?!..»

Аслида, жиноят қидирувчилару Сотимхоннинг ҳам бошлари қотган, бутун фикру хаёллари шунда эди.

Лейтенант Собитов жабрланувчи билан суҳбатлашиб ўтираркан, эксперт Фуломов қўшни хоналар, ховли ва жиноят содир бўлган жойларини яна бир кўздан кечиргани чиқиб кетди.

— Демак, босқинчилар кирган пайтда уйингизда ҳеч ким бўлмаган. Шунаками? — яна сўради лейтенант Собитов.

— Ҳа, мен ишда эдим. Бугун Россиядан мол келганди. Ишим кўпайиб кетди, — деди Сотимхон кўзларини бир нуқтага тикканча ўтираркан.

— Янгам-чи? У кишиям ишдамидилар? — сўради яна лейтенант. — Ўзларининг айтишларича, пешиндан кейин уйдан чиқиб кетган эканлар.

— У марказдаги «Гўзаллик салони»да кассир бўлиб ишлайди. Инкассаторлар келиб олиб кетгунча,

кассага тушган пулларни ҳисоб-китоб қилиб тайёрлаб туриши керак. Шунга кетган...

— Ўғлингизни Армияда деб эшитдим шекилли?

— Ҳа, каттаси Армияда. Сурхондарёда хизмат қилади. Ўртанчаси ишда бўлган. «Автосервис»да ишлайди. Қизим мактабдан қайтган... Биласиз...

— Бу ёғидан хабарим бор, — деди лейтенант Собитов, — ўғрилар қизингиз мактабдан қайтишидан сал олдин уйингизга киришган. Кейин унга хужум қилишган...

— Демак, жиноятчилар ана шу пайтни олдиндан яхши билишган, — деган товуш эшитилди эшик тарафдан ва эксперт Умаров кўринди.

— Бу ... нима деганингиз? — норози қиёфада унга қаради Сотимхон.

— Уйингизга ўғриликка тушганлар, қизингизни гаровга олиб кетган ва уни қайтариб бериш эвазига минг доллар сўраётган жиноятчилар уйингизда қай пайтда ҳеч ким бўлмаслиги ва қизчангиз қачон мактабдан қайтишини яхши билишган.

Сотимхон «бўлиши мумкин, ҳайронман» дея елка қисиб кўйди.

— Уйингизда бирон нима йўқолган ё ўғриланганини сездингизми? — деди Умаров уларнинг ёнига келиб ўтираркан.

— Ҳа, — бош ирғади Сотимхон, — машинанинг иккита яп-янги балони йўқ. «Нексия»ники эди. Ўшаларни олиб кетишибди. Кейин яна айрим майда-чуйдалар...

— Қанака майда-чуйда? — сўради лейтенант Собитов қизиқсиниб.

— Кумуш қошиқ-вилкалар... Тагин, иккита ароқ..., — деди Сотимхон истар-истамас оҳангда.

— Демак, чакана ўғрилар эмас, — деди эксперт Умаров ўйланиб, — ҳарҳолда алюмин қошиқ-вилкалар билан, кумушни фарқига боришган. Ароқни ҳам шу ерда ичишмаган, ўзлари билан олиб кетишган...

— Вакт ўтиб борапти, — соатига қараб ўрнидан

турди лейтенант Собитов, — нима қиламиз? Бу ёни ўзингизга боғлиқ бўлиб қолди, Сотимхон ака!

— Нимаси менга боғлиқ? — кифтини учириб қўйди Сотимхон. — Чақиртирдик. Марҳамат, шуғулланинглар. Ўғриларни тутиш, сизларни касбингиз. Менга қизим керак...

— Улар ярим кечада телефон қилиб, шартларига рози бўлган-бўлмаганингизни ва пулни қаерга олиб боришни бизга эмас, сизга айтишади, — деди Умаров ўзини босишга уриниб. — Ўйлаб кўринг!

— Ўйлаб кўрсам, кўрмасам, минг долларни қаердан оламан? — мингирлади Сотимхон қовоғини солиб.

— Қизингиз керак бўлса, топасиз, — Умаров унга синовчан тикилиб тураркан ва совуққина қилиб қўшиб қўйди. — Уйингизда долларларингиз борки, сўрашган... Бўлмаса, ўзимизни сўмда сўраган бўлишарди.

— Менда бунақа пул йўқ! — деди яна Сотимхон асабийлашиб.

— Қўйсангизчи, бойвачча! — деди Умаров энди истехзоли кулимсираб. — Меҳмонхонангиздаги уч юз килоли биллур қандилнинг ўзи ўн минг доллар туради-ку! Ҳовлингиздаги бассейну фонтанларни, уйингиз тўла қўша-қўша қимматбаҳо мебеллару гиламларни айтмай қўя қолай!

— Тузук! — деди Сотимхон алам билан. — Бошқаларнинг нимаси бор, нимаси йўқлигини, бой ё камбағаллигини яхши аниқларкансизлар?

— Наилож, касбимиз шунақа, — деди Умаров энсаси қотаётганини яширмай. — Шунинг учун, бўладиган ишни қилишингизни маслаҳат берамиз.

— Қанақа иш? — тушунмади Сотимхон.

— Уларга бериладиган минг долларни топасизми ё ўзимиз ҳаракат қилайликми?

— Битта-яримтадан қарз олиб туришимиз мумкин, — деди Сотимхон бўшашиб. — Агар шу билан қизим уларнинг қўлидан қутилса...

— Бу ёғи кўпроқ ўзингизга боғлиқ, — деди лейтенант Собитов эшик тарафга юраркан ва остонада тўхтади. — Уч соатлардан кейин яна кўришамиз!

Сотимхон худди қопконга тушгандек бўлиб қолди.

Чунки, уйдаги бор нарсаларни полнинг тагидаги махсус жойга яширган. Буни хотиниям, ўғлиям билмайди. Энди, ноилоҳ, жондан азият кизалоғи учун ўша ерни киши билмас очиб, минг доллар олиб туришга тўғри келади...

Сотимхон секин ҳовлига чиқди. Сўрида қўшни хотинлар билан ҳасратлашиб ўтирган, йиғидан юз-кўзлари қизарган хотинини кўриб қошларини чимирди:

— Ботирдан дарак борми?

Хотини «йўқ» дегандек бош чайкади.

«Падар лаънати, одам бўлмайди, бу бола! — ичида сўқинди Сотимхон. — На ўқишга, на ишга бўйни ёр беради. Яхши бир танишининг дўконига ишга олиб кириб қўйганди. Ичволиб, ҳаммаёқни расво қилди. Кейин шу билан овунар деб, янгигина «Матиз»нинг қалитини берди. Кўчада уриб келди. Таниш-билишларни ишга солиб, «Автосервис»га олиб кириб қўйди. Бир ойдан бери ўша ерда ивирсиб юрибди. Ўлгудек бетайин, аҳмоқ бола чиқди. Уйимда нима гап, демайди? Синглимни ўғирлаб, гаровга олишган. Унинг учун пул сўрашяпти, отангни уйи қуйиб турибди-ку, баччагар!...»

Сотимхон аламдан додлаб юборай дедию, аранг ўзини тийди. Жиғибийрони чикиб, у ёқ-бу ёққа юрди. Кейин сигарет тутатиб, тешани қўлига олдида, асабий ҳаракатлар билан ичкарига кириб кетаркан, яна хотини тарафга ўқрайиб қаради, кейин «Ўғлинг келса, ҳеч қачонки чикиб кетмасин, менга учрасин» деб ичкарига кириб кетди. Ичкаридан эшикни қулфлаб олганини эса ҳеч ким сезмай қолди...

Мўлжалдаги операция амалга ошди.

Қизчасини гаровга олган муттаҳамлар билан Сотимхон учрашадиган объект аниқланди. Бойвачча минг долларни олиб, ўзининг машинасида «Халқа йўл» тарафга чиқадиган бўлди. Вақти эса тунги соат тўртга белгиланди.

Вазият янада таранглашди. Хамманинг ҳаловати бузилди. Бу ёқда Сотимхоннинг уйида, у ёқда жиноят-кидирув бўлимида...

Кечаси билан уйда тинчлик бўлмади. Сотимхоннинг асаблари қақшаб кетди. Хотини билан ҳам бир неча марта гижиллашиб олди.

Аксига олиб, ўғли ҳам кела қолмади. Қаёқларда ивирсиб юради, хайрон. Пул зарур бўлиб қолса, айланиб-ўргулади. Бошқа маҳалда қорасини кўрсатмайди. Ўғил деган зот шунақа, бошига кўргулик тушган бир пайтда ота-онасининг ёнида бўлсайкан!..

Ниҳоят, тунги соат учларда иккита машинада йўлга чиқишди. Олдинда, Сотимхоннинг яп-янги «Нексия»си. Орқада лейтенант Собитов, эксперт Умаров ва бир неча милиционерлар ўтирган эскигина «РАФ»...

Улар шаҳардан «халқа йўл»га чиқиладиган чоррахада ажралиб, икки тарафга қараб кетишди...

Хаммаси кўз очиб юмгунча содир бўлди.

Сотимхон машинасини келишилган жойда тўхта-тиб кутиб турди, кейин йўл четидаги экинзор яқинига ўрнатилган чайла тарафга ўтиб, у ерда ўзини кутаётган нотаниш одамга қўлидаги пул солинган елим халтани узатди. Шундан кейингина бетон ариқ ортидан бошқа бир йигит қизчасини етаклаб олиб келди. Сотимхон қизчасининг оғзига скоч ёпиштириб қўйилганини кўриб дод деб юбораёзди. Аранг

ёпишқок лентани кўчириб оларкан, кизчасининг дағ-дағ қалтираётганини кўриб, беихтиёр кўзларига ёш қуйилиб келди. Кейин кизини шартта кўтариб, «Менман, қизим, кўркма, кўркма» деганча, ҳиқиллаб машинаси тарафга шошилди...

Тонг оқаринкираб қолган эди...

Сотимхон уйига етиб келиб, кизини хотинига топширса ҳамки, сира ўзини босолмас, асабийлашиб у ёқдан-бу ёққа юрар, устма-уст сигарет чекар, ўзини қаёққа уришни билмай қолганди.

У кизчасини бағрига босганча сўрида тебраниб ўтирган хотинига яқинлашиб, яна ўғлини сўрамоқчи бўлиб энди оғиз жуфтлаганди ҳамки, эшикдан кириб келаётган бир неча милиционерларни кўриб қотдиқолди.

Милиционерлар эшикдан қўлига кишан солиб олиб кириб келган учта йигитнинг бири, ўзининг ўғли Ботиржон эди...

— Сиз жинойтни уюштирган ўзимнинг ўғлим эканлигини қаёқдан билдингиз? — сўради Сотимхон товуши қалтираб.

— Биринчидан, жинойтчиларнинг уйингизни бунчалар яхши билиши, хатто янги машина балонларию, арокларгача қаерда эканлигини қийналмай аниқ топганлари мени ажаблантирди, — деди эксперт Умаров креслога чўкканча ўтираркан. — Иккинчидан, улар айнан уйда ҳеч ким йўқ пайтида келган эдилар. Учинчидан, улар сизда катта миқдорда пул, доллар борлигини аниқ билишган...

Умаров ўрнидан туриб хонада у ёқдан-бу ёққа юраркан, Сотимхоннинг тепасига келиб тўхтади.

— Иннайкейин, бойвачча, мен кеча ховлингизни айланиб чиққанимда, хожатхонада ерда сочилиб ёт-

ган шиша синикларига кўзим тушди. Улар шприц парчалари эди...

Ўтирганлар ялт этиб у тарафга қарашди.

— Ха, ха, кимдир ўша ерда томирига «наркотика» юбормокчи бўлгану, шошиб қолганми, тушириб синдириб қўйган... Демак, бу ерда гап гиёҳвандликка бориб такалаяпти. Ана ўша наркоманларга «дори» учун бўлса керак, пул зарур бўлиб қолган.

— Менинг ўғлим наркоман эмас, — деди сўрида пикиллаганча ўтирган аёл кескин оҳангда.

— Тўғри. Лекин у шу нарсанинг олди-соттиси билан шуғулланган, — деди Умаров катъий оҳангда. — Ўзи чекмаган, томирига укол қилмагану, лекин бошқаларга катта пул эвазига етказиб бериб юрган. Бу сафар у «дори» учун пул олган, лекин нимаям бўлиб ишлатиб қўйган. Шунинг учун ё «дори»ни топиб бориши, ё ўша пулни қайтариб бериши керак эди. Шунинг учун, синглим кеча пешинда сиздан пул сўраган. Сиз эса йўқ дегансиз. Ўғлингиз пул қидириб уйнинг тит-питини чиқариб юборган. Лекин сиз бу ҳақда на эрингизга, на милицияга мик этмагансиз...

Аёл рўмолининг учини тишлаган кўйи бошини эгди.

— Сабаб, сиз ўғлингизни аягансиз. Кейин унинг кайфи борлигидан чўчигансиз. Ўғлингиз эса пул тополмагач, «Бир соатдан кейин келаман, топиб қўйинг» деб чиқиб кетган. Сиз эса ишга эмас, кўчага қочиб чиқиб кетгансиз. Эрингизни «сизни ишда эди» деган кўрсатмаси ҳам ёлғон. Ўғлингиз ҳам аллақачон «Автосервис»дан бўшаган. Буни сизлар билгансизлар, лекин буни ҳам яширишга, ёлғон кўрсатмалар билан чалғитишга урингансизлар. Шундан кейин, ўғлингиз бошқача йўл тутишга мажбур бўлган. Яъни, уйга ўзи эмас, балки шерикларни юборган. Улар бўлса, уйни титиб, қўлларига илинган нарсаларни олиб, шу билан бирга эрингиздан мўмайгина пул ундириш учун қизчангизни гаровга олиб чиқиб кетишган. Сиз! — яна

аёлга якинлашди Умаров. — Сиз, буни сезгансиз. Лекин шунда ҳам ўғлингизни кутқариб қолиш учунми, аябми, очигини айтмагансиз!

— Шунақами? — деди Сотимхон бўзариб.

Аёл унга жавобан хўнграб йиғлаб юборди.

— Минг лаънат ҳаммангга! — бўқирди Сотимхон, — бунақа уйга ўт тушсин!

Ўртага таранг бир сукунат чўкди. Хамма жим. Хеч ким бир-бировининг кўзига қарай олмас, каттаю кичик бу нокулай вазиятдан қандай кутилишни билмаётгандек туюларди.

Боятдан бери қўллари кишанланган холда милиционерлар куршовида турган Сотимхоннинг ўғли бўйнини чўзиб Умаров тарафга қаради:

— Сиз-чи, отахон! — деди тилла тишларини ялтиратиб, — бунақа «прогноз»ларингизни бошқа жойга бориб айтасиз! Хўпми?.. Оғзим бор экан деб тухмат қилаверманг! Мен адвокат талаб қиламан. Қонун бор...

— Албатта, қонун бор, — уни тасдиқлади лейтенант Собитов, — сен кекирдагингни чўзсанг, чўзма-санг, ҳаммаси қонуний ҳал қилинади.

— Ана ўша сен билган қонунда, — деди Умаров киноя билан, — ўз уйига ўғрилиққа тушган, ўз синглизини гаровга олиб, отасидан пул талаб қилган, наркоманларнинг хожатини чиқариб «бизнес» қилиб юрган сендақа кимсаларга ҳам жазо кўзда тутилган!

— Бу билан мени қўрқитолмайсиз, — деди Сотимхоннинг ўғли чийиллаб. — Мен адвокат талаб қиламан!

— Албатта, адвокат бўлади! — деди Умаров қулимсираб. — Прокурор ҳам бўлади, терговчи ҳам, гувоҳлару бу жиноий ишнинг бошқа иштирокчилари ҳам. Ҳаммаси бўлади...

— Бизга рухсатми? — сўради милиция сержанти Умаровга юзланиб.

— Олиб чиқаверинглар! — деди лейтенант Собитов Фуломовнинг жавобини кутиб ўтирмасдан.

Қўлга олинганлар ва милиционерлар ташқарига чиқа бошладилар.

— Чаён боласи оч қолса ё кутириб кетса, атрофдагиларга хужум қиларкан, — деди Умаров афсус билан бош чайқаб. — Онасими, бошқасими, фарқи йўқ буни...

— Охирида ўзига ўзи ниш уради, шунақами? — сўради унга ёнма-ён бораётган сержант Қорабоев.

— Ҳа, бу чаёнларга хос, ёзилмаган қонун, — жahl билан қўл силтади Умаров ва остонада тўхтаб ҳовли тарафга қаради-да, деди: — Сизлар билан бўлса, эртага кўришамиз бойвачча! Уйда бўлинглар, кўнғирок қилишади!

«ЧИТТАК» ОВИ

Буниси, ўтаётган йилнинг иккинчи чорагидаги иккинчи шунақа ходиса эди.

Айнан ўхшаш, яъни, шакли ҳам мазмуни ҳам қарийб бир хил эди. Бу сафар ҳам, шаҳардаги энг машхур «автосервислар»дан бири – «Тулпор» устахонасига ўғри тушган, худди аввалгиси каби автомобилларнинг энг қиммат, энг камёб эҳтиёт қисмларидан анча-мунчаси ўмариб кетилганди.

Қизиги шундаки, ўғриларнинг на бирон изи бор, на белгиси. Худди машиналар таъмирланадиган устахонага кўринмас одам ёхуд Фантомас киргану, бафуржа ишини бажариб, бемалол чиқиб кетгандек...

Ўтган галги шунақа талончилик майор Гиниятуллин деган тепса-тебранмас, бокибеғам бир одамнинг гурухига топширилган, улар то кидирувни бошлашгунча Қўйлик йўлидаги ўша устахонага ўт қўйиб, ёндириб юборилган ва ҳамма ғафлатда қолганди.

Шу боисдан ҳам, бу сафар капитан Саидов ишга жиддийроқ киришди. Топшириқ берилган соатдан гурух аъзоларини тўрт тарафга, белгиланган объектларга жўнатди. Кўп ўтмай, биринчи маълумотлар қўлга етиб киритила бошлади. Афсуски, уларнинг аксарияти, умумий гаплар, шунчаки, далил-исботсиз гумонлару тахминлардан иборат эди, холос.

Капитан Саидовнинг кўнгил хижиллиги ҳам шундан эди. Айниқса, лейтенант Собитов баён қилган маълумотлар ҳаммани ўйлантириб қўйди.

Унинг таъкидлашича, ўғирлик содир этилган, «Тулпор» деб номланган ўша «Автосервис»да ўндан ортиқ, катта-кичик хизмат турлари кўрсатилиб, янги қурилган, хайхотдек фиштин бинога жойлашган, бир неча устахоналарга ажратилган ва ўртадаги узун йўлак уларнинг ҳаммасини боғлаб тураркан.

Ўғирлик асосан двигатель, созлаш ва мотор таъ-

мирланадиган устахоналарда амалга оширилган. У ерда олти киши ишлайди. Жиноят-кидирув гуруҳи ходимлари уларнинг ҳаммаси билан учрашган, танишган. Аммо бу уринишлар масалага ҳеч қандай ойдинлик киритолмаган. Бундан келиб чиқадики, устахона хизматчиларидан шубҳаланишга асос йўқ.

Айтайлик, ўша куни устахонага Василий Иванович деган, «Чапаев» лақабли ўрис чол коровуллик қилган. Унинг айтишича, кеч соат олти яримда иш тугагач, ҳамма уй-уйига тарқалган. Шахсан ўзи устахона дарвозасини қулфлаган. Эрталаб соат еттида бориб, яна ўзи очган.

«Бошқа бирон кишида ҳам калитлар бўлиши мумкинми?» деган саволга «Йўқ, темир дарвоза учта қулф билан бекитилади. Калитлари фақат менда ва директорда бор. Доим ёнимда, чўнтагимда эди» деб жавоб берган.

Шунга қарамай, устахонадаги бир неча кизикқон йигитлар Василий Ивановични ўласи қилиб уришган. Хозир касалхонада...

Ичкиликка муккасидан кетган бу мўйсафид ўша кунлари мутлақо хушёр бўлган. Жигар касаллиги хуруж қилиб қолгани учун маълум вақт парҳезда юрган. Бунини хотини ҳам, «Автосервис» хўжайини Отахонов ҳам тасдиқлайди.

Отахонов жуда дарғазаб эди. Сабаб, автомашиналарнинг устахонадан ўғирланган камёб қисмларининг нархи бир неча миллион сўмни ташкил этаркан.

Унинг фикрича, ўша топилиши қийин бўлган айрим эҳтиёт қисмлар яширинча чиқарилиб, сотиб юборилиши ҳам мумкин экан. Бу ишлар билан ҳозир сержант Қорабоев шуғулланмоқда...

Эксперт-криминалист Умаров эса «Автосервис» ипидан игнасиғача текширилгани, аммо бирон из топилмагани ҳақида маълумот бераркан, ўғриларнинг эртаси куни сахарлаб коровул «Чапаев»нинг устахона цехларини супуриб чиккани хато бўлганига эътиборини қаратди.

Яна унинг айтишича, ўша ўтган икки кун ичида устахона йигирмага яқин автомобилларга хизмат кўрсатган. Уларнинг орасида кўшни вилоятларга қаршли машиналар ҳам бўлган. Устахона цехларида эса ўша кеча тузатилаётган, таъмирланаётган олтита машина қолдирилган. Улар иккита «Жигули», битта «Волга», битта «Тико», яна шалағи чиққан «Нива» ва эҳтиёт қисмларга ажратиб қўйилган, эски русумли «Москвич»дан иборат бўлган.

Эрталаб соат саккизларда битта «Жигули», «Волга» ва «Тико» тайёр ҳолда эгаларига топширилган ва устахона ҳудудидан чиқариб юборилган.

Машина эҳтиёт қисмларини ўғирлаш билан боғлиқ бу иш анчайин мураккаб ва кенг қамровли эканлигини, вақтни қўлдан бой бермаслик кераклигини бутун гуруҳ хис қилиб турарди.

Шунга қармай, капитан Саидов шошилмади, тушдан кейин яна учрашишларини эълон қилиб ҳаммага рухсат берди.

Хонада у билан Умаровгина қолишди холос.

– Хўш, Шерлок Холмс, – деди Умаров қўлларини орқага қилганча хонада у ёқдан-бу ёққа юраркан, Саидовга елкаси оша қараб қўйиб. – Ишни нимадан бошлаймиз?

– Иш бошланиб бўлган, Бурҳон ака, – деди капитан Саидов хорғиң товушда. – Уни қанақа қилиб тугатамиз десангиз тўғрироқ бўларди.

Умаров унга яқинлашди, бир лаҳза лабларини қимтиганча номаълум бир нуқтага тикилиб қолди ва қафтларини бир-бирига ишкаб, сирли оҳангда деди:

– Агар хўп десангиз, менда бир таклиф бор...

Малла сочлари очик елкалари узра ёйилган, қадди-қомати келишган, қора кўзойнакли хоним қаймоқранг «Ауди» машинасини йўл четида тўхтатиб,

ўзи худди олов устида ялангоёқ юргандек, ерга сачраган қорамой ва кўлмакчаларни хатлаб-хатлаб ўтиб «Автосервис» тарафга юрди.

Юз, кўллари қорамойга беланган йигитлар осмондан тушгандек пайдо бўлган бу дилбар аёлга кизиксиниб қараб-қараб қўйишди.

Аёл усталардан бири билан сўрашиб, унга нималардир деди, у бўлса бошқа устани кўрсатди, униси елка қисиб қўйиб устахона тарафга бошлади.

Устахона одатдаги тарақа-турук, вағиллаган товушларга, усталарнинг бакирик-чакирикларию, чанг-тўзонга тўлган эди.

Бояги уста аёлни шу ердаги йигитчалардан бири олдига бошлаб келди. Йигитча эса аёлга бошдан-оёқ синовчан кўз югуртиб ташқарига бошлади. Улар суви қуриб қолган цемент ховуз четидаги мажнунтол тагида тўхташди.

– Шу бугун жуда зарурми? – деди йигитча сигарет тутатиб.

– Жуда зарур, – деди аёл ҳам лабига сигарет кистириб.

Йигитча чакконлик билан гугурт чўпини ёндириб, унга олов тутди. Аёл сигаретини тутатиб оларкан, «Мерси!» деб бош ирғаб қўйди-да, яна йигитга қаради: – бугун кечқурун Самарқандга кетишимиз керак. Бу аҳволда ярим йўлга ҳам етолмасак керак...

Аёл шундай деб йўл четидаги машинасига имо қилди.

Йигитча кўлидаги сигаретни ташлаб, машина тарафга юрди, олд капотини очди, у ёқ-бу ёғига қараган бўлди. Кейин рулга ўтириб моторни ёқди, ўчирди. Нарирокка хайдаб, айлантириб яна олиб келди-да, машинадан тушиб бош чайқади:

– Тушунмадим, – деди елка қисиб-очиб кўриш керак. Балки, сиз айтганингиздек, тормоздадир?.. Олдиндан бир нима дейиш қийин, – у шундай деб яна сигарет тутатди. – Бизда тормоз цилиндрлари бор. Лекин сизни машинангизга тушмайди. Кейин,

сизникининг поршень штоги синган ё дарз кетган бўлиши ҳам мумкин...

– Нима қилиш мумкин? – унга қаради аёл.

– Кейин моторни ўт олиши ҳам кийин бўляпти, униям текшириш керак, – деди йигитча. – Хозирча амаллаб юриб турса бўлади. Хафтанинг охирига бир хабар олсангиз, эҳтиёт қисмларни топиб қўяман. Ўрнатиб, алмаштириб бераман.

– Илтимос, мен шошаётгандим, – деди аёл ва овозини пасайтириб деди, – харажатидан хавотир олманг. Қанча десангиз, тўлайман!

Уста ўйланиб қолди ва бош чайқади:

– Йўқ хозир иложи йўқ, яхши киз. Жуда ишим кўп. Кўряпсизку, мижозлар тикилиб ётибди. Агар ўша эҳтиёт қисм ўзимда бўлса экан, шартта алмаштириб берсам... Буям анча вақтни оладиган иш.

– Ўзим олиб келсам, – деди аёл, – ўша қуриб кетгурни топса бўладими?

– Бизда йўғу, топиш мумкин. Анқонинг уруғи эмас, – деди йигит ва аёлга синовчан кўз ташлади. – Факат, қимматрокка тушади.

– Бу ёғидан хавотир олманг, истасангиз сўмда, истасангиз «кўки»да тўлайман, – деди аёл жилмайиб.

Уста елка учириб қўйди-да, ичкарига кириб кетди ва зум ўтмай кўкимтир халат кийган, мўйловлари сабза ура бошлаган йигитчани бошлаб чиқди.

– Мана шу бола сизга топиб беради. Исмо Собит, – деди уста. – Олиб келсангиз, кечқурун ўрнатиб бераман.

Аёл унга ташаккур билдириб, Собит деб таништирилган йигитча билан машинага чиқди. Машина ўрнидан кўзгалди.

– Машинангиз чиройли экан, – хавас билан у ёқ-бу ёғига қараб қўйди у.

– Ўзим-чи? – жилмайди аёл.

– Ўзингизга гап йўқ! – илжайди йигитча оғзининг таноби кочиб.

— Мол эгасига ўхшайди, демокчисиз-да, — деди аёл ва афсуслангандек қўшиб қўйди, — қуриб кетгур шу чиройли машинанинг штогими, поршеними, нима балоси кетганмиш!

Йигитча кулди.

— Хеч қаёққа кетмайди, янга, — деди хушчак-чаклик билан. — Сизни машинангизга ўхшаган «иномарка»ларники топилиши кийинрок-да! Лекин, «Читтак» ернинг тагидан бўлсаям топади. Соккасини тўласангиз бўлди.

— У ёғи бежавотир, — деди аёл йўлдан кўз узмай бораркан ва сўради, — ким ўзи у «Читтак» деганингиз? Уям устами?

— О, унга етари йўк! Усталарнинг фаранги у! — деди йигитча. — Усиз устахоналарда иш тўхтаб қолади.

— Барака топинг, шунақа килинглар!

— Ишқилиб, жойида бўлса бас, — деди йигитча, — униям ўйнашлари, мижозлари кўп.

— Тушунарли, — бош ирғаб қўйди аёл.

Машина «Халқа йўл»ни кесиб ўтиб, икки тарафи экинзор йўл тарафга бораркан, йигитча аёлга қаради:

— Моторингизни овози менга ёкмаяпти, — деди қўли билан имо қилиб. — Унгаям бир нима бўлганга ўхшайди. Тезликни оширмай, шунақа юрганингиз маъқул. Ростдан ҳам шток кетган кўринади. Аккумуляторния кўриш керак...

Сержант Қорабоев иккита мелиса йигит билан тушдан кейин етиб келди.

— Уч кун овора бўлдик, — деди хафсаласи пир бўлганини яширмай, ўғирланган эҳтиёт қисмлар «Машина бозори»дан чикмади.

— Биронтаси-я? — хайрон бўлди капитан Саидов.

— Йўк, — бош чайқади сержант, — ишончли одамлар синчиклаб қараб чиқишди. На цилиндр, на муфта,

на анави «Жигули»дан ечиб олинган колонкали магнитофон, на олд фаралар, на фильтр...хеч вако йўк!

— Капитан Саидов ўйланиб қолди ва сўради: — Лейтенант Собитов аниқлаган маълумотлар бўйича кизиқиб кўрдингларми?

— Ха, — деди боядан бери жимгина ўтирган йўгон мўйловли ДАН ходими, — устахонадан эрталаб тузатиб чиқариб юборилган «Тико» билан «Жигули»ни аниқладик. Икковиям қўшни вилоятга қарашли экан. Шубҳали хеч нарса чиқмади. «Волга» эса ҳозирча топилмади. Двигатели созлаш учун кечкурун устахонада қолдирилган экан... Ҳамма постларга хабар қилинди. Ҳозирча дарағи йўк. Лекин топилади деб ўйлайман...

— Агар у ҳам аллақачон эҳтиёт қисмларга ажратиб ташланмаган бўлса? — лўкма ташлади Умаров уларга тикилганча ўтираркан.

— Бурҳон Умарович, сиз умуман ўша куни устахонада бўлган автомобиллар ҳақида қандай фикрда-сиз? — сўради яна ДАН ходими. — Уларни ана шу ўғирликка алоқаси бормикан ўзи?

— Буни олдиндан айтиш қийин, сержант, — деди Умаров ўйланиб, — менимча машиналарни эмас, биринчи навбатда йўқолган, айтайлик ўғирланган ўша эҳтиёт автоқисмларни топиш керак. У ёғи шунга боғлиқ!..

Ҳамма тарқалди. Хонада капитан Саидов билан Умаров қолишди.

— Бурҳон ака, нега кечаги ғалати фикрингизни айтмадингиз? — хайрон бўлиб қаради капитан Саидов.

Умаров бошини сарак-сарак қилиб кулимсиради:

— Йўқ, капитан. Бизнинг соҳамизда тахминларга асосланиб бўлмайди. Ўша, мен сизга айтган тахминим эса минг бир эҳтимолдан бири холос. Тўғри чиқмай қолса, ҳаммани чалғитиши мумкин. Шунинг учун индамадим. Яна ким билади дейсиз?!.

Умаров шундай дея, «кечирасиз, қўнғироқлашади-ган ерларим бор эди» деди-да, хонадан чиқиб кетди.

Капитан Саидов унинг орқасидан хаёлга чўмганча қараб қолди...

Нотаниш аёл бошқараётган «Ауди» икки чети каллакланган тут каторли экинзорлардан иборат йўлдан ўтиб бораркан, машина ичида мусиқа садо-си янграгандек бўлди. Йигитча кизиксиниб атрофга қараб қўйди

Аёл унга ёқимли жилмайиб, сумкачасидан жажжигина қўл телефонини олиб қулоғига тутди:

– Эшитаман? – деди овозини баландлатиб. – Ха-а, сенмисан Боря? Яхши. Жиннимисан? Қаёкка борардим? Ана шу машинанинг ташвиши билан юрибман-да! Мен сенга неча маротаба айтгандим. Билиб-билмай машинани кавлаганинг учун мана энди, моторни ўт олиши ҳам қийин бўляпти. Тормоз у ёқда қолиб, энди бунисиям чикди...

Аёл шундай деб ёнидаги йигитчага хижолатомуз қараб қўйди, – билмадим, аллақайси эҳтиёт қисмини алмаштириш керак дейишди... Энди билмадим жоним, ўзингга кара! Майли, Самарқандга самолётдами, поезддами кетаверамиз. Лекин барибир машинани тузатиш керакми? Кел, қўй, бошимни котирма! Ха, hozир «Халқа йўл» тарафдаман. Ёнимдами, – аёл ёнидаги йигитчага шўх нигоҳ ташлади, – бир йигит бор. Ха-а, кетворган йигит! Хархолда сен мункиллаган чолдан ёшроқ! Бўпти, кейин гаплашамиз. Ўзим қўнғироқ қиламан! Чао!..

Йигитча бу гўзал ва ёқимтой жувоннинг ўзини «кетворган йигит» деган мактовидан талтайиб ўриндикка ясланганча сўради:

– Эрингизми?

– Ха «Қаёқда юрибсан?» дейди, – жилмайди аёл. – Катта холангникида, демокчийдим, олдингизда айтолмадим. Нима, мен ўйнаб юрибман-ми?

Йигитчага аёлнинг гапи нашъа қилдими, ё унинг шаддодлиги, чўрткесарлиги ёқдими, мириқиб кулди.

Аёл ҳам унга қўшилиб куларкан, киши билмас, хамроҳига кўз кирини ташлаб қўйди.

Унинг хавотирланганича бор эди. Чунки, шу лах-заларда бу — «бойвачча хоним» ролини ўйнаётган аёл лейтенант Жанна Микеладзегга эксперт Фуломов кўнғирок қилган, ундан «нима билан бандлиги, қерда эканлигини» сўраганди.

Жанна «шунака, шунака, эҳтиёт қисмларнинг изига тушгандекман, фалон-пистон жойдаман» дейиши мумкин эди, лекин буни очик айтолмади. Фақат унинг қиска ва лўнда, ҳазиломуз сўзларидан «эҳтиёт қисмларни кидириш билан бандлиги, шу топда ёнида бегона одам билан, балки шу масалага алоқадор йигитча билан «Халқа йўл» тарафда бораётганига ишора қилганди холос.

Турган гап, йигитча буни сезмади, эътибор ҳам бермади. Жаннага эса айнан шу керак эди...

Унинг хавотири бошқа нарсадан, боя «Автосервис» ховлисида машинани кавлаштираётганда Жанна яшириқча аккумулятор ёнига жойлаштириб қўйган ва моторнинг ўт олишига ҳалал бераётган симни кўриб қолишидан эди. Хайрият, у буни ҳам сезмади...

Айни шу соатларда уларнинг ортидан қорнига «ТуманГАЗ» деб ёзилган таъмирловчи-автолавка машинаси шошилмай эргашиб бормокда эди.

Ҳайдовчининг ёнида газ тузатувчи уста киёфасидаги лейтенант Собитов бошлиқ бир неча милиционерлар машина ичида шай бўлиб ўтирганидан эса хатто Жаннанинг ўзи ҳам беҳабар эди.

Буни ошкор қилиб бўлмасди. Сабаб — ҳаммаси табиий ва ишончли чиқиши керак эди...

Жанна хайдаб бораётган машина ўйдим-чуқурлардан ўтаётиб, ичида алланима тақиллагандай бўлдию, мотор ўчди. Аёл билан йигитча бир-бирларига қараб қўйдилар.

— Етиб келдик, шекилли? — деди аёл кулимсираб ва машинадан тушди. — Куриб кетсин, жонга тегди!

— Хеч қиси йўк, бу ёғи яқин қолди, — деди йигитча ҳам тушиб, — сиз ўтириб туринг, мен ўзим бориб кела коламан. Хув анави дарахтзор томондаги темир дарвоза... Айтинг, айтинг, шундан-шунга овора бўлиб келганимизда «Читтак» шу ерда бўлсин-да!

— «Читтак» бирон жойга учиб кетмагандир? — жилмайди Жанна.

— Билиб бўладими, сестра, — деди йигитча, — у «Читтак», Одам эмас!

Кулишишди. Йигитча шоша-пиша ўзи кўрсатган дарахтзор тарафга кетди.

Жанна машина капотини очиб, ичига энгашди, кейин йўлда пилдираб бораётган йигитча томонга тезгина қараб олиб, машина ичини кавлаштириб, қандайдир бир қарич келадиган йўғон симни суғуриб олиб четга улоқтирди. Яна рулга ўтирди. Моторни ўт олдирди. Ҳаммаси рисоладагидек, машина эгарланган отдек тайёр турарди.

«Куриб кетсин, — мийиғида кулимсиради Жанна, — атайин машинанинг ичига сим ё темир суқиб қўйиб, ҳар қандай машинани бузиб қўйиш мумкин». Шундан кейин у машинасини аста жилдириб йўл четига олди, қайтиш йўлига тўғрилаб қўйди. Эшикни очиб тушди ва ўзи ҳам йигитча кетган тарафга йўналди.

Йигитча айтган темир дарвоза занг босган, эски, бир тарафга қийшайиб қолган бўлиб, чангалзордек ўсиб ётган чирмовуқлар, малинаю-наъматаклар орасида ташқаридан қараган кишига кўзга ташланиши ҳам қийин эди.

Жанна оёк учида секин ўша тарафга ўтаркан, ичкаридан қулоғига чалинган гап-сўзларни эшитиб қотиб қолди.

— Қип-қизил аҳмоқ бола экансан, — деди қандайдир дўриллаган овоз, — нега «клиент»ни бу ерга бошлаб келасан, галварс?

Бояги йигитча бўлса керак, унга жавобан, «бошлаб

келмадим, у анча нарида колди» дегандек минғирлаб кўйганди, бояги овоз дўриллаб яна сўкинди:

– Билиб кўй, агар бирон ишқал чиқса, терингни шилиб оламан!..

Шундан кейин овозлар тинди. Улар ховлининг ичкарисига ўтишди шекилли, кадам товушлари ҳам узоклашди.

Жанна шоша-пиша четан деворлар ёкалаб юрди, йўл-йўлакай симтўрлар орасидан ичкарига мўралади.

Ховли қарийб қаровсиз, ташландиқ ахволда экани кўриниб турарди. Ичкаридаги дарахтлар чангалзор мисоли чигал бўлиб ўсиб кетган, ховлининг у ер-бу ерида бир гала товуқлар қакалаб юришар, ховли ўртадаги бахайбат дарахт тут бўлса керак, унинг тепаси қушларнинг чуғур-чуғурига тўлган эди.

Туйқус, Жаннанинг кўзлари уйчанинг орқа тарафидаги устига ёпилган целофанлар йиғиштириб қўйилган теплицага кўзи тушди-ю, ғалати бўлиб кетди. У иссиқхонада гул, ё помидор-бодринг ўстирилса, деган хаёлда эди, аммо унинг ичида турфа машиналарнинг сонсиз-саноксиз эҳтиёт қисмлари уюлиб ётганини кўриб қотиб қолди. Секин орқасига қайтмоқчи эди, ховли этагидаги дарахтлар орасида бир чети кўзга ташланиб турган «Волга» машинасини кўрди, унинг устига ранги ўчиб кетаёзган чодир ташлаб қўйилган, аммо хаворанг тусли бир каноти кўриниб қолганди. Жанна «ана халос» деб юборишига сал қолди ва чўнтагидан жажжи фотоаппаратини олиб уни суратга туширмоқчи эди, бояги дўриллаган овознинг «Чит-та-ак!» деган қичқирғини эшитиб, сергакланди. Яна ўзини панага олиб кузатувда давом этди.

Ертўланинг пастаккина эшиги очилиб, дилипутлардек ихчам жуссали, суяклари бузук ўспирин чикиб келди. Унинг юз-қўллари қора мойга беланган, афтидан ертўлада қандайдир устахона жойлашган ва у нима биландир банд эди.

– Кетаяпман, – деди у йўл-йўлакай норози оҳангда.

У иссиқхонага кираверишда боя Жаннани бошлаб келган йигитча билан сўрашди, кейин «Шу ахволда, молларни бозорга чиқаролмай ўтирибмиз. Қайси кун бозорга «разведка»га чиққандим. «Хит»лар ўралашиб юрганини кўриб қайтиб кела қолдим» дедими, ё Жаннанинг қулоғига шунақа эшитилдими, хайтовур, «эксперт Умаровнинг тахминлари тўғри чикяпти» хаёлидан ўтказдию, эҳтиёткорлик билан орқасига бурилди. Машинасига чикиб ўтирди.

Эҳтиёт шарт сумкачасидаги ихчамгина тўппончасини ушлаб қўйди, кейин қўл телефонини олиб, рақамларни терди. Симнинг у тарафидан чўзик гудок товуш эшитилди.

– Ўртоқ капитан, мен Микеладземан, – деди у шошилиб. – Назаримда тўғри келаётганга ўхшаймиз. «Читтак» ҳам, хаворанг «Волга» ҳам шу ерда... «Халқа йўли»дан ўтгач, дала ёқалаб бораётганда чапдан иккинчи кўча...

У шундай дея, ортикча фармойишларни ҳам кутиб ўтирмай, телефонни ўчирди, машинасини хайдаб орқага қайтди. Катта йўлга чикиб олгачгина тезликни оширди.

Кўп ўтмай йўлда шу тарафга келаётган, ёнига «ТуманГАЗ» деб ёзиб қўйилган автолавка-машина унинг йўлини тўсиб чиқди. Жанна машинасини аранг четга олишга улгурди. Тўппончасига ёпишди. Машиналар тўхтади.

“ТуманГАЗ” машинасидан сакраб тушган коржома кийиб олган лейтенант Собитовни кўриб, чуқур уф тортиб, ўриндиқ суянчигига суянди. Негадир йиғлагиси келиб кетди шу топда...

Бу ёғи жуда тезлашиб кетди. Қидирилаётган жиноятчилар ҳеч нимага улгуролмай қолишди. Хаммаси ўз жойида қўлга олинди.

Жанна борган ховли ҳақиқатан ҳам ўша автоэх-

тиёт қисмлар ўғриларининг макони бўлиб, у қўрган ертўла махсус устахона вазифасини ўтар, у ерда ўғирлаб келтирилган эҳтиёт қисмлар – моторми, карбюраторми, бошқами, нима бўлишидан қатъи назар, қайта ишловдан чиқарилар, яъни қисмлари алмаштирилиб, давлат рақамлари ўчирилар ё қайтадан ёзилар, шундан кейин сотувга чиқариларкан.

“Читтак” лақабли ўғри аввалига қочишга, ихчамгина, қўлбола мотоциклда чиқиб кетишга уринди. Чиқиб кетди ҳам. Аммо узоққа боролмади. Уни «халка йўл»да шай турган милиционерлар қўлга олишди.

Боя ичкарида дўриллаб, сўкиниб юрган басавлат киши шу «омбор» хўжайини экан. Унга нисбатан милиционер йигитлар айрим кураш усулларини қўллашга мажбур бўлдилар.

Жаннани ўша ерга бошлаб борган йигитча – Собит эса ҳайрон, нима бўлганини сира тушунолмасди. Афтидан ўзи машинасида чақчақлашиб келган «бойвачча хоним»нинг сигарет чекканча милиционерлар даврасида турганидан хангу-манг бўлиб қолганди...

– Мен шундай бўлиб чиқишини сезгандим, – деди эксперт Умаров хушнуд қиёфада хонада у ёқдан-бу ёққа юраркан.

– Яна тахминларга ишониб бўлмайди, дейсиз? – ҳазиломуз кулимсираб қўйди капитан Саидов.

– Йўқ, – бош чайқади Умаров, – бировни айблаш осон иш эмас. Бизнинг соҳада инкор этиб бўлмайдиган далиллар керак.

– Бор эди-ку? – лукма ташлади лейтенант Собитов.

– Тўғри, лекин ҳар қандай далил-исбот талаб қилади, – деди Умаров. – Менинг тахминимга келсак...У шунчаки хаёлимга келган бир нарса эди, холос. Лекин биз тахминларга эмас ҳақиқатга асосланиб иш юритишимиз талаб қилинади.

– Қизик, «Читтак»нинг эҳтиёт қисмларни ўғирла-

ганини қандай сездингиз? – сўради сержант Корабев. – Сиз уни кўрмаган, билмаган эдингиз-ку?

– Ана шуниси кизик-да, – илжайди Умаров. – Бир-икки кун ўша «Автосервис»да атрофида айланиб юрдим. Хабаринглар бор. Бир куни ўша ердан қайтаётиб, йўлда бир «Жигули» машинасининг юкхонасига бахайбат бир итни жойлашаётганини кўриб тўхтаб қолдим.... Машина кетди. Ва мени хаёлимга ғалати фикр келди. Бу ҳақда капитанга айтиб бергандим... У пайтда «Читтак» овига чиқишимиз етти ухлаб тушимга ҳам кирмаганди...

Хамма жим. Сийраклашган сочлари шу соҳада оқарган бу кекса изкуварга хайрон қараб ўтиришарди.

– Шундай қилиб, ўйлаб қолдим, – давом этди Умаров. – Нега энди машина юкхонасига эшакдек итни жойлаш мумкину, ихчамрок одамни солиб, олинг масалан, «Автосервис»да қолдириш мумкин эмас? Яна денг, юкхонаси кенгина, каттагина «Волга» машинасида... Ва худди ўйлаганимдек бўлиб чиқди. «Читтак» лақабли пакана йигитча автосервисда атайлаб, гўё моторни созлаш учун бир неча кунга қолдирилган машина юкхонасига кириб олган ва ўша кеча ҳаммаёқ тинчигач, юкхонадан чиқиб, туфлиси тагига латта ўраб қўл фонари билан ишга киришган. Эҳтиёткорлигига эътибор беринглар! – хитоб қилди Умаров кўрсатгич бармоғини тепага никтаб. – Чунки, у бунақа «ов»га биринчи марта чиқиши эмас. Шундан кейин эрталабгача бемалол бошқа қолдирилган машиналару, устахонадаги қиммат ва қамбў эҳтиёт қисмларни машина юкхонасига жойлаган, ўзи тонг отишни қутган. Эрталаб «автосервис» дарвозаси очилгач, бошқаларга аралашиб кетган ва машинасини ҳайдаб чиқиб кетган. Турган гап, бу ерда ўша устахонада ишлайдиган қимларнингдир ҳам озми-кўпми қўли бор. Буниси кейин маълум бўлади. Сезяпсизларми, бир қараганда, оддийгина ходиса, шундай эмасми? Лекин бунинг учун ҳам «махорат» керак. Ўғриларга хос айёрлик, чакқонлик ва эҳтиёткорлик!..

У шундай дея Жаннанинг ёнига келиб тўхтади.

– Бу операцияда энг кизиги Жаннахон билан телефон орқали суҳбатимиз бўлди дейиш мумкин.

– Қўйсангизчи Бурхон Умарович, – кизаринди Жанна қўл силкиб.

– Йўқ, нега? – илжайди Умаров. – Менга жуда ёқди. Нима дедингиз ўшанда? «Сенмисан, Боря?», «Жиннимисан?», «Ке қуй, бошимни котирма», «Ёнимда кетворган бир йигит бор. Хархолда сен мункиллаган чолдан ёшроқ»... Шунақами, Жанна?

– Мени кечиринг, Бурхон Умарович, – деди Жанна кафтлари билан юзини тўсиб. – Бошқа иложим йўқ эди.

– Тўғри, – уни маъқуллади капитан Саидов, – бу хизматчилик. Лекин сизларга бир нарсани маълум қилиб қўйишим керак.

Хамма капитан тарафга қаради.

– Очигини айтиш керак, бу операциянинг том маънодаги қаҳрамонлари икки киши – эксперт криминалист Умаров ва кичик лейтенант Жанна Микеладзе бўлдилар, – давом этди капитан. – Улар ишлаб чиққан лойиҳа муваффақиятли амалга оширилди. Бошқарма маъмурияти сизларга алоҳида таппаккур эълон қилишни менга топширди. Қолган гапларни, бошқармада эшитамиз.

– Мукофот-пукофот беришармикан? – Умаровнинг шипшиб қўйгани эшитилди.

– Қанақа мукофот? – қизиксинди капитан Саидов.

– Масалан, уч-тўрт кунга Самаркандга туристик путёвка! – айёрона кўз қисиб қўйди Умаров ва Жаннага имо қилди. – Жанна билан бир айланиб келармидик!..

Хамма гур кулиб юборди.

– Нимаси ёмон? Яхши таклиф, – деди лейтенант Собитов. – Бутун гуруҳимиз билан айланиб келсак бўлади.

– Сизларни билмадиму, мен Жаннахон билан «Ауди»да бораман, – деди Умаров ва тегажаклик қи-

либ кўшиб кўйди. — Агар мункиллаб қолган «Боря» билан кетишга уялмаса?

Жанна унга яқинлашиб бўйнидан кучди-да, икки бетидан ўпиб кўйди.

— Ана мукофоту, мана мукофот! — деб юборди Умаров. — Бўлди, шахсан менга бошқа нарса керакмас...

Шу топда, худди меҳрибон ота-бола янглиғ бир-бирларига меҳр билан боқиб турган кекса изқувар ва унинг шогирдининг шу хаяжонли лаҳзаларини сурагга туширгилик эди. Аммо ҳозир бу нарса негадир ҳеч кимнинг хаёлига келмасди...

МУНДАРИЖА

Қиссалар

«Ажал хиёбони»	4
«Брассика» операциясининг сири	36
Тўхтаб қолган соат	70
Қопконтеварагидаги ракс	106
Бекинмачок	132
Тақдири азал	164
Қатортол томонларда	211

Хикоялар

Қоронғу хонадаги қора мушук	238
Гаров	259
«Чапа»нинг сирли ўлими	269
«Жиян»	280
Девордаги из	294
Атлас кўйлакли йигит	306
Ахлат кутисидаги мурда	314
Узук кўзидаги тилсим	334
Тунда юрган учкиши	343
Чаён қонуни	358
«Читтак» ови	369

ЭРКИН УСМОНОВ

АЖАЛ ХИЁБНИ

*(Саргузашт-детектив
қиссалар ва ҳикоялар)*

**«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2008**

**Мухаррир *Рустам Бойтўра*
Бадий муҳаррир *Музаффар Аъламов*
Рассом *Дилмурод Иргашев*
Техник муҳаррир *Раъно Бобохонова*
Саҳифаловчи *Диана Габдрахманова*
Мусахҳихлар *Нодира Охунжонова, Шарофат Хуррамова***

Босишга рухсат этилди 6.05.2008. Бичими 84x108 1/32.
«Петербург», гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи
20,16. Нашриёт-хисоб табоғи 17,61. Адади 3000 нусха.
Буюртма № 4456. Баҳоси келишилган нархда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси босмахонаси,
100083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.**